

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**“ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
ИЛМИЙ АСОСЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ” ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
МАРКАЗИ**



ИҚТИСОДИЙ ТРАНСФОРМАЦИЯ НАЗАРИЯЛАРИ

*Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
ҳузуридаги Мувофиқлаштирувчи Кенгаш томонидан барча Иқтисодий
таълим йўналишида таҳсил олаётган талабалар учун ўқув қўлланма
сифатида тавсия этилган.*

ТОШКЕНТ – 2019

УДК: 330.1 (07)

Иқтисодий трансформация назариялари. Т.: LESSON PRESS 2019-йил. – 294 бет.

Иқтисодий трансформация назариялари. Ўқув қўлланма. Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий тадқиқот маркази кенгашида муҳокама қилинган ва чоп этишга тавсия қилинган. Ўқув қўлланма ОТ-Ф1-022-рақамли “Иқтисодиётни барқарор ривожланишини таъминловчи ички имкониятларни аниқлаш ва захираларни сафарбар қилишнинг илмий-методик асослари” мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳанинг “Фан ва таълим интеграция”си доирасида ишлаб чиқилган.

Ушбу ўқув қўлланмада бозор иқтисодиётига ўтишдаги махсус даврнинг мазмуни, асосий белгилари ва амал қилиш қонуниятлари баён этилган. Трансформациялашув даврининг умумназарий қоидаларини очиб бериш билан бир қаторда, уларнинг Ўзбекистон иқтисодиётида амалда намоён бўлиш хусусиятлари кўриб чиқилган. Мазкур ўқув қўлланма Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида ёзилган. Шунингдек, унинг илмий ва амалий жиҳатдан мукамаллик даражасини ошириш мақсадида қўплаб монографиялар, диссертация ва авторефератлар, жумладан, Қ.Қ.Мамбетжанов томонидан ёзилган докторлик диссертацияси (Doctor of Science)нинг барча илмий янгиликлари, хулоса ва амалий таклифларидан фойдаланилган. Ўқув қўлланма 5230100 – Иқтисодиёт (иқтисодиёт назарияси) йўналишида тахсил олаётган талабалар учун мўлжалланган.

В данном учебном пособии изложены основные типы и закономерности функционирования переходного периода к рыночной экономике. Раскрыты общетеоретические принципы трансформационного периода и проанализированы особенности их практического проявления в экономике Узбекистана. Данное учебное пособие подготовлено с учетом требований Национальной программы по подготовке кадров. В целях повышения научного и практического значения учебного пособия широко использованы материалы научных монографий, диссертаций и авторефератов, в том числе, все научные новизны, теоретико-методологические и практические рекомендации, предложенные в докторской диссертации (Doctor of Science) К.К. Мамбетжанова. Учебное пособие предназначено для студентов направления образования бакалавриата 5230100 – Экономика (Экономическая теория).

This textbook outlines the content, main features and patterns of the functioning of the transition period to a market economy. The general theoretical principles of the transformation period are revealed and the features of their practical manifestation in the economy of Uzbekistan are analyzed. This training manual is prepared taking into account the requirements of the National Program for Training. In order to improve the scientific and practical value of the manual, the materials of scientific monographs, dissertations and author's abstracts are widely used, including all scientific novelties, theoretical, methodological and practical recommendations proposed in the doctor's thesis by K.K. Mambetjanov. The study guide is intended for students in the direction of undergraduate education 5230100 – Economics (Economic theory).

Муаллифлар:

Д.Қ.Аҳмедов, Г.Э.Заҳидов, Б.Д.Ҳажиев, Қ.Қ.Мамбетжанов.

Масъул муҳаррир:

И.И.Искандеров – академик, и.ф.д., проф.

Такризчилар:

А.В.Вахабов - и.ф.д., проф.

Т.Т.Жўраев - и.ф.д., проф.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	12
1-боб. ИҚТИСОДИЙ ТРАНСФОРМАЦИЯ НАЗАРИЯЛАРИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ	14
1.1. Кишилик жамияти тараққиётининг амал қилиши ва ривожланишини белгиловчи асосий омиллар.....	14
1.2. Иқтисодий трансформация назариялари фанининг предмети, вазифаси ва билиш усуллари	22
1.3. Жамият тараққиёти босқичларини белгилаш концепцияси ва мезонлари.....	25
2-боб. ИҚТИСОДИЙ ТРАНСФОРМАЦИЯНИНГ АСОСИЙ БЕЛГИЛАРИ ВА ТУРЛАРИ	37
2.1. Трансформациялашув жараёнларининг мазмуни ва асосий белгилари.....	37
2.2. Иқтисодий трансформациялашув жараёнларининг миқёси ва тавсифи жиҳатидан турлари.....	40
2.3. Иқтисодий трансформациянинг амал қилиш қонуниятлари.....	43
3-боб. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШНИНГ ТУРЛИ ЗАМОНАВИЙ МОДЕЛЛАРИ	51
1-§. Бозор иқтисодиётининг мазмуни, амал қилиш қонуниятлари ва Ўзбекистонда унга ўтишнинг объектив зарурлиги.....	51
2-§. Иқтисодий тараққиётнинг турли хил концепция ва моделлари.....	55
3-§. Трансформациялашув жараёнларида мамлакат иқтисодиётининг ишлаб чиқариш таркиби ва унинг ўсиш суръатлари.....	65
4-боб. МАЪМУРИЙ-БУЙРУҚБОЗЛИК ИҚТИСОДИЁТИДАН БОШҚАРИЛАДИГАН БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ	79
4.1. Маъмурий-буйруқбозлик тизимининг иқтисодий мазмуни ва амал қилиш механизми.....	79
4.2. Иқтисодий ислохотлар - бозор муносабатларига ўтишдаги муҳим	

тадбир сифатида.....	84
4.3. Маъмурий-буйруқбозлик тизимининг асосий унсурларини бартараф этиш йўллари.....	93
5-боб. БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИГА ЎТИШНИНГ ЎЗБЕК МОДЕЛИ. КОНЦЕПЦИЯ ВА СТРАТЕГИЯ.....	101
5.1. Ислохотлар стратегияси ва концепциясини танлаш. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг мазмуни.....	101
5.2. Умумий стратегия доирасида аниқ стратегик мақсадлар. Ислох қилишнинг янги босқичида бош стратегик мақсаднинг сақлаб қолиниши	105
5.3. Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтишнинг махсус концепцияси ва асосий тамойиллари.....	123
6-боб. КЎП УКЛАДЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ. ЯНГИ МУЛКЧИЛИК ШАКЛЛАРИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ.....	132
6.1. Кўп укладли иқтисодиёт ва унинг таркиби.....	132
6.2. Кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш йўллари.....	134
7-боб. ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИДА ИҚТИСОДИЁТНИ ТАРТИБГА СОЛИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ	146
7.1. Кейнсчилик ва неоконсерватив концепциялар нуқтаи-назаридан иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиниши.....	146
7.2. Иқтисодиётни бошқаришнинг бозор ва давлат механизмлар.....	151
7.3. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг асосий йўналишлари.....	160
8-боб. ИҚТИСОДИЙ ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНИДА ЮЗАГА КЕЛАДИГАН МАКРОИҚТИСОДИЙ МУАММОЛАР.....	167
8.1. Макроиқтисодиётнинг моҳияти ва ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг кўп қирралиги.....	167
8.2. ЯИМни ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш орқали макроиқтисодий муаммоларни таҳлил қилиш.....	172

8.3. Иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг асосий йўналишлари	191
8.4. Ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш. Хусусийлаштириш, таркибий ўзгаришлар жараёнида хорижий инвестицияларнинг ўрни ва роли.....	193
9-боб. ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИДА АГРАР СОҶАНИ ИСЛОҶ ҚИЛИШ.....	207
9.1. Аграр секторнинг мамлакат иқтисодий тараққиётидаги ўрни.....	207
9.2. Аграр соҳада мулкчилик муаммосининг ҳал этилиши.	218
9.3. Қишлоқда замонавий уй-жойлар қуриш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти...	223
10-боб. ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИДА ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТИ ВА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ.....	231
10.1. Трансформациялашув даври иқтисодиётининг зиддиятлари ва камчиликлари.....	231
10.2. Ижтимоий адолат концепцияси ва унинг аралаш иқтисодиётга ўтиш шароитида ривожланиши.....	234
10.3. Жамиятнинг ижтимоий барқарорлиги - иқтисодий, демократик ва ижтимоий ислохотларни амалга ошириш шарти сифатида.....	241
11-боб. ОЧИҚ ТАШҚИ СИЁСАТНИНГ ШАКЛЛАНИШИ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИДАГИ ЎРНИ.....	249
11.1. Интеграциялашув жараёни жаҳоннинг алоҳида минтақалари барқарорлашувининг омили сифатида.....	249
11.2. Интергациялашувнинг турли шакл ва кўринишлари.....	263
11.3. Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон иқтисодий тизимида интеграциялашуви.....	266
12-боб. ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМЛАР ТРАНСФОРМАЦИЯСИНING ЯҚУНЛАНИШИ МЕЗОНЛАРИ.....	276
12.1. Ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг моҳияти ва жиҳатлари	276

12.2. Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг шаклланиши.....	278
12.3. Ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига ўтиш ва унинг яқунланиши.....	284
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	289

СОДЕРЖАНИЕ

ВВЕДЕНИЕ.....	12
ГЛАВА I. ПРЕДМЕТ И ЗАДАЧИ КУРСА «ТЕОРИЯ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ТРАНСФОРМАЦИЙ».....	14
1.1. Сущность и основные факторы, определяющие функционирование и развитие человеческого общества.....	14
1.2. Предмет, задачи и методы курса «Теории экономической трансформации».....	22
1.3. Критерии и концепции выделения стадий развития общества.....	25
ГЛАВА II. ВИДЫ И ОСНОВНЫЕ ТИПЫ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ТРАНСФОРМАЦИИ.....	37
2.1. Сущность и основные типы трансформационных процессов	37
2.2. Типы экономической трансформации по масштабам и по характеру	40
2.3.Закономерности функционирования экономической трансформации.....	43
ГЛАВА III. РАЗЛИЧНЫЕ СОВРЕМЕННЫЕ МОДЕЛИ ПЕРЕХОДА НА РЫНОЧНУЮ ЭКОНОМИКУ.....	51
3.1. Суть и закономерность рыночной экономики и объективная необходимость перехода Узбекистана на рыночную экономику.....	51
3.2. Различные концепции и модели экономического развития	55
3.3. Динамика и структура производства в экономике государства в трансформационном процессе	65
ГЛАВА IV. ОСОБЕННОСТИ ПЕРЕХОДА ОТ АДМИНИСТРАТИВНО-КОМАНДНОЙ ЭКОНОМИКИ К РЕГУЛИРУЕМОЙ РЫНОЧНОЙ ЭКОНОМИКЕ.....	79

4.1. Экономическая сущность и механизм функционирования административно-командной системы	79
4.2. Экономические реформы как важная мера при переходе к рыночным отношениям.....	84
4.3. Пути преодоления основных элементов административно-командных систем.....	93
ГЛАВА V. УЗБЕКСКАЯ МОДЕЛЬ ПЕРЕХОДА К РЫНОЧНЫМ ОТНОШЕНИЯМ, КОНЦЕПЦИЯ И СТРАТЕГИЯ.....	101
5.1. Выбор стратегии и концепции реформ. Сущность социально-ориентированной рыночной экономики.....	101
5.2. Конкретные стратегические цели в рамках общей стратегии. Сохранение главной стратегической цели на новом этапе реформирования.....	105
5.3. Специальная концепция и основные принципы перехода на рыночные отношения в Узбекистане.....	123
ГЛАВА VI. СОЗДАНИЕ МНОГОУКЛАДНОЙ ЭКОНОМИКИ. ВОЗНИКНОВЕНИЕ НОВЫХ ФОРМ СОБСТВЕННОСТИ.....	132
6.1. Многоукладная экономика и ее содержание.....	132
6.2. Пути формирования многоукладной экономики.....	134
ГЛАВА VII. ОСОБЕННОСТИ ФУНКЦИОНИРОВАНИЯ МЕХАНИЗМОВ РЕГУЛИРОВАНИЯ ЭКОНОМИКИ В ТРАНСФОРМАЦИОННОМ ПРОЦЕССЕ.....	146
7.1. Государственное регулирование экономикой на основе концепций Кейнса и неоконсерваторов.....	146
7.2. Рыночный и государственный механизмы управления рыночной экономикой.....	151
7.3. Основные направления государственного регулирования экономикой.....	160
ГЛАВА VIII. МАКРОЭКОНОМИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ, ВОЗНИКАЮЩИЕ В ПРОЦЕССЕ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ	

ТРАНСФОРМАЦИИ	167
8.1. Сущность макроэкономики и многогранность общественного воспроизводства.....	167
8.2. Анализ макроэкономических проблем путем совершенствования методов расчета ВВП.....	172
8.3. Основные направления стабилизации экономики.....	191
8.4. Реструктуризация производства. Место и роль иностранных инвестиций в процессе структурных преобразований.....	193
ГЛАВА IX. РЕФОРМИРОВАНИЕ АГРАРНОГО СЕКТОРА В ТРАНСФОРМАЦИОННОМ ПРОЦЕССЕ.....	207
9.1. Место аграрного сектора в экономическом развитии страны.....	207
9.2. Решение проблемы собственности в аграрном секторе	218
9.3. Социально-экономическое значение развития социальной инфраструктуры и строительства современных домов на селе.....	223
ГЛАВА X. ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ И ОСОБЕННОСТИ СОЦИАЛЬНОЙ ПОЛИТИКИ В ТРАНСФОРМАЦИОННОМ ПРОЦЕССЕ.....	231
10.1. Противоречия и недостатки периода экономической трансформации	231
10.2. Концепция социальной справедливости и ее развитие в условиях перехода к смешанной экономике.....	234
10.3. Социальная стабилизация общества как условие осуществления экономических, демократических и социальных реформ.....	241
ГЛАВА XI. ФОРМИРОВАНИЕ ОТКРЫТОЙ ВНЕШНЕЙ ПОЛИТИКИ. МЕСТО РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН В МИРОВОМ СООБЩЕСТВЕ.....	249
11.1. Процесс интеграции как фактор стабилизации отдельных регионов мира.....	249
11.2. Различные формы и виды интеграции.....	263
11.3. Интеграция экономики Узбекистана в мировой экономической	

системе.....	266
ГЛАВА XII. КРИТЕРИИ ЗАВЕРШЕНИЯ ТРАНСФОРМАЦИИ ЭКОНОМИЧЕСКИХ СИСТЕМ.....	276
12.1. Сущность и многогранность общественного воспроизводства.....	276
12.2. Становление демократического правового государства и гражданского общества.....	278
12.3. Переход к социально-ориентированной устойчивой рыночной экономике	284
СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ЛИТЕРАТУР.....	289

CONTEXT

INTRODUCTION.....	12
PART-1. AN OBJECT AND TASKS OF COURSE ARE THEORY OF PROCESSES OF TRANSFORMATION OF ECONOMIC SYSTEMS.....	14
1.1. Essence and basic factors, qualificatory functioning and development of human society.....	14
1.2. An object, tasks and methods of course, is "Theory of processes of transformation of the economic systems".....	22
1.3. Criteria and conceptions of selection of the stages of development of society.....	25
PART-2. TYPES AND BASIC LINES OF ECONOMIC TRANSFORMATION.....	37
2.1. Essence and basic lines and transformation processes	37
2.2. Types economic to transformation on scales and by the nature.....	40
2.3. Conformities to law of functioning economic to transformation.....	43
PART-3. DIFFERENT MODERN MODELS OF PASSING TO MARKET ECONOMY.....	51
3.1. Essence and conformity to law of market economy.....	51
3.2. Different conceptions of economic development	55
3.3. Dynamics and pattern of production in the economy of the state in a transformation process	65

PART-4. TRANSITION FEATURES FROM PLANNED ECONOMY TO GUIDED TO MARKET ECONOMY	79
4.1. Economic essence and mechanism of functioning of the administratively-command system	79
4.2. Economic reforms as important measure in transition to market relations...	84
4.3. Ways of overcoming of basic elements of the administratively-command systems.....	93
PART-5. UZBEK MODEL OF PASSING TO MARKET RELATIONS. CONCEPTION AND STRATEGY.....	101
5.1. Choice of strategy and conception of reforms. Essence of the socially-oriented market economy.....	101
5.2. Certain strategic aims within the framework of general strategy. Maintenance of primary strategic objective on the new stage of reformation.....	105
5.3. Special conception and basic principles of passing to the market relations in Uzbekistan.....	123
PART-6. CREATION OF MUCH MODE ECONOMY. ORIGIN OF NEW PATTERNS OF OWNERSHIP.....	132
6.1. Much mode economy and her maintenance.....	132
6.2. Ways of forming of much mode economy.....	134
PART-7. FEATURES OF FUNCTIONING OF MECHANISMS ADJUSTING OF ECONOMY IN TRANSFORMATION PROCESS.....	146
7.1. Government control by an economy in the light of keynesianism and neoconservative conceptions	146
7.2. Market and state mechanism of management by an economy.....	151
7.3. Basic directions of government control by an economy.....	160
PART-8. MACROECONOMIC PROBLEMS ARISING UP IN THE PROCESS OF ECONOMIC TRANSFORMATION.....	167
8.1. Essence of macro economy and many-sided nature of public reproduction..	167
8.2. Analysis of macroeconomic problems by improving methods for calculating GDP.....	172

8.3. Basic direction of stabilizing of economy	191
8.4. Restructuring of production. Place and role of foreign investments in the process of structural transformations.....	193
PART-9. REFORMATION OF AGRARIAN SECTOR IS IN TRANSFORMATION PROCESS.....	207
9.1. Place of agrarian sector in economic development of country.....	207
9.2. A decision of property problem is in an agrarian sector	218
9.3. Socio-economic values of development of social infrastructure and building of modern houses in a village.....	223
PART-10. BASIC DIRECTIONS AND FEATURES OF SOCIAL POLITICS ARE IN TRANSFORMATION PROCESS.....	231
10.1. Contradictions and defects are in the period of economic transformation...	231
10.2. Conception of social justice and her development in the conditions of passing to the mixed economy.....	234
10.3. Social stabilizing of society as condition of realization of economic, democratic and social reforms.....	241
PART-11. FORMING OF OPEN EXTERNAL POLITICS. A PLACE OF REPUBLIC OF UZBEKISTAN IS IN WORLD COMMUNITY.....	249
11.1. Process of integration as factor of stabilizing of separate regions of the world.....	249
11.2. Different forms and types of integration.....	263
11.3. Integration of economy of Uzbekistan is in the world economic system...	266
PART-12. CRITERIA OF COMPLETION OF TRANSFORMATION OF ECONOMIC SYSTEMS.....	276
12.1. Essence and many-sided nature of public reproduction.....	276
12.2. Becoming of the democratic legal state and civil society.....	278
12.3. Transition and completion of steady market economy of social orientation..	284
LIST OF USED LITERATURES	289

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритгач, Биринчи Президент И.А.Каримов томонидан мамлакатимизда иқтисодий барқарорлик ва аҳоли моддий фаровонлигини таъминлашнинг ягона ва ишончли йўли – бозор муносабатларига ўтиш йўналиши белгилаб берилди. Шахсан улар томонидан бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий стратегия ва тамойиллари белгилаб берилиб, унинг «Ўзбек модели»га асос солинди.

«Биринчи Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг «Ўзбек модели»ни амалга ошириш ва замонавий давлат барпо этиш борасидаги стратегик тамойилларга биз ўз ишимизда доимо суянамиз. Бу тамойиллар Ўзбекистонда бундан буён ҳам сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришларни таъминлашнинг мустаҳкам пойдевори ҳисобланади»¹.

Босиб ўтилган тарихан қисқа давр мобайнида мамлакатимизда танланган ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлининг нақадар тўғри, оқилона ва одилона эканлигини кўрсатмоқда. Бироқ, тан олиш керакки, бугунги кунда қўлга киритилаётган ютуқлар, ижобий ўзгаришларга осонликча эришилаётгани йўқ. Бунда миллий иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказишнинг илмий асосланган ва ҳар томонлама ўйлаб чиқилган ислохотлар дастурини изчил амалга ошириш ўз натижасини бермоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтиш махсус даврни тақозо этади. Бу давр иқтисодиёти ўзидаги ҳодиса ва жараёнларнинг амал қилиши, қонуниятларнинг хусусиятлари билан мустақил тизимлардан фарқ қилади.

Бугунги кунда иқтисодиёт соҳаси бўйича олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш тизими олдида янгидан-янги талабларни қўймоқда. Булардан бири – ҳозирги, иқтисодиётнинг трансформациялашув даври ҳодиса ва жараёнларни теран англаш, уларнинг даврий хусусиятлари моҳиятини тушуниб етиш ва онгли равишда муносабатда бўлиш, бу давр ривожланишининг қонуният ва зиддиятларини очиб беришга имкон яратувчи

¹ Ш.М.Мирзиёев Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. // Халқ сўзи. 2017 й.16.01.

билимларга эга бўлиш ҳисобланади. Шунга кўра, олий ўқув юртлари талабаларининг «Иқтисодий трансформация назариялари» фанининг ўқитилиши долзарб аҳамият касб этади.

«Иқтисодий трансформация назариялари» фани иқтисодиёт назариясининг таркибий қисми бўлганлиги сабабли, уни ўқитиш жараёнида талабалардан чуқур назарий билим талаб этилади. Шунингдек, ушбу фан мамлакатимиздаги трансформациялашув жараёнларининг моҳиятини тушуниш, уларнинг хусусиятларини очиб беришда ҳукуматимиз ижтимоий-иқтисодий сиёсатини, уни амалга оширишда Президентимиз томонидан қабул қилинган фармонлар, Вазирлар Маҳкамаси томонидан чиқарилган қарорлар ва бошқа кўплаб қонунларни, махсус меъёрий ҳужжатларни кенг ўрганишни ҳам тақозо этади.

Ушбу дарсликни тайёрлашда И.А.Каримовнинг мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнларининг назарияси ва амалиёти баён этилган қатор асарлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг маъруза ва нутқларидан кенг фойдаланилди. Трансформациялашув даври иқтисодиётининг назарий қоидалари, ривожланиш хусусиятларини ифодаловчи кўплаб илмий, ўқув ва услубий адабиётлар материаллари умумлаштирилди. Республикаимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг турли жиҳатларини статистик маълумотлар орқали таҳлил қилинди.

Шунингдек, унинг илмий ва амалий жиҳатдан мукамаллик даражасини ошириш мақсадида кўплаб монографиялар, диссертация ва авторефератлар, жумладан, Қ.Қ.Мамбетжанов томонидан ёзилган докторлик диссертацияси (Doctor of Science)нинг барча илмий янгиликлари, хулоса ва амалий таклифларидан фойдаланилган..

Мазкур ўқув қўлланма 5230100 – Иқтисодиёт (иқтисодиёт назарияси) йўналишида таҳсил олаётган талабалар учун мўлжалланган.

1-боб. ИҚТИСОДИЙ ТРАНСФОРМАЦИЯ НАЗАРИЯЛАРИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Табиат ва жамиятдаги ҳодиса ва жараёнларнинг мунтазам равишда бир сифат ҳолатидан бошқа бирига ўтиб, ўзгариб туриши объектив қонуният ҳисобланади. Бироқ, бундай ўзгаришлар оралиғида ўзига хос маълум давр мавжуд бўладики, у бир томондан, ҳали ўз таъсирини «йўқотиб» улгурмаган эски ҳолатларни, бошқа томондан, барқарор ва тўлақонли фаолият даражасига эришмаган янги сифат белгиларини уйғунлаштирган ҳолда намоён этади. Бу давр одатда «трансформациялашув даври» деб аталиб, айниқса унинг ижтимоий ҳодиса ва жараёнларнинг ривождаги ўрни аҳамиятли ҳисобланади.

Иқтисодиётнинг трансформациялашувини ўрганиш мазкур босқични бошидан кечираётган кўплаб мамлакатлардаги ижтимоий-иқтисодий зиддият ва муаммоларни англаш, уларни ўз вақтида ва тўғри ҳал этиш, рўй бераётган ҳодиса ва жараёнларнинг моҳиятини тўғри тушуниш асосида назарий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш имконини беради. Кишилиқ жамияти тараққиётининг амал қилиши ва ривожланишини белгиловчи асосий омиллар, жамият тараққиёти босқичларини белгилаш концепцияси ва мезонларини кўриб чиқиш мазкур фаннинг предмети ва вазифалари, билиш усулларини тўлароқ англашга ёрдам беради.

1.1. Кишилиқ жамияти тараққиётининг амал қилиши ва ривожланишини белгиловчи асосий омиллар

Иқтисодиёт назарияси тарихий фан сифатида кишиларнинг ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш ва истеъмол жараёнларидаги хулқ-атворларини, муносабатларини ўрганади. Жамиятнинг ривожланиб бориши билан бу муносабатлар ҳам ўзгариб, такомиллашиб боради.

Кишилиқ жамияти ўз тарихий тараққиётида турли ҳолат (босқич)ларни босиб ўтган. Шунга кўра, иқтисодиёт назарияси ҳам ҳар бир ҳолат (босқич)нинг муайян тизимга солинган назарий ифодасини акс эттиради.

Бирок, жамият, унга хос бўлган иқтисодий муносабатлар турли барқарор ҳолатларини амал қилишининг ўзи унинг бошқа сифат жиҳатларини тақозо этади. Яъни, бир барқарор ҳолатдан бошқа бирига ўтиш давлари, махсус ўтиш ҳолатларига хос бўлган ўтиш даври иқтисодиёти вужудга келади.

Ҳар қандай фан реал воқеликни акс эттирар экан, айти пайтда табиат ва жамиятдаги ўзгаришларни ҳам ўз ичига қамраб олади. Бу ўзгаришлар эса, ўз навбатида, муайян предмет ёки ҳодисаларнинг бир ҳолатдан бошқа бирига «ўтиши»ни тақозо этади. Шу маънодаги «ўтиш» объектнинг сифат ўзгаришлари, унинг мазмун тавсифларининг алмашувини англатади.


Табиат ва жамиятдаги трансформациялар доимий тавсиф касб этиб, турли-туман тарзда амалга ошади. Айтиқса, ўзгаришлар жуда тез амалга ошувчи ижтимоий ҳаётдаги ўтиш жараёнларида бу ҳолатлар янада яққол намоён бўлади. «Трансформация» жараёнларининг қонунийлиги «трансформация ҳолати»нинг мавжуд бўлишини ҳам шартлайди. Трансформация ҳолати ўзига хос ўтиш даври сифатида майдонга тушади. Агар табиатда мазкур давр бир лаҳзадан тортиб миллиард йилларгача бўлган вақтни ўз ичига олса, ижтимоий ҳаётда у ойлар, йиллар, ўн йилликлардан иборат бўлиши мумкин.

Иқтисодий трансформация жараёнларининг ўзига хос белгиси бўлиб унинг беқарорлиги ҳисобланади. Бу иқтисодиётда эски ва янги ҳолатларнинг унсурлари аралаш ҳолда амал қилади. Иқтисодий тизимлар трансформацияси мавжуд тизимдаги беқарорликни янада кучайтиришга қаратилган бўлиб, пировардида мазкур тизим ўзининг ўрнини янги иқтисодий тизимга секин-аста бўшатиб беради.

Трансформация жараёнларининг таҳлили шуни кўрсатадики, иқтисодий тизимлар трансформациясининг тарихан турли кўринишлари мавжуд бўлиб, улар жараёнларнинг миқёси ва тавсифига кўра фарқланадилар. Умумбашарий (глобал) трансформация жараёнлари бутун инсоният тарихи учун хосдир. Масалан, эрамиздан аввалги биринчи минг йилликка қадар инсоният ягона цивилизациядан икки, яъни ғарб ва шарқ цивилизацияларига

ўтган эди. Ҳозирда эса келажакда янгидан ягона жаҳон цивилизациясининг пайдо бўлишига олиб келувчи тенденциялар амал қилмоқда. Анъанавий иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига, ундан эса келажакдаги иқтисодиётга ўтиш жараёнлари ҳам шундай тавсиф касб этади.

Траснформация жараёнлари ўз тавсифига кўра иккита турга бўлинади (1.1.1-расм).



1.1.1-расм. Трансформация жараёнларининг тавсифига кўра турлари

Биринчи турдаги иқтисодиётга иқтисодий тизимларнинг амал қилиши ва ривожланишини белгилаб берувчи омиллар таъсири остида рўй берувчи жараёнлар хос бўлади. Бу омиллар уч гуруҳга бўлинади:

- 1) табиий-иқлимий;
- 2) ишлаб чиқариш-иқтисодий;
- 3) ижтимоий-маданий.

Биринчи тур тарихий эволюциянинг табиий тарздаги боришини ифодалайди ва шартли равишда трансформация жараёнларининг табиий-эволюцион тури деб аталади.

Иккинчи тур трансформациялашув жараёнларининг ислоҳотларга асосланган – эволюцион тури деб аталади. Бунинг моҳияти жамиятни ислоҳ

қилиш дастурлари асосида иқтисодий жараёнларни тартибга солиш орқали намоён бўлади. Маълум даражада онгли равишда амалга оширилган ислохотлар табиий эволюциянинг жадаллашуви учун йўл очиб бериши мумкинлиги сабабли, иқтисодий тизимлар трансформациясида мазкур икки турнинг ўзаро бирикиб кетиши ҳам рўй бериши мумкин.

Ҳар қандай турдаги трансформациялашув даври иқтисодиётида такрор ишлаб чиқариш жараёни муқаррар тарзда амалга оширилади. «Соф» тизимдаги такрор ишлаб чиқаришга нисбатан унинг умумий хусусиятлари трансформация даври иқтисодиёти амал қилишининг махсус қонуниятлари деб аталади. Улар қаторига қуйидагилар киритилади: такрор ишлаб чиқаришнинг инерциялилиги ҳамда янги шакл ва муносабатларнинг интенсив равишдаги устун ривожланиши.

Такрор ишлаб чиқаришнинг инерциялилиги такрор ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлиги билан боғлиқ. Бу узлуксизлик дастлаб барча эски жиҳатларни бутунлай йўқ қилиб, сўнгра унинг негизида барча янгиликларни барпо этиш тамойили бўйича ривожланишни инкор этади. Бу узлуксизлик шунингдек мавжуд шаклларни бошқалари билан кескин алмаштириш («караҳт қилиб даволаш») мумкин эмаслигини ҳам белгилаб беради. Бу каби хатти-ҳаракатлар муқаррар равишда ишлаб чиқаришдаги бошбошдоқликка, унинг таназзулга юз тутишига олиб келади. Такрор ишлаб чиқаришнинг инерциялилиги, шу маънога кўра, трансформациялашув даври иқтисодиётида эски иқтисодий шаклларни нисбатан узоқ муддат давомида сақланиб қолишини тақозо этади. Бу, энг аввало, қандайдир вақт ичида ишлаб чиқариш таркибий тузилмасининг сақланиб қолишида намоён бўлади, чунки бу жараён нисбатан узоқ муддатни тақозо этади. Жамиятнинг таркиб топган ижтимоий-иқтисодий тузилиши, мавжуд институтлар, тармоқлараро, ички тармоқ алоқалари, хўжалик механизми ва бошқаларнинг хатти-ҳаракати тезлик билан ўзгара олмайди.

Трансформациялашув жараёнларига кадрларнинг ҳолати аҳамиятли таъсир кўрсатади. Бу ерда ҳам инерциялилик ўзига хос ўрин тутиб, кадрлар

тайёрлашдаги туб ўзгаришларни тезлик билан амалга ошириб бўлмайди. Такрор ишлаб чиқариш жараёнининг инерциялилиги бир қатор оқибатларни келтириб чиқаради. Биринчидан, у трансформация даври иқтисодиётини унинг дастлабки ҳолати билан чуқур изчилликда бўлишини шартлайди. Иккинчидан, инерциялилиқ илгари таркиб топган ижтимоий менталитетнинг сақланиб қолишини кучайтиради.

Бошқа бир қонуният – янги шакл ва муносабатларнинг интенсив равишдаги устун ривожланишидир. Агар биринчи қонуният аввало трансформациялашув даври иқтисодиётининг изчиллигини акс эттирса, мазкур қонуният бир босқичдан бошқа бирига ўтиш механизмини таъкидлайди.

Кўриб чиқиладиган қонуният хатти-ҳаракатини ҳисобга олиш янги муносабатлар ривожланиши «механизми»ни тўғри тушунишни ҳам тақозо этади. Биринчидан, бу илгари ҳукмрон бўлган тизимлар шарт-шароитига хос бўлмаган, ўз мазмунига кўра янги шаклларнинг пайдо бўлишидир. Иккинчидан, янги муносабатларнинг пайдо бўлиши эски шакллар мазмунининг ўзгариши йўли орқали амалга ошиши мумкин. Масалан, ҳозирги шароитда давлат мулки ёки мулкчиликнинг жамоа шакли сақланиб қолгани ҳолда, илгаридан мавжуд бўлиб келган маъмурий-бюрократик тавсифини бартараф этиб, ўзининг реал мазмунини ўзгартириши мумкин. Учинчидан, пировардида янги шакллар ўзининг ҳукмронлигини ўрнатиб, ўз умрини ўтаб бўлган эски шаклларни сиқиб чиқариши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги трансформациялашув даври иқтисодиёти қуйидагилар билан тавсифланади:

- биринчидан, у ислоҳотларга асосланган-эволюцион турдаги ўтиш иқтисодиёти бўлиб, унинг амал қилишида илмий жиҳатдан асосланган ва мақсадга йўналтирилган дастурлар муҳим роль ўйнайди;

- иккинчидан, мазкур мақсадга йўналтирилганлик мунтазам равишда ривожланиб ҳамда ҳаётга татбиқ этилиб боради.

Ҳозирги замон трансформациялашув даври иқтисодиётининг

хусусиятларига куйидагилар киради:

- бозор иқтисодиётига анъанавий иқтисодиётдан эмас, балки алоҳида, ўзига хос – марказлашган режали иқтисодиётдан ўтилиши. Бу ўринда бугунги кунгача маълум бўлмаган муаммолар ҳал этилиши тақозо этилади. Буларнинг барчаси трансформация жараёнларининг мушкулликларини келтириб чиқаради;

- ислохотларга асосланган-эволюцион ривожланиш йўллари тартибга солиш иқтисодиётни маъмурий-бўйруқбозлик усулларининг салбий таъсиридан тозалаш билан боғлиқ бўлиб, бу самарали ривожланишнинг умумий ўзанига қайтиш имконини беради;

- трансформациялашув жараёни XX аср охирида, яъни ўзига хос тарихий шароит – умумбашарий ўтиш жараёнларининг кенгайиб бориши шароитида рўй бермоқда. Ривожланган индустриал мамлакатлар постиндустриал жамиятга ўтиш остонасида турибдилар. Анъанавий иқтисодиёт унсурлари сезиларли ривожланган мамлакатлар ҳозирги вақтда бозор иқтисодиётининг замонавий шаклларига тезлик билан ўтмоқдалар. Шу билан бир вақтда, ишлаб чиқариш ва айирбошлашни умумлаштириш, байналминаллаштиришнинг интенсив равишда рўй бераётган жараёни уларга постиндустриал босқичнинг бир қатор ютуқларига эришиш имконини беради.

Жаҳондаги глобал трансформациялашув жараёнлари Ўзбекистоннинг ўтиш даври иқтисодиётига, ундаги жараёнларнинг мазмуни ва уларнинг пировард йўналишларига таъсир кўрсатмаслиги мумкин эмас. Шу маънода Ўзбекистондаги трансформациялашув даври иқтисодиёти ҳам ноёб локал (маҳаллий) ва умуминсоний глобал тенденцияларнинг бирикмасини намоён этиди.

Жамиятнинг эволюцион жараёни поғонама-поғона тавсиф касб этади. Ҳар бир алоҳида поғона ўзининг тараққиётида иккита асосий босқичдан ўтади:

- қарор топиш ва юқорилаб ривожланиш;
- етуклик ҳолати;

Бу жараён умуминсоний тараққийнинг узлуксизлиги билан белгиланади. Мазкур узлуксизлик меҳнат воситалари, технологиялар, ишлаб чиқаришнинг ташкилий шакллари ва ниҳоят, асосий ишлаб чиқарувчи куч ва ижтимоий муносабатлар субъекти сифатидаги инсоннинг мунтазам равишда такомиллашиб боришини ўз ичига олади. У ҳар бир тарихий поғона қарор топишининг доимийлигини тақозо этади. Узлуксизлик ва доимийлик жамиятда иқтисодиёт ҳар бир янги босқич вужудга келаётган даврда ҳам, унинг инқирози даврида ҳам ўз фаолиятини тўхтатмаётганини англатади.

Ҳар бир тарихий поғона икки босқичдан ўтади. Қарор топиш ва юқорилаб борувчи ривожланиш унинг ўзига хос ҳолатини намоён этади: унга хос бўлган белгиларнинг тўлиқ эмаслиги, яхлитликнинг мавжуд эмаслиги, ҳам эски, ҳам янги иқтисодиёт унсурларининг бир вақтда амал қилиши ва ҳ.к.

Ҳар қандай поғонанинг қарор топиш босқичи бир вақтнинг ўзида олдинги поғонанинг пасайиб борувчи ҳаракат босқичи бўлиб ҳам ҳисобланади. Пасайиб борувчи ҳаракат эса доимий равишда янги поғонанинг вужудга келиши ва ривожланиши билан боғлиқ. Шунинг учун трансформациялашув даври иқтисодиёти жамиятнинг бир тарихий поғонадан бошқа бирига ўтиш даврида амал қилганида ўз табиатига кўра иқтисодиёт эволюциясидаги ўзига хос ҳолат ҳисобланади. Трансформациялашув даври иқтисодиёти гўё жамиятнинг «оралиқ» ҳолатини, ўзгарувчи иқтисодиётни тавсифлайди. Трансформациялашув даври иқтисодиётини «одатдаги» иқтисодиёт – у ёки бу поғона иқтисодиётидан фарқловчи ўзига хос тавсифи ҳам шундан келиб чиқади.

Шуни таъкидлаш лозимки, трансформациялашув даври иқтисодиёти тўғрисида ижтимоий эволюциянинг ҳар қандай туркумланишида ҳам тўхталиб ўтиш мумкин. Масалан, уни учта поғонага – анъанавий, бозор ва аралаш иқтисодиётга ажратилганда; формацион ёндашув мезонлари бўйича ишлаб чиқариш усулларига ажратилганда; ижтимоий-иқтисодий мезонлари бўйича ижтимоий формацияларга ажратилганда ва ҳ.к. Поғоналарнинг ҳар қандай ажратиб кўрсатилишида улар ривожининг циклиги (қарор топиш,

юқориловчи ривожланиш, етуклик) ва махсус ўтиш ҳолатларининг тузилиши сақланиб қолади.

Иқтисодий адабиётларда трансформациялашув даври иқтисодиёти тавсифига таъсир кўрсатувчи омиллар уч гуруҳга бўлинган:

1. Табиий-иқлимий омиллар. Улар жамиятнинг табиий базаси билан боғлиқ.

2. Ишлаб чиқариш-иқтисодий омиллар. Улар инсон ҳаётининг фаолиятини таъминлашнинг табиий базасини давоми ҳисобланади. Бу омиллар шунингдек меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш шакл ва тавсифи – хусусий ёки ижтимоий шакл, иқтисодиёт даражаси ва ҳ.к.ни ҳам кўрсатиб беради.

3. Ижтимоий-маданий омиллар. Бу инсон (жамият) маънавий-бунёдкорлик фаолиятининг пайдо бўлишини англатади. Улар ишчининг ишлаб чиқариш-иқтисодий фаолияти билан мустаҳкам боғлиқ бўлиб, инсоннинг маънавий ривожланиши унинг қадриятларини, меҳнатга, мавжуд ижтимоий муносабатларга бўлган қарашларини, ижтимоий хулқ-атворини белгилаб беради.

Глобал миқёсда ушбу омиллар тегишли ижтимоий менталитетни шакллантиради. Шунингдек, мафкура ва дин ҳам катта аҳамият касб этади.

Ижтимоий омиллар ўз ичига маълум анъаналарни, у ёки бу халқнинг маданиятини олади. Айнан ижтимоий-маданий омиллар жаҳонда таркиб топган икки – шарқ ва ғарб цивилизациясининг фарқини кўп жиҳатдан белгилаб беради. Ғарб цивилизацияси учун тарихан инсоннинг шахсий озодлиги, муносабатларнинг горизонтал типи, демократия хос бўлса, шарқ цивилизацияси учун шахс фаолияти устидан қатъий назорат, муносабатларнинг вертикал типи, мустабидлик хос бўлган.

1.2. Иқтисодий трансформация назариялари фанининг предмети, вазифаси ва билиш усуллари

Маълумки, умумий иқтисодиёт назарияси – бу ижтимоий фан бўлиб, чекланган ресурслар шароитида эҳтиёжларни қондириш мақсадида моддий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнида кишилар ва гуруҳларнинг хулқ-атворини ўрганади.

Иқтисодий трансформация назариялари – умумий иқтисодиёт назарияси доирасидаги хусусий назариядир. Яхлит ўтиш иқтисодиётининг у ёки бу тизим (поғона) иқтисодиёти билан таққослагандаги ўзига хос хусусиятлари уни умумиқтисодиёт назарияси доирасидан ташқарига чиқариб юбормайди. «Иқтисодий трансформация назариялари» фанининг предмети бўлиб бир тизимдан бошқасига ўтиш даврида кишилар ўртасидаги ишлаб чиқариш муносабатлари ҳисобланади. Бироқ, ўз мазмунига кўра, бу муносабатлар кўпроқ жамиятнинг трансформациялашув ҳолатига хос бўлган махсус жиҳатлар билан боғлиқ бўлади.

Иқтисодиёт назарияси дастлаб 1615 йилда меркантилизм мактаби намояндаси, француз олими Антуан Монкретьеннинг «Сиёсий иқтисод трактати» номли асаридан келиб чиққан ҳолда сиёсий иқтисод атамасини олган эди. Бироқ, сиёсий иқтисод умумий иқтисодий назария сифатида бозор индустриал тизими даврининг маҳсули ҳисобланади. Физиократлар ҳам, классик мактаб вакиллари ҳам ривожланиб бораётган буржуа жамиятидаги таҳлил қилинган ҳодисаларга табиий тартиб сифатида қарашлари ҳам айнан шу билан изоҳланади. Шулар билан бирга Д.Рикардо ҳам, А.Смит ҳам иқтисодий тизимлар трансформациялашуви жараёнлари ҳақида ҳеч қандай фикр юритишмаган.

Иқтисодий тизимлар трансформациялашуви жараёнлари баъзи бир олимлар томонидан барчага маълум бўлган тасодиф сифатида тушунилиб, ундан олдинга қараб ҳам (Сен-Симон), орқага қараб ҳам (Мирабо, Сисмонди) йўл юриш мумкин бўлади.

XIX аср охирида «табиий тартиб» концепцияси ўрнига капиталистик

бозор тизимининг танқиди ҳамда уни бошқа тузум билан алмаштириш мумкинлиги тўғрисидаги назариялар пайдо бўлиб, бундай ғояларнинг тарафдорлари сифатида Веблен (1857–1929), Й.Шумпетер (1883–1950) ларни кўрсатиш мумкин.

XX асрда жаҳондаги трансформация жараёнларининг иккинчи тўлқини ривожланиши асосида янги тенденциялар янада кучайди. Капитализмнинг юқори босқичи – империализм вужудга келди.

Фаннинг тадқиқ этиш усули иқтисодий тизимлар трансформациялашуви жараёнлари назариясининг ҳам муайян таркибий тузилмага эга бўлишини тақозо этади.

Биринчидан, ҳар қандай иқтисодий тизимлар трансформациялашуви жараёнларининг умумий белгилари.

Иккинчидан, белгиларнинг тизим кўринишидаги ифодаси, у орқали белгилар, шу жумладан трансформация шакллари ички ўзаро мувофиқлигининг очиқ берилиши.

Учинчидан, трансформациялашув даври иқтисодиётининг амал қилиш қонуниятлари, яъни янги ва эскининг ўзаро алоқаси тавсифи, бир тизимдан бошқа бирига ўтишнинг яқунланиш механизми.

Тўртинчидан, хусусийлик, умумийлик ва алоҳидалик шаклларининг тавсифи. Айнан шулар орқали у ёки бу шароитлардаги трансформациялашув даври иқтисодиёти амалиётининг абстракт назария билан мустаҳкам алоқаси намоён бўлади.

Иқтисодий трансформация назариялари фанининг вазифаси бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- трансформациялашув даври иқтисодиётининг ўзгарувчан жараёнлари тўғрисида яхлит тасаввур ҳосил қилиш;

- бозор иқтисодиёти пайдо бўлиши ва қарор топишининг объектив қонунияти ва тенденцияларини кузатиш ва ўрганиш;

- олиб борилаётган ислохотлар шароитида ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг мумкин бўлган вариант ва муқобил йўллари белгилаш.

Иқтисодий трансформация назариялари иқтисодиёт назариясининг алоҳида бўлими ҳисобланганлиги сабабли, у ўзининг предметини тадқиқ этишда айнан иқтисодиёт назарияси фани доирасида қўлланилувчи усуллардан фойдаланади. Бироқ, Иқтисодий трансформация назариялари предметдаги ўзига хослик мазкур усулларнинг устуворлигига маълум даражада таъсир кўрсатиши мумкин.

Билишнинг диалектик усули қоидалари Иқтисодий трансформация назариялари умумий усули бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга, ушбу фаннинг муаммоларини тадқиқ этишда илмий абстракция, таҳлил ва синтез, мантиқийлик ва тарихийликнинг бирлиги, эксперимент, макро ва микроиқтисодий таҳлилни қўшиб олиб бориш, индукция ва дедукция, иқтисодий жараёнларни миқдорий жиҳатдан таҳлил қилишнинг таққослаш, статистик, математик ва график усулларидан кенг фойдаланилади.

Шу ўринда, Иқтисодий трансформация назариялари нуқтаи-назаридан иқтисодий жараёнларни ўрганиш ва таҳлил қилишда ҳам профессор Ш.Шодмонов томонидан илгари сурилган ҳамда кўплаб назарий муаммоларни ҳал этишда самарали фойдаланилган икки томонлама ёндашув усулини алоҳида таъкидлаш зарур².

Ўзбекистон Республикасининг трансформациялашув даври иқтисодиётини ўрганишда назарий-методологик асос бўлиб И.А.Каримов асарлари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг маъруза ва нутқлари хизмат қилади. Уларда мамлакатнинг ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига ўтиш шароитида амал қилувчи ривожланиш йўналиши ва қонуниятлари, жамиятнинг сифат жиҳатидан янги ҳолатига ўтишнинг асосий тамойиллари ишлаб чиқилган.

² Бу усулнинг назарий ва амалий аҳамияти проф. Ш.Шодмонов ва доц. Г.Баубекова томонидан тайёрланган «Инновационные методы в преподавании экономической теории» китобида батафсил баён этилган.

1.3. Жамият тараққиёти босқичларини белгилаш концепцияси ва мезонлари

Ҳозирги кунда жамият табиий тарихий тараққиётининг натижаси ҳисобланади. Турли иқтисодчи олимлар томонидан тарихий жараёни тушуниш фарқ қилиб, бу ҳолат мазкур жараёни тавсифлаш учун турли мезонлардан фойдаланиш билан изоҳланади.

Ривожланиш босқичлари мезонларини танлаш турли тарихий шароитларда у ёки бу омилнинг устун таъсири билан боғлиқ.

1. Тараққиётнинг дастлабки поғоналарида табиий-иқлимий омиллар аҳамиятли роль ўйнаган. Меҳнат қуроли мезони инсоният тараққиётини қадим давлардан буён тош, бронза, темир асри каби глобал туркумланишини шартлаб берган. Жамият тараққиёти дастлабки даврини Л.Морган (1818–1881) томонидан ёввойилик, варварлик, цивилизацияга бўлиб туркумланиши ҳам энг аввало меҳнат қуралининг мезон тариқасида фойдаланилиши билан боғлиқ.

2. Ишлаб чиқариш – иқтисодий омилларнинг устуворлиги жамиятни даврларга ажратишнинг меҳнат қуралига нисбатан мураккаброқ мезонларини шакллантиради.

Кишилиқ жамияти ишлаб чиқариш муносабатлари ва ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўзаро бирлиги ва зиддияти асосида тараққий этиб, унинг турли босқичларига ўзига хос бўлган иқтисодий тизимлар мувофиқ келади. Инсоният тараққиёти босқичлари ва ҳар бир босқичга хос бўлган иқтисодий тизимларни ўрганиш иқтисодий жараёнларни, уларни ўзгарувчан эканлигини билишда муҳим аҳамиятга эгадир. Шунга кўра, кўплаб олимлар томонидан кишилиқ жамияти тараққиётининг босқичлари турлича ёндашувлар асосида алоҳида гуруҳларга ажратиб келинди. Жумладан, Ш.Шодмонов ва У.Ғафуровлар томонидан тайёрланган Иқтисодиёт назарияси дарслигида тараққиёт босқичларини билишдаги ёндашувлардан асосийлари сифатида қуйидагилар ажратиб кўрсатилган:

- тарихий-формацион ёндашув;

- маданийлашиш (цивилизация) даражаси жиҳатдан ёндашув;
- техника ва технологик тараққиёт даражаси жиҳатидан ёндашув;
- социал-иқтисодий шакллар ўзгариши жиҳатидан ёндашув³.

Янги буржуа тузумининг қарор топиши, фуқаролик жамиятининг шаклланиши ундан олдин келувчи феодал-крепостнойлик жамияти билан кураш орқали боради. Иқтисодий фанларда жамият бундай ҳолатларининг фарқи нафақат меҳнат қуролининг тавсифи билан, балки уларни жамиятда қўллаш шакли, ишлаб чиқариш жараёнида кишилар муносабатларининг тавсифи билан боғлиқ бўлади.

Дастлабки поғоналарни ажратиш мезонлари сифатида ишлаб чиқариш усули майдонга тушади. Бундай ёндашувда ишлаб чиқаришнинг ижтимоий усуллари ва унинг таркибий қисмларини таҳлил қилишга эътибор берилган.

Масалан, А.Смит (1723–1790) феодал ва қулдорлик ишлаб чиқариш усуллари ўртасидаги тафовутларни таҳлил қилиб берган эди. Бундай ёндашув Давид Юм (1711–1776) асарларида янада чуқурроқ қўлланилиб, у сўнги ривожланиш босқичи сифатида капиталистик жамиятни кўрсатиб берган.

Ишлаб чиқариш усули ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш (иқтисодий) муносабатларининг бирлигидан иборат. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражаси ижтимоий тараққиётнинг энг муҳим мезони ва умумий кўрсаткичидир. Ишлаб чиқариш ҳар доим муайян ижтимоий шаклга эга бўлади. Ишлаб чиқарувчи кучлар ривожининг муайян даражаси ишлаб чиқариш муносабатларининг у ёки бу турини тақозо қилади.

Инсоният жамияти тарихида бир-бири билан изчил алмашилиб турган қатор ишлаб чиқариш усуллари ва шунга мувофиқ ижтимоий-иқтисодий формациялар ажралиб туради.

Ишлаб чиқариш усуллари алмашилишининг классик намунаси Европада намойиш қилинган деб ҳисобланади. Европа ҳудудида бир-бири билан алмашилиб, ибтидоий жамоа, қулдорлик, феодал ва капиталистик

³ Shodmonov Sh.Sh., G`afurov U.V. Iqtisodiyot nazariyasi (darslik). - T.: Fan va texnologiya, 2005, 86-87-b.

муносабатлар изчил таркиб топди. Бошқа қитъаларга келганда эса, бу ерда капитализмгача бўлган даврда мана шу марраларнинг ҳаммаси аниқроқ қайд этилган. Осиё, Африка, Австралияда Европа мустамлакачилигининг таъсири сезилади. Адабиётларда осиеча ишлаб чиқариш усули деб аталмиш усул ҳақида ҳам қайд қилинади. Бу усулнинг шаклланишида мамлакатларнинг катта туркумига хос бўлган ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатларининг суғориш тизимларини марказлаштирилган тарзда тартибга солиб туриш ва давлатнинг ана шу шароитларда алоҳида роли билан боғлиқ сифат хусусиятлари акс этади.

Ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатларининг узвий бирлиги сифатидаги ишлаб чиқариш усулларининг мезон тариқасидаги роли бошқа олимлар томонидан инсоният тараққиёти босқичларини туркумлашда қўлланилган. Ўзларидан аввалги олимлардан фарқли ўлароқ, улар капиталистик ишлаб чиқариш усулининг нисбатан ривожланган, етук муносабатларини таҳлил қилганлар. Унинг аввалги ишлаб чиқариш усулларига нисбатан прогрессив томонларини таъкидлаб, унинг тарихий тавсифини кўрсатишга ҳаракат қилганлар.

Ғарбий Европа жамияти тараққиётига татбиқан тарихий жараён кўплаб олимлар томонидан бешта ишлаб чиқариш усули алмашинуви кўринишида тасвирланган. Ишлаб чиқариш усули нафақат табиат неъматларига эришиш ва уларни ўзгартиришнинг маълум усули, балки ишлаб чиқариш воситаларига мулкчилик шакли ва унга мувофиқ равишда меҳнатнинг ижтимоий шакли билан шартланган қўшимча маҳсулотни ўзлаштиришнинг ўзига хос усули ҳамдир.

Формацион ёндашув жамият тарихий тараққиётидаги қонуний босқичларни очиш ҳамда ишлаб чиқаришнинг бешта усулини ажратиб бериш имконини берди.

Бугунги кунда ишлаб чиқаришнинг бешта усулини классик ажратилиши бир қатор сабабларга кўра мунозарали ҳисобланади. Бу усуллар фақат Ғарбий Европага хос бўлиб, умумий аҳамият касб этмайди. Бу

ёндашувга ишлаб чиқаришнинг осийча усули, Хитой, Ҳиндистон цивилизацияси мувофиқ келмайди. Шунга кўра жаҳон тараққиёти жараёнларини моддий ишлаб чиқариш усули формациялари даражасида кўриб чиқиш жаҳондаги рўй берган барча жараёнларни қамрай олмайди. Шу сабабли бундай ёндашувнинг маълум тарзда чекланганлиги шубҳасиздир.

Иқтисодий адабиётларда ижтимоий ҳаётдаги ҳодиса ва жараёнларни таҳлил қилиш учун бошқа мезонлардан фойдаланишга уринишлар ҳам кузатилади.

Таниқли америкалик олим Уолтер Ростроу тарихни бешта босқичга ажратади: 1) анъанавий жамият (қолоқ техника, қишлоқ хўжалиги, йирик ер эгаларининг ҳукмронлиги); 2) ўтиш жамияти (марказлаштирилган давлат, тадбиркорлик); 3) «силжишлар» (саноат инқилоби ва унинг оқибатлари); 4) «етуклик» босқичи (ФТР, урбанизация); 5) «оммавий истеъмол» босқичи (хизмат кўрсатиш соҳаси ҳамда истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг белгиловчи роли).

Замонавий хорижий иқтисодий ғоялар «жамиятнинг индустриал жиҳатдан ривожланиш даражаси» мезонидан фойдаланиш асосида қуйидаги босқичларни ажратиб кўрсатади: индустриал; постиндустриал; юқори индустриал (ахборотлашган) жамият (Ж.Гэлбрейт, Р.Арон).

Иқтисодий фанда ижтимоий тараққиётни цивилизациянинг тарихий ривожланиш типлари натижаси сифатида ўрганиш ҳам муҳим ўрин тутди. «Цивилизация» сўзи лотинчада фуқароларга оид, ижтимоий деган маъноларни англатади. Бу тушунча фанга француз файласуфлари томонидан нисбатан яқин вақт – икки аср олдин киритилган бўлиб, тафаккур ва эркинлик ҳукмрон бўлган жамиятларни тавсифлаш учун қўлланилган. Бугунги кунда мазкур тушунча қуйидаги ўринларда қўлланилади:

- жамият маданияти даражасини баҳолаш;
- ёввойилик даври ўрнига келган кишилик жамияти ривожланиш босқичини тавсифлаш (Л.Морган, Ф.Энгельс);

- биқик гуруҳлар, халқлар ва давлатлар таракқиётининг маданий-тарихий цикли (Н.В.Данилевский, А.Тойнби);

- маданият таракқиётининг сўнгги босқичи, унинг тугаши фазаси (О.Шпенглер);

- ижтимоий ҳаёт асосий таркибий қисмлари – инсон салоҳияти, моддий неъматлар ишлаб чиқариш усули, атроф-муҳитнинг мажмуи⁴.

Умуман олганда, цивилизация ривожланган мамлакатлардаги иқтисодий ва ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларнинг оқилона ташкил этилган тузуми сифатида талқин этилади.

Жамият таракқиётини цивилизация нуктаи-назаридан ўрганишда цивилизацияларнинг алмашуви назарияси муҳим ўрин тутди. Бу назария тарафдорлари қуйидаги 7 та босқичдан иборат цивилизацияни ажратиб кўрсатадилар:

1) давомийлик муддати 30–35 асрни ўз ичига олган неолит даври;

2) давомийлик муддати 20–23 асрни ўз ичига олган шарқий қулдорлик даври (бронза асри);

3) давомийлик муддати 12–13 асрни ўз ичига олган антик давр (темир асри);

4) давомийлик муддати 7 асрни ўз ичига олган эрта феодал даври;

5) давомийлик муддати 4–5 асрни ўз ичига олган индустрлашишдан олдинги давр;

6) давомийлик муддати 2–5 асрни ўз ичига олган индустриал даври;

7) давомийлик муддати 1–3 асрни ўз ичига олган юқори индустрлашиш даври⁵.

Бу қайд қилинган босқичлардан кўриниб турибдики, ушбу назарияда турли қарашлар ва ёндашувларни аралаштириш ҳолатига йўл қўйилиб,

⁴ Экономическая теория (политэкономия): Учебник/ Под общ. ред. акад. В.И.Видяпина, акад. Г.П.Журавлевой. – 4-е изд. - М.: ИНФРА-М, 2004. С.51.

⁵ Экономическая теория: Учебник. - Изд., испр. и доп. / Под общ. ред. акад. В.И.Видяпина, А.И.Добрынина, Г.П.Журавлевой, Л.С.Тарасевича. – М.: ИНФРА-М, 2005. С.55.

жамият тараққиёти босқичларини ажратишнинг аниқ бир мезони ёки белгиси мавжуд эмас.

Жамият тараққиёти босқичларига технологик ёндашув ҳам маълум бир оқим ҳисобланади. Улар жамият тарихий тараққиёти давомида рўй бераётган ўзгаришлар кўлами ва тавсифини яхшироқ тушуниб олиш учун ишлаб чиқаришнинг турли технологик усулларини таҳлил этиш, машиналашган ишлаб чиқаришнинг вужудга келиши ва ривожланиш тарихига мурожаат қилиш зарур деб ҳисоблайдилар.

Меҳнат воситалари, материаллар, технология, энергия, ахборотлар ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш билан биргаликда ишлаб чиқаришнинг технологик усули дейилади.

Улар ўртасидаги чегараларни жамият тараққиёти тарихининг йирик босқичлари ажратиб туради. Бир технологик ишлаб чиқариш усулидан бошқасига ўтиш асосан меҳнат воситаларининг характеридаги ўзгаришлар, фан ва техника тараққиёти билан белгиланади.

Ишлаб чиқариш технологик усулларининг дастлабки учта босқичлари алоҳида фарқланади. Булар оддий кооперация, мануфактура ва машиналашган ишлаб чиқариш. Оддий кооперация – бу бир хил ишни ёки хизмат вазифасини бажарувчи ходимларнинг энг оддий шаклидаги уюшиши, биргалашиб маълум тартиб асосида ишлайдиган кишилар гуруҳидир. Кооперациянинг якка тартибдаги ҳунармандчилик ишлаб чиқаришига нисбатан афзалликлари қуйидагилар орқали намоён бўлади:

- кўплаб ишчиларнинг биргаликдаги меҳнати ишчи кучидаги алоҳида тафовутларнинг йўқолишига, уларнинг сифат жиҳатидан бир хиллигига олиб келди;

- бино ва иншоотлардан биргаликда фойдаланиш натижасида ёқилғи, ёритиш ва бошқа шу каби харажатларнинг кам сарфланиши маҳсулот бирлигига тўғри келувчи ишлаб чиқариш воситаларининг тежалишига олиб келди;

- биргаликдаги меҳнат беллашувни келтириб чиқариб, меҳнат унумдорлигини оширди.

Машиналашган ишлаб чиқаришга олиб боровчи йўлда мануфактура, яъни меҳнат тақсимотига асосланган, лекин машина ҳали мавжуд бўлмаган шароитдаги кооперация муҳим роль ўйнайди. Мануфактура даврида ишлаб чиқаришнинг умумлашув жараёни давом этади. Ялпи ишчи кучи таркиб топади, ҳар бир айрим ходим эса ялпи ишчи кучининг таркибий қисмига айланади. Бунда оддий кооперациядагидек қўл меҳнатига асосланган қуролга таянади.

Мануфактура ихтисослаштирилган қурол ва асбоблар вужудга келтириб ҳамда ишчини тор операцияларни бажаришга боғлаб, йирик машиналашган ишлаб чиқаришга ўтиш учун зарур шарт-шароит тайёрлайди. Бу даврда ишлаб чиқаришни ташкил этиш, меҳнатнинг мазмуни ва характерида, ишлаб чиқаришнинг бутун технологик усулида, иқтисодий муносабатларда ва бутун ижтимоий ҳаётда ҳам туб ўзгаришлар рўй беради. XVIII асрнинг сўнгги 30 йили ичида бошланган саноат революцияси натижасида йирик машиналашган ишлаб чиқариш вужудга келди.

Кооперациянинг бу шакли худди мануфактура сингари, меҳнат тақсимотига асосланади, лекин ундан машинали меҳнатга асосланиши билан тубдан фарқ қилади. Фабрика ичидаги меҳнат тақсимоти тамомила машиналарнинг вазифалари билан белгиланади.

Машиналар тизимига асосланган фабрика бугун ҳам кўп жиҳатдан ижтимоий ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг асосий бўғини ролини сақлаб келмоқда. Шу билан бирга фан ва техникадаги инқилобий ўзгаришлар, ЭҲМнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, ягона ахборот тизимларининг яратилиши, ишлаб чиқариш умумлашувининг янада ўсиши унинг техникавий базисини жиддий равишда ўзгартириб юборди.

Биз юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, техника ва технологиядаги ўзгаришлар жамият тараққиётида асосий ролни ўйнайди ва ташкилий, бошқарув тизимларининг, ишчи-хизматчилар таркибининг ўзгаришига,

меҳнат унумдорлигининг ўсишига олиб келади. Лекин бу техник ўзгаришларга қараб бир томонлама ёндашув билан жамият тараққиёти қонунларини аниқлаб бўлмайди. Айниқса, иқтисодий тизимлар ва уларнинг характерини билишда ҳам техник ҳам ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг биргаликда олиб, уларнинг ўзаро бир-бирига таъсирини ва шу диалектик алоқадорлик ва таъсир натижасида содир бўладиган тараққиёт қонунларини ўрганиш зарурдир.

Жамият тараққиётига, жумладан, техника ва технологиянинг ривожига ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг кучли таъсирини шунда кўриш мумкинки, бир неча минг йиллаб ривожланмай ётган техника ва технология тараққиёти товар хўжалиги ва бозорнинг вужудга келиши билан гуркираб ўсиб кетди.

Техника тараққиётининг ҳамма босқичлари яъни оддий кооперация, мануфактура, машиналашган яъни индустрлашган ишлаб чиқариш, юқори даражадаги индустрлашган, ахборотлашган жамият босқичлари кейинги 250–300 йилга, яъни товар хўжалиги ривож топган даврга тўғри келади. Шунинг учун ҳам кейинги пайтда кўпгина иқтисодчилар жамият тараққиёти босқичларини иқтисодий тизимларга бўлиб ўрганадилар⁶.

Хўжалик юритиш эркинлиги даражасини эътиборга олган ҳолда жаҳон иқтисодий адабиётларида хўжалик тизимларини иккита белгига кўра туркумлаш кенгроқ тарқалган:

- ишлаб чиқариш воситаларига мулкчилик шакли;
- иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштириш ва бошқариш усулига кўра.

Мазкур белгилар асосида қуйидаги тизимлар фарқланади:

1. Буйруқбозлик ёки тоталитар иқтисодиёт. Бундай иқтисодиётда аксарият корхоналар давлат мулкида бўлади. Улар ўз фаолиятини давлат директивалари асосида амалга ошириб, жамиятдаги моддий неъматларни ва хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш

⁶ Shodmonov Sh.Sh., G'afurov U.V. Iqtisodiyot nazariyasi (darslik). - T.: Fan va texnologiya nashriyoti, 2005. 89-93-b.

бўйича барча қарорлар давлат томонидан қабул қилинади.

2. Бозор иқтисодиёти. Бу иқтисодиёт ресурсларга хусусий мулкчилик, иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштириш ва уни бошқариш учун бозор ва нарх тизимидан фойдаланиш билан тавсифланади.

Эркин бозор иқтисодиётида давлат ресурсларни тақсимлашда ҳеч қандай роль ўйнамайди. Бу борадаги барча қарорлар бозор субъектлари томонидан ўз таваккалчилиги асосида мустақил қабул қилинади.

3. Аралаш иқтисодиёт. Мазкур иқтисодиётда давлат ҳам, хусусий сектор ҳам мамлакатдаги барча ресурслар ва моддий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмолда муҳим роль ўйнайди. Давлат зарур ҳолларда иқтисодиётга аралашиб, уни тартибга солиб туради.

Кишилик жамияти тараққиётида трансформациялашув даври иқтисодиёти алоҳида ўрин тутди. Трансформациялашув даври иқтисодиёти – ҳам бир хўжалик доирасида, ҳам бир хўжалик туридан бошқа бир турига ўтиш, ўзгаришлар ҳолатида бўлган иқтисодиёт. Трансформациялашув даври иқтисодиётини жамият тараққиётидаги ўтиш давридан фарқлаш лозим. Жамият тараққиётидаги ўтиш даври натижасида бир турдаги ижтимоий муносабатларнинг бошқалари билан алмашуви, жамиятнинг янги сифат босқичига ўтиши рўй беради.

Қисқача хулоса

1. Иқтисодий тизимлар трансформациясининг ўзига хос белгиси бўлиб унинг беқарорлиги ҳисобланади. Бу иқтисодиётда эски ва янги ҳолатларнинг унсурлари аралаш ҳолда амал қилади. Иқтисодий тизимлар трансформациялашуви жараёнлари мавжуд тизимдаги беқарорликни янада кучайтиришга қаратилган бўлиб, пировардида мазкур тизим ўзининг ўрнини янги иқтисодий тизимга секин-аста бўшатиб беради.

2. Иқтисодий тизимлар трансформациялашуви жараёнлари назарияси фанининг предмети бўлиб кишилар ўртасидаги ишлаб чиқариш муносабатлари ҳисобланади. Бироқ, ўз мазмунига кўра, бу муносабатлар

кўпроқ жамиятнинг ўтиш ҳолатига хос бўлган махсус жиҳатлар билан боғлиқ бўлади.

3. Трансформациялашув жараёнларининг тавсифига кўра трансформациялашув даври иқтисодиётининг икки тури фарқланади. Буларнинг биринчиси тарихий эволюциянинг табиий тарзда боришини ифодалайдиган ва шартли равишда табиий-эволюцион деб номланадиган тур деб аталади. Иккинчиси, ислохотларга асосланган-эволюцион тур деб аталади.

4. Ҳар қандай турдаги трансформациялашув даври иқтисодиётида такрор ишлаб чиқариш жараёни муқаррар тарзда амалга оширилади. «Соф» тизимдаги такрор ишлаб чиқаришга нисбатан унинг умумий хусусиятлари трансформациялашув даври иқтисодиёти амал қилишининг махсус қонуниятлари деб аталиб, улар қаторига қуйидагилар киритилади: такрор ишлаб чиқаришнинг инерциялилиги ҳамда янги шакл ва муносабатларнинг интенсив равишдаги устун ривожланиши.

5. Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги трансформациялашув даври иқтисодиёти қуйидагилар билан тавсифланади: у ислохотларга асосланган-эволюцион турдаги ўтиш иқтисодиёти бўлиб, унинг амал қилишида илмий жиҳатдан асосланган ва мақсадга йўналтирилган дастурлар муҳим роль ўйнайди; мазкур мақсадга йўналтирилганлик мунтазам равишда ривожланиб ҳамда ҳаётга татбиқ этилиб боради.

Асосий таянч тушунчалар

Табиий-иқлимий омиллар – жамиятнинг табиий базиси билан боғлиқ бўлган ва иқтисодий тизимнинг амал қилиши ва ривожланишига таъсир кўрсатувчи омиллар.

Ишлаб чиқариш-иқтисодий омиллар – жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ифода этувчи ва иқтисодий тизимнинг амал қилиши ва ривожланишига таъсир кўрсатувчи омиллар.

Ижтимоий-иқтисодий омиллар – кишиларнинг маънавий-руҳий ҳолати билан боғлиқ бўлган ва иқтисодий тизимнинг амал қилиши ва ривожланишига таъсир кўрсатувчи омиллар.

Жамият тараққиёти босқичлари мезонлари – жамиятнинг ривожланиш даражасини баҳолашда қўлланилувчи турли кўрсаткич ва ўлчамлар.

Анъанавий иқтисодиёт – жамият тараққиётининг дастлабки босқичига тўғри келувчи, турли анъаналар ва урф-одатлар асосида юритилувчи иқтисодий тизим.

Бозор иқтисодиёти – товар ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва пул муомаласи қонун – қоидалари асосида ташкил этиладиган ва бошқариладиган иқтисодий тизим.

Трансформациялашув даври иқтисодиётининг табиий-эволюцион тури – ташқаридан ҳеч қандай аралашув ва тартибга солишларсиз, ўз ички ривожланиш қонуниятлари асосида амал қилувчи иқтисодиёт.

Трансформациялашув даври иқтисодиётининг ислоҳотларга асосланган-эволюцион тури – мақсадга йўналтирилган дастурлар таъсири асосида амал қилувчи иқтисодиёт.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Трансформациялашув даври иқтисодиётининг ўзига хос белгиси қандай?

2. Ўз тавсифига кўра трансформациялашув даври иқтисодиётининг қандай турлари фарқланади?

3. Трансформациялашув даври иқтисодиёти амал қилишининг махсус қонуниятлари нималардан иборат?

4. Такрор ишлаб чиқаришнинг инерциялилиги ҳамда янги шакл ва муносабатларнинг интенсив равишдаги устун ривожланиши қонуниятларининг мазмунини тушунтириб беринг.

5. Ўзбекистон Республикасининг трансформациялашув даври иқтисодиёти қандай белгилар билан тавсифланади?

6. Ҳозирги замон трансформациялашув даври иқтисодиётининг

хусусиятлари қандай?

7. Трансформациялашув даври иқтисодиёти тавсифига таъсир кўрсатувчи омиллар қандай гуруҳларга бўлинади?

8. Иқтисодий тизимлар трансформациялашуви жараёнлари назарияси фанининг предмети нима?

Тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. // Халқ сўзи. 16.01.2017 й.

2. Каримов И.А. «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли». - Т.: Ўзбекистон, 1992. 3-8-б.

3. Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. - Т.: Ўзбекистон, 1993. 3-5, 10-12, 16-21, 23, 39-б.

4. Экономика: Учебник. 3-е изд., перераб. и доп. /Под ред. д-ра экон. наук проф. А.С.Булатова– М.: Экономист, 2005. С.625-630.

5. Арменский А.Е. Экономика устойчивого развития: прорывные идеи и технологии./ - М.: Социальный проект, 2009. – 24-27 с.

6. Носова С.С., Новичкова В.И. Экономическая теория для бакалавров: учеб. пос. - М.: КНО РУС, 2009. – 68-71 с.

7. Худокормов А.Г. Экономическая теория: Новейшие течения Запада. - М.: ИНФРА-М, 2009. – 41-48 с.

8. Теоретические проблемы переходной экономики: Учеб.-метод. пособие/ Под ред. В.В.Радаева. – М: Экономический факультет МГУ, ТЕИС, 2003. С.9-10.

9. Шодмонов Ш.Ш., Баубекова Г.Д., Халикова Г.Т. Инновационные методы обучения в экономическом образовании. – Т.: Фан, 2003.

10. Shodmonov Sh.Sh., G'afurov U.V. Iqtisodiyot nazariyasi (darslik). - Т.: Fan va texnologiya. 2005. 86-87, 89-93-б.

2-боб. ИҚТИСОДИЙ ТРАНСФОРМАЦИЯНИНГ АСОСИЙ БЕЛГИЛАРИ ВА ТУРЛАРИ

Олдинги бобдан маълум бўлдики, деярли барча ижтимоий-иқтисодий жараён ва ҳодисаларнинг бир сифат босқичидан бошқасига ўтиши маълум даражада ўтиш ҳолатини ҳамда мазкур ҳолатнинг намоён бўлиш вақтини ифодаловчи ўтиш даврини тақозо этади. Трансформациялашув даврининг иқтисодий моҳиятини тўлароқ тушуниш учун унинг ўзига хос белгиларини кўриб чиқиш зарур. Шунингдек, трансформациялашув давридаги тараққиёт ўзгаришларининг ижтимоий-иқтисодий тизим амал қилишидаги ўзгаришлардан тафовутини очиб берилиши мазкур давр тўғрисидаги тасаввурларни янада бойитади.

Ушбу бобда давомида трансформациялашув даври иқтисодиётининг жараёнларни миқёси ва тавсифи жиҳатидан турлари, трансформациялашув даври иқтисодиётининг амал қилиш қонуниятлари, жамиятнинг бир босқичдан бошқасига ўтиш механизми каби масалалар ҳам кўриб чиқиладигани, бунинг натижасида олинган билимлар мазкур давр иқтисодиёти тўғрисидаги назарий билимларни изчил ва яхлит даражага келтиради.

2.1. Трансформациялашув жараёнларининг мазмуни ва асосий белгилари

Трансформациялашув даври иқтисодиётининг мазмуни нафақат иқтисодий сиёсат ва хўжалик юритиш усулларини ислоҳ қилиш, балки ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимини ўзгартириш ҳам ташкил этади. Бу даврда иқтисодиётнинг мулкчилик муносабатлари ва ресурсларни тақсимлаш усуллари, такрор ишлаб чиқариш тури ва мотивациялаш моделлари, иқтисодий ривожланишнинг мақсад ва воситалари, институтлар ва ҳуқуқ каби деярли барча таркибий қисмлари ўзгаради.

Трансформациялашув даври иқтисодиётининг асосий белгилари, бошқа барқарор босқичдаги у ёки бу иқтисодиётнинг ҳолатидан фарқли ўлароқ, мазкур даврдаги ўзгаришларнинг тавсифи билан шартланади. Сен-

Симоннинг таъкидлашича, бундай ўзгаришлар ҳар бир барқарор тизим ёки таркибий давр (босқич) учун амал қиладиган ўзгаришлар ҳисобланса, трансформациялашув даври учун эса бу устун равишда ривожланиш ўзгаришлари демакдир. Мазкур белгиларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Биринчи белгиси – ўзига хос беқарорликнинг мавжудлиги. Маълумки, ҳар қандай тизимнинг амал қилиш жараёнида доимий равишда турли ўзгаришлар юз бериб туради. Бироқ, бу ўзгаришлар мазкур иқтисодиётга хос бўлган мақсадли фаолиятни амалга оширишнинг эркин воситаси сифатида майдонга чиқади. Ушбу механизмнинг яққол мисоли бўлиб капиталистик бозор иқтисодиётининг цикли ривожланиш манзараси хизмат қилиши мумкин. Иқтисодиёт назарияси ўзининг дастлабки қадамларидаёқ бу ҳолатни, яъни тизимнинг барқарорлигини ўзгаришлар предмети таркибига киритади. Трансформациялашув даври иқтисодиёти учун бошқа тартибдаги ўзгаришлар хос бўлиб, бу ўзгаришлар тизимдаги бошқа ўзгаришлар орқали мувозанатли барқарор ҳолатга қайтиш учун тизимнинг барқарорлигини вақтинча бузишга ўхшамайди.

Трансформациялашув даври иқтисодиёти ривожланишидаги ўзгаришлар қайта тикланмайдиган хусусиятга эга. Улар мавжуд тизимдаги беқарорликни кучайтириш орқали пировардида унинг янги иқтисодий тизимга ўтишига йўналтирилган.

2. Иккинчи белгиси – трансформациялашув даври иқтисодиёти ривожланишининг муқобиллик хусусиятга эгалигидир. Муқобиллик шуни англатадики, трансформациялашув даври иқтисодиётининг ривожланиш якунлари турли вариантларда намоён бўлиши мумкин. Бу ҳолат трансформациялашув даври иқтисодиётининг ўзгаришлари ичига эски ва янги ҳолатлар унсурларини аралаш ҳолатда қамраб олувчи табиатидан, шунингдек бу даврдаги ривожланиш жараёнига таъсир қилувчи омилларнинг турли-туманлигидан келиб чиқади.

3. Учинчи белгиси – махсус оралиқ иқтисодий шаклларнинг пайдо бўлиши ва амал қилиши. Бунда бу даврдаги эски ва янги жиҳатларнинг

аралашуви намоён бўлади. Мазкур омиллар бу даврнинг олдинга йўналтирилганлигини кўрсатади ҳамда унинг ортга қайтмаслигини ифодалайди.


4. Тўртинчи белгиси – трансформациялашув даври иқтисодиётдаги зиддиятларнинг махсус тавсифи. Бу зиддиятлар тизимнинг амал қилиш ҳолатига эмас, балки ривожланиш ҳолатига хосдир. Яъни бу зиддиятлар янгилик билан эскилик ўртасидаги жамиятнинг турли субъектлари, табақалари ўртасидаги зиддият кўринишида намоён бўлади. Трансформациялашув даври йўналтирилган ўзгаришлар иқтисодий жиҳатдан доимо инқилобий хусусиятга эга. Бу ерда гап иқтисодий тизимларнинг алмашуви тўғрисида боради. Бироқ, ижтимоий-сиёсий нуқтаи назардан трансформациялашув даври шундай кескин тўқнашувлар билан борадики, натижада зиддиятлар инқилобий ва ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан боғлиқ бўлади. Даврнинг ўткинчи эканлиги ижтимоий зиддиятларнинг кескинлашуви орқали муқаррар бўлиб, бу ҳолат иқтисодий адабиётларда турлича ифодаланади. Масалан, физиократ Мирабо учун ўзгаришлар давридаги зиддиятлардан чиқишнинг ижобий йўли унинг учун идеал ҳисобланган ўтмишдаги феодал тартибларга қайтишдан иборат бўлган. С.Сисмонди вужудга келаётган капитализмнинг иллатларини танқид қилган ҳолда майда товар ишлаб чиқаришга қайтишга чақирган.

5. Бешинчи белгиси – трансформациялашув даври иқтисодиётининг тарихийлиги. Бу тарихийлик икки ҳолат билан боғлиқ: биринчидан, трансформациялашув даври иқтисодиёти шарт-шароитларининг тарихий тавсифи; иккинчидан, мазкур тарихийликнинг алоҳида мамлакат минтақаси хусусиятларига боғлиқлиги. Масалан, трансформация жараёнлари шарқ ва ғарб цивилизацияси шароитларида бир ҳолда кечмай, ҳар бир мамлакат тараққиётининг муайян даражасига боғлиқ бўлади. Буларнинг барчаси эса трансформациялашув даври иқтисодиёти учун маълум бўлган умумий қонуниятларнинг ҳам турли шароитларда намоён бўлишида муайян шаклларга эгаллигини англатади. Ҳаттоки, трансформациялашув даври

иқтисодиётининг махсус таҳлили ҳам ҳар қандай ҳолатларда қўллаш мумкин бўлган аниқ моделларни келтириб чиқара олмайди.

2.2. Иқтисодий трансформациялашув жараёнларининг миқёси ва тавсифи жиҳатидан турлари

Трансформациялашув даври иқтисодиётининг моҳиятини тушуниш унинг турли белгиларига кўра турларини ажратиш олишни тақозо этади. Ҳозирда мавжуд бўлган ўқув адабиётларида трансформациялашув даври иқтисодиётининг жараёнлар миқёси ва тавсифи жиҳатидан турли типларга ажратилиши кенг тарқалган (2.2.1-расм).



2.2.1-расм. Трансформациялашув даври иқтисодиётининг жараёнлари миқёси ва тавсифи жиҳатидан турлари

Маҳаллий трансформациялашув иқтисодиёти миқёси бўйича қандайдир бир минтақа ёки алоҳида мамлакатдаги янги ҳолатга ўтишни тавсифлайди. Трансформациялашув даври иқтисодиётининг миқёси бўйича иккинчи тури глобал трансформациялашув давридир. У ўзгаришларнинг бутун жаҳон хўжалиги миқёсида ёки цивилизациялар доирасида ягона жараён сифатидаги тавсифини намоён этади. Глобал трансформациялашув

жараёнларнинг ривожланишига маҳаллий даражадаги ўзгаришлар муайян таъсир кўрсатиб, бунинг натижасида маълум глобал тенденциялар қарор топади.

Глобал жараёнлар мустақил омилларнинг таъсири остида ҳам ривожланади. Жумладан, ижтимоий меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви ишлаб чиқаришнинг байналминаллашувига олиб келади. Глобал трансформациялашув жараёнлари инсониятнинг бутун тарихи учун хосдир. Масалан, инсоният эрамиздан аввалги биринчи минг йилликда ягона цивилизациядан иккита шарқ ва ғарб цивилизациясига ажралди. Ҳозирги вақтда эса яна келажакда ягона жаҳон цивилизациясининг вужудга келиш тенденцияси кузатилмоқда. Биз томондан танланган мезон доирасида бозор иқтисодиётига ўтиш, ундан эса истиқболдаги иқтисодиётга ўтиш ҳам шундай тавсифга эга. Мазкур истиқбол тенденцияси бугун турли мамлакатларда маҳаллий ўзгаришларда турли даражада намоён бўлмоқда. Бирок, шуни таъкидлаш муҳимки, бу тенденциялар ҳозирги вақтда маълум даражада маҳаллий даражага қадар белгиловчи роль ўйнамоқда, чунки улар мазкур даражалардаги глобал истиқболларни тавсифлайдилар. Бунинг оқибатида иқтисодиёт тенденциясини нисбатан, тўла ҳисобга олиш у ёки бу мамлакатдаги ўтиш жараёнларини тезлаштирмоқда.

Олдинги бобдан маълумки, трансформациялашув жараёнлари тавсифига кўра трансформациялашув даври иқтисодиётининг икки тури фарқланади. Биринчиси юқорида кўриб чиқилган омиллар таъсири остида ривожланувчи жараёнларни тавсифлайди. У тарихий эволюциянинг табиий тарзда боришини ифода этиб, шартли равишда табиий эволюцион тур деб аталиши мумкин. Бундай турга мисол қилиб Франциянинг 1789 йилдаги инқилоб давридаги трансформациялашув жараёнларини келтириш мумкин.

Трансформациялашув даври иқтисодиётининг табиий эволюцион тури айниқса, глобал трансформациялашув жараёнлари учун хос бўлиб, бирок юқорида таъкидланганидек, маҳаллий (локал) ўтиш иқтисодиётлари ҳам эволюциянинг объектив жараёнлари давомида етарли даражадаги

натижаларга эга бўлиши мумкин. Шунинг учун эволюциянинг бу тури асосий ҳисобланади. Тарихий эволюциянинг бориши давомида ижтимоий тараққиёт доирасида босқичдан-босқичга ўтиш асосида айнан табиий эволюцион тури ётади. У ўтиш даври иқтисодиёти иккинчи турининг негизини ташкил этганлиги учун ҳам асосий ҳисобланади. Трансформациялашув даври иқтисодиёти бошқа турининг моҳияти унинг жараёнларини жамиятни ислоҳ қилиш бўйича онгли равишда ишлаб чиқариш дастурлари асосида маълум йўналишларда тартибга солиш ва бошқаришда намоён бўлади. Шунинг учун бу турни шартли равишда ислохотга асосланган эволюцион тур деб аталади. Бунга ижтимоий йўналтирилган очик ташқи сиёсат ҳамда барқарор бозор иқтисодиётига эга фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий давлатини қуришнинг ўзбек моделини мисол тариқасида келтириш мумкин. Албатта, трансформациялашув даври иқтисодиётининг бу турида ҳам тараққиётнинг объектив омиллари ҳатти-ҳаракатини четлаб эволюциянинг қонуниятларини инкор этиб бўлмайди. Бироқ, трансформациялашув жараёнларига тегишли таъсир кўрсатиш орқали эволюцияни жадаллаштириш мумкин. Бундай таъсир кўрсатишлар ҳам ислохотларнинг у ёки бу дастурлари орқали амалга оширилади. Трансформациялашув жараёнларини жадаллаштиришнинг муваффақияти агар ислохотлар ўзбошимчалик билан эмас, балки эволюциянинг қонуниятларини англаган, ҳаракатлар тизимини керакли йўналишлар асосида таркиб топтирган ҳолда таъминланади. Табиийки, трансформациялашув даври иқтисодиётининг мазкур тури ижтимоий тараққиётнинг нисбатан юқори босқичларида пайдо бўлиб, бу босқичда ижтимоий-маданий омил кучли аҳамият касб этади. Айнан мана шу ижтимоий омиллар ҳаракати билан у ёки бу дастурларнинг тузилиши боғлиқ бўлади. Шунингдек, трансформациялашув даври иқтисодиётининг мазкур тури бугунги кунда у ёки бу мамлакатдаги маҳаллий (локал) жараёнлар учун хосдир.

2.3. Иқтисодий трансформациянинг амал қилиш қонуниятлари

Й.Шумпетер трансформациялашув даври иқтисодиётининг таркибий тузилишини тавсифлаб, эски ва янги муносабатларнинг «фаол симбиози», яъни уларнинг ўзаро фойда ва зарар келтирган ҳолда бирга мавжуд бўлиши, дея баҳолаган эди. Бу эса, муайян даврда жамият ҳаракатида шунчаки мавжуд бўлиш эмас, балки ривожланишнинг белгиловчи аҳамият касб этишини англатади. Шунга кўра, трансформациялашув даври – нормал амал қилувчи иқтисодий тизимнинг барқарор ҳолатидан фарқланувчи динамик, ўзгарувчан ҳолатдан иборат. Трансформациялашув даврининг айнан динамик ҳолати унинг умумий қонуниятларини белгилаб беради.

Трансформациялашув даври иқтисодиётининг амал қилиш қонуниятлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

Биринчи қонуният – трансформациялашув даври иқтисодиётидаги эски, янги ва ўтиш (оралиқ) шакл ва муносабатларининг ўзаро уйғунлиги ва ўзаро таъсири.

Иккинчи қонуният – трансформациялашув даври иқтисодиётига хос бўлган махсус зиддиятларнинг мавжуд бўлиши ва амал қилиши.

Учинчи қонуният – трансформациялашув даври иқтисодиёти учун макродаражадаги мувозанатсизликнинг хослиги.

Тўртинчи қонуният – трансформациялашув ҳолати учун ривожланишнинг муқобил тавсифининг мослиги.

Ва ниҳоят, бешинчи қонуният – трансформациялашув даври иқтисодиётида ташқи иқтисодий, субъектив омиллар ролининг ўсиб бориши.

Трансформациялашув даври иқтисодиёти қонуниятларининг пайдо бўлишини, энг аввало, Ўзбекистон мисолида кўриш мумкин. Ўзбекистоннинг трансформациялашув ҳолати ўзига хос тарзда кечган.

XX асрнинг 90-йиллари бошида Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиётида мутлақо янги мазмун ва моҳиятга эга тарихий вазият юзага келди.

Бу, аввало, Биринчи Президент Ислом Каримов раҳнамолигида халқмизнинг мустақилликка эришгани билан боғлиқдир. Истиқлолимиз шарофати билан иқтисодиётимизга бозор муносабатларини жорий этиш, мавжуд ижтимоий-иқтисодий, халқаро масалаларни ўз миллий манфаатларимиздан келиб чиққан ҳолда мустақил ҳал этиш имконияти яратилди.

Бошқача айтганда, мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни қадимий миллий давлатчилигимизни қайта тиклаш ва миллий иқтисодиётимизни шакллантириш билан уйғунликда олиб борилди.

Айни пайтда, бозор муносабатлари халқимиз ва Ватанимиз учун бутунлай янги тушунчалар эмасди.

Осиё ва Европанинг савдо йўли - Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган ўзбек замини асрлар оша Шарқ ва Фарб ўртасида ўзига хос кўприк бўлиб келди. Ўзбекистон ўзининг ана шу тарихий ва анъанавий ўрнини эгаллаши учун юртимизда замонавий бозор муносабатларини ва аҳоли ўртасида эса бозор маданиятини шакллантириш лозим эди. Бу эса осон иш эмасди. Зеро, коммунистик мафкура ҳукмронлик қилган совет замонида – етмиш йил мобайнида халқимиз ҳақиқий бозор қадриятларидан бутунлай узоқлаштирилган, одамлардаги бозор муносабатларига хос ташаббускорлик, изланувчанлик ва тадбиркорлик сўндирилган, боқимандалик кайфияти ҳукмронлик қилган.

Тўғри, социализм шароитида ҳам «хуфёна иқтисодиёт», кооператив фаолият, колхоз бозори сингари бир қарашда бозорни эслатадиган ярим очик, яширин кўринишдаги унсурлар ҳам мавжуд бўлган. Аммо, социализм мазмун-моҳиятига кўра бозор иқтисодиётига бутунлай зид, давлат мулкани энг устувор ўринга қўяр ва хусусий мулкчиликнинг ҳар қандай кўринишини инкор этарди.

Шу боис мулк объектларини давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш ва монополлашувдан қайтиш механизмлари орқали рақобат муҳитини яратиш, эркин тадбиркорликка кенг йўл очиш, бозор

инфратузилмасини ривожлантириш, талаб ва таклиф асосида шаклланадиган нарх механизмини жорий этиш каби бозор устунларини қарор топтириш, пировардида аралаш иқтисодиётга эришиш лозим эди. Чунки, шусиз ҳам чуқур инқироз гирдобига тушиб қолган иқтисодиётимизни соғломлаштиришнинг бозордан бошқа йўли йўқ, олдинда улкан ислохотларни амалга ошириш вазифаси турарди.

Собик, СССРда ҳам бир қанча иқтисодий ислохотлар ўтказилганини таъкидлаш лозим. 1953, 1965, 1979 йилларда ўтказилган хўжалик юритиш механизмларини такомиллаштириш, моддий манфаатдорликни оширишга қаратилган ислохотлар шулар жумласидандир. Лекин, иқтисодий ривожланишда бурилиш яшаш мақсадида амалга оширилган бундай уринишларнинг бирортаси ҳам кутилган самарани бермади. Бериши ҳам мумкин эмасди. Чунки, ислохотларни амалга оширишда шахсий манфаат ва меҳнат натижалари ўртасидаги бевосита узвийлик ҳисобга олинмаган эди.

Бу масала эса, жамият пойдевори ҳисобланадиган мулк муносабатларини қайта қуриш билан боғлиқ. Мулк муносабатларини ўзгартириш эса бевосита социализмнинг тақдири билан боғлиқ эди.

Мўрт пойдевор устига қурилган бинони таъмирлаш билан унинг кўркамлигини ошириш мумкин. Аммо унинг мустаҳкамлиги-ю самарадорлигини ошириб бўлмайди. Шўро давридан катта шов-шув ва даҳмаза билан бошланган, бироқ ниҳоясига етмай, ўрта йўлда қолиб кетган иқтисодий ислохотлар ҳам хўжалик юритишнинг айрим бўғинларини такомиллаштиришдан нарига ўта олмади, бутун иқтисодиётни жонлантиришга ожизлик қилди. Натижада, яна одатдагидек маъмурий-буйруқбозлик тартиботига зўр берилди. Бу усул ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасидаги алоқани экстенсив омиллардан кенг фойдаланиш орқали наридан-бери таъминлаш имконини берди. Аммо табиий ресурсларнинг ҳам чегараси бор, имкониятлари чекланган. Улардан келажак авлод манфаатларини ҳисобга олмасдан, пала-партиш фойдаланиш талай муаммоларни, жумладан, экологик кескинликни келтириб чиқарди.

Экстенсив омилларнинг борган сари имкониятлари торайиб кетавериши, интенсив хўжалик юритиш механизмининг мавжуд эмаслиги эртами-кеч иқтисодий танқислик ва тангликни келтириб чиқариши муқаррар эди. Шундай бўлди ҳам! Иқтисодий танглик XX аср 80-йилларининг охирига келиб янада кескин ва ҳалокатли тус олди. Бу, аввало, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг бутунлай пасайиб кетишида, ишлаб чиқариш қувватларининг иш билан таъминланмаганида, ишсизлик даражасининг ўсишида, пул- кредит ва валюта тизимининг издан чиқишида намоён бўлди. Хусусан, 1990 йилда собиқ иттифоқ ялпи миллий маҳсулоти 1989 йилдагига нисбатан 2 фоиз, ишлаб чиқарилган миллий даромад ҳажми 4 фоиз, меҳнат унумдорлиги 3 фоиз пасайди. Ташқи савдо айланмаси 6,6 фоиз қисқариб, ташқи савдонинг салбий сальдоси 9,8 миллиард рублга етди. Давлат қарзи эса бир йилда 150 миллиард рубль кўпайиб, 550 миллиард рублдан ошиб кетди.

Сурункали инфляция ҳамманинг тинкасини қурита бошлади. Натижада шусиз ҳам ночор аҳволда кун кечираётган аҳолининг даромадлари ва турмуш даражаси муттасил пасая бошлади. Ишлаб чиқариш кўлами ва ҳажмининг тинимсиз қисқариши, айниқса, Ўзбекистондек кескин демографик шароитда яшаётган республикалардаги аҳоли турмуш даражасига янада оғирроқ таъсир кўрсатди. Ўзбекистон аҳоли жон бошига миллий даромад ишлаб чиқариш, реал даромадлар, иш ҳақи, меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари бўйича собиқ шўро республикалари орасида энг охирги ўринлардан бирига тушиб қолган эди⁷.

Биринчи Президентимиз Ислон Каримов бу аянчли вазият ҳақида шундай таъкидлаган эди: “Ўзбекистон киши бошига ялпи ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича мамлакатда 12-ўринни эгаллаб турибди, аҳоли жон бошига миллий даромад ишлаб чиқариш бўйича эса иттифоқдаги ўртача даражадан икки ҳисса паст”⁸.

⁷ Нурислон Тўхлиев Тараққиётнинг ўзбек модели. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2012. 7-12-бетлар.

⁸ Ислон Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т.: Ўзбекистон, 2011. - 167-бет.

Бу даврда саноатдаги меҳнат унумдорлиги жиҳатидан Ўзбекистон ўртача иттифоқ кўрсаткичидан 40 фоиз, қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлиги жиҳатидан эса икки баробар орқада эди. Республика аҳоли жон бошига халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш бўйича иттифоқ даражасининг 40 фоизини ташкил этарди⁹.

Боз устига иқтисодиётнинг таркибий тузилиши ва уни ташкил этиш шакллари замон талабларига мутлақо жавоб бераолмасди. Мамлакат хўжалигининг амал қилиб келган таркиби экстенсив ривожланиш маҳсули бўлган бу тизим иқтисодий зарурат эмас, балки қатъий марказлашган маъмурий ва режали бошқаришга асосланган эди. Қатъий режа асосига қурилган иқтисодиёт эса ривожланишга қодир эмаслиги бугун кўпчиликка маълум. Режали иқтисодиётнинг танқислик, ишлаб чиқариш монополизми каби “сурункали касалликлар” доимий хамроҳидир. Собиқ шўролар мамлакатада ижтимоий аҳамияти кам бўлган, халқ эҳтиёжларини бевосита қондиришга эмас, балки “планни тўлдириш” учун маҳсулот чиқариладиган соҳалар, корхоналар беҳад кўпайиб кетган эди.

Жаҳонда бир неча ўн йилликлар давомида ижтимоий тараққиётнинг икки қарама-қарши концепцияси – капиталистик ва социалистик концепциялар бир-бирига қарши кураш олиб борди. Катта-катта иқтисодий тизимлар шу концепцияларни ўзида мужассамлаштирди.

XX асрнинг 80-йилларида ва 90-йилларнинг бошида жаҳонда рўй берган оламшумул ўзгаришлар ҳозирги замон иқтисодий тафаккурига, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш истиқболларига нисбатан ёндашувларга жиддий тузатишлар киритди. Эркин иқтисодий тартибга солиш ғоялари ҳам, марказлаштирилган режалаштириш ғоялари ҳам инқирозга учради. Жаҳон цивилизацияси ижтимоий тараққиётнинг сифат жиҳатидан янги моделини ишлаб чиқди. Ушбу модель замирида тартибга солинадиган бозор иқтисодиёти ётади. Бу иқтисодий ислохотларнинг

⁹ Ислом Каримов Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т.: Ўзбекистон, 2011. - 167-бет.

шиддатли оқимига туртки берди, унга ривожланган ва ривожланаётган жуда кўп мамлакатлар кўшилди.

Собиқ Иттифоқнинг парчаланиши, етилиб келган ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг чуқурлашуви, уларнинг ўзига хослиги уларни ечишга нисбатан индивидуал ёндашувларни белгилашни тақозо этади.

Ўзбекистон биринчилар қатори ўзининг том маънодаги суверенитетга эришиш мақсадини жаҳонга билдирди. Собиқ Иттифоқ мамлакатлари орасида биринчи бўлиб Президент бошқарувини жорий этди. Кенг миқёсдаги ислохотлар, жамиятни тубдан янгилаш ва ислох этиш йўлини танлади. 1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси мустақил деб эълон қилинди. Ўзбекистон тинч, парламент йўли билан ўзининг реал давлатчилигини қўлга киритди.

Ўзбекистон танлаган ислохотларнинг ўзига хос йўли республикамиз манфаатлари, шарт-шароитлари ва ўзига хосликларига кўпроқ мос келадиган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилган.

Маъмурий-бўйруқбозлик тизимидан ўтиш даврининг хусусиятлари, бозор муносабатларига ўтишнинг ўзбек модели, ўтиш концепцияси, стратегияси, пировард мақсади, келажак ижтимоий-иқтисодий жамиятининг янги сифатини кейинги бобларда кўриб чиқамиз.

Қисқача хулоса

1. Трансформациялашув даври иқтисодиётининг асосий белгилари, бошқа барқарор босқичдаги у ёки бу иқтисодиётнинг ҳолатидан фарқли ўларок, мазкур даврдаги ўзгаришларнинг тавсифи билан шартланади. Мазкур белгиларга қуйидагиларни киритиш мумкин: 1) ўзига хос беқарорликнинг мавжудлиги; 2) трансформациялашув даври иқтисодиёти ривожланишининг муқобиллик хусусиятга эгаллиги; 3) махсус оралиқ иқтисодий шаклларнинг пайдо бўлиши ва амал қилиши; 4) трансформациялашув даври иқтисодиётдаги зиддиятларнинг махсус тавсифи; 5) трансформациялашув даври иқтисодиётининг тарихийлиги.

2. Маҳаллий трансформациялашув иқтисодиёти миқёси бўйича қандайдир бир минтақа ёки алоҳида мамлакатдаги янги ҳолатга ўтишни тавсифлайди. Трансформациялашув даври иқтисодиётининг миқёси бўйича иккинчи тури глобал трансформациялашув давридир. У ўзгаришларнинг бутун жаҳон ҳўжалиги миқёсида ёки цивилизациялар доирасида ягона жараён сифатидаги тавсифини намоён этади.

3. Ўзбекистоннинг замонавий трансформациялашув иқтисодиёти қуйидагилар орқали тавсифланади:

1) мақсадга йўналтирилган дастурлар муҳим ўрин тутувчи ислоҳотга асосланган – эволюцион турдаги ўтиш иқтисодиётлари ҳам мавжуд;

2) Ўзбекистондаги трансформациялашув жараёни XX асрнинг охиридаги махсус тарихий шароитлар – глобал трансформациялашув жараёнларининг ёйилиши шароитида юз бера бошлади;

3) Ўзбекистон худудий-географик ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан аҳамиятли ўрин эгаллайди, шарқ ва ғарб маданиятларини маълум бирликка уйғунлаштириб, бу цивилизацияларни бирлаштирувчи ўзига хос кўприк ҳисобланади.

Асосий таянч тушунчалар

Трансформациялашув даври иқтисодиёти – бир иқтисодий тизимдан бошқа бирига ўтишда ислоҳотларни амалга ошириш учун тақозо этилувчи махсус даврни бошидан кечирувчи иқтисодиёт.

Маҳаллий тип – янги ҳолатга ўтишнинг қандайдир алоҳида олинган минтақа ёки мамлакат миқёсида рўй бериши.

Глобал тип – янги ҳолатга ўтишнинг бутун жаҳон ҳўжалиги ёки цивилизациялар миқёсида рўй бериши.

Инерциялилиқ – такрор ишлаб чиқаришнинг узлуксиз равишда давом этиши.

Такрорлаш учун саволлар

1. Трансформациялашув даврининг белгилари қандай?

2. Ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг амал қилишидаги ўзгаришларнинг моҳияти қандай?
3. Трансформациялашув даври иқтисодиётининг қандай турлари мавжуд?
4. Трансформациялашув даври иқтисодиётининг амал қилиш қонуниятлари нималарда намоён бўлади?
5. Такрор ишлаб чиқариш инерциялигининг мазмуни қандай?
6. Трансформациялашув даври иқтисодиётига хос бўлган зиддиятлар нималардан иборат?
7. Нима учун трансформациялашув даври иқтисодиётида макродаражадаги мувозанатсизлик табиий ҳолат ҳисобланади?
8. Трансформациялашув даври учун ривожланишнинг муқобил тавсифининг сабабларини тушунтириб беринг.

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Ш.М.Мирзиёев Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. // Халқ сўзи. 16.01.2017 й.
2. Каримов И.А.Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. - Т.: Ўзбекистон, 2011. - 167-бет.
3. Тўхлиев Н. Тараққиётнинг ўзбек модели. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2012. 7-12-бетлар.
4. Экономика: Учебник. 3-е изд., перераб. и доп. /Под ред. д-ра экон. наук проф. А.С.Булатова– М.: Экономист, 2005. С.625-630.
5. Арменский А.Е. Экономика устойчивого развития: прорывные идеи и технологии./ - М.: Социальный проект, 2009. – 24-27 с.
6. Теоретические проблемы переходной экономики: Учеб.-метод. пособие/ Под ред. В.В.Радаева. – М: Экономический факультет МГУ, ТЕИС, 2003. С.9.

3-боб. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШНИНГ ТУРЛИ ЗАМОНАВИЙ МОДЕЛЛАРИ

Олдинги боблардан маълум бўлдики, кишилик жамиятининг тарихий тараққиёти бир неча ижтимоий-иқтисодий тизимларни босиб ўтган. Улар орасида энг ривожланган, самарали, жамият маданиятининг юқори даражасига мувофиқ тушувчи тизим – бозор иқтисодиёти ҳисобланади. Шунга кўра, бозор иқтисодиёти ёки унинг замонавий кўриниши – аралаш иқтисодиёт жаҳон цивилизацияси тараққиёти йўлидаги муқаррар босқичга айланади. Бозор иқтисодиётига ўтиш муаммоларини тадқиқ этиш ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий тараққий этишининг турли концепцияларини кўриб чиқишни тақозо этади. Шунингдек, трансформациялашув даври иқтисодиётида ишлаб чиқариш динамикаси ва тузилиши ҳамда унинг асосий йўналишларини ўрганиш мазкур боб мазмунини очиб беришда муҳим ҳисобланади.

3.1. Бозор иқтисодиётининг мазмуни, амал қилиш қонуниятлари ва Ўзбекистонда унга ўтишнинг объектив зарурлиги

Иқтисодий трансформация назариялари кишилик жамияти учта асосий ҳолатининг амал қилиш шарт-шароитларидан келиб чиқади:

- 1) анъанавий (нобозор) иқтисодиёт;
- 2) бозор иқтисодиёти;
- 3) аралаш иқтисодиёт.

Бундай тарздаги учта босқичга ажратиш қуйидаги белгилар бўйича амалга оширилади:

1. ишлаб чиқариш-техникавий базанинг ҳолати;
2. ишлаб чиқариш воситаларини ўзлаштириш тавсифи;
3. ишловчининг ҳолати.

Ушбу белгилар бўйича кишилик жамияти асосий босқичларининг таҳлилини қисқача тарзда қуйидаги жадвал кўринишида ифодалаш мумкин (3.1.1-жадвал).

3.1.1-жадвал

Кишилик жамияти босқичларининг асосий белгилар бўйича тавсифи

Асосий белгилар	Анъанавий (нобозор) иқтисодиёт	Бозор иқтисодиёти	аралаш иқтисодиёт
Ишлаб чиқариш-техникавий базанинг ҳолати	- қолоқ, қўл меҳнатига асосланган воситалар, иш ҳайвонлари ва ишчиларнинг табиий кучидан фойдаланиш; - экстенсив ривожланиш; - аграр ишлаб чиқаришнинг устуворлиги	- меҳнат воситаларининг мураккаб машина ва усқуналардан иборат бўлиши; - ишлаб чиқаришнинг жадал ўсиши	- иқтисодиётнинг асосий омил ва технологиялар негизида ривожланиши; - ахборот, билим, ижодий меҳнат ва бошқа кучларнинг ҳал қилувчи аҳамият касб этиши
Ишлаб чиқариш воситаларини ўзлаштириш тавсифи	- ишлаб чиқариш воситаларига ижтимоий (давлат) мулкнинг устуворлиги; - меҳнатнинг якка тартибдаги шакли (деҳқонлар, ҳунармандлар) ёки оддий кооперация шакли	- хусусий мулк – мулкчиликнинг типик шаклига айланиши; - меҳнатни ташкил қилишнинг замонавий шакллари, мураккаб фабрика кооперациясидан фойдаланиш	- мулкчиликнинг давлат, жамоа, хусусий ва бошқа турли шакллари ўз ичига олган аралаш иқтисодиётнинг шаклланиши; - бошқарувда бозор ҳамда давлат механизмларидан уйғун ҳолда фойдаланиш
Ишловчининг ҳолати	- ишловчининг шахсан озод эмаслиги, дастлабки паллада табиат кучларига бутунлай қарам бўлса, кейинчалик ижтимоий тузумнинг бирламчи шакли сифатидаги жамоага боғлиқлиги	- ишловчининг шахсан озод бўлиб, турли демократик институтлар фаолиятида иштирок этиши	- мулккий қарамлик ўрнига шахсий муносабатларнинг янгидан ўрин эгаллаши; - ишловчининг бир томонлама ижрочилик функциясини йўқотиб, ишлаб чиқариш ва бошқа жараёнларни бошқаришдаги фаол иштироки

Анъанавий иқтисодиёт учун қолоқ, қўл меҳнатига асосланган воситалар, иш ҳайвонлари ва ишчиларнинг табиий кучидан фойдаланиш ва жуда паст экстенсив тараққиёт хосдир. Меҳнатнинг асосий воситаси бўлиб ер хизмат қилади. Бу эса мазкур босқични аграр жамият сифатида белгилаш учун асос бўлади. Асосий мулкчилик шакли ижтимоий (бўлинмас) мулк ёки шарқ цивилизацияси учун хос бўлган давлат (бўлинмас) мулки, ёки Ғарбий Европа мамлакатларидаги сингари сулоладан сулолага ўтувчи кўринишида

бўлади. Меҳнатни ташкил этиш учун меҳнатнинг яқка тартибдаги шакли (деҳқонлар, хунармандлар) ёки оддий кооперация шакли хосдир. Шунга кўра, бундай шароитда ишловчи шахсан озод эмас. Агар дастлабки паллада у табиат кучларига бутунлай қарам бўлса, кейинчалик эса ижтимоий тузумнинг бирламчи шакли сифатидаги жамоага боғлиқ бўлади. Ўз навбатида, жамоа муносабатларининг таркиб топиши кишиларнинг иқтисодий қарамлигининг икки турли шакллари келтириб чиқаради: шарқ цивилизацияси учун – бу марказ (давлат)дан вертикал равишдаги мустабид қарамликнинг ривожланиши; ғарбий цивилизация учун – қуллик ва крепостнойликка асосланган қарамликнинг нисбатан маҳаллий шакллари амал қилиши.

Бозор иқтисодиёти индустриал тизим негизида ривожланади. Бу ерда меҳнат воситалари мураккаб машина ва ускуналардан иборат бўлади. Энергиянинг асосий кўринишлари сифатида буғ ва электр кўринишидаги табиатнинг ўзгартирилган кучлари майдонга тушади. Мазкур босқич учун ишлаб чиқаришнинг жадал ўсиши хосдир. Меҳнатни ташкил қилишда унинг замонавий шакллари, мураккаб фабрика кооперациясидан фойдаланилади. Мулкчиликнинг типик шакли бўлиб хусусий мулк ҳисобланади. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши ишчи-ходимлар қобилият ва эҳтиёжларининг ҳам (жисмоний, ақлий ва ижтимоий) мувофиқ тарзда ривожланиб боришини тақозо этади. Ходим шахсан озод бўлиб, турли демократик институтлар (партия, касаба уюшмаси, парламент тизими ва бошқалар)нинг фаолиятида иштирок этади.

Бироқ, буларнинг барчаси кишилар мулкий қарамлигининг сақланиб қолиши шароитида рўй беради, чунки уларнинг барча фаолиятлари, мотивациялари ва амал қилишининг ўзи мулкий бойликни такрор ишлаб чиқариш зарурати билан шартлашгандир. Бозор муносабатлари ўз навбатида мазкур мулкий бойликнинг воситачиси ҳисобланади. Шу маънода бозор иқтисодиётидаги инсон фақат «иқтисодий» инсон (омил) ҳисобланади. Чунки унинг фаолияти илгаригидай табиат кучларига эмас, балки ўзидан ташқарида

ётувчи иқтисодий-ишлаб чиқариш кучларига тўлиқ бўйсунган бўлади. Бозор иқтисодиёти ғарб цивилизацияси доирасида кўпроқ ривожланди.

Аралаш (бозордан кейинги) иқтисодиёт асосий омил ва технологиялар негизида ривожланади. Бу ерда ахборот, яъни билим, ижодий меҳнат ва бошқа кучлар ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Мулкчилик жиҳатидан у аралаш иқтисодиёт сифатида талқин этилиб, давлат, жамоа, хусусий ва бошқа турли шаклларни ўз ичига олади. Бошқарув асосан икки механизм – бозор (хусусий манфаат, рақобат) ҳамда давлат (умумдавлат манфаати, унинг ижтимоий-иқтисодий фаолияти)дан иборат бўлади.

Ишлаб чиқариш-техникавий негизнинг аҳамиятли жиҳатдан ўзгариши шароитида инсон қобилияти ва эҳтиёжларининг ҳар томонлама ривожланиши кишилар устидан моддий-буюм бойликларининг ҳукмронлигини бартараф этади. Қадр-қиммат тизими ва йўналишлари ўзгаради. Кишиларнинг ижтимоий-ишлаб чиқариш муносабатларида мулккий қарамлик ўрнига янгидан (бирок, сифат жиҳатидан янги даражадаги) шахсий муносабатлар – ишонч, виждонлилик, инсонийлик, жамоавийлик ва бошқа хислатлар ўрин эгаллайди ҳамда ишлаб чиқариш муносабатларининг унсурларига айланади. Ходим (инсон) бир томонлама ижрочилик функциясини йўқотиб, ишлаб чиқариш ва бошқа жараёнларни бошқаришда у ёки бу шаклда иштирок этади. Учинчи, асосий босқичнинг (бу аралаш иқтисодиёт) хусусияти унинг номланишининг ноаниқлигини ҳам шартлайди. «Бозордан кейинги» деб номланиши мазкур босқичнинг бозор иқтисодиётидан кейин келишини англатади. «Постиндустриал» жамият атамаси тўғрисида ҳам худди шундай дейиш мумкин. Бундан ташқари, у индустриал жамият сингари туркумлашнинг бошқа мезонларини акс эттиради. Шундай қилиб, кишилик жамияти ривожланиш босқичларининг таҳлили учун туркумлашнинг ҳар қандай мезонида инсоният пировардида жаҳон цивилизацияси томон ҳаракатланаётганлигини кўриш мумкин.

«Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» китобида И.Каримов шундай хулоса қиладики, «80 ва 90-йилларнинг

бошларида дунёда содир бўлган оламшумул ўзгаришлар ҳозирги замон иқтисодий тафаккурига ҳамда ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт истиқболлари тўғрисидаги қарашларга жиддий ўзгартишлар киритди. Эркин иқтисодий тартибга солиш ғояси ҳам, марказлаштирилган тарзда режалаштириш ғояси ҳам инқирозга учради. Жаҳон цивилизацияси ижтимоий тараққиётнинг сифат жиҳатидан янги йўллари ишлаб чиқди, тартибга солинадиган бозор иқтисодиёти мана шу йўлга асос қилиб олинган»¹⁰.

Шунга кўра, бозор муносабатларига ўтиш объектив зарурат сифатида даврнинг талабига айланди. Бозор иқтисодиёти – бу умуминсоний ҳодиса бўлиб, жаҳон цивилизациясининг ривожланиш йўлидаги муқаррар босқич ҳисобланади.

3.2. Иқтисодий тараққиётнинг турли хил концепция ва моделлари

Собиқ иттифоқ парчаланиб кетгандан сўнг мустақилликка эришган ҳар бир мамлакат ўз тараққиёт йўлини қидириб, янги жамият қуришнинг ўзига хос моделини ишлаб чиқди. Бунда илк асос вазифасини кишиларнинг ўз қадриятлари тизими ва аниқ мақсадни кўзлаб тутилган йўл, миллий анъаналар ва тарихий шарт-шароит, реал ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муҳит, одамларнинг таркиб топган турмуш тарзи ва дунёқараши ўтаган.

Натижада ҳозирги дунё ижтимоий тараққиётининг ғоят хилма-хил бетакрор йўллари, миллий иқтисодиётларнинг шаклланишини, сифат жиҳатидан янги турмушга эришиш усуллари ўрганиш ва билиш учун ниҳоятда қулай имконият беради.

Жамиятни тараққий эттириш ва иқтисодиётни ислоҳ қилиш йўллари хилма-хиллиги бир қанча омилларга боғлиқ. Авваламбор, бунга уларнинг аниқ мақсадни кўзлаб йўналтирилиши ва иқтисодиётнинг амал

¹⁰ Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли.- Т.: Ўзбекистон, 1993, 22-б.

қилиш принциплари сабаб бўлади. Ривожланаётган ёш мамлакатлар ўз олдларига эришиш осонроқ бўлган мақсадларни қўйиб, «муқобил ривожланиш» назариясининг турли концепцияларига таяниб, ўз йўлларини мана шу концепциялар доирасида излашга мажбур эдилар. Бу концепцияларнинг асосийлари қуйидагилар:

- «Асосий эҳтиёжлар» концепцияси. Аҳолининг энг кам тирикчилик эҳтиёжини кафолатли тарзда таъминлаш ва иш билан банд қилиш муаммоларини ҳал этиш ушбу концепциянинг асосий мақсадидир;

- «Мақбул ёки тегишли технология» концепцияси. Бу концепция аҳоли бандлигини таъминлайдиган ва маҳаллий хомашёни, аввало қишлоқ хўжалик хомашёсини қайта ишлашга қаратилган сермеҳнат технологияни ривожлантириш зарурлигига асосланади;

- «Ўз кучига жамоа бўлиб таяниш» концепцияси. Бу концепция мавжуд захиралардан тўлиқроқ фойдаланишга ва ривожланаётган мамлакатларнинг тараққий этган мамлакатларга қарамлигини камайтириш мақсадида улар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган;

- «Янги халқаро иқтисодий тартиб» концепцияси. Бу концепция ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий жиҳатдан мустамлака ҳолатидан қутилишга ва иқтисодий қолоқлигини тугатишга, тенг ҳуқуқли шериклар сифатида тан олиниш, хомашё ва саноат молларига ўз манфаатларига мувофиқ келадиган янги нархларни, халқаро савдо меъёрларини, валюта курсини белгилашга, замонавий технологияларни сотиб олиш имкониятларини кенгайтиришга бўлган умумий интилишларини акс эттиради.

Ривожланаётган мамлакатларнинг кўпгина андозалари, иқтисодий йўллари юқорида кўрсатилган концепциялар ва назарияларнинг ўзига хос қўшилмасидан иборатдир¹¹.

¹¹ Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. - Т.: Ўзбекистон, 1993, 20-21-б.

Тартибга солинадиган бозор иқтисодиётига ўтишнинг бошланғич шартларига кўра, илмий тафаккур бир-биридан мутлақо фарқ қилувчи уч хил ёндашувни ажратиб кўрсатади. Булар ислохотларнинг ўзига хос жиҳатларини ҳам белгилаб беради. Биринчиси: бозор муносабатларини чуқурлаштириш ва ривожлантириш, узок давом этган эволюцион тараққиёт йўлини босиб ўтган ривожланган мамлакатларда аралаш иқтисодиётни шакллантиришдир. Иккинчиси: ривожланаётган мамлакатларнинг энг оддий ва бозор патриархал-феодал муносабатлари кўринишларига эга бўлган анъанавий иқтисодиётини маданий бозор муносабатларига айлантиришдир. Учинчиси: собиқ социалистик мамлакатларнинг яккахокимлик тартибидан, маъмурий-буйруқбозлик бошқарув ва марказлаштирилган раҳбарлик усулидаги режалаштиришдан бозор муносабатларига, демократик жамиятга ўтишдир.

Социалистик иқтисодиётнинг хитойча йўлида ўз аксини топган социализм ғояларини самарали бозор иқтисодиётини вужудга келтириш билан қўшиб олиб боришга уриниш ҳам мавжуд.

Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, бозор иқтисодиётига революцион йўл билан, яъни жадал усулда ёки эволюцион йўл билан, яъни босқичма-босқич ўтиш мумкин. Биринчи ҳолда, туб ислохотларни ўтказиш, аввалги тизимни ва таркиб топган иқтисодий муносабатларни батамом синдириш талаб этилади. Бу “фалаж қилиб даволаш усули” деб аталади ва унинг тарафдорлари шу усул билан самарали иқтисодиётни вужудга келтиришни орзу қиладилар.

Назария ва амалиёт эски иқтисодий муносабатларни босқичма-босқич янги бозор муносабатларига айлантира бориб, самарали бозор иқтисодиётини ортиқча талофат ва шикастларсиз вужудга келтириш мумкинлигини кўрсатади. Бу – эволюцион йўл бўлиб, у анча изчил ва муқаррар ҳисобланади ҳамда ижтимоий ларзалар хавфини камайтиради.

Жаҳонда миллий тараққиёт моделлари кўп. Улар ўша мамлакат туб аҳолиси – миллатнинг номи билан аталади. Масалан, америка, немис, швед, япон, хитой сингари миллий моделлар маълум. Ўтган асрнинг 90-йиллари

бошларида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов томонидан ишлаб чиқилган «Ўзбек модели» тушунчаси ҳаётга шиддат билан кириб келди. У қисқа вақт ичида шунчаки бир шиор эмас, балки ҳаётбахш кучга эга таълимот эканлиги ҳаётда ўз ифодасини топа бошлади.

Ҳар бир миллий модель ўша мамлакат аҳолисининг менталитети, тарихий ва маданий қадриятлари, сиёсий тузуми, ижтимоий таркиби, табиий - иқтисодий шарт-шароитлари, ишлаб чиқариш омиллари ва ресурслари, иқтисодиётининг таркибий тузилиши каби ҳолатлардан келиб чиқади.

Қандай модель тўғрисида гап бормасин, асосий мақсад самарали иқтисодиётни барпо этиш, халқ турмуш даражасини юксалтиришдан иборатдир. Бирон-бир моделни танлаш пировард мақсад эмас. Модель энг аввало, мавжуд табиий, ишлаб чиқариш ва буюк ақл-заковатнинг амалдаги ифодасидир.

Шимолӣ Америка, хусусан АҚШ моделида бозорда давлатнинг хўжалик фаолиятидаги роли энг паст даражага туширилган. Давлат асосан учта вазифа — барқарорлик, қонун олдида барча фуқароларининг тенглигини таъминлаш, инфратузилмани ривожлантириш йўли билан бизнес ва тадбиркорлик фаолиятига кўмаклашиш ҳамда ўзини-ўзи боқишга қурби етмайдиганларга ғамхўрлик кўрсатиш билан шуғулланади. Бу модель бозорнинг кескин, шиддатли йўли бўлиб, корхоналарнинг зарар келтириб ишлашини, дотацияни рад қилади. Бу йўл бир қарашда анча мафтункор туюлса-да, аммо халқни, айниқса, унинг кам таъминланган табақаларини анча қийин аҳволга солиб қўйиши мумкин. Америка модели нархларнинг эркин шаклланиши, субсидиядан воз кечиш, ташқи савдо учун очик иқтисодиёт, давлат корхоналарини хусусийлаштириш, чет эл сармоядорларини жалб қилиш, самарасиз корхоналарни ёпиш ва ортикча ишчиларни бўшатишни кўзда тутади. Бу йўл муайян кескинликлар – ғоят юқори нарх-наво, ишсизлик, даромадларнинг пасайиши, ташқи қарзнинг ошишига ҳам олиб келади. Аммо бундай йўқотишлар эркин бозорга ўтиш

билан боғлиқ. Узок муддатли фойда билан кейинчалик қопланиши мумкин, албатта.

Бу модель акциядорлик мулкнинг интенсив қайта тақсимланиши билан тавсифланади. Бу моделда корхонага товар сифатида қаралади. У «қисмларга» бўлиниб ҳам, фонд биржаси орқали ҳам сотилиши мумкин. «Америкача» иқтисодий тараққиёт моделининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири ишлаб чиқариш концентрациялашувининг ғоят юқорилиги ва йирик бизнеснинг иқтисодиётда муҳим ўрин тутишидир. Расмий статистика маълумотларига кўра, корпорацияларнинг товар айланмаси мамлакатдаги жами товар айланмасининг 90 фоизини ташкил этади. Мавжуд 4 миллиондан ортиқ саноат корпорациясидан беш юзтаси мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 40 фоизини ишлаб чиқаради¹². Ушбу корпорацияларнинг катта қисми трансмиллий корпорациялар ҳисобланади ва уларнинг хориждаги корхоналари ишлаб чиқарадиган товар ва хизматлари АҚШ ялпи ички маҳсулотининг 1/3 қисмини ташкил этади¹³.

Молия капитали даражасида концентрациялашув кўрсаткичлари янада юқори. Гарчи мамлакатда бир неча минг тижорат банки фаолият юритса-да, улардан элликтаси жами банк активларининг 1/3 қисмига эгаллик қилади.

Йирик банклар ва саноат корпорациялари стратегик альянсларни ташкил этади. Бундай йирик молия-саноат гуруҳлари мамлакат етакчи иқтисодий марказларини ўз таъсир доирасига қамраб олиши табиий. Мутахассислар фикрича, ҳозирги кунда АҚШ иқтисодиётида йигирмадан ортиқ ана шундай альянс фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий тараққиётнинг «америкача» моделида инсон омилининг роли ҳам юқори эканлигини таъкидлаш лозим. АҚШ муҳожир-ажнабийлар мамлакати ҳисобланади. Америка давлати муҳожирлар томонидан барпо этилган. Оммавий муҳожирлик АҚШ аҳолиси миллий таркибининг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги америка миллати – дунёнинг

¹² Экономика США.//Под ред. В.Б.Супяна// - СПб.: Питер, 2003. - С.514.

¹³ Черников Г.П. Мировая экономика. М.: Дрофа, 2003. - С.297.

турли китъаларидан, энг аввало, Европадан кўчиб келган одамларнинг этник яхлитлиги натижасидир. Гарчи АҚШда юздан ортиқ миллат ва элат истикомат қилса-да, уларнинг 80 фоизини европаликлар, 12 фоизини қора танли америкаликлар, 5 фоизини испан тилида сўзлашувчи америкаликлар ташкил этади. Маҳаллий халқ (аввало, ҳиндулар) сони бир фоизга яқин, холос.

Иқтисодий адабиётларда Европа мамлакатлари иқтисодий тараққиёт моделлари қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

- немис иқтисодий тараққиёт модели;
- британча тараққиёт модели;
- французча тараққиёт модели;
- иқтисодий тараққиётнинг «шведча модели».

Немис иқтисодий тараққиёт моделининг ўзига хослиги шундаки, унда асосий эътибор ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига, ижтимоий-ҳуқуқий давлат қурилишига қаратилган. Немис «иқтисодий мўъжизаси» иқтисодиётга давлат аралашуви ва эркин бозор тамойилларидан мақсадга мувофиқ фойдаланишга асосланади. Германияда иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим омиллари жумласига «Маршалл режаси»га мувофиқ кенг миқёсли ёрдамдан фойдаланиш, «инсон капитали» сифатининг юқорилиги, жаҳон хўжалиги алоқаларида фаол иштирок этиш, мўътадил ички иқтисодий сиёсатни киритиш мумкин. Ушбу омиллар таъсирида узок вақт давомида нарх барқарорлиги сақланиб турган ҳолда, мамлакатда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўртача қўшимча ўсиш суръати 8,5 фоизгача етди¹¹. Айнан шу даврда «немисча сифат», «немисча меҳнаткашлик», «немисча масъулият» каби тушунчалар пайдо бўлди.

Британча тараққиёт моделида иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш устувор ўринга эга. Давлат капитал қўйилмаларни молиялаштиришда, янги тармоқларни рағбатлантиришда, илмий йўналишни ривожлантиришда, ижтимоий сиёсатни амалга оширишда муҳим роль ўйнайди. Давлат кўплаб кичик корхоналарнинг йирик компаниялар билан ўзаро шартнома

имзолашида воситачи ролини бажаради. Кичик корхоналар эса бундай шартномалар орқали барқарор бозорга, таъминот ва молиялаштириш манбасига эга бўладилар, янги технологиялар ва илмий-техника тараққиёти натижаларидан фойдаланиш имкониятини қўлга киритадилар.

Французча тараққиёт модели «дирижизм» тамойилларига асосланади. Гарчи «неолиберал инқилоб» натижасида давлатнинг тадбиркорлик фаолияти бирмунча қисқарган бўлса-да, Францияда давлат тадбиркорлиги АҚШ даражасидан 3 баробар юқоридир. Давлатнинг тартибга солиш фаолияти ҳам сезиларли даражада сақланиб қолган. Бугунги кунда Франция ҳукумати умуммиллий тузилмавий дастур, янги тармоқларни рағбатлантириш, илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш, фаол ижтимоий сиёсат юритиш орқали иқтисодий тараққиётга таъсир ўтказмоқда. Иқтисодиётни тартибга солишда давлат бюджети асосий ўринда туради. Франция миллий даромадининг 54 фоизи давлат бюджети орқали қайта тақсимланади.

Иқтисодий тараққиётнинг «шведча модели»да ижтимоий тенглик ва адолатни таъминлаш устувордир. «Шведча» моделнинг иқтисодий асослари қуйидагилардан иборат:

- аралаш иқтисодиёт (бозор механизми ва давлат томонидан фаол тартибга солиш усулидан биргаликда фойдаланиш);
- ишлаб чиқариш соҳасида хусусий мулкчилик комбинацияси ва «истеъмолнинг жамоалашуви»;
- ижтимоий хизматларда давлат-коммунал секторининг йириклиги;
- чекланган микроиқтисодий сиёсатнинг бандлик ва инвестицияларнинг юқори даражасини сақлаб туриш бўйича селектив чора-тадбирлар билан уйғунлашуви.

Миллий иқтисодий тараққиёт моделларининг Европа моделлари (Германия, Швейцария, Нидерландия, Швеция) кўп ҳолларда Германиядаги машҳур дарё номи билан - «Рейн модели» деб ҳам аталади Бу модель акционер корхоналар мулклари таркибининг барқарорлиги билан тавсифланади. Бу моделда иқтисодий фаолият «фалсафаси» катта роль

ўйнайди. Унга кўра корхонага умумий манфаатларга эга жамоа деб қаралади.

Шуни таъкидлаш лозимки, сўнгги йилларда Европа мамлакатларининг турли миллий моделларида умумевропа моделига яқинлашув ҳолати кузатилади. Бу энг аввало қуйидаги йўналишларда амалга оширилди:

- ягона ички бозорни барпо этиш;
- иқтисодий ва валюта иттифоқини шакллантириш;
- молия сиёсатини мувофиқлаштириш;
- ижтимоий моделларнинг яқинлашуви;
- тадбиркорлик фаолияти ва рақобат муҳитини шакллантиришнинг ягона шарт-шароитларини таъминлаш;
- федератив тузилмани такомиллаштириш;
- иқтисодиётни тартибга солишнинг ягона қоидалари ва механизмларини қабул қилиш.

Японияда ҳам, Осиёнинг янги индустриал давлатларида ҳам эркин тадбиркорлик фаолияти давлат бошқаруви (марказлашган режалаштириш) билан қўшиб олиб борилади. Асосий нархлар фискал усуллар билан, яъни давлат даромадларини назарда тутиб бошқарилиши мумкин. Албатта, ҳозирги иқтисодиётда муайян турдаги бозор ўз ҳолича ва соф кўринишда учрамайди. Ҳозир мамлакатлар, халқлар тажрибаси анча умумлашиб кетди. Осиёдаги янги индустриал давлатлар, улардан олдин эса Япония иқтисодий ислохот ва хўжаликни таркибий қайта қуриш давомида жаҳон тажрибасидан кенг фойдаланганлиги маълум.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин япон иқтисодиёти қийин аҳволга тушиб қолган. Саноатнинг чуқур инқирози, ҳарбий-иқтисодий моделдан бозор моделига ўтишнинг қийинчиликлари, иқтисодиётнинг ҳарбий ишлаб чиқаришга бўйсундирилганлиги, тинкани қуритадиган тақчиллик, инфляция ва бошқаларни енгиб ўтиш лозим эди. Аммо Япония халқи бу қийинчиликларни анча тез ҳал қилди. Чунки мамлакатдаги бошқаришнинг марказлашган ҳарбий қолипи жорий этилган шунчаки тартибот эмас, балки мавжуд вазиятни ҳисобга олиб, атайлаб орқага чекиниш эди.

Шунинг учун иқтисодийнинг янги бозор модели қайтадан яратилмади. Японияда собиқ социалистик мамлакатлардаги каби миллатнинг энг истеъдодли, энг қобилиятли қисми, тадбиркор, омилкор кишилар йўқ қилиб юборилмаган. Асосий масала – ислохотни нимадан бошлашда эди. Бу масала аввало тўғри белгилаб олинди ва кейин ечилди: иқтисодий жонлантиришнинг устун томонлари аниқ белгиланди, аввало озик-овқат, кўмир, руда, энг ҳаётий зарур буюмларни ишлаб чиқариш ривожлантирилди.

Иқтисодий тараққиётнинг «японча» модели ўзининг бир қатор хусусиятлари билан ажралиб туради. Улардан бири японча ҳаёт тарзи анъаналарини хурмат қилиш асосида барча даражада ва барча ижтимоий соҳаларда муносабатларни мувофиқлаштиришни кўзда тутувчи жамиятни ижтимоий ташкил этишдан иборатдир. Японияда ғоявий кадриятлар асосида америкача стандартлардан кескин фарқ қилувчи меҳнатга рағбатнинг ўзига хос шакли вужудга келган. Иқтисодий тараққиётнинг айнан «японча» моделида жамият ҳаётида ижтимоий-маданий ва диний омилнинг аҳамияти яққол ўз ифодасини топган.

Япон халқи ва маданиятида ижтимоий онг, жамоа руҳи муҳим ўрин тутди. Бу қадимий ва бой тарих самарасидир. Япон миллий анъаналарига кўра ҳар қандай ижтимоий гуруҳ манфаати алоҳида шахс манфаатидан устун. Жамият ҳаётида бирламчи гуруҳ – оила асосий роль ўйнайди, кейинги ўринда эса жамоа туради. Замонавий корхона, корпорация ҳам, давлат ҳам йирик оила ҳисобланади.

Ҳар бир япониялик гуруҳ номидан фикрлаши ва ўзини гуруҳ аъзоси деб ҳисоблаши фақат япон маданияти ва анъаналари билан ботиқ эмас, албатта. Бунда япон жамиятининг ижтимоий таркиби ҳам муҳим аҳамиятга эга. Мутахассислар фикрича, Япония ижтимоий баркамоллик жамияти ҳисобланади. Гарчи реал вазият ушбу таърифга тўла мос тушмаса-да, Япониянинг бошқа ривожланган мамлакатлардан фарқли жиҳатлари кўп. Чунончи, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача даромадлар миқдори ғоят юқори бўлишига қарамасдан, Японияда бойлар ва камбағаллар ўртасида

унчалик катта тафовут йўқ. Хусусан, аҳолининг энг бой ва энг қашшоқ 20 фоизи даромадлари ўртасидаги нисбат Японияда 2,9 баробарни ташкил этади, холос. Ваҳолаки, бу кўрсаткич АҚШда 19 га тенг¹⁴.

Бошқарувнинг «японча» усули ривожланишнинг стратегик муаммоларига алоҳида эътибор қаратади. Давлат корхоналарнинг ижтимоий самарадорлигини оширишга ҳаракат қилади. Бунда у фақат пул рентабеллиги билан ўлчанадиган тор доирадан юқорироқ фикрлашни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди¹⁵.

Хитой ва Вьетнам иқтисодий ислохотни устун даражада қишлоқ хўжалигидан, озиқ-овқат бозорини тўлдиришдан бошлади ва яхши натижаларга эришди.

Хитойда амалга оширилган иқтисодий ислохотлар натижасида бозор механизми ва иқтисодиётнинг нодавлат сектори ўз мавқеини сезиларли даражада кучайтирди. Аммо давлат томонидан тартибга солиш, меҳнат бўйича тақсимлаш ва ижтимоий кафолатлар мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг устувор йўналиши ҳисобланади. Ушбу моделни социалистик модель устувор мавқега эга бўлган аралаш иқтисодиёт деб ҳам аташ мумкин. Шу ўринда Хитой моделининг асосчиларидан бири Дэн Сяопиннинг қуйидаги сўзларини келтириш ўринли: «Режа» ёки «бозор» – бу капитализм ва социализмнинг туб фарқи эмас. Режали иқтисодиёт социализм деган маънони англатмайди, капитализмда ҳам режа мавжуд. Айни вақтда бозор иқтисодиёти капитализм эмас, зеро, социализмда ҳам бозор мавжуд. Режа ва бозор - иқтисодий усуллардир»¹⁶.

Иқтисодий тараққиёт моделларининг хилма-хиллиги ривожланаётган мамлакатларга ҳам хос. Бу моделларни ривожланиш стратегиясидан келиб чиқиб шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин: экспортга йўналтирилган ва импортнинг ўрнини босишга қаратилган стратегияни

¹⁴ Экономика США. //Под ред. В.Б.Супяна//. - СПб.: Питер, 2003. - С.324.

¹⁵ Нурислом Тўхлиев Тараққиётнинг ўзбек модели. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2012. 43-51-бетлар.

¹⁶ Лю Гогуан. Функционирование ва развитие китайской экономики, Гуанчжоу, 2001. - С.39 (хитой тилида).

танлаган мамлакатлар. Биринчи гуруҳга Жануби-Шарқий Осиёнинг «янги индустриал мамлакатлари»ни, иккинчи гуруҳга Лотин Америкаси мамлакатларининг ривожланиш моделини киритиш мумкин.

3.3. Трансформациялашув жараёнларида мамлакат

иқтисодиётининг ишлаб чиқариш таркиби ва унинг ўсиш суръатлари

Маълумки ҳар қандай тараққиёт моделининг бош мақсади иқтисодий ўсиш ва унинг асосида халқ фаровонлигини таъминлашдир. Лекин барча тараққиёт моделларида ҳам бу мақсадга эришиляпти-ми? Бу саволга бир сўз билан «ҳа» жавобини бериш қийин, албатта. Ўзбек модели мисолида эса бу саволга ижобий жавоб бериш учун етарли асослар мавжуд.

Ўзбек модели иқтисодий ислохотларнинг ижтимоий йўналтирилган йўлини амалга ошириш, ишлаб чиқаришнинг кескин пасайиб кетишини тўхтатиш, макроиқтисодий барқарорликка эришиш имконини берди. Ўзбекистон СССР парчалангандан кейин пайдо бўлган мустақил давлатлар орасида ҳали трансформациялашув давридаёқ, нафақат иқтисодий барқарорликни, балки иқтисодий ўсиш ва юксалишни ҳам таъминлаган ягона мамлакатдир. Бу ерда жаҳонда кам учрайдиган – тангликдан ривожланиш орқали чиқиш феномени ўзининг бирдан-бир тўғри йўл эканини исботлади.

Маълумки, мустақилликнинг дастлабки йилларида барча собиқ иттифоқ республикаларида бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам мавжуд республикалараро хўжалик алоқаларининг узилиши, янгиларининг эса ҳали шаклланиб улгурмаганлиги ва бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан чуқур таркибий қайта қуришларни амалга ошириш зарурати туфайли бир қатор иқтисодий қийинчиликлар пайдо бўлди. Бундай шароитда ишлаб чиқариш воситалари бозорида ҳам, истеъмол бозорида ҳам тақчиллик юз берди. Бу вазиятдан ҳар ким – собиқ иттифоқдош республикалар ўз билганича чиқишга уринди. Ўзбекистон эса бошқалардан фарқли равишда, нисбатан қийин ва мураккаб, муайян вақт талаб этадиган, лекин энг самарали ва тўғри йўлни - мавжуд барча ресурсларни сафарбар қилиш орқали саноат, транспорт, алоқа

ва хизмат кўрсатишнинг улкан индустриясини бозор муносабатларига мослаб яратиш йўлини танлади. Чет эл инвестиция ва кредитлари ҳам ана шу мақсадга йўналтирилди. Натижада, иқтисодий ўсиш учун мустаҳкам асос ҳозирланди. Бу эса, бош вазифани ҳал этиш, яъни макроиқтисодий барқарорликка эришишдаги муваффақиятларни йилдан-йилга мустаҳкамлаб бориш имконини берди.

Иқтисодий тангликдан, одатда, кўпчилик мамлакатлар тинка-мадори куриб, қарзга ботиб чиқади. Ўзбекистон эса 1990-йиллардаги иқтисодий тангликдан куч-қудратга тўлиб, имкониятлари кенгайиб чиқди. Бу феномен, афсуски, ўзбек моделининг ҳали кам ўрганилган ва кам ёритилган жиҳатларидандир.

Хўш, иқтисодий ривожланиш қайси мезон ва кўрсаткичлар билан ўлчанади? Унинг барча иқтисодий тузум ва мамлакатлар учун ягона ўлчови борми? Иқтисодий тараққиёт мамлакат миқёсидан то хўжалик даражасигача бўлган турли хил иқтисодий кўрсаткичлар силсиласида ўз ифодасини топади. Улар орасида энг муҳими – ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори ва кўрсатилган хизмат даражасидир.

Макроиқтисодий даражада иқтисодий ривожланишнинг мезони сифатида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари қўлланилади. Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг умумий кўрсаткичи бўлиб, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги корхона ва ташкилотлар фаолиятининг пировард натижаларини ўз ичига олади.

Ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсишига оид маълумотлар иқтисодий ислохотлар йилларида ҳамдўстлик давлатларида юз берган чуқур иқтисодий пасайишни кўрсатди.

Беларусда 1997 йилда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш 10, Грузияда 11,3, Қирғизистонда 10,4 фоизга ошган. Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич 5,2 фоизга тенг бўлган. Лекин бу юқорида номлари қайд этилган уч мамлакатда иқтисодиёт анча тез суръатларда ўнганган экан, деган хулосани бермайди.

Агар аҳволни 1990 йилга нисбатан таққослайдиган бўлсак, МДХ

мамлакатлари орасида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти кўпроқ ижобий натижаларга эришганининг гувоҳи бўламиз. 2000 йилга келиб Озарбайжон, Грузия, Молдова ва Украинада ялпи ички маҳсулот ҳажми 1990 йилдаги даражанинг ярмига ҳам етмади (37–44 фоиз). Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия каби мамлакатларда унинг миқдори 1990 йилдаги даражанинг 58–62 фоизини ташкил этди, холос. Беларусда бу кўрсаткич 73 фоиздан иборат бўлди.

Ўзбекистонда эса 1996 йили ялпи ички маҳсулот ҳажми 1990 йил даражасидан 18 фоизга паст бўлди. 1997 йилда бу фарқ бироз қисқарди ва 14 фоизни ташкил этди. Шундай қилиб, бу муҳим иқтисодий кўрсаткич бўйича ислохотдан олдинги даражанинг 86 фоизига эришилди. Иқтисодий ислохотларни амалга ошираётган бошқа бирорта мамлакат ўша пайтда бундай кўрсаткичларга эга эмасди.

Демак, Беларусь, Қирғизистон ва Грузияда 1997 йилдаги иқтисодий ўсишнинг юқори кўрсаткичи ислохотлар бошланишидан олдинги даврга нисбатан эмас, балки 1996 йилга нисбатан олинган. 1996 йилда эса ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш 1991 йилга нисбатан Беларусда – 65, Қирғизистонда – 58, Грузияда атиги 29 фоиз бўлган, холос. Фикримизнинг далили сифатида МДҲ мамлакатларида ушбу йилларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатларини келтириш кифоя.

1997 йилда Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқариш ҳажми 1990 йилга нисбатан 12,7 фоиз ўсди. Бу кўрсаткич Беларусда 1990 йил даражасининг 71, Қирғизистонда 51 фоизини ташкил этди. Қолган бирорта мамлакат ислохотдан олдинги даражанинг ярмига ҳам ета олмади.

Ўзбекистон иқтисодиёти учун 1995 йил бурилиш йили бўлди. Ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришнинг пасайиши деярли тўхтатилди. Бир йилда у атиги 0,9 фоизга тенг бўлди ва 1996 йилдан бошлаб ҳозиргача ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришнинг барқарор ижобий динамикаси давом этмоқда: 1996 йилда унинг ўсиши 1,7 фоизни, 1997 йилда 5,2 фоизни ташкил этди. Бинобарин, мамлакатимиз 1998 йил натижалари бўйича ялпи ички маҳсулот

ҳажмининг 1990 йил даражасига эришишда ҳал қилувчи кадам ташлади. Саноат ишлаб чиқариш ҳажми бўйича бу даражага мамлакатимиз 1995 йилда тўла эришган эди.

Шундай қилиб, ҳали ўтиш даврининг ўзидаёқ Ўзбекистонда кўп укладли, аралаш, кўп тармоқли, ташқи беқарорлаштирувчи омиллардан холи миллий бозор иқтисодиётининг шаклланиши асосан тугалланди.


Мамлакатимизда миллий иқтисодиётни бозор муносабатлари асосида ўзгартириш тадбирлари макроиқтисодиётни барқарорлаштириш дастурлари билан қўшиб олиб борилди. Бу ҳам ўзбек моделининг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Бу ҳолат ислохотларни амалга ошириш суръатларига таъсир қилмасдан қолмади. Аммо тангликдан чиқишнинг бошқа қулай йўли ҳам йўқ. Бундай тадбирларни амалга оширишга тарих ажратган вақт ҳам жуда қисқа эди. Иқтисодиётда асосий таркибий қайта қуришларни жадал амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Ёнилги-энергетика, машинасозлик, кимё, транспорт ва алоқа, йўл қурилиши, қайта ишлаш каби устувор соҳалар изчил ривожлантирилди. Мазкур устувор соҳаларнинг ривожлантирилиши, биринчидан, айрим стратегик маҳсулотлар бўйича мамлакатни ташқи бозорга қарамликдан ҳалос қилган бўлса, иккинчидан, улар бошқа тармоқ ва ишлаб чиқариш турларини ривожлантиришда ўзига хос етакчи восита бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистон ўзининг иқтисодий ривожланиш моделини изчил амалга ошириши натижасида, бошқа собиқ иттифоқ мамлакатларига нисбатан энг қисқа муддатларда, яъни 1996 йилдаёқ иқтисодий таназзулнинг олдини олди, макроиқтисодий барқарорликни таъминлади ва иқтисодиёт таркибини ўзгартириш билан боғлиқ асосий иқтисодий масалаларни амалга оширишга киришди.

Ўзбекистон иқтисодиёти 1996–2003 йиллар давомида ўртача йиллик 4 фоиз ўсиш даражаси билан ривожланди. Иқтисодиётнинг турли хил тармоқлари ва соҳаларини таркибий ўзгартириш, қулай ишблармонлик муҳитини яратиш, тармоқларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш,

техник ва технологик янгилашга қаратилган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнлари натижаси сифатида мамлакатимиз иқтисодиёти 2004 йилдан бошлаб йиллик ўртача 7,8 фоиз даражасидаги ўсиш суръатларини намойиш қила бошлади.

Саноат тармоғи ва хизматлар соҳасининг ривожланиш салоҳиятини янада кенгайтирилиши натижасида ЯИМ таркибида қишлоқ хўжалиги улушининг (2000 йилда 34,4 фоиздан 2016 йилда 17,6 фоизга) босқичма-босқич камайиш тенденцияси сақланиб қолди. Шу билан бирга, ЯИМ таркибида қишлоқ хўжалиги улушининг камайиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ижобий ўртача йиллик ўсиш суръатлари фониди содир бўлди. (3.3.1-расм)




3.3.1-расм. Ўзбекистонда ЯИМ нинг тармоқ тузилиши ва унинг ўзгариш динамикаси, фоиз ҳисобида¹⁷

Мамлакатимизда 2017-2021 йилларда “Янги саноат корхоналари ва сервис марказларини, кичик саноат зоналарини ташкил қилиш, саноат корхоналари ва бошқа ишлаб чиқариш объектларини жойлаштиришга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида ҳудудларнинг ишлаб чиқариш, муҳандис-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма тармоқларини янада

¹⁷ <http://stat.uz/press-sluzhba/novosti-gks/1451-makroiqtisodiy-ko-rsatkichlari-tahlili>

ривожлантириш ва модернизация қилиш”¹⁸ масалалари энг долзарб вазифалардан бири қилиб белгиланганлиги республика иқтисодиётида саноат тармоқларини ривожлантиришга нақадар катта аҳамият берилаётганлигидан далолат беради.

Мустақиллик йилларида республикада саноат тармоқларини ислох қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш дастурларининг амалга оширилиши, моддий-техника базасини мустаҳкамланиши, республика саноат ишлаб чиқаришининг ривожланишига замин яратди. (3.3.2-расм)



3.3.2-расм. Саноат ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари динамикаси¹⁹

1995 йилда саноат ишлаб чиқаришнинг ҳажми 1990 йилга нисбатан 0,2 фоизга камайганига қарамай, 2000 йилдан бошлаб (1990 йилга нисбатан) ўсиш 1,2 м., 2005 йилда – 1,8 м., 2010 йилда – 3,0 м. ва 2016 йилда эса 4,6 м. ошганини кўрсатмоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, 2016 йилда республиканинг жами саноат ишлаб чиқарилиши ҳажми асосан Тошкент шаҳри (21,0 фоиз), Тошкент (15,1 фоиз), Навоий (9,5 фоиз), Қашқадарё (8,6 фоиз), Фарғона (7,2 фоиз), Андижон (7,1 фоиз) ва Самарқанд (6,7 фоиз) вилоятлари ҳисобидан

¹⁸ “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. http://strategy.gov.uz/uz/pages/action_strategy

¹⁹ <https://stat.uz/uz/432-analiticheskie-materialy-uz/2028-sanoat-ishlab-chiqarish>

шакланган бўлиб, жуда катта бўлмаган улуши эса Жиззах (1,8 фоиз), Сурхондарё (2,0 фоиз) ва Хоразм (2,5 фоиз) вилоятларига тўғри келмоқда.

Республика иқтисодиётида саноат тармоқлари ривожланиши билан бир қаторда қишлоқ хўжалиги тармоғида ҳам сезиларли ижобий ўзгаришларга эришилди. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ислоҳ қилишни диверсификациялаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, замонавий юқори самарали технологияларни жорий этиш ҳамда хўжаликларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида ушбу соҳада сезиларли даражада ижобий ўзгаришлар кузатилди.

Республикада хизматлар соҳасининг ривожланиши мамлакат иқтисодиёти, бандлик ва аҳоли даромадлари ўсишининг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ислоҳ қилиш бўйича чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилиши натижасида, мазкур тармоқ қисқа муддат ичида иқтисодиётнинг энг жадал ривожланаётган секторига айланди. Хизматлар соҳасининг ЯИМ даги улуши 2000 йилдаги 42,5 фоиздан 2016 йилда 49,5 фоизгача ошди. (3.3.1-расм)

Иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш ва самарали бандлигини таъминлашда хизматлар соҳасининг ҳар томонлама ривожланиши муҳим масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги кунда ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий ўсишни таъминлаш учун хизматлар соҳасини жадал ривожлантиришни энг муҳим вазифалардан бири сифатида қўйишмоқда.

Хизматлар соҳаси аҳолининг барча қатламларини қамраб олади ва жамиятда содир бўлаётган деярли барча ижтимоий-иқтисодий жараёнларга таъсир кўрсатади, бу эса мазкур масаланинг қанчалик муҳим ва аҳамиятли эканлигини кўрсатиб беради.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида, иқтисодий диверсификациялаш ва таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, мамлакат аҳолисининг бандлигини, даромадларини ва турмуш сифатини оширишнинг муҳим йўналишлари ва омилларидан бири сифатида хизматлар соҳаси ва сервисни жадал ривожлантириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди. Бундан ташқари, иқтисодийнинг барқарор ўсишини таъминлашда мазкур соҳа муҳим ўринни эгалламоқда.

Хизматлар соҳасини ривожлантириш дастурининг асосий вазифалари ва йўналишларини амалга ошириш жараёнида, 2010–2016 йилларда бозор хизматлари ҳажми 2,7 мартага ошиб, 92,5 трлн.сўмгача кўпайди. Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажми мазкур даврда 2,3 мартага ўсди ва 2,9 млн. сўмни ташкил этди (3.3.1-жадвал).

3.3.1-жадвал

2010-2016 йилларда Ўзбекистон Республикаси бўйича хизматлар соҳаси асосий кўрсаткичларининг динамикаси²⁰

	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.
Хизматлар ҳажми, трлн. сўм	26,0	33,7	42,6	53,7	65,9	75,4	92,5
Ўтган йилга нисбатан ўсиш, фоизда	116,1	117,2	114,7	114,4	115,1	114,0	114,5
2009 йилга нисбатан ўсиш, фоизда	116,1	136,1	156,1	178,6	2,1 м.	2,3 м.	2,7 м.
Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажми, минг сўм	911,7	1148,7	1429,1	1774,0	2141,9	2407,6	2905,6

Ҳозирги вақтда, республикада хизматлар соҳасида 16,5 мингдан ортиқ йирик ташкилотлар (бозор хизматларини кўрсатувчи ноижорат ташкилотларини қўшган ҳолда) ва 126 мингдан ортиқ кичик тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатмоқда.

Республикада 2017–2021 йилларда “Хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда

²⁰<https://stat.uz/uz/432-analiticheskie-materialy-uz/2027-o-zbekiston-respublikasida-xizmatlar-sohasining-rivojlanishi>

хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, хизматларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш²¹ масалалари энг устувор стратегик вазифалардан бири ҳисобланади.

Фикримизча, хизмат кўрсатиш соҳасининг ЯИМдаги мутлақ ва нисбий улушини ўстириб боришнинг устувор йўналишлари сифатида қуйидагиларни қайд қилиш мумкин:

- кишлоқ жойларда кўрсатиладиган хизмат турларини кўпайтириш ва сифатини ошириш;
- хизматларнинг анъанавий турлари билан бирга, янги ва замонавий турлари-юримдик, консалтинг, банк, молия, суғурта, лизинг, сайёҳлик-экскурсия ва телекоммуникация хизматларини жадал ривожлантириш;
- миллий корхоналарнинг халқаро бозордаги хизмат кўрсатиш даражасини ва сифатини ошириш ҳамда унинг экспортини кўпайтириш;
- мамлакат ҳудудлари бўйича кўрсатилаётган хизматлар ҳажми (аҳоли жон бошига) ва сифатидаги фарқларни уларнинг мавжуд салоҳиятидан тўлароқ фойдаланиш орқали юмшатиш.

ЯИМ тармоқ таркибини такомиллаштиришда “иқтисодийетимизни ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ҳамда технологик янгилашни жадаллаштириш ва унинг кўламини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш марказий ўрин тутиши даркор²².

Ишлаб чиқариш қурилиши учун мўлжалланаётган жами инвестицияларнинг қарийб тўртдан уч қисмини янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш, реконструкция ва модернизация қилишга йўналтириш кўзда тутилган. Бу борада қурилиши бошланган ва мамлакат саноат ишлаб чиқариш таркибини тубдан ўзгартиришга хизмат қиладиган

²¹ “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. http://strategy.gov.uz/uz/pages/action_strategy

²² Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар модернизация йўлини катъият билан давом эттириш. Т.: Ўзбекистон, 2013. – Б.22.

объектларни барпо қилиш суръатларининг пасайишига йўл қўймасликка алоҳида эътибор қаратилади.

Иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида ЯИМ тармоқ таркибини такомиллаштиришнинг муҳим устувор йўналиши юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, фан ва техника тараққиётининг ютуқларини мужассамлаштирадиган юқори технологик тармоқ ва соҳаларни тараққиётнинг инновацион йўлига ўтказиб боришдир. Республикамиз Президенти Ш.М.Мирзиёев қайд қилиб ўтганларидек: – “Кун тартибида ўта жиддий масалалар турибди. Булар – мамлакатимизда яратилган технологияларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, «ноу-хау» наъмуналарини яратиш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, яъни юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга оширишдир”²³.

Бунда замонавий технологиялар асосида рақамли телевизион узатгич, видеотелефонлар, интернет-телевидение, юқори тезликдаги интернет, HDTV каналларини намойиш қилиш республикада “Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва янада ривожлантириш” дастурини амалга оширишдаги дастлабки қадамлар ҳисобланади.

ЯИМ тармоқ таркибини такомиллаштиришнинг муҳим йўналиши ресурс тежовчи техника ва технологияларни ишлаб чиқариш жараёнида қўллаш ҳисобланади. Бунда барча иқтисодиёт тармоқлари ва ишлаб чиқариш соҳасида “...қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш”²⁴ устувор йўналиш ҳисобланади.

²³ Ш.М.Мирзиёев Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи. 17.01.2017 й.

²⁴ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – Б.33-34.

Фақат охириги 5 йилда республикада ресурсларни тежовчи замонавий технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқариш ва бошқа ноишлаб чиқариш харажатларни мақбуллаштириш натижасида иқтисодиётнинг саноат тармоғида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархи 4,2 фоизга пасайган²⁵.

Республика ресурс тежовчи ишлаб чиқаришга ўтиши орқали ЯИМ таркибини такомиллаштириш мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ва янгилаб боришни тақозо этади. Бу эса 2015 йилда умумий қиймати 7 млрд 400 млн АҚШ доллари бўлган 158 та йирик ишлаб чиқариш объекти қурилишини якунлаш ва фойдаланишга топшириш имконини берди. Жумладан, Тошкент иссиқлик электр станциясида 370 мегаватт қувватга эга бўлган буғ-газ қурилмаси барпо этилди, Чорвоқ ГЭСи гидрогенераторлари модернизация қилинди, Қўнғирот сода заводида кальцийлаштирилган сода ишлаб чиқариш кенгайтирилди, “Самарқандкимё” акциядорлик жамиятида 240 минг тонна қувватга эга бўлган мураккаб таркибли янги ўғитлар ишлаб чиқариш корхонаси ишга туширилди. Шунингдек, “Мотор заводи” акциядорлик жамиятининг фаолият кўрсатмаётган ишлаб чиқариш майдонларида трактор тиркамалари, жумладан, катта ҳажмли тиркамалар, маиший техника учун таркибий қисмлар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ташкил этилди. Жанубий Корея билан ҳамкорликда Сурғил кони негизида барпо этилган Устюрт газ-кимё мажмуаси умумий қиймати 4 млрд АҚШ долларида ошадиган дунёдаги энг замонавий, юқори технологиялар асосида ишлайдиган йирик корхоналардан бирidir. Хоразм вилоятида “Женерал моторс-Ўзбекистон” акциядорлик жамиятида умумий қиймати қарийб 6 млн АҚШ долларилек лойиҳа асосида “Шевроле Лабо” кичик юк машинаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Наманган вилоятининг Поп туманида 130 киловатт қувватга эга бўлган қуёш фотоэлектр станцияси ишга туширилди. “Самарқанд – Қарши”

²⁵ Ўзбекистон иқтисодиёти. Ахборот-таҳлилий бюллетень. 2016 йил. – Т., 2017.

темир йўл участкасида юқори тезликда ҳаракатланадиган “Афросиёб” электр поезда катнови йўлга қўйилди²⁶.

Мазкур лойиҳаларнинг амалга оширилиши инновацион ва энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш, жаҳон бозорида талаб юқори бўлган янги турдаги товарлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ҳисобига экспорт ва ЯИМ ҳажмини сезиларли даражада ошириш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, ЯИМнинг тармоқ тузилишини такомиллаштириш, миллий иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни диверсификациялаш жараёни билан бирга давом эттириш – барқарор ва мутаносиб иқтисодий ўсишни таъминлаш, ишлаб чиқарувчилар рақобатбардошлигини ошириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш ҳамда жадал тараққиётга эришишнинг муҳим омили ҳисобланади.

Қисқача хулоса

1. Иқтисодий тизимлар трансформациялашуви жараёнлари назариясида кишилиқ жамиятини босқичларга ажратиш қуйидаги белгилар бўйича амалга оширилади: ишлаб чиқариш – техникавий базанинг ҳолати; ишлаб чиқариш воситаларини ўзлаштириш тавсифи; ишловчининг ҳолати.

2. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг умумий мазмуни иқтисодий муносабатларнинг алоҳида унсурларини ислоҳ қилиш ёки иқтисодий сиёсатга тузатишлар киритиш эмас, балки бутун иқтисодий муносабатлар тизимини ўзгартиришдан иборатдир.

3. Маъмурий буйруқбозликка асосланган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш даври - маъмурий-буйруқбозлик тизимини баргараф этиш ёки тубдан ўзгартириш ҳамда бозор тизимининг асосларини шакллантириш жараёнлари амалга оширилувчи тарихий давр тушунилади.

4. Бозор иқтисодиётига революцион йўл билан, яъни жадал усулда ёки эволюцион йўл билан, яъни босқичма-босқич ўтиш мумкин. Биринчи ҳолда,

²⁶ Каримов И.А. Демократик ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк, кичик бизнес ва тадбиркорликнинг устуворлигини таъминлашга кенг йўл очиб бериш – Ватанимиз тараққиётининг бугунги босқичида ҳал қилувчи омилидир. – Т.: Ўзбекистон, 2016. – Б.148-150.

туб ислохотларни ўтказиш, аввалги тизимни ва таркиб топган иқтисодий муносабатларни бирдагина ва батамом синдириш талаб этилади. Буниси «караҳт қилиб даволаш» усули деб аталади. Эски иқтисодий муносабатларни босқичма-босқич янги бозор муносабатларига айлантира бориб, самарали бозор иқтисодиётини шикастсиз вужудга келтириш мумкин. Ислохотлар тажрибаси шуни кўрсатадики, эволюцион йўл камроқ ижтимоий ларзаларга олиб келади, анча изчил ва муқаррардир.

Асосий таянч тушунчалар

«Асосий эҳтиёжлар» концепцияси – аҳолининг энг кам тирикчилик эҳтиёжини кафолатли тарзда таъминлаш ва иш билан банд қилиш муаммоларини ҳал этишга қаратилган концепция.

«Мақбул ёки тегишли технология» концепцияси – маҳаллий хомашёни қайта ишлашга қаратилган сермехнат технологияни ривожлантириш зарурлигига асосланган концепция.

«Ўз кучига жамоа бўлиб таяниш» концепцияси – мавжуд захиралардан тўлиқроқ фойдаланишга ва ривожланаётган мамлакатларнинг тараққий этган мамлакатларга қарамлигини камайтириш мақсадида улар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган концепция.

«Янги халқаро иқтисодий тартиб» концепцияси – ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий жиҳатдан мустамлака ҳолатидан қутилишга ва иқтисодий қолоқлигини тугатишга бўлган умумий интилишларини акс эттирувчи концепция.

Иқтисодиётни эркинлаштириш – хўжалик ҳаётининг барча соҳаларидаги тўсиқ ҳамда чекловларни, шунингдек, давлат назоратини кескин равишда қисқартириш ёки бекор қилишга йўналтирилган чора-тадбирлар тизими.

Такрорлаш учун саволлар

1. Нима учун бозор иқтисодиёти жаҳон цивилизацияси тараққиёти йўлидаги муқаррар босқич деб ҳисобланади?

2. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳозирги замон моделлардан қайсиларини биласиз?

3. Бозор иқтисодиётига ўтиш ҳозирги замон моделларининг бир-бирларидан фарқланувчи жиҳатларини кўрсатиб беринг.

4. Нима учун бозор муносабатларига ўтиш моделлари турлича бўлади?

5. Бозор муносабатларига ўтиш моделларининг шаклланишига қандай омиллар таъсир кўрсатади?

6. Янги индустриал мамлакатлар билан ривожланаётган мамлакатлар моделлари нимаси билан фарқ қилади?

7. Мамлакатларнинг иқтисодий тараққий этиши концепцияларининг шаклланиши қандай омилларга боғлиқ?

8. Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий тараққий этишининг турли концепцияларини изоҳлаб беринг.

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. –Т.: Ўзбекистон НМИУ 2017 й. -488 б.

2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. // Халқ сўзи. 16.01.2017 й.

3. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // Халқ сўзи. 23.12.2017 й.

4. Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. - Т.: Ўзбекистон, 1993. 3-5, 10-12, 16-21, 23, 39-б.

5. Носова С.С., Новичкова В.И. Экономическая теория для бакалавров: учеб. пос. - М.: КНО РУС, 2009. – 68-71 с.

6. Теоретические проблемы переходной экономики: Учеб.-метод. пособие/ Под ред. В.В.Радаева. – М: Экономический факультет МГУ, ТЕИС, 2003. С.9-10.

7. Shodmonov Sh.Sh., G'afurov U.V. Iqtisodiyot nazariyasi (darslik). - Т.: Fan va texnologiya, 2005. 86-87, 89-93-б.

4-БОБ. МАЪМУРИЙ-БУЙРУҚБОЗЛИК ИҚТИСОДИЁТИДАН БОШҚАРИЛАДИГАН БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Мамлакатимиз узок йиллар давомида собиқ Иттифок таркибида маъмурий-буйруқбозлик тизимида фаолият юритиб, унинг салбий оқибатларидан зарар кўрди. Ҳаттоки, бозор муносабатларига ўтиш даврида ҳам баъзи соҳаларда шу тизимнинг асоратларини бартараф этиш мушкул кечмоқда. Чунки, маъмурий-буйруқбозлик тизими нафақат иқтисодий, балки ижтимоий, сиёсий ва бошқа соҳаларни ҳам камраб олган, энг ёмони, одамларнинг дунёқараши, тафаккури, иқтисодий имкониятларини рўёбга чиқариш қобилиятларига ҳам таъсир кўрсатиб улгурган эди. Шунга кўра, трансформациялашув даври иқтисодиётидаги муҳим вазифалардан бири – бозор муносабатларини шакллантириш, аҳолида тадбиркорлик, тежамкорлик, оқилона хўжалик юритиш, иқтисодий маданият асосларини қайтадан тарбиялашдан иборат. Мазкур боб доирасида маъмурий-буйруқбозликка асосланган хўжалик юритиш тизимининг моҳияти, унинг усулларини бартараф этиш йўллари, бозор иқтисодиётига ўтишдаги муҳим тадбир сифатидаги маъмурий ислохотларнинг мазмуни баён этилади.

4.1. Маъмурий-буйруқбозлик тизимининг иқтисодий мазмуни ва амал қилиш механизми

Иқтисодиёт назарияси курсидан маълумки, ҳар бир даврда ва маконда амал қилаётган иқтисодий муносабатлар мажмуаси – иқтисодиётни ташкил қилиш шакллари, хўжалик механизми ва иқтисодий муассасалар билан биргаликда иқтисодий тизимни ташкил қилади. Дунёдаги барча мамлакатлар иқтисодий тизимнинг учта - анъанавий, маъмурий буйруқбозлик ва бозор иқтисодиёти тизимларига ажратади.

Анъанавий иқтисодиёт – урф-одатлар, удумларга, анъаналарга асосланган ҳолда амал қиладиган иқтисодиёт бўлиб, уни деярли ҳамма мамлакатлар босиб ўтади. Бозор иқтисодиёти эса талаб ва таклиф, рақобат,

нарх механизмлари асосида амал қилувчи, фаолият ва танлов эркинлиги, мустақиллик ва тадбиркорликка асосланган иқтисодий тизимдир. Бозор иқтисодиётига қарама-қарши тизим маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиёти ҳисобланади.

Маъмурий-буйруқбозлик тизимининг иқтисодий асосини директив (марказлаштирилган) режалаштириш ташкил этади. Бунда ўзининг иқтисодий, сиёсий ҳамда мафкуравий манфаатларини илгари сурувчи давлат ҳокимияти ягона марказдан туриб барча иқтисодий жараёнларни қатъий тарзда режалаштиради. Бундай режалаштириш жараёнининг амалга оширилишини таъминлаш, уни осонлаштириш учун эса барча ишлаб чиқариш воситалари ва унинг натижалари давлат мулки ҳукумронлигига бўйсундирилади. Йирик тарзда ишлаб чиқилган режалар иқтисодиётнинг турли қисмлари – комплекслар, тармоқлар, соҳалар, бирлашмалар, корхоналар, бўлинмалар ва ҳаттоки алоҳида ишлаб чиқарувчиларга қадар тақсимланиб, аниқ топшириқ ҳолатида етказилади.

Натижада давлат ва иқтисодий субъектлар ўртасида бир томонлама алоқа пайдо бўлади. Айниқса, бу бир томонлама ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасида ҳам мавжуд бўлиб, иқтисодиётга жуда катта салбий таъсир кўрсатади. Гап шундаки, бундай тизимда истеъмолчининг эҳтиёжлари деярли эътиборга олинмайди. Унинг эҳтиёжлари таркибидаги ўзгаришлар, таклифнинг талабга мувофиқлиги назардан қочирилади. Бу эса истеъмол бозорининг эҳтиёж учун зарур бўлмаган товарлар билан тўлдирилишига, баъзи бир эҳтиёжларнинг эса қондирилмай қолишига олиб келади. Пировардида истеъмолчининг ишлаб чиқарувчига қарамлиги, у томонидан ишлаб чиқарилган ҳар қандай товарни сотиб олишга мажбурлиги келиб чиқади. Ишлаб чиқарувчи маҳсулот ва хизматлар сифатини ошириш, улар таннархини пасайтириш тўғрисида қайғурмайди.

Маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиёти учун баъзи бир товарларнинг доимий ортиқчалиги шароитида бошқа бир товарларга доимий тақчиллик хос

бўлади. Чунки, бозор мувозанатини таъминлаб турувчи нарх сигналлари, нарх механизми деярли амал қилмайди.

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида иш ҳақи, фоиз, фойда ва ер рентаи ресурсларнинг самарали тақсимланишини таъминловчи рағбат ролини бажаради. Буйруқбозлик иқтисодиётида эса иш ҳақи ишчиларни фаолият турлари бўйича самарали тақсимланишига таъсир кўрсата олмайди. Чунки, аксарият ҳолларда меҳнатнинг сифати ва миқдоридан қатъи назар бир хилдаги иш ҳақи тўлаш амалиёти – текисчилик ҳукмронлик қилади.

Худди шундай, фоиз ставкаси ҳам инвестицияларни самарали тақсимлаш воситасига айлана олмайди. Чунки, имтиёзли кредитлаш, норентабель корхоналарнинг қарзларини мунтазам равишда кечиб юборилиши шароитида бундай самарадорлик тўғрисида гап бориши мумкин эмас. Инвестициялар марказнинг мафкуравий ва сиёсий устуворликларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Ресурсларнинг тақсимоти маъмурий асосда, самарасиз ва хўжасизларча амалга оширилади. Ўз фаолиятининг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида хўжалик юритувчи корхона ва бирлашмалар ресурсларни имкон қадар эҳтиёждан ортиқча миқдорда захирада ушлаб туришга ҳаракат қиладилар. Натижада марказга ҳақиқатдан ортиқча ҳажмдаги ресурсларга талаб келиб тушади. Буни яхши англаган ресурс тақсимловчилар эса имкон қадар бу талабларнинг маълум қисмини қондиришга ҳаракат қиладилар. Шу тариқа корхоналар хўжалик фаолиятининг моддий таъминотига путур етказилади: қайсидир хўжалик ресурсларга муҳтожликни бошидан кечираётган бир вақтда бошқа бир хўжаликларда уларнинг муомаладан ташқарида, бекор туриб қолиши рўй беради. Бу эса, муқаррар равишда хўжалик ишлаб чиқариш режаларининг барбод бўлишига, молиявий ҳолатининг пасайишига олиб келади.

Иқтисодиётнинг ўзаро боғлиқ соҳа ва тармоқлари бўйича белгиланган режа топшириқларининг қайсидир бўғинда бажарилмаслиги занжирли реакция орқали бошқа бўғинларга ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Пировардида

бутун иқтисодий тизим фаолиятидаги ўзаро муносиблик, мувозанат издан чиқади.

Молиявий натижаларнинг пасайиб кетиши корхона раҳбариятини у қадар ташвишга солмайди. Чунки, барча корхоналар давлат мулкида бўлиб, уларнинг корхона иш фаолияти натижаларидан манфаатдорлиги мавжуд бўлмайди. Яъни, корхона фойда олса – давлат ихтиёрига ўтказиб юборилади, аксинча, зарар кўрса – давлат бюджети ҳисобидан қопланади. Бундай шароитда корхона раҳбарлари ишлаб чиқариш режасини минимал даражада бажариш билан чекланишни афзал кўрадилар.

Маъмурий буйруқбозлик тизими хўжалик юритиш соҳасидаги ўзининг дастлабки қадамларидан иқтисодиётни қатъий марказлашган режали асосда ташкил этиш йўли билан амалда яккаҳоқимликни қонунлаштирди. Хусусий мулк умумлаштирилиб, ягона “умумхалқ”, бошқача айтганда, давлат мулкига айлантирилиши шуни тақозо этарди. Натижада, монополизм сурункали ҳодисага айланиб, ҳар куни, ҳар соатда такрор ишлаб чиқариладиган бўлди. Чунки давлат бозордаги реал аҳволни ўзида акс эттирмайдиган, олдиндан белгилаб қўйиладиган товар турлари ва уларнинг нархларини қўллаб-қувватларди. Шу йўл билан доимо талабнинг тақлифдан устунлиги, яъни тақчиллик таъминлаб келинди. Амалда деярли барча корхоналар доимий монополистларга айланиб, бозор ва истеъмолчига ўз шартларини қатъий ўтказиш имкониятига эга эди.

Ишлаб чиқаришни йириклаштириш ва ихтисослаштириш, ижтимоий меҳнат тақсимотини чуқурлаштириш айрим тармоқ ва корхоналарнинг яккаҳоқимлигини янада кучайтирди. Йириклашув, марказлашув ва ихтисослашув иқтисодий қонуният даражасига кўтарилди. Хўжаликлараро кооперациялаш ва агросаноат интеграцияси негизда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада йириклаштириш ҳамда ихтисослаштириш тўғрисида махсус қарорлар қабул қилинди. Йириклаштириш ва ихтисослаштириш иқтисодиётнинг барча тармоқларига, моддий ва номоддий соҳаларга, ҳатто ижтимоий-маданий жабҳаларга ҳам кенг сингдирилди. Бу

машъум тажриба шунга олиб келдики, бутун мамлакат бўйича кўпчилик саноат маҳсулотлари турларини бор-йўғи бир-икки корхона етказиб берадиган бўлди. Ўтган асрнинг 80-йиллари охирига келиб, Ўзбекистонда 100 нафаргача ишчиси бўлган саноат корхоналарининг умумий сони тўрт юздан ошмагани бунга мисолдир. Ҳамма жойда гигантомания васвасаси авж олди. Ягона партия, ягона мафкура, ягона корхона, ягона товар ва ягона халқ!

Шундай қилиб, бир томондан, монополизм танқисликнинг келиб чиқиши учун шароит яратади. Иккинчи томондан, ана шу танқисликнинг ўзи монополизмнинг кенг томир отишига хизмат қилади. Бошқача айтганда, уларнинг ҳар иккиси бирбири билан ўта боғлиқ ҳодисадир.

Соғлом иқтисодиётда монополиялар қаттиқ, рақобат асосида пайдо бўлади, рақобатдан ўсиб чиққан. Шунинг учун улар илғор, юқори самарадорликка ва кам меҳнат харажатларига, замонавий техника ва технологияларга эга бўлишга интиладилар. Рақобатдан холи, иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламайдиган, сунъий, юқоридан туриб бошқариладиган корхоналар эса, одатда, техник ва иқтисодий жиҳатдан қолюқ бўлса ҳам монополистга айланиши мумкин. Монополизм шароитида истеъмолчи ишлаб чиқарувчининг олдида ҳамиша таъзимда бўлади. Чунки, танқис товарни топганига шукр қилади, бориға барака, деб кун кўради. Монополизм истеъмолчини нафақат мол эгасига иқтисодий қарам қилиб кўяди, балки унинг муайян ҳақ-ҳуқуқларини ҳам бузади. Монополизм шароитида ишлаб чиқарувчи (сотувчи) қирол бўлса, рақобат шароитида истеъмолчи ана шундай мавқега эришади.

Монополизм ҳам, танқислик ҳам жамиятда масъулиятсизлик, истеъмолчининг талаб-эҳтиёжларини менсимаслик муҳитини юзага келтиради. Натижада савдо дўконларини сифатсиз, беҳад қиммат ва кам сонли товарлар эгаллайди. Саноат режа кўрсаткичларини ортиғи билан бажаради, истеъмолчи эса ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан қониқмай қолаверади. Масалан, 1980–89 йилларда собиқ иттифоқда ялпи ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш 32 фоиз, саноат маҳсулоти – 46 фоиз, шу жумладан,

халқ истеъмоли маҳсулотлари 74 фоизга ошган эди. Аҳоли сонининг ўсиши эса бу йилларда 26 фоизни ташкил этди. Кўриниб турибдики, ишлаб чиқариш суръатлари, аҳолининг ўсиш суръатларидан анча юқори. Аммо аҳоли турмуш даражасида кескин ўзгариш юз бергани йўқ.

Бундан ташқари, республика нафақат жиҳозлар, технологиялар ва жуда кўп турдаги хомашё маҳсулотларини, балки биринчи даражали аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотлари - ғалла, гўшт, шакар, туз, кандолатчилик маҳсулотлари ва бошқаларни, шунингдек, юртимизда ишлаб чиқариш мумкин бўлган жуда кенг доирадаги халқ истеъмоли молларини ҳам ташқаридан келтиришга мажбур бўлган. Деярли барча тармоқларда тугалланмаган циклга эга ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани сабабли улар атайин хомашёни қазиб олиш ва дастлабки ишлов бериш, ярим фабрикатлар тайёрлаш босқичида тўхтаб қолар эди.

Қатъий режа асосига қурилган иқтисодиёт ривожланишга қодир эмаслиги бугун кўпчиликка маълум. Режали иқтисодиётнинг танқислик, ишлаб чиқариш монополизми каби “сурункали касалликлар” доимий ҳамроҳидир.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалар шунини кўрсатадики, маъмурий-буйруқбозлик тизимида ресурсларнинг ўта даражада самарасиз, хўжасизларча сарфланиши, юқори натижали иқтисодий фаолиятни рағбатлантирувчи дастакларнинг мавжуд бўлмаслиги бундай тизимнинг амал қилишига путур етказди. Маъмурий-буйруқбозлик тизимидан воз кечиш бозор иқтисодиётига ўтиш орқали амалга оширилади.

4.2. Иқтисодий ислохотлар бозор иқтисодиётига ўтишдаги муҳим тадбир сифатида

Иқтисодий муносабатлар ва ташкилий-бошқарув тузилмаларининг бир туридан бутунлай бошқа янги турига ўтиш, иқтисодий ислохотлар стратегиясини ишлаб чиқиш ва унинг асосий йўналишларини аниқлаб

олишни тақозо қилади. Иқтисодий ислоҳотлар – бу бозор муносабатларини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидир.

Иқтисодий ислоҳотлардан кўзда тутилган мақсад мамлакат аҳолиси учун яшаш ва фаолият қилишнинг энг яхши шароитларини яратиш, уларнинг маънавий-ахлоқий етуклигига эришиш, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашдан иборат.

Ислоҳотларни амалга оширишдан олдин бозор иқтисодиётига ўтишнинг назарий модели яратилди.

Бу моделда янги иқтисодиётга ўтишнинг умумий томонлари ва миллий хусусиятлари назарда тутилади, ислоҳотларнинг асосий йўналишлари белгиланади.

Республикада иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- мулкӣ муносабатларни ислоҳ қилиш;
- аграр ислоҳотлар;
- молия-кредит ва нарх-наво ислоҳоти;
- бошқариш тизимини ислоҳ қилиш ва бозор инфратузилмасини яратиш;
- ташқи иқтисодий алоқалар ислоҳоти;
- ижтимоий ислоҳотлар.

Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг бошланғич нуқтаси бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий негизини яратишдан иборат бўлади.

Республикада иқтисодий ислоҳотларнинг ҳуқуқий негизини яратиш бўйича амалга оширилган ишларнинг бир нечта йўналишини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Биринчи йўналиш – давлат ва иқтисодий мустақилликнинг ҳуқуқий негизларини яратиш, давлатни бошқариш қоидаларини тартибга солувчи қонунларни қабул қилиш²⁷.

²⁷ Шу йўналиш бўйича республикада қуйидаги қонунлар қабул қилинди: Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида; Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида; Жойларда давлат ҳокимияти тўғрисида; Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида.

Бошқарув тизимининг юқори ва қуйи даражадаги вазифалари аниқ чегаралаб қўйилди. Ваколатли ҳокимиятнинг ягона тўла ҳуқуқли органи бўлган ҳокимлик институти яратилди, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш соҳасида фуқаролар йиғини жорий қилинди.

Иккинчи йўналиш – тизимдаги ўзгаришларга, янги иқтисодий муносабатларга ва шу жумладан, мулкчилик муносабатларига асос бўладиган қонунлар тизимини яратиш²⁸. Республикада бу йўналиш бўйича қабул қилинган қонунларда мулкдорнинг ҳуқуқи тан олинди, хусусий мулкчилик ҳуқуқи эътироф қилинди, мулкчиликнинг барча шакллари учун тенг шароит яратилди. Давлат мулкчини хусусийлаштиришнинг самарали механизми ишлаб чиқилди. Қисқача айтганда бозор муносабатларининг негизи бўлган кўп укладли иқтисодиётни шакллантиришнинг барча ҳуқуқий асослари яратилди.

Учинчи йўналиш – хўжалик юретишнинг ва институционал ўзгаришларнинг бозор шароитларига мос келадиган янги механизмни яратишга қаратадиган қонунлар²⁹. Бозор инфратузилмасини яратиш ва унинг фаолиятига хос жараёнларни тартибга солишни таъминлайдиган қонунларни қабул қилишдан олдин, иқтисодиётнинг турли соҳаларида хўжалик юритаётган субъектларнинг ҳуқуқ ва иқтисодий эркинлик борасидаги мақомини белгилаб берадиган қонунлар қабул қилинди. Корхоналар тўғрисидаги қонун, кооперация тўғрисидаги, деҳқон хўжалиги тўғрисидаги, хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисидаги қонунлар шулар жумласидандир.

Тўртинчи йўналиш – республикамизни халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида, таърифловчи ҳуқуқий нормаларни яратиш³⁰. Бу йўналишдаги қонунларни қабул қилиш натижасида мамлакатимизнинг ташқи

²⁸ Бундай қонунлар жумласига мулкчилик тўғрисидаги, ер тўғрисидаги, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги, ижара тўғрисидаги ва шу каби қонунлар киради.

²⁹ Бу гуруҳ қонунларга банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги, пул тизими тўғрисидаги, тадбиркорлик тўғрисидаги, суғурта тўғрисидаги, биржалар ва биржа фаолияти тўғрисидаги, аудиторлик фаолияти тўғрисидаги, қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисидаги қонунлар киради.

³⁰ Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисидаги, Ўзбекистон республикасининг етакчи халқаро ташкилотларга аъзолиги тўғрисидаги, валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонунлар.

иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши тарихида сифат жиҳатдан янги босқич бошланди.

Бешинчи йўналиш – кишиларнинг конституцион ва юридик ҳуқуқларини, ижтимоий кафолатларини ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашни таъминлайдиган қонунларни ишлаб чиқиш³¹. Бу қонунлар бозор муносабатларига ўтиш шароитида аҳолининг энг муҳтож табақалари манфаатларини қонун кучи билан ҳимоя қилишгагина эмас, балки уларнинг маънавий имкониятларини намоён қилиш, ислоҳотлар учун мустаҳкам ижтимоий замин яратишга ҳам имкон беради.

Юқорида қараб чиқилган барча қонунларда бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий асосларини яратиш ҳам амалий, ҳам иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асосини ташкил қилди.

Иқтисодий ислоҳотларнинг бош бўғини мулкчилик муносабатларини тубдан ўзгартиришдир, чунки шу орқали кўп укладли иқтисодиёт ва рақобатлашиш муҳити шакллантирилади ҳамда бозор иқтисодиётига ўтишнинг шарт-шароитлари вужудга келтирилади. Шу сабабли республикада мулкий муносабатларни ислоҳ қилишдан кўзда тутилган мақсад давлат мулки монополизмини тугатиш ва бу мулкни хусусийлаштириш ҳисобига кўп укладли иқтисодиётни реал шакллантиришдан иборат³².

Республикада иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг дастлабки босқичидаёқ қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга устунлик берилди. Бунга қуйидагилар сабаб бўлди. Биринчидан, Республикада иқтисодиётида аграр соҳа устунликка эга, аҳолининг кўпчилиги қишлоқ хўжалигида банд, иқтисодий ўсиш кўп жиҳатдан шу тармоқ аҳволига боғлиқ.

Иккинчидан, республика бутун саноат потенциалининг ярмига яқинини ташкил қиладиган саноатнинг кўпгина тармоқларини (пахта тозалаш,

³¹ Иш билан бандлик тўғрисида, ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида, фуқароларнинг давлат нафақаси таъминоти тўғрисида, таълим тўғрисида, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида қабул қилинган қонунлар.

³² Мулкий ислоҳотларнинг негизи бўлган давлат мулкни хусусийлаштиришнинг Республикадаги хусусиятлари, уни амалга оширилиш шакллари, усуллари ва йўллари билан биз кейинги бандда танишишимиз мумкин бўлганлиги сабабли, бу ерда иқтисодий ислоҳотларнинг бошқа йўналишларига кенгроқ ўрин берамиз.

тўқимачилик, енгил, озиқ-овқат, кимё саноати, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ва бошқалар) ривожлантириш истиқболлари бевосита қишлоқ хўжалигига боғлиқ.

Учинчидан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (асосан пахта) ҳозирги вақтда валюта ресурслари, республика учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар, техника ва технология ускуналарини четдан сотиб олишни таъминлаётган асосий манбадир.

Тўртинчидан, мустақиллик шароитида қишлоқ хўжалигининг озиқ-овқат муаммосини ҳал этишдаги роли ортиб боради.

Мавжуд иқтисодий тизимнинг изчиллик билан бозор муносабатларига ўсиб ўтишида молия-кредит соҳасини ислоҳ қилиш алоҳида ўрин тутади. Молиявий муносабатларда давлат бюджети танқислигини камайтириб бориш, бюджетдан бериладиган дотациялар ва субсидияларни босқичма-босқич қисқартириш, биринчи даражали, энг зарур умумдавлат эҳтиёжлари учунгина бюджетдан маблағ ажратиш, халқ хўжалигини ривожлантиришда инвестиция кредитларидан кенг фойдаланиш ислоҳотларнинг асосий йўналишлари ҳисобланади.

Кредит соҳасидаги ислоҳотлар банк тизимини такомиллаштириш, банкларнинг мустақиллигини ва пул муомаласи учун жавобгарлигини оширишга қаратилади. Шу мақсадда Республикада Марказий банк ҳамда кенг тармоқли тижорат ва хусусий банклардан иборат икки босқичли банк тизими вужудга келтирилди.

Иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг энг асосий муаммоларидан бири нархларни эркинлаштиришдир. Нархларнинг эркин шаклланиши учун нархлар тизимини ислоҳ қилиш ҳам зарурдир. Дастлаб давлат харид нархларининг амал қилиш доираси қисқартирилади ва кейин ички нархлар жаҳон нархларига мувофиқлаштириб борилади. Шунингдек, нархларни эркинлаштиришда хомашё ва маҳсулот айрим турларининг, нарх-наво билан аҳоли ва корхоналар даромадлари ўртасидаги тенгликка эришишга ҳаракат қилинади.

Республикада ислохотларни аста-секин ва босқичма-босқич амалга ошириш тамойили, нархларни эркинлаштиришда ёндашишга айникса ёрқин намоён бўлади.

Ислохотлар бошланишдан олдинги даврда республикада нарх-навонинг номутаносиб тизими таркиб топган эди. Хомашё ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархи пасайтирилиб, ишлов берувчи ва қайта ишловчи тармоқлар товарларининг нархи сунъий равишда ошириб борилган эди. Бундан кўрилган катта зарар республикани дотация олувчи минтақага айлантириб қўйди.

Нарх белгилашдаги номутаносибликлар туфайли бутун тармоқлар, шу жумладан қишлоқ хўжалигидаги кўплаб корхоналар зарар кўриб ишлади. Халқ хўжалиги тармоқлари кўрган зарар, айрим маҳсулот турлари (дон, ун ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари) етиштиришга қилинган харажатлар ва турли ижтимоий имтиёзлар беришдан кўрилган зарар бюджет маблағлари ҳисобидан қопланар эди. 1991 йил шу мақсадда сарфланган маблағ республика бюджети жами харажатларининг 12 фоиз дан ортиғини ташкил қилган.

Буларнинг ҳаммаси нархлар ислохотини амалга оширишга реал вазиятни ва аҳолининг мавжуд турмуш даражасини ҳисобга олиб, олдиндан ишлаб чиқилган дастур асосида ёндашишни талаб қилади.

Нархлар ислохоти бошлангандан 1994 йилгача ҳамма турдаги хомашё ва маҳсулотлар бўйича эркин нархларга ўтилди, барча истеъмол моллари нархи устидан давлат назорати бекор қилинди.

Ислох қилишнинг дастлабки даврида (1992 йил) кенг доирадаги ишлаб чиқариш-техник воситаси бўлган маҳсулотлар, айрим турдаги халқ истеъмол моллари, бажарилган ишлар ва хизматларнинг келишилган нархлари ва тарифларга ўтилди. Аҳолини ҳимоялаш мақсадида чекланган доирадаги озиқ-овқат ва саноат товарлари нархларининг чегараси белгилаб қўйилди.

Нархлар ислохотининг навбатдаги босқичида (1993 йил) келишилган улгуржи нархларни давлат томонидан тартибга солиш тўлиғича тўхтатилди.

Нархларни эркинлаштиришнинг охириги босқичида (1994 йил октябрь-ноябрь) халқ истеъмол моллари асосий турларининг нархи эркин қўйиб юборилди.

Шундай қилиб, иқтисодий ислоҳ қилишнинг биринчи босқичи нархларни тўлиқ эркинлаштириш билан тугади.

Иқтисодий ислохотларни амалга ошириш бошқаришнинг тегишли тизимини яратишни талаб қилади. Шунга асосан республикада бутун халқ хўжалигини, тармоқлар ва ҳудудларни бошқаришнинг энг мақбул ва ҳозирги даврга мос бўлган тузилмалари ишлаб чиқилди.

Кўплаб марказий иқтисодий органлар ва вазирликлар тугатилди (Давлат режа қўмитаси, Давлат таъминот қўмитаси, Давлат нархлар қўмитаси, Давлат агросаноат қўмитаси ва бошқа қўмита ҳамда вазирликлар) ёки уларнинг фаолияти тубдан қайта қурилди. Фаолияти тугатилган маъмурий аппаратлар ўрнига бозор иқтисодиётига хос янги бошқариш бўғинлари тузилди.

Республика Молия вазирлиги ва Марказий банкининг вазифалари ҳамда таркибий тузилиши аҳамиятли даражада ўзгартирилди. Масалан, Молия вазирлиги зиммасига Республика бюджетини вужудга келтириш билан бир қаторда, давлат солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари ва қоидаларини ишлаб чиқиш, валюта ишларини бошқариш вазифаси юклатилди.

Назорат органлари фаолиятини тартибга солиш, давлатнинг ягона солиқ ва божхона сиёсатини ўтказиш мақсадида Давлат солиқ қўмитаси ва Божхона қўмитаси тузилди. Ўтказиладиган иқтисодий ислохот ишларини мувофиқлаштириб туриш учун Президент ҳузурида иқтисодий ислохот, тадбиркорлик ва чет эл инвестициялари бўйича идоралараро кенгаш тузилди.

Кўп укладли иқтисодий шакллантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурларини ишлаб чиқиш каби вазифаларни бажариш учун Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси тузилди.

Ташқи иқтисодий алоқаларни бошқариш ва шу соҳа корхоналари фаолиятини мувофиқлаштириб туриш учун Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги тузилди.

Республика иқтисодиётининг тармоқлари ва айрим соҳаларини бошқариш тизимида ҳам чуқур таркибий ўзгаришлар рўй берди. Тармоқ вазирликлари уюшмаларга, концернларга, корпорациялар, уюшмалар ва бошқа хўжалик бирлашмаларига айлантириш билан батамом тугатилди. Транспорт, туризм, маданият, кинолаштириш каби фаолият соҳаларида миллий компаниялар тузилди.

Бошқаришнинг маҳаллий даражасида (вилоят, туман, шаҳар) ижроия – бошқарув вазифаларини бажариш учун ҳокимлик жорий қилинди. Қуйи бўғин бошқарувида корхона ва ташкилотларга иқтисодий эркинлик берилиб, улар янгича иш услубига ўтди.

Ислоҳ қилиш натижасида таркиб топган бошқарув тизими бозор иқтисодиётига ўтиб бориш билан янада такомиллашиб ва ривожланиб боради.

Бозор ислоҳотлари бозор инфратузилмасини яратиш чора-тадбирларини ҳам қамраб олади. Бунда молия, банк-кредит тизими муассасалари, суғурта, аудиторлик, юридик ва консалтинг фирмалари ҳамда компанияларини, биржа тизимини яратиш тақозо қилинади.

Республикада бозор инфратузилмасини яратиш бир қатор йўналишлар бўйича борди. Биринчи йўналиш бўйича товар-хомашё биржаси тизими ривожланди. Бу, ўз навбатида, брокерлик ва дилерлик идоралари, савдо уйлари, воситачи фирмалар пайдо бўлишига олиб келди.

Иккинчи йўналишда капитал бозорининг ишини таъминлайдиган тузилмалар вужудга келтирилди. Кредит ресурслари бозори ва валюта бозори вужудга келтирилди ҳамда давлатга қарашли бўлмаган суғурта компаниялари тузилди.

Учинчи йўналиш меҳнат бозорини шакллантиришдан иборат бўлиб, бу соҳада 240 дан ортиқ меҳнат биржасини ўз ичига олувчи катта тармоқ тузилди.

Бозор ислохотлари ташқи иқтисодий алоқаларга ҳам тегишлидир. Бу соҳада ислохотларни амалга ошириш борасида республиканинг замонавий ташқи иқтисодий комплекси мутлақо янгидан шакллантирилди, ташқи иқтисодий фаолиятни бошқаришнинг моҳият эътибори билан янги механизми вужудга келтирилди. Ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиши зарур бўлган муассасалар (Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, божхоналар хизмати) барпо этилди. Республиканинг барча вазирликлари ва идоралари, корхоналарида ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи махсус бўлимлар, ташкилотлар ва фирмалар тузилди.

Туб иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни барпо этиш асосий мақсад эмас. Барча ислохотларнинг асл мақсади инсонга муносиб яшаш ва фаолият кўрсатиш шароитларини вужудга келтиришдан иборат. Шу сабабли иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг бутун даври давомида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича чора-тадбирлар кўриш объектив заруратдир.

Республикада аҳолини ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирлари қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилди.

Биринчи йўналиш – нархлар эркинлаштирилиши ва пулнинг қадрсизланиш даражаси ортиб бориши муносабати билан даромадларнинг энг кам ва ўртача даражасини мунтазам ошириб бориш.

Иккинчи йўналиш – республиканинг ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат моллари асосий турлари истеъмолини муайян даражада сақлаб туриш.

Учинчи йўналиш – ислохотларнинг дастлабки босқичида аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш.

Республика учун ижтимоий ҳимоялаш тизимини танлаб олишда халқнинг узок йиллар давомида қарор топган маънавий ахлоқий кадриятлари, турмуш тарзи ва дунёқараш хусусиятлари ҳисобга олинади.

Шундай қилиб, ислохотларнинг барча йўналишлари мавжуд иқтисодий тизимнинг изчиллик билан бозор иқтисодиётига ўсиб ўтишига қаратилди. Бу ислохотлар Ўзбекистоннинг мустақиллигини иқтисодий жиҳатдан таъминлаш, уни иқтисодий жиҳатдан ривожланган ва халқаро миқёсда обрў-эътиборли мамлакатга айлантиришга хизмат қилади.

4.3. Маъмурий-буйруқбозлик тизимининг асосий унсурларини бартараф этиш йўллари

Бошқарувнинг маъмурий буйруқбозлик усулларини бартараф қилишнинг ягона йўли бу – мамлакатда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш жараёнларини чуқурлаштиришдир.

Маълумки, мустабид тузум даврида Ўзбекистон умумиттифоқ меҳнат тақсимотида хомашё базаси вазифасини бажарар эди. 1990 йилда СССРда ишлаб чиқариладиган пахта толасининг 62,4 фоизи Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келарди, ҳамда етиштирилган пахтанинг 7 фоизигина республикада қайта ишланар эди³³.

1990 йилда республикада яратилган миллий даромадда саноатнинг ҳиссаси – 25,7 фоиз, қишлоқ хўжалиги – 44,2 фоиз, қурилиш – 14,1 фоиз, транспорт ва алоқа – 4,7 фоиз, бошқа моддий ишлаб чиқариш тармоқлари – 11,1 фоизни ташкил этди³⁴.

экспортнинг 67 фоизини битта товар – пахта хомашёси, импортнинг эса, 57 фоизини дон маҳсулотлари ташкил қилар эди. Якка экин (пахта) етиштиришга асосланган экспорт-импорт тизими ҳукмрон эди.

³³ Tuxliev N., Taksanov A. “Natsionalnaya ekonomicheskaya model Uzbekistana”. Т., «O‘qituvchi», 2000. 31-32-бетлар.

³⁴ “Narodnoe xozyaystvo SSSR v 1990 godu”. Statisticheskiy ejegodnik. Moskva, Finansi i statistika. 1991. 11-бет. “Narodnoe xozyaystvo Uzbekskoy SSR v 1990 g.”. Т., O‘zbekiston, 1991. 10-бет.

Йирик ишлаб чиқариш тажрибаларидан маълумки, бир турдаги маҳсулот оммавий ишлаб чиқариладиган жойда самаралироқдир. Ўта майда (1 дан 19 кишигача меҳнат қиладиган) корхоналар 80-йилларда АҚШда барча корхоналарнинг 26,1, Японияда 49,4 ва Италияда 43,4 фоизни ташкил этди. Майда корхоналар (яъни, 20 дан 90 кишигача ишлайдиган корхоналар) мувофиқ равишда 28,4, 27,7 ва 30,4 фоизга тенг эди. Ўрта корхоналар (бунга 100 дан 499 кишигача ишлайдиган корхоналар киради) 24,0, 14,6 ва 14,2 фоиз, ниҳоят, 500 дан ортиқ ишчи меҳнат қиладиган йирик корхоналар 21,5, 8,2 ва 12,1 фоизни ташкил этди. Кўриниб турибдики, ўта замонавий Японияда ишчиларнинг деярли ярми ўта майда фирмаларда жамланган. Майда ва кичик фирмалар иш билан банд бўлган Японларнинг 3/4 қисмини ўзида бирлаштирган¹. Майда фирмалар иқтисодиётнинг пойдевори, деб бежиз айтилмайди.

Ўзбекистон собиқ республикалар орасида аҳоли жон бошига ҳисоблаганда куйидаги кўрсаткичлар: саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш (икки марта), ижтимоий соҳанинг ривожланиши (аҳоли даромадлари, уй-жой билан таъминланганлик, коммунал хизматлар кўрсатиш, маданий-маиший объектлар ва бошқалар) бўйича ўртача кўрсаткичдан анча орқада эди.

1990 йилда аҳоли жон бошига товар ва хизматлар истеъмоли Россияда – 3735, Грузияда – 3575, Украинада – 3470, Қозоғистонда – 2900 ва Ўзбекистонда эса, 2200 АҚШ долларини ташкил этарди.

1990 йилда жон бошига гўшт истеъмол қилиш Белоруссияда – 73 кг., Қозоғистонда – 71 кг., Россияда – 69 кг., Украинада – 65,5 кг. бўлган бўлса, Ўзбекистонда – 30 кг. ни ташкил этди. Тухум истеъмол қилиш жон бошига Белоруссияда – 320, Россияда – 228, Қозоғистонда – 207 донга бўлган бўлса, Ўзбекистонда – 107 донани ташкил қилди³⁵. Бошқа маҳсулотлар бўйича истеъмол қилишда иттифоқ республикаларидан анча орқада эди.

¹ YUdanov A.YU. "Firma i rinok". M., «Znanie», 1990. 5-bet.

³⁵ "Narodnoe xozyaystvo SSSR v 1990 godu". Statisticheskiy ejegodnik. 1990. Narodnoe xozyaystvo Uzbekskoy SSR v 1990 g. T., «Uzbekiston», 1991.

Миллий иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуриш зарурлиги энг аввало таркибий ўзгаришларни халқ хўжалигининг устувор тармоқларида амалга ошириш, уларнинг мақсад ва вазифаларини белгилаш ҳамда ўзаро мувофиқлаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистонда иқтисодиёт тузилишидаги ўзгаришлар қуйидаги энг муҳим вазифаларни ҳал этиш билан боғлиқдир:

Биринчидан, бошқа мамлакатлардан хомашё ресурслари энг муҳим турларининг, бутловчи ва озиқ-овқат маҳсулотларининг олиб келинишини қисқартириб, ана шу маҳсулотлар ўрнини босадиган корхоналарни ривожлантириш асосида республиканинг иқтисодий мустақиллигига эришиш;

Иккинчидан, ўзимизда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳисобига маҳсулотлар ва халқ истеъмол молларининг ҳаётий муҳим турларига бўлган аҳоли ва умумхалқ хўжалиги талабларини қондириш;

Учинчидан, иқтисодиётнинг мутаносиб ва барқарор ишлашини таъминлаш;

Тўртинчидан, иқтисодиётнинг хомашё етиштиришга қаратилган бир томонлама йўналишини бартараф этиш, ғоят бой маъдан - хомашё ресурслари ва қишлоқ хўжалиги хомашёсини чуқурроқ, мукамалроқ қайта ишланишини ташкил этиш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг бутлик даражаси ва рақобатбардошлигини ошириш;

Бешинчидан, республиканинг экспорт имкониятини кенгайтириш, ташқи иқтисодий алоқаларда тўлов балансининг ижобий бўлишига эришиш; олтин-валюта захирасини мустаҳкамлаш;

Олтинчидан, меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлаш, меҳнат қилишнинг янги технологияларга, халқнинг тарихий анъаналари ва удумларига мос келадиган соҳаларини барпо этиш;

Еттинчидан, тармоқлар ичидаги ва ҳудудий жиҳатдан вужудга келган номутаносибликларни бартараф этиш, республика ҳудудида ишлаб чиқарувчи кучларни жадал ривожлантириш ва оқилона жойлаштириш³⁶.

Бунинг натижасида мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиётида ижобий ўзгаришлар юз берди ва таркибий ўзгаришларни таъминлаш учун шарт-шароитлар вужудга келтирилди.

Таркибий ўзгаришлардан кўзланган аниқ мақсадлар қуйидагилардан иборатдир:

- иқтисодиётнинг хомашё етиштиришдан иборат бир томонламалигига чек қўйиш;

- истеъмолга тайёр, яъни тугалланган маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш;

- импорт ўрнини боса оладиган товарларни иложи бориचा мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқариб, импортга қарамликни чеклаш;

- маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини жаҳон бозори талаблари даражасига етказиб, мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш;

- ишлаб чиқаришнинг истиқболли соҳаларига устуворлик бериб, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш;

- меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлаш, янги технологияларга ўтиш, халқимизнинг миллий ва тарихий анъаналарига мос келадиган янги соҳаларни барпо этиш;

- ўзимизда ишлаб чиқариладиган товарлар ҳисобидан миллий бозорни тўлдириш орқали халқ истеъмол молларининг муҳим турларига бўлган аҳоли талабларини тўлароқ қондириш.

Иқтисодиётнинг таркибий тузилишидаги ўзгаришлар ўзида қуйидагиларни ифодалаши лозим:

- фан-техника тараққиёти ютуқларини мужассамлаштирган янги, юқори самара берувчи ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва иқтисодий ресурслардан

³⁶ Karimov I.A. "O'zbekiston iqtisodiy isloqotlarni chuqurlashtirish yo'lida". -T.: O'zbekiston, 1995. 230-231-betlar.

самарали фойдаланиш имконини берадиган тармоқлар ривожланишни таъминлаш;

- мамлакатнинг табиий шароитини, унинг минерал, хомашё ресурсларини демографик аҳолини, қишлоқ хўжалиги учун яроқли унумдор ерлар мавжудлигини ҳисобга олиш;

- ижтимоий ишлаб чиқариш харажатларини минималлаштириш асосида юқори иқтисодий натижаларга эришишни таъминлайдиган иқтисодиёт таркибий тузилишига эришиш;

- миллий иқтисодиёт таркибини шакллантиришда унинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига қўшилиб боришини эътиборга олиш;

- иқтисодиёт таркибий тузилишини ўзгартиришни меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга, таълим бериш тизимини такомиллаштиришга, аҳолининг юқори турмуш даражасини таъминлашга йўналтириш.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда иқтисодиётнинг таркибий тузилишида чуқур ўзгартиришлар амалга оширилиши оқибатида республиканинг ёқилғи-энергетика ресурсларига бўлган эҳтиёжи ўзи ҳисобидан тўла таъминланди ҳамда ғалла импортига қарамлик барҳам топиб, ғалла мустақиллиги қарор топди.

Олий Мажлиснинг XIV сессиясида социал инфратузилмани жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор берилиб, ноишлаб чиқариш соҳасини ривожлантиришнинг аниқ йўналишлари, унинг ривожланишидаги устувор жиҳатлари белгиланди, бу соҳадаги таркибий сиёсатни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган тадбирларга эътибор қаратилди.

Ноишлаб чиқариш соҳасидаги таркибий сиёсат қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади:

- кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларини изчил амалга ошириш;
- маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш;
- соғлиқни сақлаш соҳасида амбулатория - поликлиника хизматларини кўпайтириш.

Миллий иқтисодиётдаги ижобий силжишлар оқибатида ноишлаб чиқариш соҳаларига сармоя қўйилмалари ҳам орта борди. Натижада, 2000–2008 йилларда ЯИИМда таълим учун умумий харажатлар улуши 7,5–8 фоиз, соғлиқни сақлаш учун умумий харажатлар 4,5–5 фоизни ташкил этди.

Жаҳон банкининг маълумотига кўра, ялпи ички маҳсулотдан таълим соҳасига харажатлар Россияда 3,4 фоиз, АКШ, Франция ва Буюк Британияда 5,3 фоизни ташкил этади. Ўзбекистонда 1998 йилда таълим соҳасига йўналтирилган харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 7,6 фоизини, 1999 йилда 8,1, 2000 йилда 10,3, 2008 йилда эса 12 фоизни ташкил этди.

Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни янада самаралироқ бўлиши учун қуйидаги шароитлар яратилиши лозим:

- давлатнинг таркибий ўзгаришлар борасидаги фаол инвестицион сиёсатини амалга ошириш;

- хусусий инвестицияларни рағбатлантириш ва улар учун муносиб қулай шароитлар яратиш;

- хусусий инвестициялар йўналишини савдо-воситачилик соҳаларидан ишлаб чиқаришни ривожлантиришга буриш;

- хорижий инвесторлар учун янада қулай инвестиция муҳитини яратиш;

- бозор муносабатларининг асоси бўлган кичик ва ўрта корхоналар ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш;

- зарар кўриб ишловчи корхона ва тармоқларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни аста-секин тўхтатиш, санация ва банкротлик сиёсатини қўллаш.

Қисқа хулоса

1. Анъанавий иқтисодиёт – деярли ҳамма мамлакатлар босиб ўтган тарихий тизимдир. У ҳозирги даврда ҳам кўплаб иқтисодий жиҳатдан кам ривожланган мамлакатларда мавжуд бўлиб, уларда урф-одатлар, удумларга, анъаналарга асосланган иқтисодий жараёнларга амал қилади. Уларда натурал ёки майда товар хўжалиги ҳукмрон бўлади.

2. Маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиёти амалда барча моддий ресурсларга ижтимоий аниқроғи давлат мулкчилигининг ҳукмронлиги ва маъмурий органлар томонидан иқтисодий қарорларнинг марказлашган тартибда қабул қилиниши билан характерланади. Фойдаланадиган ресурсларнинг ҳажми, маҳсулотнинг таркиби ва тақсимланиши, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш қабиларга тегишли барча муҳим қарорлар марказий бошқариш органлари томонидан қабул қилинади.

3. Иқтисодий тараққиётда муҳим босқич ҳисобланган тизим бозор иқтисодиёти тизимидир. Бозор иқтисодиёти тизими асосан икки босқичга эгадир. Биринчиси эркин рақобатга асосланган классик бозор иқтисодиёти бўлиб, баъзи адабиётларда уни соф капитализм деб ҳам юритилади. Иккинчиси эса ҳозирги замон ривожланган бозор иқтисодиёти бўлиб, уни аралаш иқтисодиёт тизими деб ҳам юритилади.

4. Ҳозирги даврда реал ҳаётда бозор иқтисодиёти соф бозор механизми ва режали иқтисодиёт унсурларини мужассамлаштиради. Мулкчиликнинг ҳар хил шакллари, тадбиркорликнинг турли йўналишлари мавжуд бўлади, унда режалаштириш, прогнозлаш, аҳолини социал ҳимоялаш кучаяди.

Асосий таянч тушунчалар

Иқтисодий тизимлар – иқтисодиётни ташкил қилиш шакллари, хўжалик механизми ва иқтисодий муассасалар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар мажмуаси.

Маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиёти – марказлашган ҳолда режа ва кўрсатмалар воситасида ижтимоий хўжалик юритишга асосланган иқтисодиёт.

Бошқариладиган бозор иқтисодиёти – давлат томонидан зарур ҳолларда тартибга солиб туриладиган иқтисодиёт.

Маъмурий-буйруқбозлик усуллари – маъмурий-буйруқбозлик тизимининг амал қилишида қўлланилувчи асосий дастак ва воситалар.

Бозор ислоҳотлари – бозор иқтисодиётини ва бозор муносабатларини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи.

Такрорлаш учун саволлар

1. Маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиётининг моҳияти нималарда намоён бўлади?
2. Нима учун маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиёти негизида бозор муносабатлари белгиларини шакллантириш мумкин эмас?
3. Маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиётидан бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтишнинг хусусиятлари қандай?
4. Иқтисодий тизимлар нима ва уларнинг қандай моделлари мавжуд?
5. Бозор иқтисодиётига ўтишда маъмурий ислохотларнинг роли қандай?
6. Маъмурий-буйруқбозлик усулларини бартараф этишнинг қандай йўлларини биласиз?
7. Бугунги кунда мамлакатимизда маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиётининг асоратлари яққол сезилаётган қандай тармоқ ва соҳаларни, иқтисодий фаолият ва жараёнларни биласиз?
8. Бозор муносабатларига ўтиш жараёнларининг самарасини ошириш учун қандай чора-тадбирлар қўллаш лозим деб ўйлайсиз?

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Каримов И.А. «Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли». - Т.: Ўзбекистон, 1992. 3-8-б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. - Т.: Ўзбекистон, 1993. 3-5, 10-12, 16-21, 23, 39-б.
3. Экономика: Учебник. 3-е изд., перераб. и доп. /Под ред. д-ра экон. наук проф. А.С.Булатова– М.: Экономистъ, 2005. С.625-630.
4. Арменский А.Е. Экономика устойчивого развития: прорывные идеи и технологии./ - М.: Социальный проект, 2009. – 24-27 с.
5. Носова С.С., Новичкова В.И. Экономическая теория для бакалавров: учеб. пос. - М.: КНО РУС, 2009. – 68-71 с.
6. Худокормов А.Г. Экономическая теория: Новейшие течения Запада. - М.: ИНФРА-М, 2009. – 41-48 с.

5-боб. БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИГА ЎТИШНИНГ ЎЗБЕК МОДЕЛИ. КОНЦЕПЦИЯ ВА СТРАТЕГИЯ

Бозор муносабатларига ўтиш кенг қамровли ва мураккаб жараён бўлиб, бунда ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос ривожланиш хусусиятлари, иқтисодий тараққиёт даражаси, миллий ва тарихий анъаналари, халқнинг менталитети ва бошқа жиҳатлар ҳисобга олиниши лозим. Бу эса ҳар бир алоҳида мамлакат иқтисодиётининг бозор муносабатларига ўтиш концепцияси ва стратегиясининг ишлаб чиқилишини тақозо этади. Мазкур концепция ва стратегия таркибидан ўрин олган ўтиш жараёнларининг мақсад ва вазифалари, асосий йўналиш ва босқичлари ҳамда тамойилларининг мажмуи ўтишнинг миллий моделини ташкил этади. Мазкур боб доирасида бозор муносабатларига ўтишнинг ўзбек моделининг моҳияти ва ўзига хос хусусиятларини кўриб чиқамиз.

5.1. Ислохотлар стратегияси ва концепциясини танлаш. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг мазмуни

XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида жаҳон янги даврга қадам қўйди. Бу даврнинг ўзига хос белгилари, бир томондан, давлатлар ва халқлар ўртасида яқинлашув жараёнлари ва ҳамкорликнинг кучайиши, ягона халқаро меъёрлар, қоидалар ва андозаларга ўтиш бўлса, иккинчи томондан, социалистик лагернинг емирилиши, тоталитар тузумларнинг тугатилиши, унитар тизимлар ўрнида ёш мустақил давлатларнинг пайдо бўлишидир.

Юқорида қайд этиб ўтилганидек, 80 ва 90 йилларнинг бошларида дунёда содир бўлган оламшумул ўзгаришлар ҳозирги замон иқтисодий тафаккурига ҳамда ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт истиқболлари тўғрисидаги қарашларга жиддий ўзгаришлар киритди. Эркин иқтисодий тартибга солиш ғояси ҳам, марказлаштирилган тарзда режалаштириш ғояси ҳам инқирозга учради. Жаҳон цивилизацияси ижтимоий тараққиётнинг сифат жиҳатдан

янги йўллари ишлаб чиқди, тартибга солинадиган бозор иқтисодиёти мана шу йўлга асос қилиб олинган.

Собиқ Иттифок майдонида барпо этилган социалистик тузумнинг ўз вақтида англаб етилмаган нуқсон ва иллатлари бугунги кунда аниқ намоён бўлди. Эндиликда бу тузум пролетариат (ишчилар синфи) ҳукмрон синф, коммунистик партия эса йўналтирувчи куч ҳисобланган «давлат социализми», «давлат мулки монополияси», «тоталитар тузум», «маъмурий-буйруқбозлик бошқаруви ва марказлаштирилган тарзда режалаштиришга асосланган тизим» каби қатор номлар билан аталмоқда.

Социализм негизида бозор иқтисодиёти қуриб бўлмайди, чунки у фақат мулк шакллари хилма-хиллиги, аввало, хусусий мулк шароитидагина амал қилиши ва ривожланиши мумкин. Энг муҳими, иқтисодиётни маъмурий-буйруқбозлик усули билан ривожлантириш мумкин эмас.

Собиқ социалистик ва бошқа мамлакатлар воқелиги келтириб чиқарган янги ҳодисалар, муносабатлар ва жараёнлар эндиликда анъанавий тушунчаларга мос келмаяпти. Мулкчилик, ишлаб чиқариш муносабатлари, ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш омиллари, бошқаришнинг бозор ва режали тартибга солиш механизмлари, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий вазифаси ва ижтимоий йўналтирилган фаолияти каби бошқа тушунчалар умуман янги мазмун касб этмоқда.

Бундай шароитда ўз ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўли ва моделини танлаб олиш жуда катта аҳамиятга молик.

Тоталитар тизим вайрон бўлаётган даврда собиқ иттифоқдош республикалар ўрнида тузилган мустақил давлатларда иқтисодий қурилиш ва демократик ўзгартиришларга мутлақо янгича ёндашувлар ва нуқтаи назарларни асослаб бериш муҳим аҳамиятга эга. Бу давлатлар ўзини мустақил деб эълон қилгани ҳар бир суверен республика ўз манфаатларига мос келадиган мустақил ички ва ташқи сиёсатни ўтказиш ниятида эканини билдиради.

Ҳозир ҳар бир республикада иқтисодийни барқарорлаштириш ва ислоҳ қилиш муаммолари ечими зўр бериб изланмоқда, ўз дастурий ёндашувлари ишлаб чиқилмоқда. Бу дастурлар бозор иқтисодийтини барпо этишга қаратилгани ҳолда, ислоҳотни амалга ошириш усули, босқичлари ва муддати билан бир-бирдан тубдан фарқ қилади.

“Шу сабабли, бизнинг қатъий нуқтаи назаримиз жаҳон тажрибаси ва ўз амалиётимиздан олинган жамики фойдали тажрибаларни рад этмаган ҳолда ўзимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлимизни танлаб олишдан иборатдир... Бозор иқтисодийтига ўтиш объектив иқтисодий қонунларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда, ўтмишдаги “инқилобий сакрашлар”сиз, яъни эволюцион йўл билан, пухта ўйлаб, босқичма-босқич амалга оширилиши керак”¹.

Ўзбекистонни ҳуқуқий демократик давлат сифатида қарор топтиришнинг дастурий қоидалари, республиканинг бозор муносабатларига ўтиш, ички ва ташқи сиёсатни шакллантириш принциплари, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг асосий устуворликлари ва йўналишлари Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” рисоласида баён қилиб берилган, кейинги нашр ва нутқларда ривожлантирилган ҳамда уларга аниқлик киритилган.

Чуқур ўзгаришлар Ўзбекистон халқининг ҳаётига шиддат билан кириб бормоқда. Ўзбекистон чинакам мустақилликка эришиш мақсадини биринчилар қатори билдирганлигини жонажон ўлкамиз учун фахр-ифтихор туйғуси билан қайд этиб ўтиш керак. Собиқ Иттифоқдаги республикалардан биринчи бўлиб президентлик бошқарувини амалда жорий этган ҳам, кенг миқёсдаги ислоҳотларни амалга ошириш, жамиятни тубдан ўзгартириш ва янгилаш йўлига ўтиб олган ҳам бизнинг республика бўлди.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т.1. – Т.: Ўзбекистон, 1996, 172-174-б.

1991 йилнинг 31 августида Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги эълон қилинди. Ўзбекистон тинч, парламент йўли билан ўзининг ҳақиқий давлатчилигига эришди.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини қўлга киритганлиги ва у халқаро миқёсда тан олинганлиги шуни билдирадики, бундан буён республика мустақил ички ва ташқи сиёсатини олиб боради, ҳеч кимнинг воситачилигисиз ўзаро манфаатли муносабатларни ўрнатади.

Бутун ислоҳ қилиш жараёнининг бошланғич нуқтаси стратегияни танлаб олишдан иборатдир. Ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг пировард мақсадини белгилаб олиш ҳозирги ислоҳ қилиш стратегиясининг бошланғич нуқтаси бўлиб хизмат қилади.

Стратегия ва унинг пировард мақсадини белгилар экан, биринчи Президент: “Бунда биз марказлаштирилган, маъмурий-буйруқбозликка асосланган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш – эски хўжалик юритиш механизмини шунчаки янгилаш ёки такомиллаштириш эмас, балки бир сифат ҳолатидан иккинчи сифат ҳолатига ўтиш эканлигини қайта-қайта таъкидладик. Бу бир иқтисодий муносабатлар ва ташкилий-бошқарув тузилмаларининг бошқа иқтисодий муносабатлар ва ташкилий-бошқарув тузилмалари билан алмашинувидир”², – деган эдилар.

Ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиёти марказлаштирилган режали бозордангина эмас, балки эркин бозордан ҳам фарқ қилади. У мустақил иқтисодий андозадан иборат бўлади. Унинг эркин бозордан муҳим фарқи шундан иборатки, у иқтисодий ва ижтимоий асосларнинг синтези ҳисобланади. Бу шуни билдирадики, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти тўла-тўқис ҳам бозор иқтисодиёти, ҳам ижтимоий иқтисодиёт ҳисобланади, иқтисодий ривожланиш самарадорлигини ижтимоий кафолатлар ва ижтимоий адолат билан боғлаш мақсадини кўзлайди.

² Ўша ерда.

Шуниси диққатга сазоворки “ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти” ва “аралаш иқтисодиёт” бир-бирига яқин тушунчалардир. “Аралаш иқтисодиётнинг моҳияти жамият иқтисодий ҳаётини қуриш ва тартибга солишнинг хусусий ва умумдавлат манфаатларидан иборат иккита ҳар хил принципларининг – эркин бозор ва рақобат билан давлатнинг ижтимоий-иқтисодий фаолиятининг айна бир вақтда мавжуд бўлишидан ва уларнинг ўзаро таъсиридан иборатдир. Худди шу уйғунлик ҳозирги замон иқтисодиётининг юраги, деб ҳисоблаш мумкин.

Ижтимоий йўналтирилган иқтисодиёт бу аралаш иқтисодиёт эканлигини асослайди. Агар бозор – ишлаб чиқаришни одамларнинг ўсиб боровчи ва муттасил ўзгариб турувчи эҳтиёжларига энг юқори даражада йўналтиришни таъминловчи механизм бўлса, давлат барқарорликнинг, химояланганликнинг ва ижтимоий адолатнинг ижтимоий кафолати ҳисобланади. Бу давлатнинг глобал функцияларидир. Шундай қилиб, ижтимоий йўналтирилган аралаш иқтисодиётда икки механизм: бозор механизми ва давлат механизми (тартибга солувчи механизм) амал қилади.

5.2. Умумий стратегия доирасида аниқ стратегик мақсадлар. Ислоҳ қилишнинг янги босқичида бош стратегик мақсаднинг сақлаб

қолиниши

Республикада умумий стратегия доирасида иқтисодиётни ислоҳ қилиш соҳасидаги муайян стратегик мақсад ва вазифалар белгилаб олинган. Уларнинг асосийлари қуйидагилардир:

1. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини босқичма-босқич шакллантириш.

2. Кўп укладли иқтисодиётни яратиш.

3. Корхоналар ва фуқароларга кенг иқтисодий эркинликлар бериш, уларнинг хўжалик фаолиятига давлатнинг бевосита аралашувидан воз кечиш, иқтисодиётни бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик усулларини бартараф

этиш, иқтисодий омиллар ва рағбатлантириш воситаларидан кенг фойдаланиш.

4. Иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришлар қилиш, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш, жаҳон иқтисодий тизимига қўшилиб бориш.

5. Кишиларда янгича иқтисодий фикрлашни шакллантириш, уларнинг дунёқарашини ўзгартириш, ҳар бир кишига ўз меҳнатини сарфлаш соҳаси ва шаклларини мустақил белгилаш имконини бериш.

Бу белгиланган мақсадларга эришиш учун мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуслари билан “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” ишлаб чиқилди. Унинг асосий устувор вазифалари ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

I. Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари.

1.1. Демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис палаталари, сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш:

- давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлиснинг ролини ошириш, унинг мамлакат ички ва ташқи сиёсатида оид муҳим вазифаларни ҳал этиш ҳамда ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатларини янада кенгайтириш;

- қонун ижодкорлиги фаолиятининг сифатини қабул қилинаётган қонунларни амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнига таъсирини кучайтиришга йўналтирган ҳолда тубдан ошириш;

- сиёсий тизимни ривожлантириш, давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш.

1.2. Давлат бошқаруви тизимини ислох қилиш:

- давлат бошқаруви ва давлат хизмати тизимини давлат бошқарувининг марказлаштиришдан чиқариш, давлат хизматчиларининг касбий тайёргарлик, моддий ва ижтимоий таъминоти даражасини ошириш, ҳамда иқтисодиётни бошқаришда давлат иштирокини босқичма-босқич қисқартириш орқали ислоҳ қилиш;

- мамлакатни ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича вазифаларни амалга оширишда ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг самарасини оширишга қаратилган давлат-хусусий шерикликнинг замонавий механизмларини жорий этиш;

- давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларига оид ахборотни тақдим қилишнинг замонавий шакллари жорий этиш;

- «Электрон ҳукумат» тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари кўрсатишнинг самараси, сифати ва аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектлари томонидан фойдаланиш имкониятини ошириш.

1.3. Жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш:

- халқ билан самарали мулоқот механизмларини жорий қилиш;

- жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий шакллари ривожлантириш, ижтимоий шерикликнинг самарасини ошириш;

- фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш;

- маҳалла институтининг жамият бошқарувидаги ўрни ва фаолиятининг самарадорлигини ошириш;

- оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, журналистларнинг профессионал фаолиятини ҳимоя қилиш.

II. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари

2.1. Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш:

- судьялар ва суд аппарати ходимларининг мавқеини, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий таъминлаш даражасини ошириш, судларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

- судьяларга ғайриқонуний тарзда таъсир ўтказишга йўл қўймаслик бўйича таъсирчан чоралар кўриш;

- суднинг мустақиллиги ва беғаразлиги, суд процесси томонларининг тортишуви ва тенг ҳуқуқлиги тамойилларини ҳар томонлама татбиқ этиш;

- «Хабеас корпус» институтини қўллаш соҳасини кенгайтириш, тергов устидан суд назоратини кучайтириш;

- судларни янада ихтисослаштириш, суд аппаратини мустаҳкамлаш;

- судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш.

2.2. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш:

- фуқароларнинг мурожаатларини ўз вақтида ҳал этиш, мурожаатларни кўриб чиқишда сансалорлик, расмиятчилик ва бефарқ муносабатда бўлиш ҳолатларига йўл қўйганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш, шунингдек, бузилган ҳуқуқларни тиклашнинг барча зарур чораларини кўриш;

- суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш;

- фуқароларининг хусусий мулкка бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш кафолатларини мустаҳкамлаш;

- фуқароларнинг одил судловга тўсқинликсиз эришишини таъминлаш;

- суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари ижроси самарадорлигини ошириш.

2.3. Маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини такомиллаштириш:

- жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш ва либераллаштириш, алоҳида жиноий қилмишларни декриминаллаштириш, жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тартибини инсонпарварлаштириш;

- одил судловни амалга ошириш самарадорлиги ва сифатини ошириш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик суд иш юритувининг процессуал асосларини такомиллаштириш;

- жиноят, фуқаролик ва хўжалик ишларини кўриб чиқиш тартибини такомиллаштириш, бир-бирини такрорловчи ваколат ва инстанцияларни қисқартириш;

- электрон суд иш юритуви ва ижро иши юритувининг замонавий шакл ва усулларини жорий этиш.

2.4. Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш:

- жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш;

- диний экстремизм, терроризм ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларига қарши курашиш бўйича ташкилий-амалий чораларни янада кучайтириш;

- коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва коррупцияга қарши курашиш тадбирларининг самарадорлигини ошириш;

- аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, бу борадаги чора-тадбирларни амалга оширишда давлат тузилмаларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини ташкил этиш.

2.5. Суд-ҳуқуқ тизимида қонунийликни янада мустаҳкамлаш:

- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар ишини самарали режалаштириш ва унинг натижаларини таҳлил қилиш, тизимли ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ҳамда уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш;

- суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар ходимларини ўқитиш, танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ротация қилиш тизимини такомиллаштириш;

- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар ходимлари орасида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, профилактика қилиш ва бартараф этиш бўйича идоравий назоратнинг замонавий механизмларини жорий этиш;

- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар фаолияти устидан жамоатчилик назорати механизмлари самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш.

2.6. Юридик ёрдам ва хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш:

- давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг юридик хизмати фаолияти самарадорлигини ошириш;

- адвокатура институтини ривожлантириш, жиноят, фуқаролик, маъмурий ва хўжалик ишларини кўриб чиқишда адвокат ўрнини ошириш;

- нотариал ва ФХДЁ органлари тизимини ислоҳ қилиш.

III. Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишари

3.1. Макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш:

- қабул қилинган ўрта муддатли дастурлар асосида макроиқтисодий мувозанатни сақлаш, таркибий ва институционал ўзгартиришларни

чуқурлаштириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотнинг юқори ўсиш суръатларини таъминлаш;

- харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганлигини сақланган ҳолда Давлат бюджетининг барча миқёсларида мувозанатни сақлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга йўналтирилган бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш;

- илғор халқаро тажрибага мувофиқ инструментлардан фойдаланиш ҳисобига пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш, миллий валютанинг ва ички бозордаги нархларнинг барқарорлигини таъминлаш;

- эркин конвертацияни таъминловчи валютага оид муносабатларни тартибга солиш, миллий валюта курсини шакллантиришда замонавий бозор механизмларни жорий этиш;

- солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш йўлини давом этиш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва рағбатлантиришнинг тегишли чораларини кенгайтириш;

- банк тизимини ислоҳ қилиш, банклар депозит базасининг капитализациясини чуқурлаштириш ва барқарорлигини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлигини ва ишончилигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестицион лойиҳалар ҳамда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини кредитлаштиришни янада кенгайтириш;

- янги турдаги суғурта, лизинг ва бошқа молиявий хизматларнинг ҳисобига уларнинг хажмини кенгайтириш ва сифатини ошириш, капитални жалб қилиш ҳамда корхона, молиявий институтлар ва аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришдаги муқобил манба сифатида фонд бозорини ривожлантириш;

- халқаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, шу жумладан етакчи халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан алоқаларни кенгайтириш йўли билан, пухта ўйланган ташқи қарзлар сиёсатини амалга оширишини

давом этиш, жалб қилинган хорижий инвестициялар ва кредитлардан самарали фойдаланиш.

3.2. *Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш:*

- миллий иқтисодиётнинг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлаш, унинг таркибида саноат, хизматлар кўрсатиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушини кўпайтириш;

- ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмадаги лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган актив инвестиция сиёсатини олиб бориш;

- саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали янада модернизация ва диверсификация қилиш;

- иқтисодиёт тармоқлари учун самарали рақобатбардош муҳитни шакллантириш ҳамда маҳсулотлар ва хизматлар кўрсатиш бозорларида монополияни босқичма-босқич камайтириш;

- принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технологиялар турларини чиқаришни ўзлаштириш, бунга асосан ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш;

- ишлаб чиқариш маҳаллийлаштиришни рағбатлантириш сиёсатини давом этиш ҳамда энг аввало истеъмол товарлар ва бутловчи буюмлар импортининг ўрнини босиш, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш;

- иқтисодиётнинг энергия ва ресурс сарфини қисқартириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, қайта

тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, иқтисодиёт тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш;

- эркин иқтисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналарини ташкил этиш, амалдаги зоналарнинг самарадорлигини ошириш; хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматлар роли ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматларнинг тузилмасини энг аввало хизматларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш;

- экспорт фаолиятини либераллаштириш ва соддалаштириш, экспортнинг тузилмаси ва географиясини диверсификация қилиш, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва сафарбар этиш;

- йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш, иқтисодиёт, ижтимоий соҳага, бошқариш тизимига инфор­мацион-коммуникацион технологияларни жорий этиш.

3.3. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш:

- таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни муттасил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторининг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш;

- пахта ва бошоқли дон экиладиган майдонларни қисқартириб, экин майдонларини янада мақбуллаштириш, бўшаб қолган ерларга картошка, сабзавот, озиқ-овқат, мойли экинларни шунингдек, янги интенсив боғ ва узумзорларни жойлаштириш;

- қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекция навларини ҳамда юқори маҳсулдорликка эга, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий ер-иқлим ва экологик шароитларга мослашган ҳайвонот турларини яратиш ва

ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш;

- фермер хўжаликлар, энга аввало қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни ишлаб чиқараётган, қайта тайёрланаётган, тайёрлаш, сақлаш, сотиш, қурилиш ишлари ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланаётган кўп тармоқли фермер хўжаликларини рағбатлантириш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, ярим тайёр маҳсулотлар ва тайёр озиқ-овқат маҳсулотларини, шунингдек қадоқлаш буюмларини ишлаб чиқариш бўйича энг замонавий юқори технологияли ускуналар билан жиҳозланган, қайта ишловчи янги корхоналарни қуриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш юзасидан инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни сақлаш, транспортировка қилиш ва сотиш, агрокимё, молиявий ва бошқа замонавий бозор хизматларни кўрсатиш инфратузилмасини янада кенгайтириш;

- суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиоратив ва ирригация объектларнинг тармоғини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало замонавий сув ва ресурсларни тежайдиган агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш;

- глобал иқлим ўзгариши ва Орол денгизи қуриб қолишининг қишлоқ хўжалиги ривожланиши ҳамда аҳолининг ҳаёт фаолиятига салбий таъсирини юмшатиш бўйича тизимли чора-тадбирларни кўриш.

3.4. Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулкнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва унинг истиқболли ролини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш:

- хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва кафолатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, барча турдаги тўсқинлик ва чекланишларни бартараф этиш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш йўлида тўлиқ эркинлик бериш, амалиётда “Агар халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кучли бўлади” деган принципни амалга ошириш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятига давлат, назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ноқонуний аралашувини қатъий олдини олиш;

- давлат мулкни хусусийлаштириш тартиб-таомилларни янада кенгайтириш ва соддалаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг устав жамғармаларида давлат иштирокини камайтириш, давлат мулкни хусусийлаштирилган объектларнинг базасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш;

- корпоратив бошқарувнинг замонавий стандартлар ва усулларни жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш;

- тадбиркорлик субъектларининг муҳандислик тармоқларига уланиш тартиб-таомиллар механизмларни такомиллаштириш ва соддалаштириш;

- мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожланишни тартибга солишда давлат иштирокини камайтириш, давлат бошқаруви тизимини децентрализация қилиш ва демократлаштириш, давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш, нодавлат, жамоат ташкилотлар ва ўз-ўзини бошқариш органларининг ролини ошириш.

3.5. Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларнинг комплекс ва мувозанатли ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш:

- социал-иқтисодий жадал ривожланиши, халқнинг турмуш даражаси ва даромадларини ошириш учун ҳар бир ҳудуднинг табиий, минерал ва хомашё,

саноат, қишлоқ хўжалиги, туризм ва меҳнат салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш;

- ҳудудлар иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш масштабларни кенгайтириш ҳисобига ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш даражасидаги фарқини камайтириш, энг аввало саноат ва экспорт салоҳиятини ўстириш йўли билан қиёсланган туман ва шаҳарларни жадал ривожлантириш;

- янги саноат ишлаб чиқариш ва сервис марказларини ташкил этиш ҳисобига шаҳар типдаги кичик шаҳарлар ва шаҳарчаларни актив ривожлантириш, йирик хўжалик бирлашмалар маблағларини, банкларнинг кредитларини ва хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилиш;

- субвенцион туман ва шаҳарларни камайтириш, саноат ва хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш ҳисобига маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш;

- саноат ва бошқа ишлаб чиқариш объектларни жойлаштириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш ҳамда аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш мақсадида ҳудудларнинг ишлаб чиқариш, муҳандис-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмасини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш.

3.6. Туризм соҳасини ривожлантириш:

- туризм тармоғини жадал ривожлантириш, туризм соҳасини бошқариш тизимини такомиллаштириш;

- туризм соҳасида виза, лицензия бериш ва рухсат олиш тартиб-таомилларини соддалаштириш;

- хорижий инвестициялар, жаҳон брендларини фаол жалб қилиш, туризм соҳасида бизнес юритиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

- янги туризм йўналишларини яратиш, туризмнинг замонавий турларини ривожлантириш, уларнинг жозибадорлигини ошириш.

IV. Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари

4.1. Аҳолининг бандлиги ва реал даромадларини босқичма-босқич ошириш:

- аҳолининг реал пул даромадларини ва харид қобилиятини ошириш, кам таъминланган оилаларни ва аҳолининг даромадлари бўйича фарқланиши даражасини янада қисқартириш;

- бюджет муассасалари ходимларининг иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақаларнинг ҳажмини инфляция суръатларига нисбатан жадал миқдорда босқичма-босқич ошириш;

- янги иш ўринлари яратиш ҳамда аҳолининг, энг аввало, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари битирувчиларининг оқилона бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори инфраструктурасининг мутаносиблиги ва ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини қисқартириш;

- меҳнатга қобилиятли аҳолининг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллигини тўлиқ амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш, ишчи кучи сифатини ошириш, ишга жойлаштиришга муҳтож шахсларни касбий тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини кенгайтириш;

4.2. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш:

- аҳолига мажбурий ижтимоий кафолатларни таъминлаш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш ҳамда кексалар ва имконияти чекланган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, ижтимоий хизмат кўрсатишни яхшилаш, аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатишда давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш;

- соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга қаратилган дастлабки бўғини, тез ва шошилишчи тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, аҳолининг соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

- оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматга эришишини кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чакалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада амалга ошириш;

- пенсионерлар, ногиронлар, ёлғиз кексалар ва аҳоли бошқа эҳтиёжманд тоифаларининг тўлақонли ҳаёт фаолиятини таъминлаш учун уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш;

- фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланишини яхшилаш, улар нархларининг асоссиз ўсишига йўл қўймаслик бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

- аҳоли касалланиш кўрсаткичлари пасайишини ва ҳаётининг давомийлиги узайишини таъминлаш.

4.3. Арзон уй-жойлар қуриш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, аҳолининг ҳаёт шароитлари яхшиланишини таъминловчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш:

- аҳолининг, энг аввало, ёш оилалар, эскирган уйларда яшовчилар ва фуқароларнинг уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бошқа тоифаларнинг яшаш шарт-шароитларини имтиёзли шартларда ипотека кредитлари ажратиш ҳамда шаҳар ва қишлоқ жойларида арзон уйларни қуриш орқали янада яхшилаш;

- коммунал-маиший хизматлар билан таъминланганлик даражасини ошириш, энг аввало, янги сув ўтказиш тармоқларини қуриш, замонавий тежамкор ва самарали технологияларни босқичма-босқич жорий этиш орқали қишлоқ жойларида аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминланишини тубдан яхшилаш;

- инсонлар яшашининг экологик хавфсизлигини таъминлаш, маиший чиқиндиларни қайта ишлаш комплексларини қуриш ва модернизация қилиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, аҳолини чиқинди йўқ қилишнинг замонавий объектлари билан таъминлаш;

- аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни тубдан яхшилаш, йўловчи ташиш хавфсизлигини ошириш ва атмосферага зарарли ифлослантирувчи моддаларни қисқартириш, янги ҳар томонлама қулай автобусларни сотиб олиш, автовокзал ва автостанцияларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш;

- йўл инфраструктураси қурилиши ва реконструкция қилинишини жадал давом эттириш, энг аввало, минтақавий автомобиль йўлларини ривожлантириш, хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларини, аҳоли пункти кўчаларини капитал ва жорий таъмирлаш;

- янги электр ишлаб чиқариш қувватларини қуриш ва мавжудларини модернизация қилиш асосида аҳолини электр энергияси билан таъминлашни яхшилаш, паст кучланишли электр тармоқлари ва трансформатор пунктларини янгилаш, шунингдек, аҳолини бошқа ёқилғи-энергия ресурслари билан таъминлашни яхшилаш ва қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

- театр-томоша, маданий-маърифий ташкилотлар ва музейлар фаолиятини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.

4.4. Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш:

- узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш йўлини давом эттириш, сифатли таълим хизматларига имкониятларни ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрларни тайёрлаш;

- таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, уларни замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси ва ўқув-методик қўлланмалар билан жиҳозлаш бўйича ишларни

амалга ошириш орқали уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш юзасидан аниқ мақсадга қаратилган чора-тадбирларни кўриш;

- болалар мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун мактабгача таълим муассасаларидаги шарт-шароитларни тубдан яхшилаш, болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олинишини жиддий ошириш ва унинг қулайлигини таъминлаш, педагог ва мутахассисларнинг малака даражасини юксалтириш;

- умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, чет тиллар, информатика, математика, физика, химия, биология каби бошқа муҳим ва талаб юқори бўлган предметларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш; болаларни спорт билан оммавий тарзда шуғулланишга жалб қилиш, уларни мусиқа ва санъат олами билан боғлаш мақсадида янги болалар спорти объектларини, болалар мусиқа ва санъат мактабларини куриш, мавжудларини реконструкция қилиш;

- касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини бозор иқтисодиёти ва иш берувчиларнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган мутахассисликлар бўйича тайёрлаш ҳамда ишга жойлаштириш борасидаги ишларни такомиллаштириш;

- таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятини сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, олий таълим муассасаларига қабул квоталарини босқичма-босқич кўпайтириш;

- илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш.

4.5. Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш:

- жисмонан соғлом, рухий ва интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий нуқтаи-назарига эга, Ватанга содиқ ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш;

- ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳасига жалб қилиш;

- ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда амалга ошириш, болалар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш;

- ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ёш оилалар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шарт-шароитлар яратиш;

- ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, таълим муассасалари, ёшлар ва бошқа ташкилотларнинг самарали фаолиятини ташкил этиш.

V. Хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар:

5.1. Хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш соҳасидаги устувор йўналишлар:

- Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми, суверенитети, ҳудудий яхлитлигини муҳофаза қилиш;

- ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга ўз вақтида ва мутаносиб равишда қарши ҳаракатларни ташкил этиш;

- фуқаролик, миллатлар ва конфессиялараро тинчлик ва тотувликни мустаҳкамлаш;

- давлатнинг мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг жанговар қудрати ва қобилиятини ошириш;

- атроф-табiiй муҳит, аҳоли соғлиғи ва генофондига путур етказувчи экологик муаммоларнинг олдини олиш;

- фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этиш тизимини такомиллаштириш.

5.2. Чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар:

- давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, мамлакатнинг ҳалқаро муносабатлар тўла ҳуқуқли субъекти сифатида ўрни ва ролини кучайтириш, ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, Ўзбекистон теварагида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик минтақасини вужудга келтириш;

- Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро нуфузини мустаҳкамлаш, жаҳон ҳамжамиятига мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотлар ҳақида холис ахборотни етказиш;

- Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятини беёрий-ҳуқуқий базасини ҳамда ҳалқаро ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

- давлат чегарасининг демилитация ва демаркация масалаларини ҳал этиш.

Шундай қилиб, республикада иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш иқтисодиётда янги бозор муносабатларига асос солади, иқтисодий фаолият эркинлиги ва тадбиркорликни намоён этиш учун шароит яратиб беради, ижтимоий-маънавий соҳадаги ижтимоий кафолатларни мустаҳкамлайди.

5.3. Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтишнинг махсус концепцияси ва асосий тамойиллари

Маъмурий-бўйруқбозликка асосланган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш мақсади бир хил бўлса-да, ўтиш йўллари турлича бўлиши мумкин. Олдинги боблардан маълумки, бир тизимдан иккинчи тизимга ўтишда икки йўл, яъни революцион ва эволюцион йўллар мавжуд. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг эволюцион, босқичма-босқич амалга оширилувчи йўлини танлади. Бу йўл мамлакатимизнинг ўзига хос маданий, тарихий, иқтисодий ва табиий хусусиятларини ҳамда бу йўлдаги жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда революцион тўнтаришларсиз, ижтимоий тўқнашувларсиз, ижтимоий ҳимояни кучайтирган ҳолда аста-секинлик, лекин қатъиятлилиқ билан босқичма-босқич ривожланган бозор иқтисодиётига ўтишдан иборатдир.

Бу борада мамлакатимиз Биринчи Президенти Ислом Каримов «Бизнинг бозор муносабатларига ўтиш моделимиз республиканинг ўзига хос шароитлари ва хусусиятларини, анъаналар, урф-одатлар ва турмуш тарзини ҳар томонлама ҳисобга олишга, ўтишдаги иқтисодиётни бирёқлама, бесўнақай ривожлантиришнинг мудҳиш меросига барҳам беришга асосланади»³⁷, - деб таъкидлайди.

Бу ҳусусда, Президент Ш.М.Мирзиёев – “Биринчи Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг «ўзбек модели»ни амалга ошириш ва замонавий давлат барпо этиш борасидаги стратегик тамойилларга биз ўз ишимизда доимо суянамиз. Бу тамойиллар Ўзбекистонда бундан буён ҳам сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришларни таъминлашнинг мустаҳкам пойдевори ҳисобланади»³⁸ – деб таъкидлайди.

³⁷ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т.: Ўзбекистон, 1998, 101-102-б.

³⁸ Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалиқ қоидаси бўлиши керак. // Халқ сўзи. 16.01.2017 й.

Тараққиётнинг “Ўзбек модели” бешта асосий тамойилини ўз ичига олади. Уларнинг моҳияти қуйидагилардан иборат.

Биринчидан, иқтисодиёт сиёсатдан устун бўлиши керак, ҳам ички, ҳам ташқи иқтисодий муносабатларни мафкурадан холи этишни таъминлаш зарур.

Иккинчидан, давлат асосий ислохотчи бўлиши керак, у энг муҳим соҳаларни белгилаб бериши, ислохотлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчил амалга ошириши, жаҳолатпарастлар ва консерваторларнинг қаршилигини енгиши лозим.

Учинчи қоида - қонуннинг устунлиги. Бунинг маъноси шуки, демократик йўл билан қабул этилган янги конституция ва қонунларни истисносиз ҳамма фуқаролар хурмат қилишга ва уларга риоя этишга мажбурдирлар.

Тўртинчидан, аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсатни ўтказиш. Бозор муносабатларини жорий этиш билан бир вақтда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан олдиндан таъсирчан чоралар кўрилиши лозим. Бу бозор иқтисодиёти йўлидаги энг долзарб вазифа бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Бешинчидан, бозор иқтисодиётига ўтиш иқтисодиётнинг объектив қонунларини эътиборга олиб, ўтмишдаги “инқилобий сакрашлар”га йўл қўймай, яъни эволюцион йўл билан, пухта ўйлаб ва босқичма-босқич амалга оширилиши керак¹.

Бу тамойиллар ўз истиқлол, ривожланиш ва тараққиёт йўлимизга асос қилиб олинган бўлиб, ўтиш даври дастурининг негизини ташкил этади. Ҳозир бу қоидаларнинг амалга оширилиши Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларини жорий этиш йўлидан изчил ҳаракат қилишни таъминлайди.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т.1. – Т.: Ўзбекистон, 1996, 286-287-б.

Бундан ташқари, бозор муносабатларига ўтиш фақатгина иқтисодиёт соҳаларини ўзгартириш билан чекланмайди. У ижтимоий ҳаётнинг бир-бирлари билан узвий боғлиқ бўлган барча соҳаларини, шу жумладан сиёсий, маънавий-ахлоқий, маиший ва бошқа соҳаларни ҳам тубдан ўзгартиришни тақозо қилади. Буларнинг ҳаммаси бозор иқтисодиётига босқичма-босқич, эволюцион йўл билан ўтиш ҳақидаги ғоя жуда муҳим ва афзал эканлигини кўрсатади.

Бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш тамойилини амалга ошириш иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг асосий босқичларини аниқ фарқлаш, бу босқичларнинг ҳар бири учун аниқ мақсадларни, уларга эришиш воситаларини белгилаб олишни талаб қилади.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг биринчи босқичида қуйидаги иккита вазифани бирданига ҳал қилиш мақсад қилиб қўйилган:

- тоталитар тизимнинг оғир оқибатларини енгиш, тангликка барҳам бериш, иқтисодиётни барқарорлаштириш;

- республиканинг ўзига хос шароитлари ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларининг негизларини шакллантириш³⁹.

Шу вазифаларни ҳал қилиш учун биринчи босқичда ислоҳ қилишнинг муҳим йўналишлари аниқлаб олинди ва бажарилди.

Биринчидан, ўтиш жараёнининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш, ислоҳотларнинг қонуний-ҳуқуқий негизини мустаҳкамлаш;

Иккинчидан, маҳаллий саноат, савдо, маиший хизмат корхоналарини, уй-жой фондини хусусийлаштириш, қишлоқ хўжалигида ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида мулкчиликнинг янги шакллари вужудга келтириш.

Учинчидан, ишлаб чиқаришнинг пасайиб боришига барҳам бериш, молиявий аҳволнинг барқарорлашувини таъминлаш.

³⁹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. - Т.: Ўзбекистон, 1995, 19-б.

Республика иқтисодиётини бозор муносабатларига ўтказиш бўйича биринчи босқичда қўйилган вазифаларни амалга ошириш жараёнида иқтисодиёт соҳасига тегишли бўлган, иқтисодий муносабатларни шакллантиришнинг ҳуқуқий негизини барпо этадиган 100 га яқин асосий қонун – ҳужжатлар қабул қилинди.

Биринчи босқичда кичик хусусийлаштириш амалда тугалланди, давлат мулкани бошқариш ва уни мулкчиликнинг бошқа шакллариغا айлантириш учун зарур бўлган муассасалар тизими тузилди.

Қишлоқ хўжалигида аграр ислоҳот жараёнида бозор иқтисодиёти талабларига мос келадиган янги хўжалик тизими шаклланди ва иқтисодиётнинг давлатга қарашли бўлмаган қисми кенг ривожланди.

Халқ хўжалигини, тармоқлар ва ҳудудларни бошқаришнинг энг мақбул ва мавжуд шароитларга мос бўлган тизимлари ишлаб чиқилди. Нархлар тўлиқ эркинлаштирилди, бозор инфратузилмасининг асосий қирралари шакллантирилди, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими амалга оширила бошлади, иқтисодий ва молиявий барқарорликка эришилди.

Республикада бозор муносабатларига ўтишнинг биринчи босқичида иқтисодиётда ва ижтимоий соҳада юз берган туб ўзгаришлар унинг ўз тараққиётида кейинги сифат жиҳатдан янги босқичга ўта бошлаш учун мустаҳкам шарт-шароит яратди. Шу билан бирга ислоҳ қилишнинг биринчи босқичи натижалари кейинги босқичнинг стратегик мақсадлари ва устун йўналишларини аниқ белгилаб олиш имконини берди.

Иккинчи босқичда инвестиция фаолиятини кучайтириш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва шунинг негизида иқтисодий ўсишни таъминлаб, бозор муносабатларини тўлиқ жорий қилиш мақсад қилиб қўйилади. Шу мақсаддан келиб чиқиб бу босқич учун бир қатор вазифалар ажратиб кўрсатилади.

Биринчи вазифа – давлат мулкларини хусусийлаштириш соҳасида бошланган ишни охирига етказиш. Бунда давлат мулкани хусусийлаштириш, тадбиркорлик фаолиятини кенг қўллаб-қувватлаш, кичик хусусий корхоналар

ташқил қилишни рағбатлантириш ҳисобига ишлаб чиқаришда давлатга қарашли бўлмаган қисмнинг улушини ошириш кўзда тутилади.

Иккинчи вазифа – ишлаб чиқаришнинг пасайишига барҳам бериш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш. Бу ҳам корхоналар ва тармоқларнинг, умуман давлатнинг иқтисодий ва молиявий барқарорлигига эришиш имконини беради.

Учинчи вазифа – миллий валюта-сўмни яна ҳам мустаҳкамлашдан иборат.

Бу эса сўмнинг конвертацияси, қатъий валюталарга эркин суръатда алмаштириш лаёқати демакдир, унга пулнинг кадрсизланишига қарши таъсирчан чораларни қўллаш, истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда ички бозорни шундай моллар билан тўлдириш, корхоналарнинг четга мол чиқаришини кенгайтириш ҳисобига валюта захираларини мустаҳкамлаш йўли билан эришилади.

Тўртинчи вазифа – иқтисодиётнинг таркибий тузилишини тубдан ўзгартириш, хомашё етказиб беришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш.

Бунда таркибий ўзгаришларда Республика учун энг асосий ҳисобланган тармоқларни, жумладан ёқилғи, энергетика ва ғалла комплексларини ривожлантириш назарда тутилади.

Ўтиш даврининг иккинчи босқичида аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш, уларга тегишли ёрдам кўрсатиш борасида биринчи босқичда тутилган йўл давом эттирилади.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказишда икки босқичли тараққиёт юзага келади. Биринчи босқичда давлат сектори ва бозор хўжалигидан иборат ярим эркинлашган иқтисодий тизим юзага келади. Иккинчи босқичда иқтисодиёт тўлиқ эркинлаштирилади, хусусийлаштириш тугалланади, нархлар эркин қўйиб юборилади, давлат корхоналарининг монопол мавқеи тугатилади. Лекин бундан Республикада иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш мақсадига тўлиқ эришилди ва бу

соҳада қўйилган вазифалар тўлиқ бажарилди, деган хулоса келиб чиқмайди. Чунки бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойдеворини шакллантириш ҳар бир даврда кун тартибига янги вазифаларни қўяди.

Ҳозирги босқичда «эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш нафақат иқтисодий, балки ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий вазифаларни ҳал қилишнинг асосий шартидир. Бу эса иқтисодиёт соҳасида қуйидаги аниқ вазифаларни амалга оширишни кўзда тутди:

- иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларида эркинлаштириш жараёнини изчиллик билан ўтказиш ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш;

- хусусийлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш ва шу асосида амалда мулкдорлар синфини шакллантириш;

- мамлакат иқтисодиётига хориж сармоясини, аввало, бевосита йўналтирилган сармояларни кенг жалб этиш учун қулай ҳуқуқий шарт-шароит, қафолат ва иқтисодий омилларни янада кучайтириш;

- кичик ва ўрта бизнес иқтисодий тараққиётда устувор ўрин олишига эришиш;

- мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, иқтисодиётимизнинг жаҳон иқтисодий тизимига кенг қўламда интеграциялашувини таъминлаш;

- иқтисодиётда мамлакатимиз иқтисодий мустақиллигини янада мустаҳкамлашга қаратилган таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш⁴⁰.

Қисқача хулоса

1. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг умумий мазмуни иқтисодий муносабатларнинг алоҳида унсурларини ислоҳ қилиш ёки иқтисодий

⁴⁰ Shodmonov Sh.Sh., G'afurov U.V. Iqtisodiyot nazariyasi (darslik). T., Fan va texnologiya, 2005, 199-202-b.

сиёсатга тузатишлар киритиш эмас, балки бутун иқтисодий муносабатлар тизимини ўзгартиришдан иборатдир.

2. Трансформациялашув даври қўйидаги мезонлар билан тавсифланади: цикллилик (жамиятда у ёки бу таркибий ўзгаришларни қайтарилиб туришлиги), беқарорлик (турли хил жамият кучларининг кураши ва ўзаро таъсири), муқобиллик (ислохотлар ва ривожланиш йўлларининг танлаш имконияти), тарихийлик (эски тизимнинг йўқолиб кетиши, ўрнига бошқа тизимнинг вужудга келиши, унинг ривожланиши).

3. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишда танлаган йўли - ўзига хос маданий, тарихий, иқтисодий ва табиий хусусиятларини ҳамда бу йўлдаги жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда революцион тўнтаришларсиз, ижтимоий тўқнашувларсиз, ижтимоий ҳимояни кучайтирган ҳолда аста-секинлик, лекин қатъиятлилиқ билан босқичма-босқич ривожланган бозор иқтисодиётига ўтишдан иборатдир.

4. Иқтисодий ислохотлар – бу бозор муносабатларини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи. Иқтисодий ислохотлардан кўзда тутилган мақсад мамлакат аҳолиси учун яшаш ва фаолият қилишнинг энг яхши шароитларини яратиш, уларнинг маънавий-ахлоқий етуқлигига эришиш, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашдан иборат.

Асосий таянч тушунчалар

Иқтисодий ислохотлар – иқтисодиётда туб ўзгаришларни амалга оширишга қаратилган тадбирлар мажмуи.

Иқтисодий уклад – турли мулкчиликка асосланган хўжалик юритишнинг шакллари ва турлари.

Иқтисодиётни эркинлаштириш – нима ва қанча ишлаб чиқаришни қаерга, қандай баҳода сотишни тадбиркорнинг ўзи белгилаши лозим. Иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларини эркинлаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг эркинлиги ва мустақиллигини таъминлаш,

тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун барча шарт-шароитларни яратиш демакдир.

Ислохотлар концепцияси – ижтимоий–иқтисодий ислохотларнинг асосий мақсад ва йўналишлари, уни амалга оширишнинг вазифалари ва стратегик йўлларининг умумий ғоясидир.

Иқтисодиётни барқарорлаштириш – танглик ҳолатларига барҳам бериш асосида макроиқтисодий мувозанатликни сақлаш ва ишлаб чиқаришни юксалтириш учун шарт-шароитларни вужудга келтиришдир.

Такрорлаш учун саволлар

1. Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиш йўли қандай хусусиятларга эга?

2. Республика иқтисодиётини ислоҳ қилишга қандай тамойиллар асос қилиб олинади?

3. Бозор муносабатларини босқичма-босқич қарор топтириш тамойилининг мазмунини батафсил тушунтиринг.

4. Бозор муносабатларига ўтиш ҳар бир босқичининг мақсад ва вазифаларини тўлароқ баён қилинг.

5. Республикада иқтисодиётни ислоҳ қилиш қандай йўналишлар бўйича амалга оширилади?

6. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳар бир йўналиши бўйича ўзингизнинг фикр-мулоҳазаларингизни билдиринг.

7. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётини қарор топтиришнинг қандай давлат дастурларини биласиз?

8. Турли йўналишдаги давлат дастурларининг ўзаро бир-бирлари билан қандай боғланганлигини таҳлил қилинг.

9. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштиришнинг мазмунини тушунтиринг.

10. Республикада иқтисодиётни эркинлаштириш ўз олдига қандай вазифаларни қўяди?

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://xs.uz/index.php/homepage/rasmij/item/12611>
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. // Халқ сўзи. 16.01.2017 й.
3. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. http://strategy.gov.uz/uz/pages/action_strategy
4. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. - Т.: Ўзбекистон, 2000, 15-б.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т.: Ўзбекистон, 1998, 332-333-б.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. - Т.: Ўзбекистон, 1995, 1-қисм, 1-боб, 5-§.
7. Переходный период: уроки первого десятилетия. – Исследование Всемирного банка. – М., 2002.
8. Shodmonov Sh.Sh., G'afurov U.V. Iqtisodiyot nazariyasi (darslik). - Т.: Fan va texnologiya, 2005, 199-202-б.

6-боб. КЎП УКЛАДЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ. ЯНГИ МУЛКЧИЛИК ШАКЛЛАРИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

Ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий тизимнинг иқтисодий асосини мулкчилик муносабатлари ташкил этади. Айнан шу муносабатларнинг тўғри йўлга қўйилиши, бу борадаги муаммоларнинг ўз вақтида ҳал этилиши иқтисодий манфаатларнинг самарали амалга ошишига, ва пировардида, иқтисодий ривожланиш учун шарт-шароитларнинг яратилишига олиб келади. Шу билан бирга, бозор иқтисодиётининг муҳим белгиси – унга кўп укладли иқтисодиётнинг мос келишидир. Чунки, иқтисодиётда турли-туман укладларнинг мавжуд бўлиши хўжалик юритишдаги барча имкониятлардан муваффақиятли фойдаланишга замин яратади. Бирок, трансформациялашув даври иқтисодиётида турли мулк шаклларига асосланган кўп укладли иқтисодиётни таркиб топтириш ўзига хос муаммоларга дуч келади. Мазкур муаммоларнинг мазмуни ва уларни ҳал этиш йўллари кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

6.1. Кўп укладли иқтисодиёт ва унинг таркиби

Мулкчилик муносабатларини тубдан ўзгартириш Ўзбекистон иқтисодиётида амалга оширилаётган ислохотларнинг тамал тошини ташкил этади. Зеро, мулкчилик муносабатлари ҳар қандай иқтисодий тизимнинг негизи ҳисобланади. Собиқ иттифоқнинг бошқа республикалари қатори Ўзбекистонда ҳам 70 йил давомида шаклланган мулкчилик муносабатлари хўжаликнинг маъмурий-буйруқбозлик тизими негизини ташкил этар эди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш мулкчилик шаклларининг, кўп укладли аралаш иқтисодиёт тузилмаларининг хилма-хиллигига асосланади. Бу рақобат бозор иқтисодиётини ҳаракатлантирувчи куч эканлиги, у кўп сонли бозор субъектларини талаб қилиши билан изоҳланади.

Бозор субъектлари ҳар хил мулкчилик шаклларига асосан фаолият олиб боради. Уларнинг мавжудлиги ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланганлиги ва ишлаб чиқаришнинг ижтимоийлашув даражаси билан

белгиланади. Бозорнинг ўзи учун иқтисодиётда қандай мулкчилик шакллари амал қилишининг аҳамияти йўқ. Аммо мазкур мулкчилик шаклларининг ўз хўжалик фаолиятида қай даражада эркин амал қилиши муҳим аҳамият касб этади. Шу боисдан Ўзбекистон Республикасида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш стратегиясини амалга ошириш учун бир қанча қонунлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг «Мулкчилик тўғрисида»ги қонунида мамлакатимизда мулкчиликнинг қуйидаги шакллари амал қилиши белгилаб ўтилган:

1. Хусусий мулк. У ўз мол-мулкига хусусий тарзда эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидан иборат.

2. Жамоа мулки оилавий мулкни, маҳалла мулкни, шунингдек кооперативларнинг, ижара, жамоа корхоналарининг мулкни, жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотларнинг, турли хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг, ассоциациялар ва юридик шахс ҳисобланган бошқа бирлашмаларнинг мулкни ўз ичига олади.

3. Ўзбекистон Республикасининг давлат мулкига маъмурий ҳудудий тузилмаларнинг мулки (коммунал мулк) киради.

4. Мулкнинг аралаш шакллари.

5. Қўшма корхоналар, чет эл фуқаролари, ташкилотлари, давлатларининг, шу жумладан чет эл юридик шахсларининг мулки².

Ўзбекистонда мулкчиликнинг барча шакллари тенг ҳуқуқли эканлиги Конституцияда белгилаб қўйилган.

Кўп укладли жамиятнинг иқтисодий тузилмасида мазкур ижтимоий-иқтисодий тизимнинг иқтисодий негизини ташкил этувчи ҳукмрон уклад ажралиб туради. Ушбу тизим доирасидаги қолган барча укладлар ҳукмрон укладга бўйсунувчи хўжалик шакллари сифатида амал қилади.

Капитализмдан социализмга ўтиш иқтисодиётида, масалан, собиқ Иттифокда бешта ижтимоий-иқтисодий уклад мавжуд бўлган: 1)

² Қаранг: Ўзбекистоннинг янги қонунлари: Мулкчилик тўғрисидаги қонун. 1-сон. – Т.: Адолат, 1991.

социалистик, 2) давлат-капиталистик, 3) хусусий-капиталистик, 4) майда товар ишлаб чиқаришга асосланган, 5) патриархал. Социалистик уклад мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболларини белгилашда етакчи роль ўйнаган.

Ўз мустақиллигини қўлга киритгунга қадар, МДХнинг бошқа республикалари қатори, Ўзбекистон Республикасида ҳам мулкчиликнинг асосий иккита шакли: умумхалқ (давлат) мулки ва колхоз-кооператив мулки мавжуд эди. Юқорида санаб ўтилган мулкчиликнинг қолган шакллари янги мулкчилик шакллари ҳисобланади.

6.2. Кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш йўллари

Бозор муносабатларининг асоси бўлиб ҳисобланган кўп укладли иқтисодиёт мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ёки хусусийлаштириш орқали шакллантирилади.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш – давлат корхоналари ва ташкилотларини жамоа, ижара корхоналарига, хўжалик жамиятлари ва ширкатларига, давлат мулкига кирмайдиган бошқа корхона ва ташкилотларга айлантириш.

Хусусийлаштириш – жисмоний шахслар, нодавлат юридик шахсларнинг давлатдан объектлар, давлат акциядорлик жамиятлари акцияларини сотиб олиши¹.

Хусусийлаштириш рақобат муҳитини вужудга келтиради. Рақобат муҳитининг шаклланишида хусусийлаштириш ҳар хил шаклларда, аввало, давлат мулкнинг монополиясига барҳам бериш, шунга ўхшаш фаолият тури билан шуғулланадиган ёки турдош маҳсулот ишлаб чиқарадиган, хизматлар кўрсатадиган, аммо мулкчиликнинг ҳар хил шакллари – жамоа мулки, хусусий мулк ва ҳ.к.га асосланган кўплаб корхоналар ташкил этиш орқали иштирок этади.

¹ Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 5-сон. – Т.: Адолат, 1993, 153-б.

Хусусийлаштириш иқтисодиётнинг нодавлат сектори шаклланишининг ягона йўли эмас. Иккинчи кучли оқим – янги кичик ёки ўрта корхоналар яратишдир, улар индивидуал хусусий мулкчиликга турли кооперативлар, масъулияти чекланган жамиятлар кўринишида шаклланиши мумкин. Бозор муносабатлари ривожланган мамлакатларда уларнинг улуши ялпи миллий маҳсулотнинг ярмидан кўпроғига тўғри келади.

Иқтисодиётнинг давлат корхоналари сақланиб қолиши лозим бўлган соҳаларига ҳам эътибор берилиши лозим. Франция, Япония, Италия ва бошқа ривожланган мамлакатлар тажрибаси давлат сектори бозор иқтисодиёти шароитида ҳам сезиларли роль ўйнашда давом этишини кўрсатади. Давлат сектори ҳеч қандай роль ўйнамайдиган мамлакатни топиш қийин.

Ўзбекистон Республикасининг “Мулкчилик тўғрисида”ги қонунида мулкчиликнинг янги шакллари билан бир қаторда, давлат мулкни тасарруф этиш шакллари ҳам белгилаб қўйилган. Масалан, давлат мулки бўлган ва давлат корхонасига бириктириб қўйилган мол-мулк тўла хўжалик юритиш ҳуқуқи асосида унга тегишлидир. Корхона ўз мол-мулки билан тўла хўжалик юритиш ҳуқуқини амалга ошираётган экан, мазкур мулкка эгаллик қилади, ундан фойдаланади ва тасарруф этади, унга нисбатан ўз хоҳиши билан қонунга зид келмайдиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширади. Тўла хўжалик юритиш ҳуқуқига нисбатан мулкчилик ҳуқуқи тўғрисидаги қоидалар қўлланилади².

Тўла хўжалик юритувидаги корхонанинг мақоми ва ҳуқуқлари унга бозор иқтисодиёти шароитларига мослашишга имконият туғдириши лозим. Давлат корхоналари иқтисодий жиҳатдан мумкин қадар эркин бўлишлари, уларнинг фаолияти тижорат қонун-қоидаларига асосланган бўлиши лозим. Мулкчилик шаклига кўра давлат корхонаси бўлгани ҳолда, улар хўжалик юритиш механизми, даромадни тақсимлаш ва моддий рағбатлантириш шартларига кўра нодавлат корхоналардан деярли фарқ қилмасликлари керак. Янги уклад ва ўрта мулкдорлар табақасининг шаклланишини назарий

² Ўзбекистоннинг янги қонунлари: Мулкчилик тўғрисидаги қонун. 1-сон. – Т.: Адолат, 1991.

жиҳатдан асослади ва амалда кўрсатиб берди. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган кучли демократик, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятининг сиёсий негизини қуйидагилар ташкил этади: биринчидан, ишлаб чиқариш воситалари кучли мулкдорларининг мавжудлиги; иккинчидан, айнан ўрта мулкдорлар табақаси фуқаролик жамияти шаклланишининг таянчи ҳисобланади; учинчидан, аҳоли ўртасида мулкдорларнинг ўрта табақаси шаклланиши ижтимоий-иқтисодий ислохотлар орқага қайтмаслигининг кафолати бўлиб хизмат қилади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, стратегик жиҳатдан олганда, Ўзбекистон ўз олдига кўп укладли иқтисодиётни вужудга келтириш вазифасини қўймоқда. Бунда устуворлик хусусий мулкка, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка берилади. Кичик бизнес – жамиятда ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий вазиятни мўътадиллаштиришга ёрдам берадиган ўрта тадбиркорлар синфининг пайдо бўлиши демакдир.

Ўз навбатида таъкидлаш лозимки, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш хусусийлаштиришга қараганда анча кенг тушунча ҳисобланади. Хусусийлаштириш – давлат мулкига эгалик ҳуқуқининг давлатдан хусусий шахсларга ўтиши бўлса, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш хусусийлаштиришдан ташқари, бу мулк ҳисобидан бошқа нодавлат мулк шакллариининг вужудга келтиришни ҳам кўзда тутди. У қуйидаги бир қатор йўллар билан амалга оширилади:

- давлат корхоналарини ҳиссадорлик жамиятига айлантириш;
 - давлат корхонасини сотиб, уни жамоа мулкига айлантириш;
 - мулкни қийматга қараб чиқарилган чеклар (ваучер) бўйича фуқароларга бепул бериш;
 - мулкни айрим тадбиркор ва иш бошқарувчиларга сотиш;
 - айрим давлат корхоналарини чет эл фирма ва фуқароларига сотиш ёки қарз ҳисобига бериш;
 - давлат мол-мулкни аукционларда ким ошди савдоси орқали сотиш ва
- ҳ.к.

Хусусийлаштиришнинг усуллари ҳам турли-туман бўлиб, уларни 3 гуруҳга ажратиш мумкин: 1) давлат мулкани бепул бўлиб бериш орқали хусусийлаштириш; 2) давлат мулкани сотиш орқали хусусийлаштириш; 3) давлат мулкани бепул бўлиб бериш ҳамда сотишни уйғунлаштириш орқали хусусийлаштириш.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг кўрсатиб ўтилган йўллари ва усулларида қайси бирини танлаш ундан кутилган мақсадга боғлиқ. Масалан, Россияда давлат мулкани ваучер орқали бепул тақсимлаш усули қўлланилди. Бундан оммавий хусусийлаштиришдан кўзланган мақсад қисқа муддат ичида чеклар бозорини жорий этиш ҳисобига мулкдорларнинг ғоят кенг қатламини вужудга келтиришдан иборат эди. Агар тадбиркорликни рағбатлантириш кўзда тутилса, хусусийлаштириш танлаб олинган озчилик ўртасида ўтказилади. Агар хусусийлаштириш четдан капиталнинг кириб келишига, йўл очиши зарур бўлса, давлат мулкани хорижий тадбиркорларга бериш шаклида амалга оширилади.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқаришда айрим усулларга устуворлик бериш бошқа усулларни қўллашни рад этмайди, аксинча, уларни ҳам қўллаш зарурлигини билдиради. Масалан, корхона жамоасига устунлик берилиб, давлат мулкани акциялаштириш, бу акцияларни сотиб олишда шу жамоадан ташқари кишилар ва чет эл капиталининг иштирок этиши ҳам бўлиши мумкин. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш шароитга қараб пулли, пулсиз ёки имтиёзли тарзда ўтказилади. Ўз шакли ва усулидан қатъи назар бу тадбир хилма-хил мулкчиликни вужудга келтиришни таъминлайди, чунки давлат мулки ҳисобидан нодавлат мулкнинг барча шакллари ва турлари ривожланади.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш мулкчиликнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган давлатнинг монопол ҳукмронлигига чек қўйиб, жамиятда фаоллик кўрсатаётган эркин тадбиркорлик ташаббусига кенг йўл ва имкониятлар очиб беришдан иборат. Аслида хусусийлаштириш иқтисодиётнинг давлатлаштиришдан қайтиш

йўлларидадир. Хусусийлаштириш давлат мулкани маълум даражада ҳақиқий эгалари – фуқароларга бериш демакдир. Кўпинча хусусийлаштириш – бу давлат мулкани ишловчиларга бериш, деб талқин қилинади. Аслида мамлакатнинг барча аҳолисига давлат мулкани бўлиб бериб бўлмайди, бунда аҳолининг ҳаммаси мулкка эга бўлиб, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, уни бошқариш ишлаб чиқариш ҳамда маҳсулотни айирбошлаш каби машаққатли ишларни ўз зиммасига олавермайди.

Давлат мулкани унинг тасарруфидан чиқариш жараёнида, авваламбор, хусусийлаштириш йўли билан яхши иқтисодий натижаларга эришган мамлакатлар тажрибасидан тўлароқ фойдаланиш ва улар йўл қўйган хатолар такрорланмаслиги керакки, бу билан бозор иқтисодиётининг ривожланишини таъминлаши мумкин. Хусусийлаштиришни амалга ошириш учун давлат мулкани хусусийлаштиришнинг кенг кўлами дастурини ишлаб чиқариш зарур.

Ҳуқуқий жиҳатдан хусусийлаштирилган барча корхоналарга эркин иқтисодий хўжалик юритиш ҳуқуқи берилиши ва давлат сектори билан тенг имкониятларга эга бўлиши керак. Давлат секторига нисбатан бу корхоналарга солиқларни бирмунча камайтириш ва айримларини маълум муддатга солиқдан озод қилиш зарур.

Хусусийлаштириш натижасида аҳоли орасида ижтимоий жиҳатдан табақаланиш юз беради ва кишиларнинг бажарган ишига қараб оладиган ҳақи турлича бўлиб, аҳолининг даромадларида ҳам табақаланиш юз беради. Кишилар турли соҳаларда, масалан бизнесда турли шакллардаги мулкка эга бўлиб, акция сотиб олиш ва корхона мулкида ўз ҳиссаларини ошириб боришга ҳаракат қиладилар.

Хусусийлаштириш орқали корхоналар давлат тасарруфидан чиқарилиб, маълум жамоа ва шахсларга сотилгандан кейин фаолиятларини бозорнинг шафқатсиз рақобат қонунлари асосида ташкил этади. Бозор корхоналарининг яшовчанлигини ва уларни доимо рақобат курашида ўз манфаатларини ҳимоя қилишга мажбур этади. Мабодо корхона рақобат курашига дош беролмай

синса, олдинги даврдагидек давлат бюджетидан маблағ ҳисобига уни сақлаб қолиш ҳолларига хусусийлаштириш орқали барҳам берилади.

Хусусийлаштириш мулкнинг бир шаклидан иккинчи шаклига ўтишни акс эттирмаслиги керак, балки хусусийлаштириш олдига қўйилган вазифа катта бўлиб, яъни хусусийлаштириш орқали аввало барча соҳани ўз қарамоғида турли услублар орқали бирлаштириб турган давлат ҳукмронлигини иқтисоддан ажратиш учун бир қанча тадбирларни ишлаб чиқиш керак бўлади.

Давлат корхоналарини хусусийлаштириш бу мулкчиликнинг ривожланишига, унинг янги босқичига ўтишига бўлган талабидан келиб чиқадиган бир жараёндир. Хусусийлаштиришнинг ривожланишини таъминлайдиган муҳим омиллардан бири – бу ишлаб чиқарувчилар ҳамда тадбиркорларнинг ташаббуси, уларнинг ишлаб чиқаришдаги фаоллиги ҳамда ишбилармонлигидир. Давлат мулкни хусусийлаштириш натижасида ҳокимият ва ишлаб чиқариш соҳаларига янги ишбилармонлар, аҳолининг фаол қисми жалб этилади ва мулкий муносабатларни ривожлантиришдан ҳамда мулк шакллари такомиллаштиришдан аҳолининг шу қисми манфаатдоргина бўлиб қолмай, балки ўрта ва қуйи ижтимоий қатламни ҳам мулкий муносабатларни такомиллаштиришдан манфаатдор қилади.

Давлат мулкни хусусийлаштириш сиёсати мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларини, маҳаллий ва миллий шароитларни, урф-одатларни ҳисобга олган ҳолда олиб борилишини кўзда тутаяди.

Давлатлаштиришдан қайтишнинг муҳим йўналишлари бу ижара муносабатларини ривожлантириш ва акционерлик мулкни шакллантириш ҳисобланади. Бу жараён маълум тадбирларга риоя қилинган ҳолда олиб борилиши лозим, бу аввало, ихтиёрийлик асосида, ошкоралик ҳамда жамоатчиликнинг умумиштироқида амалга оширилиб, у меҳнат жамоаларининг иқтисодий манфаатига, давлат манфаатларига путур етказмаслиги, шу билан бирга истеъмолчилар манфаатларига ҳам зид бўлмаслиги зарур. Бу ҳолда маҳсулот ҳажми, сифати ва меҳнат

унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришни бошқаришни яхши ташкил этиш, мавжуд моддий техника, молиявий ва меҳнат ресурсларидан, фан ва техника ютуқлари, янги технологиядан самарали фойдаланиш, товар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳисобига бозорда нархларнинг пасайишига эришиш йўли билан аҳолининг моддий фаровонлигининг ошишига эришиш талаб этилади⁴¹.

Мамлакатимизда амалга оширилган хусусийлаштириш жараёнининг ўзига хос жиҳати – бу унинг босқичма-босқич олиб борилганлиги бўлиб, Ш.Шодмонов ва У.Ғафуров томонидан тайёрланган Иқтисодиёт назарияси дарслигида бу босқичлар қуйидагича баён этилади:

Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга ёндашувнинг муҳим хусусияти – уни дастурлар асосида босқичма-босқич амалга оширишдан иборат. 1992-1993 йиллар хусусийлаштиришнинг биринчи босқичини ўз ичига олиб, бу босқичда хусусийлаштириш жараёни умумий уй-жой фондини, савдо, маҳаллий саноат, хизмат кўрсатиш корхоналарини ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш тизимини қамраб олди. Енгил, маҳаллий саноатга, транспорт ва қурилишга, бошқа тармоқларга қарашли айрим ўрта ва йирик корхоналар кейинчалик сотиб олинди ҳуқуқи билан кўпроқ ижара корхоналарига, жамоа корхоналарига, ёпиқ турдаги акционерлик жамиятларига айлантилди. Акцияларнинг назорат пакети давлат ихтиёрида сақлаб қолинди.

Хусусийлаштиришнинг биринчи босқичида давлат халқ хўжалигининг иқтисодий жиҳатдан самарасиз бўлган, бироқ бутун мамлакатнинг иқтисодий тараққиётида муҳим роль ўйнайдиган айрим секторларини, айрим корхоналарни сақлаб туришни ва маблағ билан таъминлаш вазифаларини ўз зиммасига олди.

⁴¹ Shodmonov Sh.Sh., G'afurov U.V. Iqtisodiyot nazariyasi (darslik). - T.: Fan va texnologiya, 2005, 111-115-b.

Иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг биринчи босқичи натижасида кичик хусусийлаштириш амалда тугалланди, давлат мулкани бошқариш ва уни мулкчиликнинг бошқа шаклларига айлантириш учун керак бўлган муассасалар тизими вужудга келтирилди.

Савдо, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, маҳаллий саноат корхоналари хусусий ва жамоа мулки қилиб берилди. Натижада 1997 йилда савдо-сотик ҳажми ва умумий овқатланиш ялпи маҳсулотининг 95 фоиздан ортиқроғи давлатга қарашли бўлмаган секторга тўғри келди. Уй жойларни хусусийлаштириш жараёнида илгари давлат ихтиёрида бўлган бир миллиондан ортиқ квартира ёки давлат уй-жой фондининг 95 фоиздан ортиқроғи фуқароларнинг хусусий мулки бўлиб қолди.

Давлат ижтимоий дастурида белгилаб берилган иккинчи босқич 1994-1995 йилларга тўғри келди. Бу босқичда кўплаб ўрта ва йирик корхоналар ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилди ҳамда уларнинг акциялари республика қимматбаҳо қоғозлар бозорининг асосини ташкил этди. Давлат мулки ҳиссадорликка айлантирилиши билан бир қаторда кичик хусусий бизнес корхоналари қизғин ташкил қилинди.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқаришнинг ва хусусийлаштиришнинг бу босқичда очик турдаги акционерлик жамиятларини вужудга келтириш, давлат мулкани танлов асосида ҳамда ким ошди савдосида сотиш амалиётга жорий қилинди. Кўчмас мулк ва қимматли қоғозлар бозорининг янги муассасалари барпо этилди.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан келадиган самара икки ёқлама тавсифга эга. Бир томондан, у аҳолининг бўш турган маблағларини ўзига жалб қилиб, уларнинг бозорга тазйиқини пасайтиради. Иккинчи томондан, янги маблағларни ишлаб чиқаришга жалб этиш ва товар ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобатни юзага келтириш учун шароит яратади. Бу ерда шуни таъкидлаш лозимки хусусийлаштириш иқтисодиётнинг давлатга қарашли бўлмаган секторини шакллантиришнинг ягона йўли эмас. Ташаббускорлик асосида яқка тартибдаги хусусий

мулкчиликка асосланган, шунингдек, турли хил кооперативлар, ширкатлар, масъулияти чекланган жамиятлар кўринишидаги кичик ва ўрта корхоналарни ташкил қилиш - иккинчи қудратли жараён ҳисобланади.

Республика иқтисодиёти 1996 йилдан бошлаб мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг учинчи босқичига кирди. Бу босқич даврида (1996–1998 йиллар) хусусийлаштирилмайдиган объектлар рўйхатига кирмаган барча объект ва корхоналар (жами 3146 та) давлат тасарруфидан чиқарилди.

Хусусийлаштириш жараёнларининг тўртинчи босқичи (1998-2002 йиллар)нинг асосий вазифалари сифатида давлат бюджетига хусусийлаштиришдан тушган маблағларни йўналтириш, хусусийлаштирилган корхоналарга хорижий инвестицияларни жалб этиш, бошқарув самарадорлигини ошириш ва мулкчилик янги муносабатларини тўлақонли амал қилиши учун шароитлар яратиш тадбирларини амалга ошириш белгиланди.

Ўзбекистонда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларининг ҳозирги босқичи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони билан боғлиқ. Мазкур фармон яқин истиқболда йўналтирилган. Иқтисодий ночор давлат корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини жадаллаштириш, шунингдек, мазкур корхоналарни модернизациялаш ва барқарор ривожлантириш учун тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш мақсадида хусусийлаштирилган объектларга нарх белгилашнинг самарали механизми жорий этилди. Хусусан, хусусийлаштирилган корхоналар давлат активларининг бошланғич нархларини секин-аста пасайтириб бориш ҳамда давлат, иқтисодий ночор корхоналарни ва паст ликвидли объектларни ноль даражадаги харид қиймати

бўйича танлов асосида инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш шарти билан инвесторларга сотиш тартиблари тасдиқланди.⁴²

Шунингдек, республикамізда хусусийлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- хусусийлаштириш жараёнларининг адресли йўналтирилганлиги;
- хусусийлаштириш жараёнларининг тўловлиги, яъни мулкнинг маълум ҳақ эвазига сотилиши; мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш чоғида аҳоли учун кучли ижтимоий кафолатлар яратилиши;
- давлат мулкни хусусийлаштириш республикада амалга оширилаётган ислохотларнинг ички мантиқига бўйсиндирилганлиги ва уларнинг асосини ташкил этиши;
- мулкни хусусийлаштириш жараёнининг давлат томонидан бошқарилиши;
- хусусийлаштиришни ҳуқуқий-меъёрий жиҳатдан таъминлашда қонунларга риоя этилиши.

Давлат мулкни хусусийлаштириш ўзининг чегарасига эга бўлиб, давлат сектори сақланиб қолувчи соҳаларда бу жараён амалга оширилмайди. Бироқ, бозор шароитида давлат мулкидаги объектларнинг самарадорлигини таъминлашга қаратилган хўжалик юритиш механизмини ишлаб чиқиш тақозо этилади.

Қисқача хулоса

1. Мулкчилик муносабатлари – шахсий, жамоа ва давлат манфаатларини ўзида ифода этиб, ишлаб чиқариш омиллари ва натижаларидан фойдаланиш борасида кишилар, жамоалар, тармоқлар, ҳудудлар ва давлат ўртасидаги муносабатлар мажмуасидир.

2. Мулкчилик муносабатларининг иқтисодий мазмуни моддий ва маънавий неъматларни ўзлаштириш борасидаги иқтисодий муносабатларни

⁴² Shodmonov Sh.Sh., G'afurov U.V. Iqtisodiyot nazariyasi (darslik). - T.: Fan va texnologiya, 2005, 116-118-b.

ўзида акс этади. Агар мулкчиликнинг иқтисодий мазмуни у ёки бу объектни ўзлаштириш ва фойдаланиш борасида субъектлар ўртасидаги муносабатларни билдирса, мулкчиликнинг ҳуқуқий мазмуни субъектнинг объектга нисбатан бўлган муносабатини акс эттиради.

3. Мулкни давлат тасарруфдан чиқариш ва хусусийлаштириш – корхоналар устав фондида давлат улушининг қисқариши, уларнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш ва хорижий инвесторларни хусусийлаштириш жараёнига жалб этишни кенгайтиришга қаратилган комплекс дастурдан иборат жараёндир.

Асосий таянч тушунчалар

Мулкчилик муносабатлари - мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш, уни ўзлаштириш ва тасарруф этиш жараёнида вужудга келадиган муносабатлар.

Мулкдан фойдаланиш – мол-мулкнинг иқтисодий фаолиятда ишлатилиши ёки ижтимоий ҳаётда қўлланилиши, яъни унинг нафли жиҳатларининг бевосита истеъмол қилиниши.

Мулкни тасарруф этиш - мол-мулк тақдирини мустақил ҳал қилиш.

Мулкка эгалик қилиш - мулкдорлик ҳуқуқининг унинг эгаси қўлида сақланиб туриши ва яратилган моддий бойликларни ўзлаштиришнинг ижтимоий шакли.

Хусусийлаштириш – мулкка эгалик ҳуқуқининг давлатдан хусусий шахсларга ўтиши.

Давлат тасарруфидан чиқариш – давлат мулки ҳисобидан бошқа нодавлат мулк шакллариининг вужудга келтирилиши.

Такрорлаш учун саволлар

1. Кўп укладли иқтисодиётнинг моҳияти нима?
2. Нима учун бозор иқтисодиётига ўтиш мулкчиликнинг турли шакллариини тақозо қилади?

3. Нима учун ҳозирги босқичда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш объектив зарурат ҳисобланади?

4. Ўзбекистонда хусусийлаштириш босқичлари ва шаклларига тавсиф беринг.

5. Хусусийлаштиришнинг қандай усуллари биласиз?

6. Хусусийлаштириш усулларида бирини танлаб олишга қандай омиллар таъсир кўрсатади?

7. Бозор иқтисодиётига ўтаётган бошқа ўтиш даври иқтисодиётидаги мамлакатларда олиб борилган хусусийлаштириш жараёнлари тажрибалари тўғрисида нималар биласиз? Уларнинг ижобий ва салбий тоналри тўғрисида гапириб беринг.

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. –Т.: Ўзбекистон НМИУ 2017 й. -488 б.

2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. // Халқ сўзи. 16.01.2017 й.

3. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // Халқ сўзи. 23.12.2017 й.

4. Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. - Т.: Ўзбекистон, 1993, 18-25, 41-46-б.

5. Сафарова З.Г. и др. Теория переходной экономики (тексты лекций). – Т.: ТГЭУ, 2004, с.53-58.

6. Основы теории переходной экономики (вводный курс): Учебное пособие. - Киров, 1996, с.133-140.

7. Теоретические проблемы переходной экономики: Учеб.-метод. пособие/ Под ред. В.В.Радаева. – М: Экономический факультет МГУ, ТЕИС, 2003, с.171-193.

7-боб. ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИДА ИҚТИСОДИЁТНИ ТАРТИБГА СОЛИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Олдинги боблардан маълум бўлдики, соф (классик) бозор иқтисодиёти ўзининг табиати ва амал қилиш тавсифига кўра тараққиётнинг ҳозирги босқичи хусусиятларига мувофиқ келмайди. Шунга кўра, ҳар қандай цивилизациялашган жамиятнинг пировард мақсади – барқарор ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришдан иборат. Барқарор ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг моҳиятини очиб бериш аввало бозор ва унинг механизмини кўриб чиқишни тақозо этади. Шунингдек, иқтисодиётни тартибга солишнинг зарурати, уни бошқаришнинг бозор ва давлат механизмлари, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг асосий йўналишларини ўрганиш ҳам мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Айниқса, мазкур боб доирасида кейнсчилик ва неоконсерватив концепциялар нуқтаи назаридан иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиниши масалаларининг кўриб чиқиши барқарор ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг табиатини тўлиқ тасаввур қилиш имконини беради.

7.1. Кейнсчилик ва неоконсерватив концепциялар нуқтаи- назаридан иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиниши

Капитализмнинг “аралаш” иқтисодиётга ўтиш жараёни биринчи жаҳон урушидан, аниқроғи – 1929-1933 йиллардаги жаҳон иқтисодий инқирозидан сўнг бошланди. Ушбу инқироз капиталистик тизим амал қилишининг ўзини шубҳа остига солиб қўйди. Бу муаммонинг ечимини топиш мақсадида таниқли иқтисодчи Ж.М.Кейнс (1883–1946) иқтисодиётга давлатнинг фаол аралашуви ғоясини илгари сурди. Кейнсчилик сиёсати умумий таклифга таъсир кўрсатиш учун умумий талабнинг бошқарилиши устидан назорат ўрнатишни тавсия қилди. Кейнс модели хусусий капитални инвестициялашга рағбатлантириш, шунингдек жамоат ишларини давлат томонидан

молиялаштириш ва миллий даромадни бюджет орқали кам таъминланганлар фойдасига қайта тақсимлаш йўли билан умумий “самарали” талабни рағбатлантиришни назарда tutар эди. Давлат бюджети, иқтисодиётдаги тақчилликни молиялаштириш, шунингдек фоиз ҳисоб ставкасини бошқариш Кейнс моделининг асосий рағбатлантириш воситалари ҳисобланарди.

Кейнс модели АҚШда Президент Ф.Р.Рузвельт сиёсатида тўлиқ қўлланди ва яхши натижалар берди.

Кейнсчилик – фақат давлат секторини ва давлатнинг иқтисодиётга аралашувини ҳимоя қилиш эмас, балки иқтисодиётни бошқаришнинг алоҳида концепцияси ҳамдир. Бу концепция билвосита макроиқтисодий бошқариш концепциясидир. Унинг мақсади – бандликни, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашдан иборат. Кейнс ва унинг издошлари соф бозор механизми тўлиқ бандлик ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлай олмаслигидан, шунинг учун ҳам давлатнинг аралашуви талаб қилинишидан келиб чиқдилар.

Кейнсчилик мактабининг муҳолифлари – неоклассик назария тарафдорлари эса капиталистик иқтисодиёт мувозанат, мутаносиблик ва барқарорликка мойиллиги тўғрисидаги қоидадан келиб чиқадилар. Уларнинг фикрича, бозор ва рақобат, нархларнинг мослашувчанлиги иқтисодий мувозанат ўрнатишнинг энг яхши механизмларидир.


XX асрнинг 70–80 йиллари чегарасида кейнсчилик назарияси ва унга асосланган сиёсат неоконсерватив йўналиш вакиллари ва аввало монетаристлар томонидан танқид қилинди. Улар кейнсчиларнинг тақчилликни молиялаштириш ҳақидаги тавсиялари инфляцияни кучайтиришини қайд этдилар. Дарҳақиқат, шу даврда инфляциянинг кучайиши ғарб иқтисодиётининг асосий муаммосига айланган эди. Бунда улар Кейнсни айбладилар. 50 йиллар охири – 60 йиллар бошида кейнсчиликка қарама-қарши йўналиш – монетаризм вужудга келди. Унинг асосчиси – америкалик иқтисодчи Мильтон Фридман “Пул ва иқтисодий тараққиёт” (1973) номли китобида иқтисодиёт фаолиятининг бош механизми

бозор ва эркин тадбиркорлик эканлигини, иқтисодиётга давлатнинг аралашуви фақат пул муомаласи соҳаси билан чекланишини исботлаб берди. Фридман ғоялари “рейгономика” деган иқтисодий сиёсатда ўз аксини топди. Неолиберал концепцияларнинг тарафдорлари фикрича, пул массаси кескин ўзгаришига олиб келадиган кейнсчиликнинг иқтисодиётни антициклик бошқариш ҳақидаги тавсияларидан воз кечиш ва пулларни қатъий бошқаришга ўтиш лозим. Муомалада пул массаси, конъюнктурадан қатъи назар, фақат миллий даромаднинг узок муддатли ўсиш суръатларига мувофиқ тарзда кўпайиб бориши зарур. Улар давлат даромадларининг ўсишига қарши чиқдилар ва давлат фақат ўз даромадларини камайтириши ва солиқ ставкаларини пасайтириши лозим, деган фикрни илгари сурдилар.

Неокейнсчиларнинг фикрига кўра, капиталистик иқтисодиётда барқарор ўсишдан ва ресурслардан оқилона фойдаланишдан оғишни келтириб чиқарадиган омиллар мавжуд ва уларга тузатиш киритиш учун давлат зарур. Аммо янги шароитлар ва ўз рақибларининг танқидидан келиб чиқиб, кейнсчилар Кейнс таклифларига муайян тузатишлар киритдилар.

Шундай қилиб, кейнсчиликнинг инқирози неоклассик йўналишни нафақат жонлантирди, балки кейнсчиликнинг янада ривожланишига ҳам олиб келди.

М.Кейнснинг издоши О.Филлипс талаб инфляцияси моделини таклиф қилди. У Буюк Британия статистика маълумотларидан фойдаланиб иш ҳақи ставкаларининг ўзгариши билан ишсизлик даражаси ўртасидаги тесқари боғланишни акс эттирувчи эгри чизиқ тузди (7.1.1-чизма). Англияда ишсизлик 2,5-3фоиз дан ошиши нархлар ва иш ҳақининг ўсиши кескин секинлашувига олиб келар эди. Шунга кўра, инфляция даражасини 1 фоизга пасайтириш учун ишсизликни 2 фоизга ўстириш лозим бўлади.



7.1.1-чизма. Филлипс эгри чизиғи

Бундан ишсизликнинг камайиши нарх-наво ва иш ҳақининг ошишига олиб келади деган хулоса чиқарилди. Иқтисодиётда инфляция суръатларини тезлаштириш ҳисобига ишсизлик даражасини пасайтириш мумкин, аммо буни фақат мўътадил инфляция ва ўзгармас суръатдаги ишсизлик шароитида амалга ошириш мумкин. Кейинчалик П.Самуэльсон ва Р.Солоу меҳнат ҳақи ставкасини товар нархларининг ўсиш суръатларига ўзгартириб, Филлипс эгри чизиғини такомиллаштирдилар. Шу кўринишдаги Филлипс эгри чизиғидан иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш, аввало бандлик ва ишлаб чиқариш даражаси юқори, нархлар маълум даражада барқарор бўлган шароитларни аниқлаш учун фойдаланила бошланди.

Иқтисодий бошқариш амалиёти Филлипс эгри чизиғи қисқа муддатли иқтисодий ҳолатга нисбатан татбиқ этилиши мумкинлигини кўрсатди. Узоқ муддатли (5-10 йил) истиқболда, ишсизлик даражаси юқори эканлигига қарамай, инфляция ўсишда давом этади ва бу бир қанча ҳолатлар билан белгиланади. Ушбу ҳолатлар орасида умумий талабни рағбатлантириш сиёсатини, ҳукуматнинг инфляцияни ошириш ҳисобига ишсизлик даражасини пасайтиришга интилишини қайд этиш муҳимдир. Шунингдек Филлипс эгри чизиғидан инфляция ва ишсизлик муқобилини иқтисодий таҳлил қилиш учун ҳам фойдаланиш мумкин. Аммо нарх-навонинг ҳаракатига фақат иш ҳақи таъсир кўрсатмайди. Инфляция назарияси битта сабаб билан кифояланмайди. Иш ҳақи ишлаб чиқариш харажатларининг бир қисмини ташкил этади, холос. Инфляциянинг бошқа сабаблари ҳисобга

олинмаганлиги Филлипс эгри чизиғига стагфляция ҳодисасини тушунтиришга имкон бермади. Кейнс ғоясига кўра инфляция ва ишсизлик ўртасидаги муқобил мавжуд бўлса, 70 йилларда иккала жараён мувозий тарзда рўй берди.

Ишсизлик даражасининг ошиши билан бир вақтда нарх-наво ҳам ўсиб борди. 1983-1991 йилларда инфляция ва ишсизлик пасайди. Стагфляция – инфляция ва стагнациянинг уйғунлигини англатиб, стагнация деганда ишсизлик натижасида ишлаб чиқаришда юзага келадиган турғунлик тушунилади.

1991-1994 йилларда Ўзбекистон Республикасида нархларни эркинлаштириш соҳасида жиддий ўзгаришлар рўй берди. 1994 йил 1 июлдан республика ҳудудида ягона қонуний тўлов воситаси сифатида миллий валюта – сўмнинг муомалага киритилиши билан ўз молия, пул-кредит ва иқтисодий сиёсатини олиб боришнинг ҳақиқий механизми вужудга келди. Корхоналар жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиши, эркин муомаладаги валюта ишлаб топишни ўрганишига имконият яратадиган восита ва механизмлар ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Ўзбекистон Республикасида икки босқичли банк тизимининг шаклланиши ҳам инфляцияни тийиб туришга имконият яратади. Инфляцияга қарши курашнинг ҳар бир йўналиши жуда муҳим аҳамиятга эга. Ижтимоий соҳадаги оғир аҳвол бюджет тақчиллигини камайтиришни қийинлаштиради. Бюджет тақчиллиги кўп жиҳатдан самарали ишламайдиган корхоналарнинг қўллаб-қувватланиши билан белгиланади. Аммо уларнинг ёпиб қўйилиши оммавий ишсизлик хавфини туғдиради ва бошқа салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Ҳарбий харажатларни камайтириш армияда норозилик уйғотади. Ҳарбий ишлаб чиқаришни конверсия қилиш ҳам катта харажатларни талаб этади.

Аммо муаммонинг мураккаблиги унинг ечими йўқлигини англатмайди. Давлат сиёсати ишлаб чиқаришнинг пасайиши, инфляция ва ишсизлик хавфларини мувозийлаштиришдан иборат бўлиши лозим. Шу сабабли,

Ўзбекистон Республикасидаги иқтисодий вазиятнинг зиддиятлилиги ва мураккаблигини чуқур англаб, ҳукумат инфляцияни кучайтириши мумкин бўлган ҳолатларнинг олдини олишга ҳаракат қилмоқда.

7.2. Иқтисодийни бошқаришнинг бозор ва давлат механизмлари

Бозорнинг ривожланиш тарихи унинг ривожланмаган, эркин (классик), тартибга солинадиган ва деформациялашган турларини ажратиш имконини беради.

Ҳар бир бозорнинг моҳияти унинг бош иқтисодий функцияларида ўз ифодасини топади. Иқтисодий функция – ушбу категория ифодаланиши лозим бўлган, унинг моҳиятини акс эттирадиган асосий вазифасидир.

Бозорнинг асосий функциялари қуйидагилардан иборат:

1. Ишлаб чиқариш ва истеъмолни мувофиқлаштириш.
2. Маҳсулот айирбошлашнинг нарх эквивалентларини белгилаш.
3. Ишлаб чиқариш самарадорлигини иқтисодий рағбатлантириш.

Бозор ўз механизми орқали иқтисодийни тартибга солади. Бозор механизми – бозор унсурлари: талаб, таклиф ва нархнинг ўзаро алоқаси ва ўзаро таъсири механизмидир. У биргаликда бозор иқтисодийни тартибга солишни таъминловчи икки жиҳатга эга. Биринчиси – талаб ва таклифнинг ўзаро таъсири механизми; унинг бош вазифаси – уларнинг мувозанатини таъминлаш. Иккинчиси – рақобат механизми; у товар ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантиришни таъминлайди.

Эркин рақобатга асосланган бозорга соф капитализм модели хос. Ушбу модель қуйидаги жиҳатлар билан тавсифланади:

- хусусий мулк;
- тадбиркорлик ва танлаш эркинлиги;
- хулқ-атворнинг бош мотиви сифатидаги шахсий манфаат;
- рақобат;
- нархнинг бозор воситасидаги шаклланиши;
- давлат аралашувининг чекланганлиги.

Сўнги жиҳат ҳатто “эркин” бозор тизимида ҳам давлат идорасисиз иш олиб бориш мумкин эмаслигидан далолат беради. Ҳар қандай ижтимоий ёки жамоа меҳнати муайян даражада бошқарилиши лозимлиги назарий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам исбот талаб қилмайди. Ҳар қандай давлат ўз ижтимоий табиатидан қатъи назар, жамиятга хизмат қилиши лозим.

Барча замонларда бозор хўжалиги давлат томонидан идора қилинган. Бундай идора қилишнинг зарурлиги ва имкониятлари бозорнинг ижтимоий табиати билан ҳам белгиланади. Бозор механизми ўз табиатига кўра ижтимоийдир. Кўрсатилган ҳодисаларнинг ижтимоий табиати жамиятни юзага келган муаммолардан чиқиш йўллариини излашга ва уларни давлат-ҳуқуқий таъсири воситалари ёрдамида топишга ҳаракат қиладилар.

Давлат бозорнинг ўзи принципал равишда бажара олмайдиган функцияларни ўз зиммасига олади. Бу функциялар қуйидагилардан иборат:

1. Иқтисодий зарур миқдорда пул билан таъминлаш.

2. “Ташқи самара” таъсирларини тартибга солиш. Буни давлат ўз зиммасига олади. Бу аксарият ҳолларда ишлаб чиқаришнинг экологик жиҳати билан боғлиқ бўлиб, айниқса ҳозирги шароитда бу муаммо долзарб аҳамият касб этмоқда. Агар иқтисодий “уй хўжалиги юритиш маҳорати”³ деган маънони англатса, экология эса – уй хўжалиги тўғрисидаги фандир. Бинобарин, инсон яшаётган муҳит иқтисодий қай даражада бошқарилаётгани билан белгиланади. Бу ичимлик суви, ҳаво ва атроф муҳитнинг ифлосланиши, ишлаб чиқариш фаолияти чиқиндилари, рўзғор чиқиндилари муаммоларидир.

3. Ижтимоий “неъматлар” (ёки “ижтимоий товарлар”)га бўлган эҳтиёжларни қондириш. Бозор механизми талаб орқали ифодаланган эҳтиёжларни қондиришни назарда тутди. Аммо пулда ўлчаш ва талабга айлантириш мумкин бўлмаган эҳтиёжлар ҳам бор. Бундан ташқари, истеъмол қилишда жамиятнинг барча аъзолари иштирок этадиган товар ва хизматлар ҳам мавжуд. Мудофаа, жамоат тартибини сақлаш, давлатни бошқариш, ягона

³ Камаев В.Д. Экономика и бизнес. – М.: МГТУ, 1993. С.437.

энергетика тизими шулар жумласидандир. Ушбу неъматлар жаҳон иқтисодий фанида “ижтимоий товарлар” деб аталади. Мазкур неъматларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, улар истеъмолдан чиқмайди, барча истеъмолчиларга тенг тақсимланади ва бир қисми жамоа бўлиб истеъмол қилинади. Ижтимоий товарлар билан таъминлаш давлат функцияларига киради, уларни моддий таъминлаш эса марказий ёки маҳаллий бюджетлар орқали амалга оширилади.

Кўрсатилган функциялар эркин бозор шароитида давлат бажариши мумкин бўлган ишларнинг максимуми, реал бозор иқтисодиётида бажарадиган ишларнинг эса минимумидир.

Одатда бозор хўжалиги ривожланиб бориши билан кўплаб мамлакатларда турли иқтисодий муаммолар юзага келади, баъзан эса кескинлашиб боради. Ҳатто ўзини-ўзи тартибга солувчи бозор иқтисодиёти ҳам бу муаммоларни ўзича ҳал қилиш имкониятига эга бўлмайди. Натижада кам рентабелли ёки норентабел ишлаб чиқаришларга кўп миқдорда инвестициялар киритиш зарурати вужудга келади, тармоқ ва соҳаларда, баъзида эса бутун хўжалик миқёсида танглик ҳолатлари тез-тез рўй бериб туради.

Бу тангликлар оммавий ишсизлик, пул муомаласининг издан чиқиши, жаҳон бозорларида рақобатнинг кучайиши билан баробар кечади. Шунга кўра, давлат томонидан тегишли иқтисодий сиёсатнинг олиб борилишини тақозо этади.

Назарий жиҳатдан давлатнинг иқтисодий сиёсати иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишга қараганда кенгроқ тушунчадир. Бу давлатнинг иқтисодий сиёсати хўжалик ҳаётига аралашмаслик (иқтисодий либерализм) тамойилига асосланиши билан изоҳланади. Ҳозирги шароитда ижтимоий-иқтисодий жараёнларга давлатнинг аралашмаслигини тасаввур қилиш мумкин эмас. Иқтисодчилар кўпдан бери иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг зарурлиги тўғрисида эмас, балки унинг кўлами, шакллари ва интенсивлиги тўғрисида баҳслашмоқдалар. Шу боисдан

“иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш”, “давлатнинг иқтисодий сиёсати” тушунчалари бугунги кунда муштарак мазмун касб этмоқда.

Иқтисодиётни тартибга солишга давлат аралашувининг кўлами ва даражаси унинг ривожланиш даражасига, шунингдек ташқи шароитларга кўра турличадир. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш объектив имконияти назарий жиҳатдан иқтисодий тараққиёт, ишлаб чиқариш ва капитал жамланишининг муайян даражасига эришилганидан сўнг пайдо бўлади. Зарурат ушбу имкониятни ҳақиқатга айлантиради. Зеро, иқтисодиётда ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ва қийинчиликлар тобора кўпайиб борадики, уларни ҳал этиш фақат иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш орқали амалга ошириш мумкин бўлиб қолади.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш – такрор ишлаб чиқариш жараёнининг таркибий қисми. Ҳозирги замон иқтисодий тизими икки куч: бозор механизми таъсири ва давлатнинг иқтисодиётни тартибга солишга фаол аралашуви уйғунлигидан иборат бўлган “аралаш иқтисодиёт” кўринишидадир. Иқтисодиётга давлатнинг аралашуви – тартибга солинадиган бозорнинг муҳим таркибий қисми. Аммо гап фақат шунинг ўзида эмас: иқтисодиётнинг ривожланиши жараёнида бозорнинг ўзи, рақобат хусусияти ҳам ўзгариб боради.

XX асрга хос бўлган тартибга солинадиган бозор XVIII – XIX асрлардаги классик эркин бозордан анча фарқ қилади. Чунки, тартибга солинадиган бозорда эркин бозорга хос хусусиятлар – талаб ва таклиф ҳажмининг номаълумлиги, нархларнинг талаб ва таклиф ҳажмига қараб белгиланиши кабилар моҳиятан ўзгаради.

Эркин бозорда нархлар тартибга солишнинг асосий воситаси сифатида майдонга тушади. Шунингдек, мазкур бозор шароитида товар ишлаб чиқарувчилар (тадбиркорлар) номаълум бозорга товар ишлаб чиқаради.

Ҳозирги замон бозорининг бош қоидаси шундан иборатки, потенциал ишлаб чиқарувчи аввал ўзи ишлаб чиқариши мумкин бўлган маҳсулотга харидор топади ва шундан кейингина ишлаб чиқаришга киришади. Бу қоида

аввал маҳсулот ишлаб чиқаришни ва шундан кейин харидор қидиришни назарда тутадиган архаик бозор – ярмарка принципига зид. Бу ерда маҳсулот асосан истеъмолчиларнинг буюртмаларига асосан ишлаб чиқарилади ва сотилади. Эркин рақобатга асосланган ўз-ўзини идора этувчи бозорга тайёр маҳсулот бозори хос бўлса, ҳозирги давр иқтисодиётида бозорнинг янги типи – буюртмалар (давлат буюртмалари ёки истеъмолчилар, савдо ташкилотларининг тўғридан-тўғри буюртмалари) бозори пайдо бўлди. Бунда корхоналар ўз ишлаб чиқариш дастурини бозор буюртмаларидан ва ўз моддий манфаатларидан келиб чиқиб тузади. Шу боисдан унинг тартибга солувчи таъсири иқтисодий мувозанат бузилишига йўл қўймаслик, талаб ва таклиф мувозанатини таъминлаш имконини беради.

Ҳозир корпорациялар ўртасидаги ҳар бир олди-сотди битими юридик кучга эга бўлган ёзма ёки оғзаки шартнома тузиш йўли билан амалга оширилмоқда. Шартнома бозор муносабатлари соҳасидаги ҳолатни тубдан ўзгартиради, уни ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги алоқалар соҳасига айлантиради. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сотилмай қолиш хавфи деярли йўқолади. Маҳсулот сифати, нархи, етказиб бериш шакллари ва муддати, тўловлар тартиби ва бошқа масалалар шартномада белгилаб қўйилади.

Аммо аралаш иқтисодиёт шароитида хавфнинг камайиши корхона иқтисодий фаолиятининг барча кўрсаткичлари олдиндан тўлиқ маълум бўлади, деган маънони англатмайди. Бозор кучлари ишлаб чиқарувчилар ёки истеъмолчиларнинг ўзаро рақобати кўринишида амал қилишда давом этади. Рақобат нархга ва сифатга ҳамда корхоналар ишлаб чиқариш қувватларининг юкланиш даражасига таъсир кўрсатади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сотилмай қолиш хавфи ўрнига қувватларнинг юкланмай қолиш хавфи пайдо бўлади.

Шундай қилиб, муносабатларнинг шартномага асосланган шакли рақобат замирида ётувчи иқтисодий мажбурлаш имкониятини камайтирмайди. У олдингидек ишлаб чиқарувчини ишлаб чиқаришни

такомиллаштириш, янги бозорлар ва янги истеъмолчилар қидиришга, харажатларни камайтиришга мажбур қилади. Шартномага асосланган иқтисодиёт корхоналарнинг банкротга учраши имкониятидан холи эмас. Аммо кўрилиши мумкин бўлган ижтимоий зарарлар миқдори унда “соф” бозор иқтисодиётидагига қараганда камроқдир.

Тўғридан-тўғри алоқалар фақат йирик корпорациялар ўртасида ўрнатилмайди. Тармоққа кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳам жалб қилинади. Йирик ва кичик компаниялар ўртасидаги ички пудрат муносабатлари ғарб амалиётидан мустаҳкам ўрин олган.

XX асрнинг 70–80-йилларида компьютерлаштириш, ишлаб чиқаришнинг автоматлаштирилиши, мослашувчан ишлаб чиқариш тизимларига ўтилиши натижасида корхоналар ва харидорлар ўртасидаги соф бозорга асосланган муносабатларни шартнома муносабатларига ўтказиш жараёни анча ривожланди. Масалан, меҳнатни ташкил этишнинг конвейер усулини сақлаб қолган ғарб автомобиль саноати қисман буюртмалар бўйича ишлашга ўтди.

Нарх белгилаш тизимида ҳам ўзгаришлар рўй берди. Талаб ва таклифнинг ҳажмидан ташқари нархларга олигополистик тузилмалар ва давлат ҳам таъсир кўрсатади. Аммо бунда бозор нархи қолади, чунки нархларни тартибга солиш, вақтинчалик бир даражада ушлаб туриш ёки ошириш мумкин, аммо бу ва бошқа кўп сонли манипуляцияларни амалга ошириш учун у аввал талаб ва таклифнинг тўқнашуви ҳамда иқтисодий субъектлар ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши натижасида вужудга келиши лозим.

Аралаш иқтисодиёт бозори ҳам тартибга солиш функциясини ўз талаб ва таклиф, нархлар, даромад ва рақобат механизми ёрдамида ҳамда корхоналар билан оммавий истеъмолчи ўртасидаги шартнома муносабатлари тизими орқали бажаради.

Шу билан бирга, бозор жиддий камчиликларга ҳам эга: у аҳоли турмуш даражасининг табақалашувига олиб келади, уни ижтимоий ҳимоя қилишни таъминламайди.

Ҳар бир халқ тарихида унинг тақдирини тубдан ўзгартириб юборадиган воқеалар юз беради. Иттифоқ тизимининг парчаланиши ва собиқ иттифоқдош республикаларнинг ўз мустақиллигини қўлга киритиши Ўзбекистон учун шундай тарихий воқеа бўлди. Ушбу муаммога кенгроқ назар ташлайдиган бўлсак, шуни тан олиш керакки, XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги жаҳон тарихига ижтимоий дунёқарашда туб ўзгаришлар даври бўлиб киради. Жаҳон янги даврга кадам қўйди. Бу даврнинг ўзига хос белгилари, бир томондан, давлатлар ва халқлар ўртасида яқинлашув жараёнлари ва ҳамкорликнинг кучайиши, яхлит сиёсий ва иқтисодий маконларнинг вужудга келиши, ягона халқаро меъёрлар, қоидалар ва андозаларга ўтиш бўлса, иккинчи томондан, социалистик лагернинг емирилиши, тоталитар тузумларнинг тугатилиши, унитар тизимлар ўрнида ёш мустақил давлатларнинг пайдо бўлишидир. 80 йилларда ва 90 йилларнинг бошида жаҳонда рўй берган оламшумул ўзгаришлар ҳозирги замон иқтисодий тафаккурига, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш истиқболларига нисбатан ёндашувларга жиддий тузатишлар киритди. Эркин иқтисодий тартибга солиш ғоялари ҳам, марказлаштирилган режалаштириш ғоялари ҳам инқирозга учради.

Жаҳон цивилизацияси ижтимоий тараққиётнинг сифат жиҳатидан янги моделини ишлаб чиқди. Ушбу модель замирида тартибга солинадиган бозор иқтисодиёти (аралаш иқтисодиёт – ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти) ётади.

Илмий ва ўқув адабиётларида аралаш бозор иқтисодиётига эга давлатнинг уч асосий функцияси қайд этилади: самарадорлик, одиллик, барқарорлик.

1. Самарадорлик. Ушбу функциянинг амалга оширилиши муттасил ўзгариб боровчи технологик асосда тобора кўпроқ товарлар ишлаб чиқариш

ва хизматлар кўрсатиш, чекланган ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланишда харажатларни мумкин қадар камайтириш учун шарт-шароитлар яратишни, жаҳон бозоридаги ўз мавқеини мустаҳкамлашни, бозор механизми амал қилиши учун қулай шароитлар яратишни назарда тутди. Рақобатни қўллаб-қувватлаш – унинг бош вазифаси. Масалан, Ўзбекистонда ислохотларни амалга оширишнинг биринчи босқичида бозор механизми амал қилиши учун қулай шароит яратиш мақсадида барча мулкчилик шаклларида тенг ҳуқуқлилиги конституциявий тартибда мустаҳкамлаб қўйилди.

Хусусийлаштириш жараёнида кўп укладли иқтисодиётнинг вужудга келтирилиши ва турли мулк шаклларига мансуб корхоналар ўртасида рақобатнинг кучайиши корхоналарни ўз ишлаб чиқаришни бошқариш тизимини такомиллаштиришга ва ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга, камроқ харажатлар билан юқори сифатли ва арзон маҳсулот ишлаб чиқаришга даъват этади. Бу пировард натижада иқтисодий ва фан-техника тараққиётига туртки беради¹.

Иқтисодиёт тизимини тубдан ўзгартириш, хомашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш, унинг сифати ва рақобатбардошлигини жаҳон бозори талаблари даражасига кўтариш стратегик вазифаси қўйилади.

2. Адолатлилик. Бозор даромадларни тақсимлашнинг фақат бир мезонини тан олади: бу товар ва хизматлар, капитал ва ишчи кучи бозоридаги рақобатда иштирок этишдир. Шу боис рақобатда ютиб чиққанлар катта даромад олиши ҳам, омади юришмаганлар кам даромад олиши ҳам адолатдан деб ҳисобланади. Соф бозор иқтисодиёти яшаш минимуми олишни кафолатламайди. Бозор нуқтаи назаридан одилона ҳисобланган даромадларни тақсимлаш принципи умуминсоний нуқтаи назарда одилона эмаслигини жамият англаб етиши ва тан олиши учун муайян вақт керак бўлди. Пировард натижада давлат солиқлар орқали даромадларни қайта

¹ Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т. 3. – Т.: Ўзбекистон, 1996, 289-290-б.

тақсимлаш, шунингдек меҳнатга лаёқатсизлар, қариялар ва ҳ.к.ни қўллаб-қувватлаш функциясини ўз зиммасига олди. Бундан ташқари, бозор иқтисодиёти аҳолининг тўлиқ бандлигини ҳам таъминламайди, унда мажбурий ишсизлик бўлиши муқаррардир (6фоиз гача ишсизлик табиий ҳисобланади), шу боис ишчи кучи бозорини тартибга солиш, ишсизларни моддий таъминлаш ҳам бозор иқтисодиётида давлатнинг функциясидир.

Давлат иш билан банд бўлганларга ҳам ғамхўрлик қилиши, энг кам иш ҳақи миқдорини белгилаш йўли билан улар истеъмолининг минимал даражасини кафолатлаши лозим.

3. Барқарорлик. Давлат иқтисодий барқарорликни сақлаш, иқтисодиёт ривожланиши циклик кўринишининг ноҳўя таъсирини бартараф этиш, инфляцияга қарши сиёсат олиб бориш макроиқтисодий функциясини бажаради.

Бундан ташқари, давлат бозорнинг самарали ишлашига имконият яратадиган ҳуқуқий негизни таъминлаш, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, солиқ сиёсатини олиб бориш, фундаментал илмий тадқиқотларни ривожлантириш, минтақавий муаммоларни ҳал қилиш вазифаларини ҳам ўз зиммасига олади.

Хуллас, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш соф бозор механизмини тўлдиради, унга тузатиш киритади. П.Самуэльсон таъбири билан айтганда: “Иқтисодиётни уларнинг бирисиз бошқариш бир қўлда чапак чалишга уриниш билан баробардир”.

Аммо иқтисодиётга давлатнинг аралашуви тўғрисида сўз юритганда, унинг жоиз чегараларини белгилаш муҳимдир. Иқтисодиёт барқарорлашишига қараб унинг эркинлашуви рўй беради, бу эса давлатнинг иқтисодий функцияси ўзгаришига олиб келади.

7.3. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг асосий йўналишлари

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг асосий йўналишларига қуйидагилар киради: 1) ҳуқуқий тартибга солиш; 2) маъмурий тартибга солиш; 3) иқтисодий тартибга солиш.

1. Ҳуқуқий тартибга солиш. Бу ерда ҳуқуқий негиз, айниқса, бозор муносабатлари шаклланаётган даврда катта аҳамият касб этади. Мустаҳкам ҳуқуқий негиз бўлгандагина маданий бозор иқтисодиётига эга бўлган янги жамият қуриш мумкин. “Шу сабабли биринчи босқичда биз ислохотларнинг ўз ҳуқуқий негизини яратишга асосий эътиборни қаратиб келдик”¹.

2. Маъмурий тартибга солиш. Давлат маъмурий усуллар ёрдамида тартибга солиш вазифаларини бажаради. Маъмурий ёки ҳуқуқий тартибга солиш хўжалик юритувчи субъект фаолиятини муайян ҳуқуқий доирага солади (ҳуқуқий давлатда). Ўз мазмунига кўра маъмурий тартибга солиш бозор механизмлари таъсирини чеклашга қаратилади. Аммо ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида маъмурий тартибга солиш усули ўз аҳамиятини сақлаб қолади ва зарур ҳолда қўлланилиши мумкин. Масалан, ривожланган мамлакатларда монополияга қарши сиёсат маъмурий усуллар билан тартибга солинади. Маъмурий усуллардан истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳам фаол фойдаланилади.

3. Иқтисодий тартибга солиш. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, маъмурий тартибга солиш усуллари ўзини-ўзи идора этувчи бозор механизмларига таъсир кўрсатса, уларни чекласа, иқтисодий тартибга солиш методлари улардан фаол фойдаланади.

¹ Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т. 3. – Т.: Ўзбекистон, 1996, 181-б.

Иқтисодий тартибга солиш дастакларининг таснифи

Иқтисодиётга бевосита таъсир кўрсатиш чора-тадбирлари	Билвосита таъсир кўрсатиш чора-тадбирлари:
Мақсадли молиялаштириш (шу жумладан минтақавий ва мақсадли дастурлар) Давлат харидлари тизими	Бюджет-солиқ Пул-кредит Амортизация Валюта Божхона Инвестицион

Иқтисодий тартибга солиш дастаклари орасида иқтисодий дастурлаштириш ёки индикатив-тавсиявий режалаштириш алоҳида ўрин эгаллайди. Индикатив режалаштириш ижтимоий ишлаб чиқаришга, унинг тузилишига ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва хўжалик стратегиясининг белгиланган вариантга мувофиқ давлат томонидан вақти-вақти билан комплекс таъсир кўрсатилишини англатади.

Ҳозирда иқтисодиётни дастурлаштириш тажрибасига эга мамлакатлар талайгина бўлиб, бу тажриба Иккинчи жаҳон урушидан кейин Франция, Нидерландия, Норвегия, Японияда, кейинчалик Швеция, Финляндия, Буюк Британия ва бошқа мамлакатларда вужудга келди. Дастурлаштиришда устуворликлар ва танланган мақсадлар тартибга солиш тизими билан мувофиқлаштирилади.

Давлат иқтисодиётни тартибга солишда иштирок этишдан ташқари, мустақил хўжалик юритувчи субъект (давлат сектори) сифатида ҳам фаолият олиб боради. Иқтисодиётда давлат сектори тарихий ривожланишининг муҳим сабаблари бўлиб урушлар, миллий мудофаа, макроиқтисодий жараёнларни инфратузилма билан таъминлаш, аҳолининг ўсиши, атроф-муҳит муаммолари ҳисобланади.

Жаҳон иқтисодий фанида давлат сектори тушунчаси давлат мулкидан ҳам кўра кўпроқ ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилишда давлат иштирокининг барча шакллари билан боғлиқ. Шу нуқтаи

назардан мазкур сектор давлат ўз функцияларини бажаришида унга таянч бўлиб хизмат қилади.

Давлат сектори анъанавий талқинда энг аввало давлат корхоналари мажмуидир. Ушбу секторнинг самарали фаолияти катта муаммолардан бири бўлиб қолмоқда, чунки бу ерда собиқ иттифок иқтисодиётидан яхши таниш бўлган самарадорликнинг, сифатнинг пасайиши каби тенденциялар юзага келмоқда. Шу сабабли мулкни давлат тасарруфига ўтказишнинг оқилона чегараларини топиш муаммоси, шунингдек мулкни давлат тасарруфидан чиқариш муаммолари жаҳон миқёсидаги муаммолардир. XX асрнинг 70-80 йилларида ғарбдаги мамлакатларнинг аксариятида “мулкни давлат тасарруфидан чиқариш” тўлқини барҳам топди. Бу муаммо ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига ўтишда Ўзбекистон Республикасининг ҳам диққат марказида турибди.

1991 йил 15 февралда қабул қилинган “Тадбиркорлик тўғрисида”ги қонунда шундай деб қайд этилган: “Тадбиркорлик фаолиятининг ва мулкдор билан бўлган муносабатларнинг тавсифидан келиб чиққан ҳолда тадбиркорлик фаолияти мулкдор томонидан ҳам, мулкдорнинг мол-мулкни идора қилувчи субъект томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин»¹. Унинг мазмуни хусусийлаштирилиши мумкин бўлмаган корхоналар доирасини аниқ белгилаш, бу доирани мумкин қадар торайтириш зарурлигидан иборат. Бундай корхоналар бозор шароитига мослашишини енгиллаштирадиган хўжалик механизмини ишлаб чиқиши керак. Давлат корхоналари учун маъмурий-буйруқбозлик бошқарув тизимининг сақлаб қолиниши умуман бозор механизмини деформациялаган бўлар эди. Бозор муносабатларига ўтиш даврида давлат корхоналари иқтисодий жиҳатдан мумкин қадар эркин бўлишлари, уларнинг фаолияти тижорат қонун-қоидаларига асосланган бўлиши лозим. Мулкчилик шаклига кўра давлат корхонаси бўлгани ҳолда, улар хўжалик юритиш механизми, даромадни тақсимлаш ва моддий

¹ Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 1999, 90-б.

рағбатлантириш шартларига кўра нодавлат корхоналардан деярли фарқ қилмасликлари керак.

Шундай қилиб, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш “имконият бўлган барча жойда рақобат, зарур бўлган барча жойда тартибга солиш керак” деган қоидага кўра амалга оширилади. Бунда бевосита тартибга солиш микродаражага нисбатан минимал даражада, макродаражага нисбатан эса – максимал даражада татбиқ этилади.

Қисқача хулоса

1. Маъмурий-буйруқбозликка асосланган тизимдан бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида давлатнинг миллий иқтисодиётга аралашуви унинг миллий иқтисодиётда бозор воситасида ўзини ўзи тартибга солиш орқали бажариш мумкин бўлмаган ёки самарали равишда амалга ошириб бўлмайдиган вазифаларни ўз зиммасига олиши; бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг хусусий тавсифини келтириб чиқарувчи салбий оқибатларни бартараф этиш зарурлиги; истеъмолчиларнинг манфаатларини ҳимоялаш; бозорнинг табиатидан келиб чиқадиган айрим ҳолатларни қисман енгиллаштириш, жумладан, аҳолининг кам таъминланган қатламининг турмуш даражаси ҳақида ғамхўрлик қилиш, бепул (ёки имтиёзли) билим бериш, тиббий хизмат кўрсатиш ва шу кабиларни ўз зиммасига олиши; ҳозирги шароитда барқарор, изчил иқтисодий ўсишни рағбатлантириш вазифасини ҳам ўз зиммасига олиши орқали изоҳланади.

2. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш деганда жамият аъзоларининг эҳтиёжларини қондириш даражасини ошириш учун чекланган ишлаб чиқариш ресурсларидан янада самарали фойдаланишни таъминловчи, умумий иқтисодий мувозанатга эришишга йўналтирилган, ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш бўйича давлатнинг фаолияти тушунилади.

3. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг мақсади унинг вазифалари орқали ифодаланиб, улар асосан бозор тизимининг амал

қилишини енгиллаштириш ва ҳимоя қилиш, иқтисодиётни тартибга солишнинг умумий тамойилларидан келиб чиқади, яъни: бозор тизимининг самарали амал қилишига имкон туғдирувчи ҳуқуқий асос ва ижтимоий муҳитни таъминлаш; рақобатни ҳимоя қилиш; даромад ва бойликни қайта тақсимлаш; ресурсларни қайта тақсимлаш; иқтисодиётни барқарорлаштириш, яъни иқтисодий тебранишларни вужудга келтирадиган инфляция ва бандлилик даражаси устидан назорат қилиш ҳамда иқтисодий ўсишни рағбатлантириш.

4. Давлат миллий иқтисодиётни тартибга солишда бевосита ва билвосита таъсир қилиш усуллари ҳамда ташқи иқтисодий усуллардан фойдаланади. Тартибга солишнинг бевосита таъсир қилиш усуллари фойдаланилганда яхлит такрор ишлаб чиқариш жараёни ёки унинг алоҳида томонларини тўғридан-тўғри, маъмурий тартибга солиш кўзда тутилади. Бу усуллар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: иқтисодиётнинг айрим бўғинлари – транспорт, алоқа, атом ва электр энергетикаси, коммунал хизмат ва бошқа соҳаларни бевосита бошқариш; нархлар ва иш ҳақини «музлатиб» қўйиш сиёсати; иш билан бандлик хизмати фаолияти (меҳнат биржалари)ни ташкил қилиш; иқтисодий соҳани тартибга солишни кўзда тутувчи қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ва ҳ.к.

5. Иқтисодиётни билвосита тартибга солишда иқтисодий дастак ва воситаларга устунлик берилади. У давлатнинг пул-кредит ва бюджет сиёсатида ўз ифодасини топади. Пул-кредит сиёсатининг асосий воситалари қуйидагилардан иборат бўлади: ҳисоб ставкасини тартибга солиш; молия-кредит муассасаларининг Марказий банкдаги захиралари минимал ҳажмини ўрнатиш ва ўзгартириш; давлат муассасаларининг қимматли қоғозлар бозоридаги операциялари (давлат мажбуриятларини чиқариш, уларни сотиш ва тўлаш). Давлат бюджет сиёсати унинг даромадлар ва харажатлар қисмини ўзгартиришга қаратилиб, бу усулнинг энг асосий дастаги солиқлар ҳисобланади.

Асосий таянч тушунчалар

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш - қонунчилик, ижро ва назорат қилиш хусусиятидаги тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг мақсади – иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш, иқтисодий тизимни мустаҳкамлаш ва уни ўзгариб турувчи шароитга мослаштиришга қаратилади.

Давлатнинг иқтисодий вазифалари – иқтисодий тизимнинг амал қилишига шарт-шароит яратиш ва иқтисодиётни тартибга солиш ҳамда иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлардан иборат бўлади.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг усуллари – тартибга солишнинг маъмурий ва иқтисодий воситалари бирлиги.

Бевосита усуллар – иқтисодиётни тартибга солишнинг таъқиқлаш, рухсат бериш ва мажбур қилиш характеридаги маъмурий воситалари.

Билвосита усуллар – иқтисодиётни тартибга солишнинг иқтисодий восита ва дастаклари.

Такрорлаш учун саволлар

1. Ҳозирда давлатнинг иқтисодиётдаги ролига қандай қарашлар мавжуд?

2. Давлат асосий иқтисодий вазифалари нималардан иборат? Уларнинг қисқача тавсифини беринг.

3. Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг зарурлигини нима тақозо қилади?

4. Тартибга солиш ўз олдига қандай мақсад ва вазифаларни қўяди?

5. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг бевосита ва билвосита усуллари тавсиф беринг.

6. Тартибга солишнинг маъмурий ва иқтисодий воситаларини санаб кўрсатинг.

7. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишда давлат сектори қандай роль ўйнайди?

8. Давлат иқтисодий дастурлари қандай амалга оширилади?

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. –Т.: Ўзбекистон НМИУ 2017 й. -488 б.

2. Мирзиёев Ш.М.Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. // Халқ сўзи. 16.01.2017 й.

3. Мирзиёев Ш.М.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // Халқ сўзи. 23.12.2017 й.

4. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. - Т.: Ўзбекистон, 1995, 27, 163, 169, 170, 173, 229, 233-234, 242-б.

5. Сафарова З.Г. и др. Теория переходной экономики (тексты лекций). – Т.: ТГЭУ, 2004, с.59-73.

6. Курс переходной экономики: Учебник для вузов / Под ред. акад. Л.И.Абалкина. – М.: ЗАО «Финстатинформ», 1997, с.107-135.

7. Основы теории переходной экономики (вводный курс): Учебное пособие. - Киров, 1996, с.89-110.

8. Теоретические проблемы переходной экономики: Учеб.-метод. пособие / Под ред. В.В.Радаева. – М.: Экономический факультет МГУ, ТЕИС, 2003, с.211-223.

8-боб. ИҚТИСОДИЙ ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНИДА ЮЗАГА КЕЛАДИГАН МАКРОИҚТИСОДИЙ МУАММОЛАР

Трансформациялашув даври учун беқарор, макроиқтисодий номувозанатликка асосланган ривожланиш хосдир. Чунки, айнан мувозанатнинг бузилиши натижасида янги макроиқтисодий мувозанатга интилиш орқали янада юқорироқ тараққиёт босқичига эришилади. Мазкур жараёнларнинг туб моҳиятини очиб бериш учун дастлаб макроиқтисодиётнинг моҳияти ва ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг турли қирраларини кўриб чиқиш лозим бўлади. Шунингдек, макроиқтисодий даражадаги иқтисодиётни барқарорлаштириш жараёнлари, уларни таъминлашда зарур бўлган барқарорлаштириш дастурларининг мазмуни ва аҳамиятини ўрганиш ҳам муҳимдир. Барқарорлаштириш дастури доирасида миллий ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, давлат мулкани хусусийлаштириш, таркибий ўзгаришлар жараёнида чет эл инвестицияларининг иштироқи масалаларига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

8.1. Макроиқтисодиётнинг моҳияти ва ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг кўп қирралиги

XV-XIX асрларда Ғарбий Европада янги ижтимоий-иқтисодий тузум – дастлабки босқич капитализми вужудга келди ва қарор топди. Кейинчалик классик капитализм деб номланган ушбу босқичда хусусий капиталистик тадбиркорликнинг барча тамойиллари мужассамлашди. Бу ерда якка мулкдор асосий субъектга айланди. У кичик корхона эгаси бўлиб, ишлаб чиқаришни шахсан ўзи бошқарар эди. Мазкур хўжалик фаолияти ўша даврда яшаб ижод қилган А. Смит ва Д. Рикардо каби иқтисодчиларнинг асарларида назарий жиҳатдан ёритилди. Классик капитализм тақдири зиддиятларга тўлиқ. Дастлабки босқичда у инсоният индустриал ишлаб чиқаришга ўтишига ҳар томонлама имконият туғдирди. Шу тариқа у техника ва корхоналарда ишлаб

чиқаришни ташкил этиш соҳаларида улкан миқдор ва сифат ўзгаришларига йўл очиб берди. Бу ўзгаришлар якка мулкдорлик билан тўкнашди.

Классиклар миллий иқтисодиётни яхлит деб қарадилар, кичик иқтисодий шакллар (хусусий капитал, оилавий хўжалик) ва йирик шакллар (бутун миллатнинг жами капитали ва ш.к.) ўртасида чегара ўтказмадилар. Пировард натижада иккала шаклга мансуб хўжалик тузилмалари ҳам ўзаро алоқада ўрганилди.

Неоклассиклар бошқача иш тутдилар. Улар мамлакатнинг бутун хўжалигини хусусий мулкдорлар (уй хўжаликлари, якка тадбиркорлар) фаолиятига боғладилар. Уларнинг фаолиятига давлатнинг аралашуви зарурлиги рад этилди. Ушбу ёндашув миллий иқтисодиётнинг қарама-қарши сектори – мулкнинг бўлинмаслигига асосланадиган давлат хўжалигини тан олмас эди. Аммо XIX асрнинг сўнгги чорагида ва кейинроқ, неоклассик йўналиш қарор топган даврда ғарб мамлакатларида хўжалик ҳаётига давлатнинг аралашуви сезиларли тус олиб борди. Бирёқлама ёндашувга қарама-қарши ўлароқ, XX асрнинг 30–50 йилларида макроиқтисодиёт вужудга келди ҳамда умуммиллий аҳамиятга молик иқтисодий муаммоларни, шу жумладан давлатнинг хўжалик фаолиятини ўргана бошлади.

Ғарбда макроиқтисодиёт асосчиси Жон Мейнард Кейнс ҳисобланади. У бозор иқтисодиётини давлат томонидан тартибга солиш зарурлиги ва давлат иқтисодий сиёсатининг асосий тамойилларини асослаб берди. Натижада миллий иқтисодиёт субъекти сифатидаги давлат билан фирмалар ва уй хўжаликлари ўртасида янги муносабатлар юзага келди.

Макроиқтисодиётнинг кейнсча вариантларида назарий тадқиқотнинг диққат марказига асосан халқ хўжалиги муносабатлари қўйилди. Макроиқтисодий ривожланиш муаммолари эса эътибордан четда қолди. Шу тариқа ҳозирги замон иқтисодиёт назарияси микроиқтисодиётни тадқиқ қилиши керакми ёки макроиқтисодиётними, деган савол туғилди. Бу саволга XX аср 40 йилларнинг охири – 60 йиллари бошида “Экономикс” дарслигининг муаллифлари профессорлар П.Самуэльсон, К.Макконнелл,

С.Брю ва бошқалар жавоб бердилар. Улар икки бўлимдан: микроиқтисодиёт ва макроиқтисодиёт бўлимларидан иборат дарслик туздилар. Шундай қилиб, макроиқтисодиёт – иқтисодий назарий бўлими. Ғарб олимлари унга иқтисодий тизимнинг қандай вазифаси амал қилаётганини аниқлашдан иборат бўлган сиёсий иқтисод тармоғи деб таъриф бердилар¹. Макроиқтисодиёт миллий иқтисодиётнинг шарти ва омилларини, унинг ривожланиш натижаларини ўрганеди. Унинг объектлари орасида қуйидагилар бор: бойлик, миллий даромад, иқтисодий ўсиш суръатлари ва омиллари, ижтимоий ишлаб чиқариш тузилмаси нисбатлари ва бошқалар.

Макроиқтисодиётни ўрганишда биринчи муаммо сифатида ижтимоий такрор ишлаб чиқаришни кўриб чиқиш лозим. Бу халқ хўжалигига фақат корхоналар, уй хўжаликлари, тармоқлар, соҳалар, комплекслар мажмуи сифатида эмас, балки ўзидан-ўзи кўпаювчи тизим сифатида қараш имконини беради. Бинобарин, ушбу тизим таркибий қисмлари, унсурларининг ўзаро таъсири ва алоқаси иқтисодий жараёнлар узлуксиз янгилалиши ва такрорланишига имконият яратади. Демак, “такрор ишлаб чиқариш” тушунчаси ҳар қандай ишлаб чиқариш жараёни айна вақтда такрор ишлаб чиқариш жараёни ҳам эканлигини, жамият истеъмол қилишни тўхтата олмаслигини, шу боисдан у ишлаб чиқаришни ҳам тўхтатиши мумкин эмаслигини англатади.

Меҳнатнинг ижтимоий тақсимотига ва ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий эркинлигига асосланган бозор хўжалик юритиш тизимида ишлаб чиқариш барча товарлар сотилган, барча ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол предметлари харажатлари қопланган ҳолдагина мумкиндир. Ушбу шартлар муайян халқ хўжалиги нисбатларига риоя қилишни назарда тутди.

Бундай хулосага биринчи бўлиб француз иқтисодчиси, макроиқтисодий таҳлил асосчиси Франсуа Кенэ (1644–1774) келди. Унинг “Иқтисодий жадвал” асари ва “Дон”, “Фермерлар” мақолалари иқтисодий тадқиқотларнинг мазкур йўналишига асос солди.

¹ Видяпин В.И. Общая экономическая назария. – М.: Промомедиа, 1995, 350-б.

Ф.Кенэ таклиф қилган такрор ишлаб чиқариш модели унинг синфлар назарияси билан чамбарчас боғлиқ. Унинг фикрича, миллат уч синфдан: ишлаб чиқарувчилар, мулкдорлар ва ер эгалари (ҳеч нарса яратмайдиган синф)дан ташкил топади. Биринчи синф – ишлаб чиқарувчилар (фермерлар) соф маҳсулот яратади. У капиталистлар – фермерлар ва заминдор-ишчиларни ажратмайди, балки уларни бир ишлаб чиқарувчилар синфига бирлаштиради.

Иккинчи синф – мулкдорлар (кирол, сеньорлар, черков ва х.к.) соф маҳсулотни ўзлаштиради. Ишлаб чиқарувчилар синфи мулкдорлардан ерни ижарага олади ва уларга ижара ҳақи тўлайди.

Учинчиси – унумсиз синф, яъни ҳунарманд, ишчи ва савдо ходимлари соф маҳсулот яратмайди ва уни ўзлаштирамайди. Улар фақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотини бошқа натурал шаклга солади.


Ф.Кенэ биринчи марта асосий ва ишлаб чиқариш даромадлари масаласини кўтарди. Унинг такрор ишлаб чиқариш назарияси бутун жамият миқёсидаги ишлаб чиқариш жараёнларини тадқиқ қилишга биринчи уриниш бўлди. Такрор ишлаб чиқариш жараёни – уч жараён: жами ижтимоий маҳсулот (ялпи миллий маҳсулот) ишлаб чиқариш, ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари бирлигидир. Жами ижтимоий маҳсулот – ялпи миллий маҳсулот ишлаб чиқаришнинг узлуксиз давом этиши ва ривожланишининг моддий негизи ҳисобланади.

Такрор ишлаб чиқариш тўрт босқичдан иборат: ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш, истеъмол қилиш. Машинали техника ва илғор технологиялар асосланган кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жамият тараққиётининг шарти ҳисобланади. Соф маҳсулот кенгайтириш манбаидир. Бутун ижтимоий такрор ишлаб чиқариш ишлаб чиқариш тузилмаси ва ижтимоий эҳтиёжлар тузилмасининг ўзаро нисбатини, яъни муайян даражада мутаносиблигини назарда тутати.

Ҳозирги замон ғарб иқтисодий адабиётларида жамият миқёсидаги узлуксизлик маҳсулотлар ва даромадларнинг иқтисодий муомаласи моделида кўриб чиқилади (8.1.1-расм).

Иқтисодий муомаланинг асосий бунёдкор бўғинини жамиятга керакли маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва хизматлар кўрсатувчи корхоналар (фирмалар) ташкил этади. Корхоналар маҳсулотга талабни вужудга келтирадиган харидор ва ресурсларни сотувчилар билан узвий алоқада иш олиб боради. Бу алоқалар ишлаб чиқариш маҳсулотлари сотиладиган истеъмол бозорида ва ишлаб чиқариш омиллари харид қилинадиган ресурслар бозорида олди-сотди йўли билан амалга оширилади. Бу алоқаларнинг муттасил давом этиши ва такрорланиши ижтимоий ишлаб чиқаришнинг мезони ҳисобланади.

Бозор иқтисодиётида бозорга асосланган алоқалар амал қилади. Бу иқтисодий муомаладаги барча неъматлар икки шаклда: натурал-моддий ва пул шаклида мавжуд бўлишини англатади.



8.1.1-расм. Иқтисодий айланиш модели

Уй хўжаликлари неъматлар иқтисодий муомаласининг илк нуқтаси ҳисобланади. Улар озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа неъматларга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун ер, меҳнат, капитал, тадбиркорлик қобилиятини ишлаб чиқариш ресурслари сифатида таклиф қилади. Аммо уй хўжаликлари иқтисодий муомаланинг пировард маҳсулоти ва пировард мақсади ҳамдир. Зеро, ишлаб чиқариш истеъмолни таъминлаш учун амалга

оширилади. Шундай қилиб, истеъмол мақсадига ресурсларни сотиш, улардан ишлаб чиқаришда фойдаланиш, моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва уларни сотиш орқали эришилади. Уй хўжаликлари давлатга тўғри солиқлар тўлайди, давлатдан эса меҳнат ҳақи, маош, трансфер тўловлари (давлат тўловлари, пенсиялар, стипендиялар, дотациялар) олади.

Корхоналар (фирмалар) давлатга тўғри ва эгри солиқлар тўлайди, давлатдан эса субсидиялар, солиқ имтиёзлари, мукофотлар, имтиёзли кредитлар тарзида трансферт тўловлари олади. Ушбу модель ёпиқ миллий иқтисодиётдаги иқтисодий муомалани тавсифлайди.

Яна бир хўжалик юритувчи субъект – хорижнинг қўшилиши очик миллий иқтисодиёт муомаласини мураккаблаштиради. Ушбу жараёнларнинг муттасил такрорланиши ва давом этиши ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг мазмунини ташкил этади.

8.2. ЯИМни ҳисоблаш усуларини такомиллаштириш орқали макроиқтисодий муаммоларни таҳлил қилиш

ЯИМ – бу иқтисодий манфаатдорлиги маълум бир ҳудудга қаратилган, мамлакат резидентлари томонидан муайян даврда (ой, чорак, йил), пировард истеъмол учун ишлаб чиқарилган барча товар ва хизматларнинг бозор нархларидаги қийматини ифодаловчи кўрсаткичдир. Унинг мазмуни истеъмол қиймати нуқтаи-назаридан қараганда – якуний товар ва хизматларнинг жамини, қиймат жиҳатидан эса, қайта яратилган қиймат ҳамда асосий фондлар амортизациясини ифодалайди.

ЯИМнинг такрор ишлаб чиқариш босқичлари бўйича ҳаракати ушбу кўрсаткични ҳисоблашнинг учта усулидан фойдаланишни тақозо қилади:

1. Қўшилган қийматлар (ишлаб чиқариш) усули.
2. Харажатлар (пировард истеъмол) усули.
3. Даромадлар (тақсимлаш) усули.

Бу учала усулни қўллаш ЯИМ ҳаракатининг барча фазаларини (даврларини) комплекс тадқиқ қилишга, даромадлардан фойдаланиш ҳамда уларни шакллантириш жараёнларини ўрганишга ёрдам беради.

ЯИМ ни қўшилган қийматлар усули бўйича ҳисоблаш - иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларидаги қўшилган қийматлар ҳамда маҳсулотларга соф солиқларни жамлаштириш йўли билан амалга оширилади.

Бу ерда тармоқлардаги қўшилган қиймат – товар ва хизматларни ялпи ишлаб чиқариш ҳамда оралиқ истеъмол ўртасидаги фарқдан келиб чиқади.

Қўшилган қиймат концепцияси маҳсулотнинг турли тармоқларда яратилган қийматини шу маҳсулот турини ишлаб чиқарган корхоналарда такрор ҳисобга олмасликка асосланган. Ушбу усул билан ҳисобланган ЯИМ ҳажми яхлит иқтисодиётнинг таркибига кирувчи алоҳида тармоқларнинг шу маҳсулотни яратишдаги ўрни ва ҳиссасини аниқлашга ёрдам беради.

ЯИМ реал ҳажмининг ўсиши миллий иқтисодиётнинг ривожланишини умумлаштирган ҳолда акс эттирувчи, аҳолининг ўсиб ва ўзгариб бораётган эҳтиёжларини, турмуш сифатини яхшилаш қобилиятини ифодаловчи муҳим макроиқтисодий кўрсаткич ҳисобланади. Шунинг учун иқтисодий ўсишни унинг мезонлари бўйича турларга ажратиб ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда иқтисодий ўсиш мезонларини аниқлаш бўйича қатор тадбирлар ишлаб чиқилди⁴³. Унга кўра, иқтисодий ўсишни унинг мезонлари бўйича қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

1. Секинлашган иқтисодий ўсиш (2 фоиздан паст);
2. Мўътадил иқтисодий ўсиш (2 фоиз – 4 фоиз);
3. Ўртача иқтисодий ўсиш (4 фоиз – 6 фоиз);
4. Барқарор иқтисодий ўсиш (6 фоиздан юқори).

Ҳозирги кунда ЯИМни қўшилган қийматлар усули бўйича ҳисоблаш жараёни корхона ва ташкилотлар томонидан тақдим қилинган расмий маълумот ҳамда турли хилдаги мажбурий ҳисоботлар асосида амалга

⁴³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш чоралари тўғрисида”ги 2011 йил 7 январдаги №ПП-1464 сонли қарори.

оширилмоқда. ЯИМнинг бу усулини танлаш мавжуд инфор­мацион базанинг хусусиятлари ва унинг ишончилиги билан боғланган. Бироқ, илмий кузатишларимиз шуни кўрсатдики, ушбу усул ҳисоб-китоб ишларида муайян камчиликларга эга.

Биринчидан, хизмат кўрсатиш соҳаларининг ахборот таъминоти яхши йўлга қўйилмаган. Натижада бу соҳанинг улуши якуний макроиктисодий кўрсаткичларда ўз ифодасини тўлиқ топмаяпти.

Иккинчидан, хизмат кўрсатиш соҳасини ифодалаб берувчи турли хил ҳисобот шакллари талаб даражасида ишлаб чиқилмаган, бу эса уларнинг фаолиятини тўлалигича ўрганиш имкониятини бермаяпти.

Бугунги кунда республика­мизда айирбошлаш жараёнида бевосита иштирок этадиган ва ўз таннархини тўла қоплайдиган бозор хизматларидан фарқли ўлароқ нобозор хизматларининг қиймати ишлаб чиқариш харажатлари ва асосий воситаларнинг эскириши ҳажмида ҳисобланади. Бунинг натижасида эса нобозор хизматларини кўрсатувчи иқтисодиёт субъектларининг қўшимча маҳсулоти сотилмаган бўлиб қолади. Бир қатор нобозор хизматларини кўрсатувчи соҳалар кўрсатган хизматларининг қиймати тўғри ҳисобланмаслиги эвазига мамлакатда яратилаётган ЯИМ ҳажмини бузиб кўрсатади.

Фикримизча, ЯИМ ҳажмини қўшилган қийматлар усули бўйича ҳисоблаш жараёнида нобозор хизматларининг ҳажмини худди бозор хизматлари ҳажмини ҳисоблагандек ёндашишимиз зарур. Фойда миқдорини эса худди шу тур хизматлар кўрсатилаётган соҳаларда олинаётган фойда билан шартли равишда тенг деб олиш керак.

Бундан ташқари, ҳозирги кунда мутахассислар орасида мунозарали бўлган битта жиҳатни айтиб ўтишимиз зарур. Бир қатор хизматлар ўзларининг харажатларини қопламайди. Масалан, уй-жой хўжаликларининг хизматларини оладиган бўлсак, турар жой фондининг харажатларини шу турар жойлардан келадиган ижара ва бошқа тўловлар тўлиқ қопламайди. Шунинг учун ушбу соҳаларда яратилаётган хизматлар қиймати ЯИМ

миқдорининг сунъий камайтирилиб кўрсатилишининг олдини олиш учун турар жой ижара ҳақи ва бошқа тўловларни ҳақиқий харажатлар миқдорида белгилаш зарур.

Мамлакатимизда охириги йилларда норасмий фаолият (оилавий бизнес, магазинлар, ёрдамчи хўжалик, якка тартибдаги меҳнат фаолияти кабилар) соҳаси ҳам сезиларли даражада кенгайди. Иқтисодиётнинг норасмий сектори товар ва хизматларни ишлаб чиқариш бўйича очиқ фаолият юритувчи сектор ҳисобланади, лекин улар мунтазам равишда тегишли статистик ҳисоботларни топширмаслиги сабабли ушбу фаолият натижаларини ҳисобга олиш имконияти чекланган. Бу эса ЯИМ ҳажми ва унинг динамикасини аниқ баҳолаш имкониятини бермайди, бунинг оқибатида эса ҳуфёна ва норасмий иқтисодий фаолият натижалари якуний макроиқтисодий кўрсаткичларда ўзифодасини топмайди.

Фикримизча, норасмий фаолият юритувчи иқтисодиёт субъектларининг ишлаб чиқариш натижаларини танлама услубни янада такомиллаштириш орқали ҳисобга олиш зарур.

ЯИМ ҳажмини қўшилган қийматлар усули бўйича ҳисоблаш жараёнида кўпчилик иқтисодчилар ишлаб чиқариш соҳасига уй бекаларининг кўрсатадиган уй юмуш хизматларини ҳам киритишни таклиф қилишади. Булар – кир ювиш, овқат тайёрлаш, уй-жой ҳамда уй жиҳозларини тоза ҳолда тутиш, бола тарбияси ва шу каби хизматлардир. Уларнинг фикрича бундай хизмат турларини шартли равишда бозор баҳоларида ҳисобга олиш керак ва уларнинг қийматини ҳам ЯИМ таркибига киритиш зарурдир. Акс ҳолда мамлакатда яратилган ЯИМ ҳажми сунъий равишда камайтирилиб кўрсатилади.⁴⁴

Фикримизча, уй бекаларининг бундай хизматларини ЯИМ ҳажмини ҳисоблаганда эътиборга олмаслик керак. Чунки улар жуда катта ҳажмда кўрсатиладиган нобозор (пулсиз) хизматлар бўлиб, шартли равишда пулда ўлчанадиган бўлса, бозор иқтисодиётининг натижавий кўрсаткичларига

⁴⁴ К.Р.Макконелл, С.Л.Брю «Экономикс» 14-е издание, учебник. -М.: Инфра 2002. стр. 151.

путур етказди, яъни уларнинг таркибида шартли равишда пулда ўлчанадиган нобозор хизматлар салмоғи хаддан ташқари ошиб кетади. Бу эса, ЯИМ ҳажмининг сунъий равишда ошириб кўрсатилишига олиб келади.

ЯИМни харажатлар усули бўйича ҳисоблаганда унинг таркиби тўғрисидаги маълумотлар пировард истеъмол талабини қондириш ва мамлакат миллий бойлигининг ўсиши учун истеъмол қилинган товар ва хизматлар қийматининг улушини аниқлаш, ЯИМнинг пировард истеъмол йўналишлари бўйича мутаносибликларни таҳлил қилиш имконини беради.

Иқтисодиёт барча субъектларининг пировард истеъмол учун харажатлари, ялпи жамғарма ва соф экспортнинг турли хил унсурларидан ташкил топади. Ушбу унсурларни 8.1.1-жадвалда кўришимиз мумкин.

8.1.1 - жадвал

Пировард истеъмол харажатлари, ялпи жамғарма ва соф экспортнинг асосий унсурлари⁴⁵

I. Пировард истеъмол харажатлари
1. Уй хўжаликларининг шахсий истеъмол учун харажатлари.
2. Уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотларининг аҳолининг шахсий истеъмолини қондириш учун қиладиган харажатлари.
3. Давлат муассасаларининг аҳолининг шахсий истеъмолини қондириш учун қиладиган харажатлари.
4. Давлат муассасаларининг аҳолининг жамоавий истеъмолини қондириш учун қиладиган харажатлари.
II. Ялпи жамғарма
1. Асосий капитал ялпи жамғармаси.
2. Моддий айланма маблағлар захираларининг ўзгариши.
<i>а) Захиралар (йил бошига) (плюс)</i>
<i>б) Захиралар (йил охирига) (минус)</i>
3. Соф харид қилинган қимматбаҳо буюмлар.
<i>а) Харид қилинган қимматбаҳо буюмлар (плюс)</i>
<i>б) Сотилган қимматбаҳо буюмлар (минус)</i>
III. Товар ва хизматларнинг соф экспорти
1. Товар ва хизматларнинг экспорти (плюс)
2. Товар ва хизматларнинг импорти (минус)
ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ

⁴⁵ Муаллиф ишланмаси

8.1.1-жадвалдан кўринадика, пировард истеъмол харажатларининг таркиби иккита қисмга, яъни шахсий ва жамоа истеъмоли харажатларига бўлинади.

ЯИМни харажатлар усули бўйича ҳисоблаганда – уй хўжаликлари, давлат ва уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи нотижорат (ижтимоий) ташкилотларининг пировард истеъмол учун қилган барча харажатлари умумлаштирилади. Бундан ташқари ялпи жамғарма, товар ва хизматларнинг экспорт - импорти қолдиғи ҳам ҳисобга олинади, яъни:

$$\text{ЯИМ} = \sum \text{ПИ} + \text{ЯЖ} + \text{ЭИҚ} \quad (1)^{46}$$

Бу ерда: ПИ – пировард истеъмол; ЯЖ – ялпи жамғарма; ЭИҚ – товар ва хизматларнинг экспорт - импорти қолдиғи.

Уй хўжаликларининг пировард истеъмол учун харажатлари бу – уларнинг ўз истеъмоли учун бозорда турли хил товар ва хизматлар сотиб олишга, турар жой учун ҳар хил тўловларга қилинган харажатларни ўз ичига олади.

Уй хўжаликларининг пировард истеъмолини учта гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Узоқ муддатгача истеъмол қилинадиган буюмлар (автомобиль, мебель, маданий - маиший товарлар ва ҳоказолар);
2. Қисқа муддатли истеъмол қилинадиган буюмлар (озик-овқат, кийим - кечак, кундалик ҳаётдаги хўжалик буюмлари ва ҳоказолар);
3. Ҳар хил хизматлар (транспорт, алоқа, тиббий хизмат ва ҳоказолар).

Мамлакатда уй хўжаликларининг пировард истеъмол харажатлари даражасидан келиб чиққан ҳолда ўша мамлакатнинг ривожланганлик даражасига ҳам баҳо бериш мумкин. Айниқса, пировард истеъмол харажатлари таркибидаги нисбатдан аҳолининг турмуш фаровонлигини билиш мушкул эмас. (8.1.2-жадвал)

⁴⁶ Қ.Қ.Мамбетжанов Ялпи ички маҳсулотни харажатлар бўйича ҳисоблаш усулини такомиллаштириш йўллари. –Т.: “Иқтисод-молия” 2017 й. №9. 8-бет.

ЯИМнинг пировард истеъмол йўналишлари бўйича таркиби⁴⁷

	1991й.	1995й.	2000й.	2005й.	2010й.	2016й.
ЯИМ – жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Пировард истеъмол харажатлари	77,0	72,9	80,6	64,3	64,8	74,4
уй хўжаликлари	54,9	50,1	60,9	47,4	47,9	57,5
давлат бошқаруви органлари	20,7	22,3	18,7	15,9	15,8	16,1
УХХКНТ	1,4	0,5	1,0	1,0	1,1	0,8
Ялпи жамғарилиш	26,8	24,2	19,6	28,0	26,6	24,9
асосий капиталнинг ялпи жамғарилиш	25,1	33,0	24,0	22,0	27,3	27,8
моддий айланма воситалари захирасининг ўзгариши	1,7	-8,8	-4,4	6,0	-0,7	-2,9
Товар ва хизматлар экспорт-импорти салдоси	-3,8	2,9	-0,2	7,7	8,6	0,7
Экспорт	35,3	31,6	26,5	37,9	33,1	18,8
Импорт	39,1	28,7	26,7	30,2	24,5	18,1

8.1.2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, пировард истеъмол харажатларидаги асосий улуш уй хўжаликлари хиссасига тўғри келади ва уларнинг салмоғи 1991 – 2016 йилларда 44 фоиздан 63 фоизгачани ташкил этди.

Кузатилаётган даврда ЯИМ таркибида давлат муассасаларининг пировард истеъмолга қилган харажатлари улуши сезиларли даражада ўзгариб турди ва 1991 йилдаги 20,7 фоиздан 2016 йилда 16,1 фоизга камайиш тенденциясига эга бўлди.

Нотижорат ташкилотлари томонидан уй хўжаликларига кўрсатилган нобозор хизматларининг ЯИМдаги улуши ўртача 1,1 фоизни ташкил этади.

Ялпи жамғарилиш асосий фондлар ва моддий айланма воситалари ўсишини ифодалайди. 1991-2016 йилларда ялпи жамғарилишнинг улуши барқарор ривожланиш тенденциясига эга бўлиб, ЯИМнинг ўртача 25 фоизини ташкил қилди. Ялпи жамғарилишнинг асосий улушини асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши ташкил қилиб, иқтисодиётда инвестицион фаолликни ифодалайди. Мазкур кўрсаткичнинг улуши 1991 йилдаги 25,1 фоиздан 2016 йилда 27,8 фоизгача ўсди.

⁴⁷ <http://stat.uz/press-sluzhba/novosti-gks/1451-makroiqtisodiy-ko-rsatkichlari-tahlili>

Кузатилаётган давр мобайнида това ва хизматлар соф экспортининг ЯИМдаги улуши ўртача 2 фоизни ташкил қилди (экспорт 30,5 фоиз, импорт 28,5 фоиз)⁴⁸.

Уй хўжаликларининг харажатларини белгилашда уларнинг пировард истеъмолига кирмайдиган харажатларни ҳам кўрсатиб ўтиш керак. Бу харажатларга қуйидагилар киради:

1. Аҳолининг хизмат сафари харажатлари билан боғлиқ бўлган товар ва хизматларни қўлга киритиши;

2. Уй хўжалиги фондини таъмирлаш учун керак бўлган материалларни қўлга киритган шахсий квартира ва уй жой эгаларининг жорий ремонт учун қиладиган харажатлари;

3. Аҳолига ишлаб чиқариш характериға эга бўлган иш ва хизматлари учун тўловлар, буларға, ветеринария хизматлари, хўжалик қурилишларини суғурта қилиш хизматлари ва бошқалар киради;

4. Лотерея ютуқлари;

5. Паспорт олиш учун тўловлар;

6. Туғилганлик ҳақида гувоҳнома, никоҳ, жарима, ҳайдовчилик гувоҳномаси, овчилик лицензияларини ва бошқаларни олиш учун тўловлар.

Ҳозирги кунда аҳолининг истеъмол ҳажмиға улар қўлга киритган узоқ муддат истеъмол қилинадиган барча буюмларнинг қиймати киритилган.

Истеъмол ҳажмиға узоқ муддат истеъмол қилинадиган буюмлар қийматининг барчасини эмас, балки уларнинг маълум қисмини, яъни шу йилда истеъмол қилинадиган қисмини киритиш мақсадға мувофиқ бўларди. Истеъмол ҳажмини белгилашнинг бундай усули шахсий уй - жой эскиришини белгилашда татбиқ қилинади. Истеъмол характери нуқтаи - назаридан қараганда, уй-жойнинг истеъмол қилиниши, узоқ муддат истеъмол қилинадиган товарларнинг истеъмол қилинишидан фарқ қилмайди. Шунинг учун ҳам бу усулни қўллаш асослидир. Истеъмол таркибида узоқ муддат фойдаланиладиган товарларнинг фақат йиллик амортизациясини ҳисобға

⁴⁸ <http://stat.uz/press-sluzhba/novosti-gks/1451-makroiqtisodiy-ko-rsatkichlari-tahlili>

оладиган бўлсак, аҳолининг якуний истеъмол ҳажми камаяди ва жамғарма қисми ошади.

Уй хўжалиқларига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотларининг аҳолининг шахсий истеъмол учун қиладиган харажатлари турли хилдаги нобозор хизматларнинг қийматини ўз ичига олади. Бу хизматларни кўрсатувчи ташкилотларга – касаба уюшмалари, ҳар хил фондлар, ихтиёрий жамиятлар, сиёсий партиялар ва бошқалар киради.

Уй хўжалиқларига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотларининг пировард истеъмолга қилган харажатлари уй хўжалиқларига бепул тақдим этилган истеъмол товарлари ва хизматларига қилинган харажатлардан иборат. Шунингдек, бу харажатларга ўз ишчиларига бепул хизматлар кўрсатиш учун корхона ва ташкилотлар томонидан молиялаштириладиган таълим, соғлиқни сақлаш, маданият муассасалари харажатлари ҳам киради.

Ушбу кўрсаткични ҳисоблашда ЯИМнинг ишлаб чиқариш усулидаги ҳисобларидан олинган ижтимоий-маданий соҳа объектларини сақлаб туришга қилинган харажатлар ҳажми бўйича маълумотлардан фойдаланилади. Уй хўжалиқларига нодавлат-нотижорат ташкилотлари томонидан тақдим этиладиган товарлар ва хизматлар ҳажми нотижорат ташкилотларининг давлат статистика ҳисоботлари асосида аниқланади.

Давлат муассасаларининг пировард истеъмол учун қиладиган харажатлари аҳолининг ҳам шахсий, ҳам жамоа истеъмолини қондириш мақсадида амалга оширилади.

Давлат бошқаруви органларининг пировард истеъмол харажатлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) нобозор хизматлар ишлаб чиқариш, яъни бу - давлат корхоналарининг умумий ишлаб чиқариш ҳажми ва истеъмолчилар томонидан давлат муассасалари хизматлари қийматини қисман қоплашдан тушган тушумлар орасидаги фарқ сифатида аниқланади;

б) уй хўжаликларига бепул ёки иқтисодий аҳамиятга эга бўлмаган нархларда бериш учун бозор ишлаб чиқарувчиларидан сотиб олинган истеъмол товарлари ва хизматлари қиймати;

в) уй хўжаликларининг товар ва хизматларни сотиб олишга қилган харажатларини қоплаб бериш.

Давлат бошқаруви органларининг пировард истеъмолга қилган харажатлари икки асосий гуруҳга бўлинади:

а) якка тартибдаги товарлар ва хизматларга кетган харажатлар;

б) жамоа хизматларига кетган харажатлар.

Якка тартибдаги товарлар ва хизматларга қилинган харажатлар якка тартибдаги истеъмол учун мўлжалланган ва давлат бюджети, бюджетдан ташқари фондлар томонидан молиялаштирилган давлат муассасаларининг истеъмол товарлари ва хизматларига (соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий таъминот, маданият ва спорт муассасалари томонидан кўрсатиладиган нобозор хизматлар) қилган харажатларидан ташкил топади.

Жамоа эҳтиёжларни қондирувчи давлат муассасаларининг якуний истеъмолга қилган харажатлари корхона ва ташкилотлар томонидан кўрсатилувчи, давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилувчи хизматларни ўз ичига олади. Бу хизматлар фақат алоҳида уй хўжаликларининг эҳтиёжларини эмас, балки бутун жамият ёки аҳолининг айрим гуруҳлари эҳтиёжларини ҳам қондиради (мудофаа, умумий давлат бошқаруви, шоссе хўжалиги, шунингдек илм-фан, аҳоли пунктларини ободонлаштиришга қилинган харажатлар ва бошқалар).

Давлат бошқаруви органларининг харажатларини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг давлат бюджетининг ижроси ҳақидаги ҳисобот маълумотлари асосида амалга оширилади.

Давлат муассасалари ва уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотларининг пировард истеъмол учун харажатлари қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\text{ПИ}_{\text{д.ит}} = \text{ЖХ} + \text{П} + \text{Т} + \text{Қ} \quad (2)^{49}$$

Бу ерда: $\text{ПИ}_{\text{д.ит}}$ - Давлат муассасалари ва уй хўжаликлариغا хизмат кўрсатувчи ноижорат ташкилотларининг пировард истеъмол учун харажатлари; ЖХ – бино иншоотлар учун жорий харажатлар ва асосий капитал истеъмоли; П – айрим турдаги товар ёки хизматларни сотишдан тушган пул маблағлари; Т – уй хўжаликлариغا бепул ёки имтиёзли нархларда тақдим қилиш мақсадида бозор нархларида харид қилинган истеъмол товар ва хизматлари қиймати; Қ – давлат ижтимоий суғурта фонди ҳисобидан уй хўжаликларининг айрим турдаги товар ва хизматларни харид қилишлари учун қилинадиган харажатларни қоплаш қиймати (масалан, ногиронларга бепул ёки арзон нархларда бериладиган автомобиль, бензин ва ҳ.к.).

Миллий ҳисоблар тизими (МХТ)нинг халқаро андозаларида яратилган товар ва хизматларни ҳақиқатда ким истеъмол қилиши ҳамда булар учун тўловни иқтисодиётнинг қайси сектори амалга оширишини аниқлаш мақсадида “Ҳақиқий пировард истеъмол” тушунчаси киритилган.

Уй хўжаликларининг “Ҳақиқий пировард истеъмол” ҳажми ушбу сектор ва уларга хизмат кўрсатувчи ноижорат ташкилотлари ҳамда давлат муассасалари томонидан аҳолининг шахсий истеъмолини қондириш мақсадида қилган барча харажатларини умумлаштириш орқали аниқланади. МХТда уй хўжаликлариغا хизмат кўрсатувчи ноижорат ташкилотларининг “Ҳақиқий пировард истеъмол” ҳажми ҳисоб-китоб қилинмайди, чунки улар томонидан қилинган барча харажатлар аҳолининг жамоа истеъмолини эмас балки, шахсий истеъмолни қондиришга хизмат қилади. Давлат бошқарув органларининг пировард истеъмол учун харажатлари эса аҳолининг ҳам шахсий, ҳам жамоа истеъмолини қондиради. Шу сабабли давлат бошқарув органларининг “Ҳақиқий пировард истеъмол” ҳажми аҳолининг жамоа истеъмолини қондиришга кетган харажатлар миқдорига тенг бўлади.

⁴⁹Қ.Қ.Мамбетжанов Ялпи ички маҳсулотни харажатлар бўйича ҳисоблаш усулини такомиллаштириш йўллари. –Т.: Иқтисод-молия 2017 й. №9. 11-бет.

Пировард истеъмол харажатларининг “Ҳақиқий пировард истеъмол”га айланиш жараёнини 8.1.3-жадвалда кўришимиз мумкин.

8.1.3-жадвал

Пировард истеъмол харажатларининг “Ҳақиқий пировард истеъмол”га айланиши⁵⁰

Секторлар	Пировард истеъмол харажатлари	Ҳақиқий пировард истеъмол
<i>Уй хўжаликлари</i>	Уй хўжаликларининг шахсий истеъмол харажатлари	<i>Ҳақиқий шахсий истеъмол</i> <i>Тенг:</i> Уй хўжаликларининг шахсий истеъмол харажатлари; <i>Плюс,</i> уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотларининг аҳолининг шахсий истеъмолини қондириш учун қиладиган харажатлари; <i>Плюс,</i> давлат бошқарув органларининг аҳолининг шахсий истеъмолини қондириш учун қиладиган харажатлари
<i>Уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотлари</i>	Уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотларининг аҳолининг шахсий истеъмолини қондириш учун қиладиган харажатлари	Мавжуд эмас
<i>Давлат бошқарув органлари</i>	Давлат бошқарув органларининг аҳолининг шахсий истеъмолини қондириш учун қиладиган харажатлари Давлат бошқарув органларининг аҳолининг жамоа истеъмолини қондириш учун қиладиган харажатлари	<i>Ҳақиқий жамоа истеъмоли</i> <i>Тенг:</i> Давлат бошқарув органларининг аҳолининг жамоа истеъмолини қондириш учун қиладиган харажатлари

8.1.3-жадвалдан шундай хулосага келиш мумкинки, ЯИМни харажатлар усули бўйича ҳисоблаганда нафақат муайян бир секторнинг пировард истеъмол учун қилган харажатларига, балки бошқа секторларнинг ҳақиқий истеъмол ҳажмига ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарур.

ЯИМ ни харажатларга асосланиб ҳисобланаётганда унинг таркибига унумсиз харажатлар кўшилмайди. Бундай харажатларга қуйидагилар кирази:

⁵⁰ Қ.Қ.Мамбетжанов Ялпи ички маҳсулотни харажатлар бўйича ҳисоблаш усулини такомиллаштириш йўллари. –Т.: Иқтисод-молия 2017 й. №9. 10-бет.

1. Давлатнинг трансферт тўловлари (қариялар ва ногиронларга тўловлар, талабалар степендиялари, қайтарилмаслик шарти билан берилган қарзлар ва шу кабилар);

2. Хусусий трансферт тўловлари (масалан, талабаларнинг ҳар ойда ўз уйларидан оладиган пуллари, бадавлат оилаларнинг турли хайриялари ва бошқалар);

3. Қимматли қоғозлар олди-сотдиси жараёнидаги харажатлар. Бу харажатлар гарчи ишлаб чиқаришга ўз таъсирини билвосита кўрсатса-да, махсулот қийматига қиймат кўшмайди;

4. Ишлатилган буюмлар.

ЯИМни харажатлар усули бўйича ҳисоблаганда иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларида ҳосил бўлган ялпи жамғарма кўрсаткичи ҳам ҳисобга олинади. Ялпи жамғарма асосий фондлар ялпи жамғармаси, моддий айланма воситалар захираларининг ўзгариши ва соф харид қилинган қимматбаҳо буюмлар қийматидан иборат.


Асосий фондлар ялпи жамғармаси ўз ичига барча турдаги бино-иншоот, асбоб-ускуна, техника-технологиялар, турар жой, мол-мулк ва ҳақозоларни олади. Булардан ташқари, ҳозирги кунда дастурий таъминотларни харид қилиш, фойдали қазилма бойликларни қидириш ва шу каби соҳалар учун қилинадиган харажатлар ҳам асосий фондлар ялпи жамғармаси таркибига киритилган.

Инвестицияларнинг энг асосий манбаларидан бири бўлиб ялпи жамғарма ҳисобланади. Шунини таъкидлаш лозимки, амалда жамғарма эгаси ва инвестор бир шахсда намоён бўлиши ва бўлмаслиги ҳам мумкин. Одатда, ялпи жамғарма жамиятдаги кўпчилик субъектлар томонидан амалга оширилиб, улардан инвестиция сифатида фойдаланиш эса бутунлай бошқа субъектлар томонидан амалга оширилиши мумкин.

Мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг охириги ўн йиллигида пировард истеъмол ва ялпи жамғарма даражасида сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Пировард истеъмол мамлакат иқтисодиёт субъектларининг

ялпи талабини билдирса, ялпи жамғарма эса инвестицион салоҳиятни белгилаб беради.

Ўзбекистон иқтисодиётида пировард истеъмол харажатлари ва ялпи жамғарма даражасидаги жадал ўсиш суръатлари айниқса, 2008 йилдан кейинги даврларга тўғри келади. (8.1.1-расм)



8.1.1-расм. 2001-2016 йилларда асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши ва пировард истеъмол харажатларининг ўзгариш динамикаси (2000 йил – 100 фоиз)⁵¹

2001–2016 йиллар мобайнида пировард истеъмол харажатларининг ўртача йиллик ўсиши 9,6фоиз ни ташкил қилди ва кузатилаётган давр мобайнида 4,3 баравардан кўпроққа ошди. Бу асосан уй хўжаликлари харажатларининг ошиши ҳисобига таъминланди. Шунингдек, давлат бошқарув органларининг яқка тартибдаги ва жамоа хизматлари учун реал харажатлари сезиларли даражада, 2,3 мартага ошди. Кузатилаётган давр мобайнида жамоат ташкилотлари (диний, хайрия ва ҳ.к.) фаолиятининг

⁵¹ <http://stat.uz/press-sluzhba/novosti-gks/1451-makroiqtisodiy-ko-rsatkichlari-tahlili>

фаоллашиши ва кенгайиши уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотлари реал харажатларининг 2,3 мартага ўсишига имкон берди.

Мамлакатда инвестицион фаолият ривожланишининг ижобий кўрсаткичлари асосий капитал ялпи жамғарилишида маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳамда ўзлаштириш ҳисобига ўсиб бораётганлигидан далолат беради. Сўнгги йилларда (2001–2016 йиллар) асосий капиталнинг жамғарилиш меъёри ЯИМнинг 25 фоизини ташкил этди, бу эса дунёнинг ривожланган ва жадал ривожланаётган мамлакатлари кўрсаткичларига мос келади.

2001–2016 йиллар давомида асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши 5,4 баробардан кўпроққа ортди, ўртача йиллик ўсиш суръати эса 11,5 фоиз ташкил этди, бу эса кузатилаётган даврдаги ЯИМ нинг ўртача йиллик ўсиш суръати (7,3 фоиз) дан кўпроқни ташкил этади⁵².

Асосий фондлар ялпи жамғармаси мамлакатда яратилаётган ЯИМ ҳажмига жуда катта таъсир қиладиган омиллардан саналади. Айниқса, илмий-тадқиқотлар учун харажатларни ЯИМ таркибида янгича талқин қилиш мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини намоён қилишда, унинг макроиқтисодий кўрсаткичларини халқаро таққослашда ҳамда жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини оширишда муҳим роль ўйнайди.

Илмий-тадқиқот билан боғлиқ бўлган фаолият – бу инсоният ва жамият ривожланишида турли хилдаги ихтироларни яратиш ҳамда уларни ҳаётга татбиқ этиш билан боғлиқ бўлган, мунтазам равишда билим, кўникма ва малакани ошириб боришга қаратилган илмий-ижодий фаолиятдир. Илмий-тадқиқот фаолияти натижаларининг ҳажми бозор ва нобозор ишлаб чиқарувчилари томонидан муайян субъектларнинг буюртмалари ёки ўз ташаббусларига асосан олиб бориладиган тадқиқот ишларини ўз ичига олади.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз статистика амалиётида илмий-тадқиқот фаолияти натижаларининг ҳажми, яъни шу соҳага қилинган харажатлар

⁵² <http://stat.uz/press-sluzhba/novosti-gks/1451-makroiqtisodiy-ko-rsatkichlari-tahlili>

оралиқ истеъмол сифатида ҳисобга олинади. Бу эса, ўз навбатида, ЯИМ таркибида ушбу харажатларнинг ҳисобга олинмаслигига сабаб бўлади. Натижада пировард истеъмол бўйича ЯИМ ҳажми паст даражада намоён бўлади. Ваҳоланки, илмий-тадқиқот ишларининг натижалари (билим, кўникма ва малака захиралари) келгусидаги иқтисодий тараққиётга замин яратади.

Фикримизча, илмий-тадқиқот фаолияти натижаларини, яъни шу соҳага қилинган сарф-харажатларни мамлакатимиз миллий ҳисоблар тизимида акс эттиришга бошқачароқ ёндашиш зарур. Ушбу соҳага қилинган харажатларни худди бино-иншоот, техника-технология, компьютер дастурлари ва шу кабиларга қилинган сарфлар сингари асосий капиталнинг ялпи жамғармаси сифатида ҳисобга олиш зарур. Чунки илмий-тадқиқот фаолияти натижаларидан ҳам ишлаб чиқариш жараёнида узоқ йиллар давомида бир неча бор фойдаланиш мумкин. Лекин айрим йўналишларда олиб борилаётган тадқиқотлар ҳам борки, улар ўз эгаси ёки бутун бир жамиятга маънавий томондан нафли бўлсада, иқтисодий фойда олиб келмайди. Улар учун қилинадиган харажатларни оралиқ истеъмол сифатида ҳисобга олишни давом қилдириш мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари, ҳарбий соҳадаги қурол-аслаҳа ва уларни етказиб берувчи воситалар учун қилинган харажатлар капитал жамғариш сифатида эмас, балки давлат бошқарув органларининг оралиқ истеъмоли шаклида ҳисобга олинади.

Фикримизча, агарда ҳарбий соҳадаги қурол-аслаҳа ва уларни етказиб берувчи воситалар бир йилдан ортиқ муддат хизмат қилишга мўлжалланган бўлса, у ҳолда уларга қилинган харажатларни асосий капитал ялпи жамғармаси сифатида ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу тавсияларнинг аҳамияти шундаки, пировард истеъмол бўйича ялпи ички маҳсулотни ҳисоблаш жараёнида ялпи жамғарма ҳажмининг ошиши ҳисобига ЯИМ миқдори ҳам сезиларли даражада ўсади. Бу эса

мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини янада ёрқинроқ намоён этишга ёрдам беради.

Мамлакат ичида чет элликлар сарфлари миллий ишлаб чиқариш даражасига боғлиқ. Шу сабабли ЯИМни харажатлар бўйича ҳисоблашда товар ва хизматларга чет элликларнинг сарфлари, яъни экспорт қиймати ҳам қўшилади. Бошқа томондан, истеъмол ва инвестицион сарфлар ҳамда давлат маблағларининг бир қисми импорт қилинган, яъни чет элда ишлаб чиқарилган товарларга сарфланади. Миллий ишлаб чиқариш умумий ҳажми асоссиз ошиб кетмаслиги учун импорт ҳажми ЯИМ таркибидан чиқарилади. Экспорт ва импорт миқдорлари ўртасидаги фарқ товар ва хизматларнинг соф экспорти ёки оддий қилиб соф экспорт дейилади. Соф экспорт ижобий ва салбий бўлиши мумкин. Агар экспорт импортдан ортиқ бўлса ижобий, импорт экспортдан ортиқ бўлса салбий бўлади.

Хорижий давлатларнинг келишув бўйича беғараз ёрдам кўрсатиш мақсадида товарлар киритиши ёки четга чиқариши - экспорт ва импортда ҳисобга олинмайди.

Буларга қуйидагилар киради:

1. Мамлакат ҳудуди орқали ўтадиган хорижий давлатлар транзити;
2. Кўргазмаларда намоёиш қилиш учун мамлакатга юборилган ёки мамлакатдан олиб чиқилган товарлар;
3. Тижорат ҳарактерига эга бўлмаган, четга олиб чиқиладиган ва четдан келтириладиган маҳсулотлар;
4. Шахсий истеъмол учун почта ва йўловчиларнинг юклари.

Хизматларнинг экспорт ва импорти моддий ва номоддий хизматларни ўз ичига олади.

Моддий хизматларга - транспорт хизмати, алоқа, омбор хўжалиги, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, ҳисоблаш техникаси хизматлари кабилар киради.

Номоддий хизматларга - тижорат хизматлари (молиявий воситачилик ва суғурта хизматлари, бинолар ижараси, машина, асбоб-ускуналар ва

транспортлар ижараси, ҳуқуқий хизматлар, реклама ва ҳақозолар), таълим соҳасидаги хизматлар, соғлиқни сақлаш, туризм хизматлари ва бошқалар киради.

Хизматларнинг экспорт ва импорти сальдоси – резидентларнинг хизматларни сотиш натижасида тушган тушум ва хорижий ҳамкорлардан шундай хизматларни сотиб олиш билан боғлиқ бўлган харажатлар ўртасидаги фарқ билан белгиланади.

Умуман хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизнинг ҳозирги, жадал ривожланаётган даврида миллий ҳисоблар тизимининг макроиктисодий кўрсаткичларини ҳисоблаш, айниқса ЯИМни харажатлар бўйича ҳисоблаш усулига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Чунки ушбу кўрсаткичнинг харажатлар усули бўйича тўғри ва тўлиқ ҳисоблашини мамлакатимизда ҳуфёна иқтисодий фаолиятнинг камайишига, давлат бюджетининг бажарилишида, аҳоли фаровонлигининг ошишига жуда катта ёрдам беради. Кўпгина микроиктисодий кўрсаткичлар ёрдамида корхоналар фаолиятига баҳо берилиб, улар фаолиятининг ривожланиш йўналишлари аниқланса, макроиктисодий кўрсаткичлар орқали бутун иқтисодиётнинг ҳолати, унинг ўсиши ёки орқага кетиши таҳлил қилиниб, хулоса чиқарилади.

ЯИМни ҳисоблашнинг кейинги усули бу – даромадлар усулидир. Ушбу усул бўйича мамлакат ЯИМни ҳисоблаганда – яхлит иқтисодиёт бўйича моддий бойлик яратиш, хизмат кўрсатиш соҳаларида банд бўлган уй хўжаликлари ва барча иқтисодий бирликлар олган даромадларининг жами ўз аксини топади.

БМТ нинг МҲТ методологияси бўйича ЯИМнинг асосий тақсимланган таркибий қисмлари бўлиб - иш ҳақи ва унинг бошқа турлари, ижтимоий суғуртага ажратмалар, иқтисодий бирликларнинг фойда ва бошқа даромадлари, ишлаб чиқариш ва маҳсулотларга соф солиқ ҳамда амортизация ажратмалари ҳисобланади.

Ёлланма ходимларнинг иш ҳақи қуйидаги иккита муҳим унсурдан ташкил топади:

1. Иш ҳақи;
2. Ижтимоий суғуртага ажратмалар.

Ходимларнинг иш ҳақи барча кўринишдаги ҳақ ва тўловларни, яъни турли хилдаги қўшимча тўловлар, мукофотлар, пул ва натура шаклдаги рағбатларни ўз ичига олади. Буларнинг ҳаммаси таннарх ёки корхона фойдаси ҳисобидан берилади. Иш ҳақи турли хилдаги солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тўланмасдан олдин ҳисобланади.

Ижтимоий суғуртага ажратмалар ходимларнинг келажакда нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлишлари учун амалга оширилади. Ижтимоий нафақалар давлат, суғурта ташкилотлари, давлат ва нодавлат нафақа фондлари томонидан берилади. Бундай нафақаларни бериш зарурати қуйидаги ҳолатлар билан боғлиқ бўлади:

1. Касаллиги туфайли даволанишга муҳтож бўлиш, фарзанд туғилиши, ногиронлик ёки қариллик;
2. Боқимандаларни таъминлаш зарурати;
3. Боқувчисини йўқотганларни қўллаб-қувватлаш;
4. Нафақага чиқиш, ишсизлик, касаллиги туфайли умуман ёки тўлиқ ишлай олмайдиганларни қўллаш;
5. Таълим учун тўловни амалга ошира олмайдиганларга мадад;
6. Уй-жой, коммунал хизмат ҳақларини тўлай олмайдиган кам даромадли оилаларни қўллаб-қувватлаш ва ҳ.к.

Жамият аъзолари даромадлари даражаси улар турмуш фаровонлигининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланиб, шу билан бирга алоҳида шахсларнинг дам олиши, билим олиши, соғлиғини сақлаши, энг зарур эҳтиёжларини қондириши имкониятларини белгилаб беради. Аҳоли пул даромадлари иш ҳақи, тадбиркорлик фаолиятдан олинадиган даромад, нафақа, пенсия, стипендия шаклидаги барча пул тушумларини, мулкдан фоиз, дивиденд, рента шаклида олинадиган даромадларни, қимматли қоғозлар, кўчмас мулк, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, хунармандчилик буюмларини сотишдан ва

ҳар хил хизматлар кўрсатишдан келиб тушадиган даромадларни ўз ичига олади.

Умуман хулоса қилиб айтганда, миллий ҳисоблар тизимининг макроиқтисодий кўрсаткичи сифатида ялпи ички маҳсулот ва унинг таркибий қисмлари ҳаракат шаклларини ҳисоблаш услубиятига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Кўпгина микроиқтисодий кўрсаткичлар ёрдамида корхоналар фаолиятига баҳо берилиб, улар фаолиятининг ривожланиш тамойиллари аниқланса, макроиқтисодий кўрсаткичлар орқали яхлит иқтисодиётнинг ҳолати, унинг ўсиши ёки орқага кетиши таҳлил қилиниб, хулоса чиқарилади.

Бозор муносабатлари шароитида ЯИМ таркибига фақат товар шаклида бўлиб, бозор нархи мавжуд бўлган ёки ҳеч бўлмаганда, уларни яратиш учун ҳақиқатда сарфланган харажатлар миқдори бўйича баҳолаш мумкин бўлган маҳсулот ва хизматлар киритилиши зарур.

8.3. Иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг асосий йўналишлари

Ўзбекистон ўз иқтисодий, сиёсий ва давлат қурилиши ва ривожланишининг янги сифат босқичига ўтди.

Иқтисодий ислохотларнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда, уларнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб ишлаб чиқариш пасайишининг олдини олиш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ҳисобланади.

"Барқарорлаштириш" – бу муайян мувозанатли, барқарор ҳолат. Иқтисодиётни барқарорлаштириш – қонуний ва воз кечиб бўлмайдиган жараён дир ва у бозорни шакллантиришда инқирозли ҳолатдан чиқиб кетишга йўналтирилган. Барқарорлаштириш дастурини ишлаб чиқишда диққат эътибор инқироз ҳолатларни бартараф қилишга эмас, балки мамлакатни шундай инқирозлик ҳолатига олиб келган ички сабабларни чуқур ўрганишга, юзага келадиган четланишлар ва номутаносибликларга (диспропорцияларга) қарши ўз вақтида чора кўриш, инқирозли ҳолатлар юзага келишининг олдини олувчи чора-тадбирлар ўтказишга қаратилиши лозим.

Барқарорлаштириш сиёсати – бу энг аввало, давлатнинг макроиқтисодий мувозанатни ушлаб туриш, ишлаб чиқаришнинг ялпи пасайиши ва оммавий ишсизликнинг олдини олиш, инфляция даражасини ва пул эмиссиясини бошқаришни таъминлаш, тўлов балансини сақлаш борасидаги мақсадли сиёсатидир.

Трансформациялашув даврида давлат ўз иқтисодий сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда шуни ҳисобга олиши керакки, у ишлаб чиқаришнинг устун, катта истиқболга эга тармоқларини, яъни муҳим бўғинларининг ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши зарур ва бу билан иқтисодиётни таркибий ўзгартириш сиёсатини босқичма-босқич олиб бориши лозим. Давлат бу устун йўналишларнинг таркибий ислох қилинишини таъминлаши зарур. Бусиз иқтисодиётда тўлиқ тартибсизлик юзага келиши мумкин. Барқарорлаштириш сиёсатининг мақсади – бу ички ва ташқи тенгсизлик, яъни дисбалансни бартараф этишдир, чунки бу тенгсизлик бошқариб бўлмайдиган иқтисодий пасайишга олиб келиши мумкин.

Жаҳон амалиётида барқарорлаштириш сиёсатини амалга ошириш бўйича принципал жиҳатдан фарқ қилувчи ёндашувлар мавжуд. Улардан бири – бу монетаристик ёндашув, у инфляция даражасини пасайтириш, пул массасини ва ялпи тўловга қобилиятли талабни кескин қисқартириш орқали пул муомаласини барқарорлаштиришга асосланган. Бундай ёндашув чуқур иқтисодий ўзгаришларни таъминламайди, аксинча, кўпинча ишлаб чиқариш ҳажмларининг қисқаришига, инвестицион фаолиятнинг тўхтаб қолишига олиб келади. Иккинчи ёндашув – ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишини рағбатлантириш, иқтисодиётда таркибий ўзгартиришларни амалга ошириш ва тенгсизликларни бартараф этишга кўмаклашиш, катта молиявий ва пул-кредит сиёсатини амалга ошириш, товар билан таъминланмаган ортиқча талабни чеклашга асосланади.

Иқтисодий барқарорликка эришишнинг асосий мезонлари қуйидагилардан иборат бўлади:

- агар ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқариши таркибий ўзгаришлар ва ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуроллантириш билан боғлиқ бўлмаса, унинг камайишига йўл қўймаслик;

- устувор тармоқларда ишлаб чиқаришни юксалтириш учун қулай шароитларни вужудга келтириш, ишлаб чиқариш фаолияти рағбатлантирилишига қўмаклашиш;

- давлат бюджети ва корхоналар молиявий аҳволининг барқарорлигини мумкин бўлган доирада таъминлаш;

- пулнинг қадрсизланиши жараёнларини тўхтатиб қолиш;

- тўлов баланси ва давлат валюта резервларининг ҳолатини яхшилаш учун барча мавжуд имкониятлардан фойдаланиш ва шунинг негизида Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий муносабатларда тутган ўрнини мустаҳкамлаш;

- ижтимоий аҳволни барқарорлаштириш учун кучли ижтимоий сиёсатнинг мувозанатлаштирилганлигини таъминлаш, аҳолининг турмуш даражасини мумкин қадар тутиб туриш ва яхшилаш.

8.4. Ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш. Хусусийлаштириш, таркибий ўзгаришлар жараёнида хорижий инвестицияларнинг ўрни ва роли

Чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, макроиқтисодий барқарорликка эришиш, истикболда барқарор иқтисодий ўсишни, аҳоли фаровонлигини таъминлаш, жаҳон иқтисодий тизимиغا интеграциялашувини оширишнинг асосий шартларидан биридир.

Собиқ Иттифоқ парчаланганидан сўнг иқтисодиёт оғир аҳволда эди – ўта марказлашган, бир томонлама хомашё етиштиришга йўналтирилган, чуқур ҳудудий тенгсизликлар, маънавий ва жисмоний жиҳатдан эскирган ишлаб чиқариш базасига эга бўлган иқтисодий тизим мерос бўлиб, сақланиб қолган эди. Шу сабабли ҳақиқий мустақиллик ва иқтисодий озодликка эришиш учун қуйидаги таркибий ўзгаришларни амалга ошириш зарур эди:

- иқтисодиётнинг бир томонлама хомашёга йўналтирилганлигини бартараф этиш;

- тармоқ таркибини кескин ўзгартириш;

- иттифокдаги ихтисослашув натижасида юзага келган диспропорцияларни йўқотиш;

- маҳсулотнинг сифати ва рақобатбардошлигини жаҳон талаблари даражасига кўтарган ҳолда тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ўтиш.

Таркибий сиёсат XXI аср бўсағасида Ўзбекистоннинг принципиал жиҳатдан янги халқ хўжалиги мажмуасини яратишга йўналтирилган, у эса ўз навбатида, республиканинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини кафолатлаши ва халқимизнинг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаши зарур.

Бу мақсадга эришиш учун иқтисодиётнинг тармоқ тузилмасини қайта қуриш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотни, экспорт ва импорт таркибини қайта қуриш лозим. Энг аввало, макроиқтисодий такрор ишлаб чиқариш нисбатларини тартибга солиш зарур. Якуний натижада иқтисодиётнинг такрор ишлаб чиқариш ва аҳоли талабларига жавоб берувчи оптимал мувозанатга эришиш зарур.

Худудий таркибни, табиий ресурс ва меҳнат потенциалини яхшилаш ўзига хос аҳамиятга эга масаладир. Устун тармоқларни ривожлантириш албатта, муайян тартибда рентабелсиз корхоналарни ликвидация қилиш ва рақобатдош маҳсулотларни яратувчи ишлаб чиқаришларнинг йўналишини, профилини ўзгартириш масалалари амалга оширилиши керак. Бу жараён ҳам янги корхоналарни яратиш каби муҳим аҳамиятга эга. Иқтисодий ислохотларнинг янги босқичида таркибий сиёсатни ишлаб чиқаришда, энг аввало, табиий ва минерал хомашё, меҳнат ресурсларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш жиҳатларини ҳисобга олиш зарур.

Бугунги кунда муҳим тармоқлар бўлган нефть ва газ саноати, энергетика, олтин қазиб чиқарувчи, рангли металлургия тармоқлари, коммуникация тизими, инфратузилмаларни ривожлантириш зарур.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси тармоқларини, муҳандислик, коммуникация, транспорт, алоқа тизимларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Инфратузилма мажмуаси – бу иқтисодиётнинг таркибий асосланган пойдевори ҳисобланади. Таркибий ўзгаришларнинг устун турувчи вазифаси иқтисодиётнинг ижтимоий йўналишини кучайтириш, ички бозорни маҳаллий халқ истеъмоли товарлари ва саноат маҳсулотлари билан тўлдириш, инфратузилма хизматлари, туризм соҳаларини ривожлантириш ҳисобланади.

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг биринчи босқичида мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш учун қулай инвестиция муҳитини яратиш ҳукумат ташқи иқтисодий фаолиятини диққат марказида бўлди. Хорижий инвестицияларни жалб этиш тадбирларини амалга оширишда ҳукумат қуйидаги тамойилларга асосланди:

- ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат юритиш;

- республика иқтисодиётига бевосита капитал маблағни кенг жалб этишни таъминлайдиган ҳуқуқий ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни тобора такомиллаштириш;

- республикага жаҳон даражасидаги технологияни етказиб бераётган ва иқтисодиётни замонавий таркибини вужудга келтиришга кўмаклашаётган хорижий инвесторларга нисбатан очиқ эшиклар сиёсатини юргизиш;

- маблағларни республика мустақиллигини таъминлайдиган, импорт ўрнини қопловчи ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган энг муҳим устувор йўналишда жамлаш.

Шунингдек республика иқтисодиётига хорижий инвестицияни жалб этишни фаоллаштириш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур деб ҳисоблаймиз:

- инвестиция лойиҳаларини малакали экспертлар назоратидан ўтказиш ва мукамал тайёрланишига эришиш;

- кўшма корхоналар ва хорижий инвестиция иштирокидаги бошқа турдаги тадбиркорлик фаолиятини рўйхатдан ўтказишдаги тўсиқларни бутунлай олиб ташлаш.

- мамлакатимизда хорижий инвестицияларни миллий корхоналарга жалб этишда қуйидаги устувор йўналишларни белгилаш мақсадга мувофиқдир:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш соҳаларини ривожлантириш;

- минерал хомашё ресурсларини, шу жумладан, нефть ва газни қазиб чиқариш, қайта ишлаш бўйича экологик ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

- транспорт ва телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш;

- иқтисодиётнинг барча тармоқларида илмталаб ва жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

- туризм соҳасини ривожлантириш, халқаро ва ички туризмнинг замонавий инфратузилмасини яратишга эришиш.

Ўзбекистонда хорижий инвестициялар қатнашган корхоналар ичида кўшма корхоналар етакчи ўринда туради. Тўлиқ хорижий инвестициялар билан ташкил этилган корхоналар кам. Кўпчилик давлатларда хорижий инвестициялар қатнашган корхоналарни рўйхатдан ўтказиш ҳар хил. Баъзи давлатларда бу вазифани Молия вазирлиги бажарса, бошқаларида Адлия вазирлиги бажаради. Ўзбекистонда бу вазифани Адлия вазирлиги амалга оширади. Ўзбекистондаги хорижий инвестиция қатнашган корхоналар республика ҳудудида ўзининг филиаллари ёки вакил корхоналарини ташкил этишлари мумкин. Бундан ташқари улар бошқа давлатларда ҳам ўз филиалларини очишлари мумкин.

Ўзбекистон қонунчилигига мувофиқ хорижий инвестиция қатнашган корхоналар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хўжалик ассоциациялари, концернлар ва бошқа бирлашмалар тузишлари мумкин. Хорижий инвестицияларнинг ҳуқуқий ҳимояси таъминланган. Бу ҳимоя ҳар бир корхонада бўлгани каби хорижий инвестиция қатнашган корхоналар учун

тааллуқли. Миллий иқтисодиётнинг устувор соҳалари ва ҳудудларига инвестиция киритган хорижий инвесторларга Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан қўшимча имтиёзлар берилиши мумкин. Шу билан бирга қонунда хорижий инвесторларнинг фаолият турлари ҳам белгиланган. Хорижий инвесторлар ёки хорижий инвестиция қатнашган корхоналар мавжуд қонунчиликка мувофиқ, ўз мақсадлари ва низомларидан келиб чиқиб, барча турдаги фаолиятларни олиб боришлари мумкин.

Хорижий инвесторлар инвестиция ҳажмини, турларини, йўлларини белгилайдилар ва уларни хоҳлаган корхонага мустақил равишда киритишлари мумкин. Инвестор ўзи киритган инвестиция объектлари ва натижаларига эгаллик қилиш, фойдаланиш, тасарруф этиш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга реинвестиция ва савдо операцияларини Ўзбекистон ҳудудида миллий қонунчилик асосида, ундан ташқарида эса халқаро қонунлар асосида амалга ошириш ҳуқуқларига эга. Инвестор эгаллик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқларини қонун бўйича бошқа ҳуқуқий ва жисмоний шахсга бериши мумкин. Томонларнинг ўзаро ҳуқуқларини бир-бирига ўтказиш вақтидаги алоқаларни фақат улар ўртасида тузилган ҳужжат-шартномалар ҳал қила олади. Хорижий инвесторлар ва корхоналар қонунчиликда кўрсатилган ҳолатларда ер участкаларини сотиб олишлари мумкин. Хорижий инвесторлар инвестиция фаолиятини амалга оширишда қуйидагиларга риоя этиш зарур:

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилаётган қонунчиликка амал қилиши;
- Ўзбекистонда мавжуд қонунчилик талаблари асосида солиқ тўлаш ва бошқа тўловларни амалга ошириши;
- Инвестиция лойиҳасининг санитария-гигиеник экология талабларига амал қилиш бўлимидаги экспертиза хулосаларини олиши.

Ўзбекистон Республикаси Германия, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Туркия, Индонезия, Малайзия, Исроил, АҚШ ва бир қатор бошқа

мамлакатлар билан инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро химоялаш тўғрисида битимлар тузди.

Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини амалга оширишда дунёнинг 25 дан ортиқ мамлакатлари иштирок этмоқда. Инвестицияларни жалб этиш вазифасини давлатимиз кўп укладли бозор иқтисодиётини яратиш ва ривожлантириш асосида ҳақиқий мулкдорларни шакллантириш билан боғлайди.

“Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини химоя қилишни таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармонида биноан халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшма корхоналар рўйхатга олинган пайтдан бошлаб беш йил муддатга хорижий валютадаги тушумдан солиқ тўлашдан ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига валютани мажбурий сотишдан озод қилиш кўзда тутилган. Хорижий инвестиция жалб этилган корхоналарга қуйидаги имтиёз ва рағбатлантириш омиллари берилган:

- товарлар экспорти ишлаб чиқариш ҳажмининг камида 30 фоизини ташкил этадиган корхоналарга, мулкчилик шаклидан қатъи назар, фойда солиғини амалдаги ставкалардан икки баробар камроқ тўлаш ҳуқуқи;

- хорижий инвестицияли корхоналар даромадининг ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ва технологияни янгилашга сарфланадиган қисмидан солиқ олмаслик;

- Республика давлат инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича солиқлар тўлашдан етти йил муддатга озод этиш;

- ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 25 фоиз болалар учун мўлжалланган бўлса, корхона ишга тушгандан бошлаб солиқлар тўлашдан беш йил муддатга озод этиш. Кейинги йилларда бу корхоналарнинг фойдасидан олинадиган солиқ амалдагига қараганда икки марта пасайтирилган ставкаларда ундирилади;

- устав капиталнинг 50 фоиз ва ундан кўпроқ қисми хорижий Шерикка

тегишли бўлиб, ишлаб чиқариш экспортга йўналтирилган ёки импорт ўрнини босишга мўлжалланган бўлса солиқлар тўлашдан икки йил муддатга озод этиш;

- фойдадан тўланадиган солиқ – 18 фоиз;

- агар устав капиталнинг 50 фоиз ва ундан кўпроқ қисми хорижий Шерикка тегишли ва устав капиталнинг ҳажми 500000 АҚШ долларидан

- 1 000 000 АҚШ долларигача бўлса, фойдадан тўланадиган солиқ – 15 фоиз;

- агар устав капиталнинг 50 фоиз ва ундан кўпроқ қисми хорижий Шерикка тегишли ва устав капиталнинг ҳажми 1000 000 АҚШ долларидан ва ундан кўп бўлса, фойдадан тўланадиган солиқ – 16 фоиз;

- агар устав капитал ҳажми камида 500 000 АҚШ долларини ташкил эса, мол-мулк солиғидан озод қилиш;

- ер солиғидан икки йилга озод қилиш;

- ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни рухсатномасиз четга сотиш;

- инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ер участкаларидан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш ҳуқуқини танлов асосида сотиб олиш;

- жисмоний, ҳуқуқий шахслар ва давлатнинг мулкани хусусийлаштиришда бемалол иштирок этишлари мумкин.

Ҳозирги кунда иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар инвестиция фаолиятига янгича ёндашишни тақозо этмоқда. Бундай ёндашув қуйидаги қоидалардан келиб чиқмоқда:

- инвестиция талабини фаоллаштириш, инвестиция ресурсларини иқтисодий тараққиётнинг устун соҳаларига тўплаш;

- инвестицион жараёнларга корхоналар, ташкилотлар, аҳоли жамғармаларини тўлароқ жалб этиш ва ундан республиканинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишда фойдаланиш;

- чет эл капиталининг кириб келиши учун қулай иқтисодий муҳит ҳозирлаш.

Республика Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш чоратadbирлари тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш туфайли, республикада инвестицион муҳит яхшиланибгина қолмасдан, бир қатор ижтимоий муаммоларга ҳам барҳам берилади, деб ўйлаймиз. Чунки, фармоннинг 2-бандида таъкидлаб ўтилганидек, хорижий инвестициялар ҳисобидан ташкил этиладиган корхоналар Республикадаги ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлган қатор минтақаларга жойлаштирилиши кўзда тутилган.

Хорижий корхоналар 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб, асосий фаолияти бўйича даромад (фойда) солиғи, мулк солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ҳудудларни ободонлаштириш солиғи, экология солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўлашдан, Шунингдек, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинадилар. Бу имтиёзлар хорижий инвестициялар ҳажми қуйидагича бўлганда берилади:

- 300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача – 3 йил муддатга;
- 3 миллиондан ортиқ АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларигача – 5 йил муддатга;
- 10 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлганда – 7 йил муддатга.

Шундай қилиб, ўрнатилган ҳуқуқий асослар хорижий ҳамкорларнинг кенг инвестиция фаолияти учун қулай шароитлар яратиб, уларнинг ҳуқуқларини ва сарфлаган сармоясини ҳимоя қилади.

Умуман олганда, чет эл инвестицияларини жалб қилиш бўйича республикада минтақаларини қуйидаги уч гуруҳга ажратиш мумкин:

Биринчи гуруҳга энг қулай инвестицион муҳит ва Юқори даражадаги тадбиркорликка эга, экспорт фаолиятида қўшма корхоналар мавқеи нисбатан юқори бўлган Тошкент шаҳри, Андижон, Фарғона Қашқадарё, Навоий ва Тошкент вилоятлари киради.

Иккинчи гуруҳга инвестицион фаоллик даражаси нисбатан ўртача бўлган Бухоро, Наманган ва Самарқанд вилоятларини киритиш мумкин.

Учинчи гуруҳдан эса, инвестицион фаоллик даражаси ўта суст, экспорт фаолиятида қўшма корхоналар мавқеи деярли сезилмайдиган минтақалар Хоразм, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари ўрин олган.

Айрим вилоятларга жалб қилинаётган сармоя миқдори жуда ҳам сустдир, таҳлиллар шуни кўрсатадики, кейинги йилларда хорижий сармояларнинг асосий қисми Тошкент, Фарғона, Андижон, Навоий ва Қашқадарё вилоятларига тўғри келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 декабрдаги фармони билан Навоий вилоятида «Эркин индустриал – иқтисодий зона (ЕИИЗ)» ташкил этилиши эълон қилинди. Унинг фаолият қилиш муддати ҳозирча 30 йил қилиб белгиланган, кейинчалик яна узайтирилиши мумкин. Бу эркин индустриал – иқтисодий зонани ташкил этилиши мамлакатимизга хорижий инвестицияларни янада кўпроқ жалб этилишига олиб келади.

Айни пайтда “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасида Жанубий Корея, Хитой Халқ Республикаси, АҚШ, Германия, Ҳиндистон, Сингапур, Бирлашган Араб Амирликлари ва бошқа мамлакатлар иштирокидаги 25 та инвестициявий лойиҳа амалга оширилмоқда. Юқори технологиялар асосида автосаноат учун зарур эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқараётган “Уз ерал Садле” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги Ўзбекистон – Жанубий Корея қўшма корхонаси – шулардан биридир. Бугунги кунда ушбу корхонада 39 турдаги автомобиль кабеллари ишлаб чиқарилмоқда. 2012 йилда амалга оширилган модернизациялаш тадбирлари натижасида Жанубий Корейдан келтирилган 272 минг АҚШ долларилек технологик ускуналар ёрдамида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган “Собалт” русумли автомашина аккумуляторлари учун жгут тайёрланмоқда.

Худудда самарали фаолият юритаётган корхоналар қаторига, “ЎзМинда” қўшма корхоналарини ҳам киритиш мумкин. “Ўзавтосаноат” АК ва Ҳиндистоннинг “Минда Сапитал Лтд” компанияси инвестициялари

асосида ташкил этилган мазкур корхонада “Телесом инноватионс” рақамли телевидение сигналларини қабул қилувчи ДСЛАМ ва АДСЛ моделлари ишлаб чиқарилаётир.

Ҳозирги кунда ушбу қўшма корхонада “ДСЛАМ” ва “АДСЛ” моделлари билан бирга, рақамли “ИПТВ” қурилмалари тайёрлаш ҳам ўзлаштирилди. Мазкур янги ускуна ёрдамида рақамли телевидение сигналларини интернет тармоғи орқали қабул қилиш мумкин. 2016 йилда ҳам ушбу корхонада модернизация ишлари давом эттирилиб, 400 минг АҚШ долларилек инвестиция ўзлаштирилди. Умуман олганда, “Навоий” эркин индустриал – иқтисодий зонасида фаолият кўрсатаётган “Телесом инноватион” қўшма корхонасига киритилган 582 минг АҚШ долларилек хориж инвестицияси эвазига бу ерда ишлаб чиқариш қуввати икки баробар ортди.

“Навоий” эркин индустриал иқтисодий зонаси ташкил этилганидан буён унинг ҳудудида умумий қиймати 100 миллион доллардан зиёд инвестиция лойиҳаси рўёбга чиқарилди. Пировардида биргина 2013 йилда қиймати 100 миллиард сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилиб, бу борадаги ўсиш суръати 2015 йилдагига нисбатан 25,8 фоизни ташкил этди⁵³.

Шуни ҳам эътироф этиш лозимки, мамлакатимиз вилоятларига хорижий сармояларнинг жалб қилиш ҳажми ҳали ҳам талаб даражасида эмас. Жумладан, вилоятларнинг экспорт қобилиятларини тўлалигича ишлатиш ва молиявий инфратузилмани ривожлантириш лозим. Вилоятларда сармоя лойиҳаларини тайёрлаш чоғида ҳудудий жойлашиш ва ресурслар инобатга олинмаяпти. Қишлоқ хўжалиги хомашёсидан экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқариш ўрнига, қишлоқ хўжалиги техникасига бутловчи қисмларни етказиш бўйича лойиҳалар таклиф қилинмоқда. Бизнинг фикримизча, нафақат вилоятлар, балки, бутун Республикага кўпроқ хорижий сармояларни ва кредитларни жалб этиш мақсадида қуйидагиларга эътибор бериш керак:

⁵³ T.Ziyaev, T.Rasulov, O.YArashov Mustaqillik yillarida O‘zbekistonda investitsiyaviy siyosat. “Ishonch” gazetasi . 2017 y. №5 son

1. Инвестицион лойиҳаларни режалаштириш чоғида вилоятлардаги экспорт салоҳиятларини кўзда тутиш;

2. Вилоятларда телекоммуникация тизимини ва меҳмонхоналарни ривожлантириш;

3. Хорижий инвесторларни республикадаги инвестицион муҳит ва керакли ахборотлар билан таништириш мақсадида тақдимот маросимлари ва бизнес-анжуманлар ўтказиш зарур;

4. Вилоятларнинг экспорт қобилиятини ошириш мақсадида чет элдан олиб келинаётган замонавий ва юқори ишлаб чиқариш қувватларига эга бўлган анжомларга паст бож ставкалари ўрнатилиши лозим, деб ўйлаймиз.

Юқорида келтирилган таклифлар хорижий сармояларнинг вилоятлар ўртасида тенг тақсимланилишини ва уларни ўз вақтида қопланишини таъминлайди.

Хулоса қилиб айтганда, инвестициялар – иқтисодиётда таркибий қайта ўзгаришларни амалга оширишнинг ва иқтисодий ўсишнинг моддий асосидир. Бу мақсадларда улардан фойдаланиш инвестицияларни тармоқ таркибининг ўзгаришида ўз аксини топди. Янги тармоқларнинг пайдо бўлиши, ёқилғи-энергетика мустақиллигига эришиш, ишлаб чиқаришни янгилаш инвестициялар таркиби ўзгаришини талаб этади.

Қисқача хулоса

1. Иқтисодиётни барқарорлаштириш – қонуний ва воз кечиб бўлмайдиган жараёндир ва у бозорни шакллантиришда инқирозли ҳолатдан чиқиб кетишга йўналтирилган. Барқарорлаштириш дастурини ишлаб чиқишда диққат эътибор инқроз ҳолатларни бартараф қилишга эмас, балки мамлакатни шундай инқирозлик ҳолатига олиб келган ички сабабларни чуқур ўрганишга, юзага келадиган четланишлар ва номутаносибликларга (диспропорцияларга) қарши ўз вақтида чора кўриш, инқирозли ҳолатлар юзага келишининг олдини олувчи чора-тадбирлар ўтказишга қаратилиши лозим.

2. Трансформациялашув даврида давлат ўз иқтисодий сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда шуни ҳисобга олиши керакки, у ишлаб чиқаришнинг устун, катта истиқболга эга тармоқларини, яъни муҳим бўғинларининг ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши зарур ва бу билан иқтисодиётни таркибий ўзгартириш сиёсатини босқичма-босқич олиб бориши лозим.

3. Иқтисодий барқарорликка эришишнинг асосий мезонлари қуйидагилардан иборат бўлади: агар ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқариши таркибий ўзгаришлар ва ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуроллантириш билан боғлиқ бўлмаса, унинг камайишига йўл қўймаслик; устувор тармоқларда ишлаб чиқаришни юксалтириш учун қулай шароитларни вужудга келтириш, ишлаб чиқариш фаолияти рағбатлантирилишига кўмаклашиш; давлат бюджети ва корхоналар молиявий аҳволининг барқарорлигини мумкин бўлган доирада таъминлаш; пулнинг қадрсизланиши жараёнларини тўхтатиб қолиш; тўлов баланси ва давлат валюта резервларининг ҳолатини яхшилаш учун барча мавжуд имкониятлардан фойдаланиш ва шунинг негизида Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий муносабатларда тутган ўрнини мустаҳкамлаш; ижтимоий аҳволни барқарорлаштириш учун кучли ижтимоий сиёсатнинг мувозанатлаштирилганлигини таъминлаш, аҳолининг турмуш даражасини мумкин қадар тутиб туриш ва яхшилаш.

Асосий таянч тушунчалар

Макроиқтисодиёт – моддий ва номоддий ишлаб чиқариш соҳаларини яхлит бир бутун қилиб бирлаштирган миллий иқтисодиёт ва жаҳон хўжалиги даражасидаги иқтисодиёт.

Таркибий инқирозлар – иқтисодиётнинг айрим тармоқлари ва соҳалари ривожланиши ўртасидаги чуқур номутаносибликларни ифодаловчи иқтисодий ҳолат.

Иқтисодиётни барқарорлаштириш – бозорни шакллантиришда инқирозли ҳолатдан чиқиб кетишга йўналтирилган, қонуний ва воз кечиб бўлмайдиган жараён.

Барқарорлаштириш сиёсати – давлатнинг макроиқтисодий мувозанатни ушлаб туриш, ишлаб чиқаришнинг ялпи пасайиши ва оммавий ишсизликнинг олдини олиш, инфляция даражасини ва пул эмиссиясини бошқаришни таъминлаш, тўлов балансини сақлаш борасидаги мақсадли сиёсати.

Барқарорлаштириш сиёсатининг мақсади – бу ички ва ташқи тенгсизлик, яъни дисбалансни бартараф этиш.

Монетаристик ёндашув – инфляция даражасини пасайтириш, пул массасини ва ялпи тўловга қобилиятли талабни кескин қисқартириш орқали пул муомаласини барқарорлаштиришга асосланган ёндашув.

Такрорлаш учун саволлар

1. Нима учун трансформациялашув даври иқтисодиёти учун макроиқтисодий беқарорлилик хос бўлади?

2. Трансформациялашув даври иқтисодиётининг макроиқтисодий муаммолари нималардан иборат?

3. Таркибий ўзгаришлар, устувор йўналишларни танлашнинг қандай мезонлари мавжуд?

4. Ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг кўп қирралиги нималарда намоён бўлади?

5. Иқтисодиётни барқарорлаштириш дастури ўз ичига қандай чоратadbирларни олади?

6. Ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш нима учун зарур?

7. Ўзбекистондаги хусусийлаштириш ва таркибий ўзгаришлар жараёнида чет эл инвестицияларининг иштироки қай даражада?

8. Ҳозирги шароитда Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорликни таъминлашнинг қандай устувор йўналишлари мавжуд?

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажегимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. –Т.: Ўзбекистон НМИУ 2017 й. -488 б.

2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. // Халқ сўзи. 16.01.2017 й.

3. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // Халқ сўзи. 23.12.2017 й.

4. Мамбетжанов Қ.Қ. Иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш жараёнида ялпи ички маҳсулотни ҳисоблашнинг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (Doctor of Science) илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси. -Т.2018.234 б.

5. Теоретические проблемы переходной экономики: Учеб.-метод. пособие/ Под ред. В.В.Радаева. – М.: Экономический факультет МГУ, ТЕИС, 2003, с.244-259.

6. Shodmonov Sh.Sh., G'afurov U.V. Iqtisodiyot nazariyasi (darslik). - Т.: Fan va texnologiya, 2005, 516-534, 535-556-b.

9-боб. ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИДА АГРАР СОҲАНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ


Ўзбекистон миллий иқтисодиёти таркибида аграр соҳа аҳамиятли ўрин тутди. Чунки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг аксарият қисми аҳолининг озиқ-овқат ҳамда саноат тармоқларининг хомашёга бўлган эҳтиёжларини бевосита қондиради. Шу билан бирга, трансформациялашув даври иқтисодиётида аграр соҳани ислоҳ қилиш муаммолари нисбатан кескин, чуқурроқ даражада намоён бўлади. Ерга бўлган мулкчилик муносабатларини ҳал этиш, қишлоқ хўжалиги юритишнинг самарали шаклларини танлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳамда бошқа саноат тармоқлари маҳсулотлари ўртасидаги нарх паритетини мувофиқлаштириш, қишлоқ аҳолисининг даромадларини ошириш, қишлоқлар қиёфасини яхшилаш каби масалаларнинг самарали ҳал этилиши иқтисодий тараққиётга сезиларли таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, хўжалик юритишнинг маъмурий-буйруқбозлик тизими асоратлари таъсирида вужудга келган аграр соҳа инқирозини бартараф этиш чора-тадбирларини белгилаш ҳам долзарб аҳамият касб этади.

9.1. Аграр секторнинг мамлакат иқтисодий тараққиётидаги ўрни

Агросаноат мажмуасининг таркибий қисми бўлган – қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш билан шуғулланувчи озиқ-овқат саноати Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоқлари ҳисобланади. Бу тармоқлар мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига, қайта ишлаш саноати тармоқларининг эса хомашёга бўлган талабини қондиради. Озиқ-овқат маҳсулотларининг 90 фоизга яқини аграр тармоқда тайёрланади. Қишлоқ хўжалиги республикамизнинг истеъмол бозорига озиқ-овқат маҳсулотлари ва қайта ишлаш саноатига хомашё етказиб бериш билан бирга, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, кимё саноати каби бир қатор тармоқлар маҳсулотлари учун кафолатли бозор ҳисобланади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган давлатнинг аграр сиёсати биринчи навбатда мамлакатда мустаҳкам озиқ – овқат базасини, ер ва сувдан оқилона фойдаланиш шарт–шароитларини яратиш, мулкчиликда давлат монополиясини кескин чеклаш ва хусусий мулк эгаллиги ҳамда мулкчиликнинг бошқа шакллариغا кенг йўл очиш, турли мулкчилик шаклидаги қишлоқ хўжалиги корхоналарига тенг ривожланишига эришиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб – қувватлаш масалаларига қаратилган.

Таъкидлаш жоизки, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ислоҳ қилишни диверсификациялаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, замонавий юқори самарали технологияларни жорий этиш ҳамда хўжаликларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ҳажми 2016 йилда 47486,1 млрд. сўмни ташкил этиб, 2000 йилга нисбатан 2,7 мартага ўсишини таъминлади. Шу жумладан, деҳқончилик маҳсулотлари ҳажми 29042,4 млрд. сўмни (2,8 м.), чорвачилик маҳсулотлари ҳажми 18443,7 млрд. сўмни (2,6 м.) ташкил этди. 2010-2016 йиллар давомида жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми барқарор суръатларда ўсиб борди, бунда ўсиш суръати йилига 6-7 фоизни ташкил этди (9.1.1-расм).




9.1.1-расм. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 2000-2016йиллардаги ўсиш суръати⁵⁴

⁵⁴ www.stat.uz


Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти – аграр ишлаб чиқаришнинг умумлаштирувчи кўрсаткичи бўлиб, ҳисобот даврининг амалдаги нархларида ёки солиштирма нархларда ҳисобланган, қишлоқ хўжалиги корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликларида ишлаб чиқарилган ўсимликчилик ва чорвачилик маҳсулотлари қийматининг йиғиндиси сифатида аниқланади.

Мамлакатимизда 2016 йилда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти таркибида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 2000 йилдаги 50,2 фоиздан 61,2 фозгача кўпайди ва шу давр мобайнида мос равишда чорвачилик маҳсулотларининг улуши 49,8 фоиздан 38,8 фоизгача камайди (9.1.2-расм).




9.1.2-расм. 2000-2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг таркиби (фоизда)⁵⁵

Қишлоқ хўжалиги экинлари майдонлари асосий, такрорий, оралик, қатор оралиғи экинлари бўйича алоҳида ҳисобга олинади.



9.1.3-расм. 2000-2016 йилларда жами қишлоқ хўжалиги экинлари майдони, (минг гектар)

⁵⁵ www.stat.uz



9.1.4-расм. 2000-2016 йилларда асосий турдаги қишлоқ хўжалиги экинларининг майдони, (минг гектар)⁵⁶

Таҳлиллар 2000 йилда асосий турдаги қишлоқ хўжалиги экинлари майдонларининг барча тоифадаги хўжаликларга нисбатан бўлган улуши фермер хўжаликларида 5,0–20,7 фоизни ташкил қилган бўлса, 2016 йилда мос равишда 21,4–99,2 фоизга тенг бўлганлигини кўрсатди.

Бу кўрсаткичлар мос равишда деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари бўйича 2000 йилда 12,1–78,2 фоизни, 2016 йилда 12,5–77,7 фоизни, қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда 2000 йилда 16,8–79,3 фоизни, 2016 йилда 0,8–8,4 фоизни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси аграр сиёсатининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолини, саноатни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш;
- қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини ошириш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини ошириш эвазига чет эл валюталари тушумини кўпайтириш;

⁵⁶ www.stat.uz

– қишлоқ хўжалигига тушаётган тушумларни бошқа тармоқлар ўртасида тақсимлашни мўътадиллаштириш;

– қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш;

– қишлоқ хўжалигида рақобат муҳитини кучайтириш;

– қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш ва такомиллаштириш;

– қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш;

– қишлоқ хўжалигида тадбиркорлар синфини шакллантириш ва ривожлантириш;

– қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошириш ва тармоқнинг иқтисодий самарадорлигини кўтариш.

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш жуда мураккаб шароитларда амалга оширилмоқда. Бу шароитларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

– молиявий маблағларнинг талаб даражасидан кам бўлиши, етишмаслиги;

– қишлоқ хўжалигининг моддий-техник базасининг эскириб қолганлиги;

– қишлоқда меҳнат мотивациясининг, манфаатдорлигининг нисбатан пастлиги;

– қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотларига шаклланаётган нархлар паритетининг қишлоқ хўжалиги учун қулай ҳолда ривожланмаганлиги;

– қишлоқ хўжалигида бозор инфратузилмасининг етарли даражада яхши ривожланмаганлиги;

– қишлоқ аҳолисининг харид қилиш қобилиятининг нисбатан пастлиги;

– қишлоқ хўжалигига нисбатан арзон ва сифатли машина ва техникаларни олиб келиш имкониятларининг чекланганлиги;

– қишлоқ хўжалиги учун кимёвий воситалар, маъданли ўғитлар, ёқилғи мойлаш материалларини етказиб бериш (айримларини ишлаб чиқаришнинг) камайиши;

– мустақилликнинг дастлабки йилларида инфляция даражасининг нисбатан юқори бўлиши;

– ер ва сув ресурсларининг сифатининг пасайиши.

Шу каби қийинчиликларга қарамасдан мамлакатимиз Президенти ва ҳукумати томонидан иқтисодий ислохотлар пухта ўйланган ҳолда олиб борилди ва у ўзининг ижобий самарасини бера бошлади.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб – қувватлаш борасида қуйидаги ишлар амалга оширилмоқда:

– қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятининг меъёрий – ҳуқуқий негизини такомиллаштириш;

– қонунда кўрсатилган ҳуқуқларни бузилишига йўл қўймаслик;

– уларнинг ички фаолиятига аралашувнинг ҳар қандай кўринишига йўл қўймаслик;

– қишлоқ хўжалигида мақбул баҳо сиёсатини юритиш, доимий равишда қишлоқ хўжалиги ва саноат товарлар орасидаги баҳолар паритетини сақлаб бориш;

– даромадлар пасайиб кетишига йўл қўймаслик;

– илғор технология ва техникалар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш;

– фуқаролар тадбиркорлик фаолияти билан эркин шуғулланишлари ва ундан манфаатдорлигининг кафолат ва шароитларини таъминлаш, уларнинг ишбилармонлик фаоллигини ошириш ҳамда қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини муҳофаза қилиш;

– молия – кредит тизимини такомиллаштириш ҳамда корхоналарнинг кредит манбалари ва сармояларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

– ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларни кенгайтириш ва ривожлантириш;

– улгуржи ва майда улгуржи савдони ривожлантириш, корхоналарнинг хомашё, ахборотлар ва технологиялардан эркин ва ўрта бизнес корхоналари

томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларда сотиш тизимини такомиллаштириш;

– қишлоқ хўжалиги ҳисоби ва таҳлили тизимини такомиллаштириш, улар учун давлат статистика, бухгалтерия ва солиқ ҳисоботининг соддалаштирилган тартибини жорий этиш;

– кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ривожлантириш;

– пул – кредит тизимининг барқарор фаолиятини таъминлаш учун суғурта тизими аҳамиятини ошириш;

– ерга мулкчилик, ер ва сувдан самарали фойдаланиш механизмини шакллантириш.

Республикамизда фермер хўжаликларини ҳуқуқий жиҳатдан химоя қилиш билан бир қаторда уларни иқтисодий дастаклар орқали ҳар томонлама рағбатлантириш чоралари ҳам амалга оширилмоқда. Давлатнинг иқтисодий рағбатлантириш чоралари қуйидаги механизмлардан ташкил топади :

- молия – кредит тизими орқали қўллаб- қувватлаш;
- табақаланган ва имтиёзли солиқ тизимидан фойдаланиш;
- баҳолар паритетини сақлаш;
- ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш ва бошқалар.

Давлатнинг фермер хўжаликлари фаолиятини иқтисодий дастаклар орқали қўллаб – қувватлаш чоралари фермер хўжаликларининг ривожланишига қулай шарт – шароитлар яратиш мақсадида давлат томонидан бериладиган иқтисодий рағбатлантириш чораларидан ташкил топади. Бундай чора-тадбирлар сарасига солиқлар тўлашда энгилликлар бериш, имтиёзли шартлар ва фоизларда кредитлар бериш, давлат буюртмаси бўйича харид қилинадиган маҳсулотларга кафилланган баҳолар белгилаш, экспорт-импорт операцияларида қулай тарифлар ва тўловлар ўрнатиш каби иқтисодий дастаклар киради.

Фермер хўжаликларига солиқ тўлашда сезиларли энгилликлар жорий этилган. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ улар дастлаб ташкил этилганидан

бошлаб 2 йил мобайнида ягона ер солиғи тўлашдан озод этилган. Кейинги йилларда эса улар бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари билан тенг шароитларда ер майдонининг жойлашган ўрни ва тупроқнинг унумдорлиги даражасидан келиб чиқиб белгиланадиган балл-бонитетлар асосида ягона ер солиғи тўлайдилар.

Фермер хўжаликларини молия-кредит тизими орқали қўллаб-қувватлаш биринчи навбатда имтиёзли кредит бериш механизмини қўллаш ҳамда кафолатлаш жараёнини ривожлантириш билан характерланади. Ҳозирги кунда “Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш давлат дастури” доирасида деҳқон ва фермер хўжаликларига давлат маблағлари, тижорат банкларининг имтиёзли жамғармаси ҳамда айнан шу мақсадлар учун ташкил этилган бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан имтиёзли кредитлар бериш амалда қўлланмоқда.

Давлатнинг фермер хўжаликлари ривожланишига кўмаклашувчи институционал ва инфратузилмаларни қўллаб-қувватлаши муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу вазифани амалга ошириш фермер хўжаликларига моддий – техник ресурсларини етказиб берувчи, маҳсулотларни сақлаш, ташиш, қайта ишлаш ва сотишга кўмаклашувчи ҳизмат кўрсатувчи корхоналар тармоғини яратиш, банк, молия ва қимматли қоғозлар бозори, фонд биржалари ва ярмаркалар, ахборот-маслаҳат марказлари ҳамда фермерлар манфаатларини ҳимоя қилувчи уюшмалар, фондларни ташкил этиш ва уларни ривожлантириш учун қулай шароитларни яратишни назарда тутди. Давлат бу йўл билан фермерликни ривожини билвосита қўллаб-қувватлайди.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини янада тараққий эттиришда асосий эътибор аграр соҳада ислохотларни чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнларида бозор тамойилларини тўла қарор топтириш асосида қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини кескин оширишга қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган аграр тармоқни ривожлантиришнинг истиқболли дастури куйидаги энг муҳим йўналишларни ўз ичига олади:

1. Аграр соҳада иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, мулкый муносабатлар ва хўжалик юритиш шакллари такомиллаштириш борасида барча субъектлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатларни бозор тамойиллари асосида амалга ошириш, шартномавий мажбуриятларнинг бажарилишида томонлар масъулиятини ошириш.

2. Қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш ва самарали фойдаланишни рағбатлантириш йўналиши бўйича тупроқ унумдорлигини ошириш ва ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида барча ҳудудларда қишлоқ хўжалиги ерлари унумдорлигини ошириш, унумдорлиги паст ер майдонлари салмоғини камайтириш.

3. Сув хўжалиги тизимини такомиллаштириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш мақсадида сув хўжалиги тизимида моддий ва маънавий эскирган ирригация-мелиорация тизимини янгилаш, унинг самарадорлигини ошириш, янги суғориш технологиялари ва сувдан фойдаланиш механизмларини жорий этиш, ер майдонлари мелиоратив ҳолатини яхшилаш, дренаж тармоқларини қуриш ва таъмирлаш тадбирларини амалга ошириш.

4. Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини вилоят ва туманларнинг табиий-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш, маҳсулотлар сифати ва экинлар ҳосилдорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш.

Қишлоқ хўжалиги экинларининг Юқори ҳосилли, тезпишар, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, янги ва истиқболли, маҳсулот сифати бозор талабларига жавоб берувчи навларни жойлаштириш.

5. Чорвачилик тармоғини комплекс ривожлантириш, асосан чорва молларининг наслини яхшилаш ҳисобидан унинг маҳсулдорлигини ошириш.

Бунинг учун:

- чорвачилик тармоғининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;
- наслчиликни тубдан яхшилаш;

- тармоқда сервис, жумладан, зооветеринария хизматлари кўрсатиш сифати ва ассортиментини ошириш;
- паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ва пиллачилик соҳаларини ривожлантириш;
- чорва молларида учрайдиган юқумли касалликларга қарши кураш тизимини янада такомиллаштириш;
- озуқа экинларини жойлаштиришнинг мақбул даражасига эришиш, бунда лалми ерлардан чорва озуқаси етиштириш учун фойдаланишни кенгайтириш.

6. Ўрмон хўжалигини комплекс ривожлантириш борасида табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф муҳит муҳофазаси нуқтаи назаридан:

- кўриқланадиган ҳудудлар давлат кадастрини жорий этиш;
- ўрмон хўжалигида мевали, манзарали дарахт кўчатларини етиштиришни янада ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш;
- ҳудудларнинг экологик ҳолати бўйича географик-ахборот тизимини ишлаб чиқиш.

7. Қишлоқ хўжалиги хомашёсини қайта ишлаш тармоғини ривожлантириш, аграр соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш.

Қишлоқ хўжалиги, хусусан, чорва ва мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашга ихтисослашган кичик хусусий корхоналарни замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш, хомашёни қайта ишлаш қувватларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни модернизация қилиш, ҳўл мева-сабзавот ва тайёр маҳсулот экспорт қиладиган субъектлар учун имтиёзлар тизимини ишлаб чиқиш.

8. Қишлоқ жойларда сервис хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш аграр тармоқда сервис хизматлари кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, бозорга тез мослашувчи субъектлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш.

9. Қишлоқ хўжалигида молия-кредит, солиқ ва суғурта тизимини такомиллаштириш:

– давлат эҳтиёжлари учун пахта хомашёси ва ғалла етиштиришда асосан имтиёзли кредитлаш орқали молиялаштириб бориш тизимини такомиллаштириш;

– пахта ва ғалладан ташқари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни кредитлаш механизминини такомиллаштириш;

– қишлоқ хўжалиги учун техника, эҳтиёт қисмлар, насли чорва моллари, уруғлик ва кўчатлар, замонавий технология ва ускуналар, дори-дармон, кимёвий препаратларни импорт қилишда солиқ ва божхона имтиёзлари тизимини янада кенгайтириш;

– қишлоқ жойларга кичик саноатни жалб қилишда солиқ имтиёзлари ва молиявий қўллаб-қувватлаш тадбирларини амалга ошириш;

– маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни иқтисодий қўллаб-қувватлаш мақсадида протекционизм сиёсатини доимий равишда амалга ошириш;

– унумдорлиги паст бўлган, Шунингдек, насослар билан суғориладиган майдонларда давлат эҳтиёжлари учун пахта ва ғалла етиштирувчи фермер хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизминини такомиллаштириб бориш.

10. Аграр соҳада илм-фанни ривожлантириш ва илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш. Бу соҳада:

– атроф-муҳитга экологик зарар келтирмайдиган техника ва технология ҳамда хомашё ресурсларини қайта ишлашда янги услублар ишлаб чиқиш ва мавжудларини такомиллаштириш;

– пахтачилик ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларининг истиқболли навлари бирламчи уруғчилигини ташкил қилиш тизимини такомиллаштириш;

– қишлоқ хўжалигининг амалий муаммоларини ҳал этишда инновацион лойиҳалардан кенг фойдаланиш ва бунда инновацион

лойиҳаларни молиялаштиришнинг банк орқали кредитлаш тизимини жорий этиш;

– қишлоқ хўжалигида ген инженерияси борасида тўпланган жаҳон тажрибасидан кенг фойдаланган ҳолда, миллий тизимни яратиш;

– экологик тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари яратиш устида кенг камровли ишлар олиб бориш;

– хориждан келтирилган насли уруғлар асосида юқори маҳсулдор маҳаллий чорва моллари, паррандалар, пилла қурти зотларини яратиш.

11. Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ва аҳоли даромадларини ошириш.

9.2. Аграр соҳада мулкчилик муаммосининг ҳал этилиши

Аграр соҳадаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф қилиш юзасидан Президентимиз Ш.М.Мирзиёев шундай таъкидлайди – “...қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 17 фоиздан ошмайди. Аграр соҳа маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажми эса 10 фоизга ҳам етмайди. Ҳолбуки, ривожланган давлатларда бу кўрсаткич 50 фоиздан ортиқни ташкил этади. Шу муносабат билан **қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш бўйича комплекс дастур** ишлаб чиқиш лозим.

Айниқса, озиқ-овқат хавфсизлиги муаммосини ҳал этиш, генетик модификация қилинган маҳсулотлар етиштирмаслик бўйича қатъий назорат ўрнатишга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Сўнгги йилларда мамлакатимиз бозорларида импорт мева-сабзавот маҳсулотлари кўпайиб бораётгани бизни албатта ҳушёрликка чақириши керак. Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун, аввало, йўқолиб бораётган қадимги навларни тиклаш, селекция ишларини оқилона ва самарали йўлга қўйиш, соҳага илм-фан ютуқлари, инновацион ишланмаларни кенг жорий этишимиз зарур.

Маълумки, мамлакатимиз тўқимачилик саноати 1 миллион 400 минг тоннагача пахта толасини қайта ишлаш имкониятига эга. Бу республикаимиздаги тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчилар эҳтиёжини тўлиқ

қоплай олади. Лекин пахта толасини қайта ишлаш саноатини бошқаришда кўпгина муаммолар мавжуд. Бу эса пахта хомашёсини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашда рентабелликнинг пасайишига олиб келмоқда. Шу муносабат билан соҳадаги муаммоларни ҳал этиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни янада рағбатлантиришга оид алоҳида фармон қабул қилинди. Бугунги кунгача тўқимачилик корхоналаримизга пахта хомашёсини фақат “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамияти орқали сотар эдик. Фармонга мувофиқ тўқимачилик корхоналари пахта хомашёсини энди тўғридан-тўғри тузилган шартнома асосида бевосита фермерлардан сотиб олиш имкониятига эга бўлди.

Навоий, Бухоро ва Сирдарё вилоятларида пахта-тўқимачилик кластерларини яратиш доирасида пахта хомашёсини бозор талаблари асосида етиштириш, нарх-навони шакллантириш ва сотишни ташкил этиш бўйича тажриба бошланди. Келгусида бундай ижобий тажрибани бутун мамлакатимиз миқёсида жорий қилишни бугун ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Чорвачилик соҳасига тўхталадиган бўлсак, қорамол ва парранда сонини кўпайтириш, бу борада сифат ва маҳсулдорликка эришиш учун етарли шароит яратишимиз зарур. Яқин истиқболда ҳар бир туманда ихтисослаштирилган бўрдоқчилик комплекслари, юқори технологик паррандачилик фабрикалари, шунингдек, иссиқхона хўжаликлари ташкил этилиши лозим.

Биз ҳозирги вақтда 1,5-2 миллиард АҚШ доллари миқдорида мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилмоқдамиз. Лекин ушбу соҳада йилига 10-15 миллиард АҚШ долларилек маҳсулот экспорт қилиш имконияти мавжуд. Маҳсулот тайёрлаш ва экспорт қилишда “Ўзагроэкспорт” акциядорлик жамияти, биржалар, агрофирмалар ва улгуржи компаниялар катта роль ўйнаши лозим”⁵⁷.

⁵⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://xs.uz/index.php/homepage/rasmij/item/12611>

Ривожланган мамлакатлар қишлоқ хўжалигида эришилган барча муваффақиятларни авваламбор ерни асраб-авайлаш, ерга эгалик муносабатини тиклаш ҳисобидан изоҳлаш мумкин. Ҳақиқатан ҳам хусусий мулкчиликдан афзалроқ ва самаралироқ шаклни ҳали ҳеч ким ўйлаб топгани йўқ. Жаҳон тажрибасини таҳлил қилар эканмиз, бутун дунёда бўлганидек, аввало бу ўринда гап қандай ер ҳақида ва ерга эгалик муносабатининг шакли тўғрисида кетаётганини тушуниб олишимиз керак. ...Алоҳида ер участкалари - шаҳарлардаги ер, коммуникациялар ўтган ер, корхоналар жойлашган ер, томорқа ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириладиган ер тушунчаларини аниқ ажратиб олиш зарур.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун мўлжалланган ер ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш зарур. Бу борада турли мамлакатлар ўртасида жиддий тафовутлар мавжудлигини кўрамиз. Бу тафовутлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириладиган ерларни сотиш ва сотиб олишга тўла ҳуқуқ берилишидан тортиб, ернинг бутунлай давлат ихтиёрида бўлишини ўз ичига олади. Буни Исроил ва Янги Зеландия мисолида яққол кўриш мумкин.

Давлатнинг ерга эгалиги анча юқори ўрин тутадиган мамлакатлар бор. Голландия, Бельгия, Дания, Австралия сингари мамлакатлар шулар жумласига киради. Бу мамлакатларда қишлоқ хўжалиги жуда юксак даражада ривожланган бўлиб, улкан экспорт салоҳиятига ҳам эга.

Иқтисодий тараққий этган кўпгина мамлакатларда ерга эгалик қонунчилик томонидан қаттиқ чеклаб қўйилган ҳамда давлат томонидан бошқарилади. Қишлоқ хўжалигига оид махсус билимга, маълум иш тажрибасига эга бўлмаган ва бошқа тегишли талабларга жавоб бераолмайдиган кишиларнинг ер сотиб олиши таъқиқлаб қўйилган. Давлат ерга қўйилган нарх устидан назорат қилиб туради. Бошқа сўз билан айтганда, ривожланган мамлакатларда ерга эгалик бошқа ҳар қандай мулк эгалигидан кескин фарқ қилади ҳамда турли шарт ва омиллар билан чегаралаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси шароитида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини амалга оширишнинг ўзига хос хусусияти ерга эгалик қилиш,

қишлоқ хўжалиги ерларининг эркин савдоси борасида янада қаттиқроқ талаб ва чекланишларни тақозо этади.

Бунда ҳал қилувчи ўрин тутадиган омиллар қуйидагилардир:

- деҳқончиликнинг суғориш, сувдан фойдаланиш иши билан мустаҳкам алоқаси. Суғориладиган ерларда ердан шахсий фойдаланишни жорий этиш хўжаликлараро ягона ирригация тизими билан зиддиятга олиб келади;

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва ихтисослаштириш билан боғлиқ жиҳат. Пахта ва ғалла сингари ғоят муҳим товар маҳсулотларни айрим кишиларга мансуб кичкина майдонларда, алоҳида кишилар меҳнати билан, ҳатто юксак механизацияни ишлатиб ҳам етиштириб бўлмайди. Бу ҳам ерни хусусийлаштиришни жорий этиш имкониятини сезиларли даражада чеклайди.

Хулоса шуки, деҳқончилигимиз асосан пахта ва ғалла етиштиришга ихтисослашган. Бу иш аксарият суғориладиган ерларда амалга оширилади. Бу жараён хўжаликлараро суғориш тармоқлари орқали сув билан таъминланади. Шунинг ўзи ҳам бизнинг шароитимизда бундай ерлар сотиш ва сотиб олиш объекти бўлиши мумкин эмаслигини тасдиқлайди.

Объектив шарт-шароитлар шуни кўрсатадики, сабзавот ва полиз экинлари етиштиришни хусусий шахслар ихтиёрига бериш мумкин. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида фойдаланилмайдиган ерга нисбатан эса хусусий эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи мавжуд. Ерни ундаги иморатлар билан бирга сотиш, шахсий уй-жой қурилишига ерларни аукционларда сотиш, ерга эгалик ҳуқуқини сотиш ва шу каби қонун йўли билан рухсат этилган ва кенг қўлланилмоқда.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигининг муайян тармоқларида маълум ер участкаларигина олди-сотди объекти бўлиши мумкин. Айни вақтда, ҳукумат республика учун муҳим бўлган бу муаммонинг ечимини топиш йўлида изланмоқда. Чунки уни ҳал қилмасдан республика танлаган йўл – цивилизация йўлидан бориш мумкин эмас. Боз устига, ердан фойдаланишнинг мавжуд механизми ҳам талабга мутлақо

жавоб бермайди. Чунки деҳқон бу ердаги ўз оғир меҳнати маҳсулининг ўз мулки эканини ҳис этмайди.

Ушбу муаммони қишлоқда пайчилик муносабатларини ривожлантириш орқали ҳал қилиш мумкин. Жаҳондаги кўпгина давлатларда, шунингдек, мамлакатимизда амалга оширилаётган аграр ислоҳотлар тажрибаси ана шу хулосани тасдиқлайди”¹. Мулк муносабатларини вужудга келтириш бундай шаклнинг моҳияти ва афзаллиги шундаки, ер хўжалиги аъзолари ўртасида тақсимланади, аммо ҳеч кимга уни сотиш-сотиб олиш ҳуқуқи берилмайди. Ер ва хўжаликнинг бошқа мулки натурал ҳолатда эмас, қиймат шаклида, яъни хўжалик активи ҳисобга олинган ҳолда тақсимланади. Бу борадаги барча тадбирлар қонун ва белгиланган меъёрлар асосида амалга оширилиши керак.

Хўжаликнинг ҳар бир аъзосига сертификат, яъни унга мулкнинг маълум қисмига ҳамда хўжалик оладиган умумий даромаднинг ўзига тегишли қисмига эгаллик ҳуқуқини берадиган юридик ҳужжат берилиши шарт. Бу ўринда хўжаликнинг энг аввало ижтимоий ва умумхўжалик муаммоларини ҳал этиш манбаи бўлган умумий бўлинмас жамғармасини ҳам эсдан чиқармаслик муҳим.

Мулк муносабатларини амалга ошириш бутун жамоа меҳнатининг пировард яқунларини пайчилар ўртасида дивиденд тариқасида, жамоада тасдиқланган меъёрлар асосида тақсимлаш жараёнида юз беради.

Мулкчиликнинг бу шаклида Ўзбекистоннинг ўзига хос деҳқончилик шароитларида хўжаликлар ирригация-мелиоратив тармоқларининг бутунлиги сақланиб қолади; хўжаликларнинг мавжуд ер ва ресурс салоҳиятидан оқилона фойдаланилади; ишлаб чиқаришни кўпайтириш, зарар ва харажатларни камайтириш ҳамда хўжаликнинг охирги даромадини ўстиришдан манфаатдорлик ортади. Пай эгаси бўлган ходимларда хўжаликнинг соф даромадидан ажратилган дивиденд шаклидаги кўшимча

¹ Каримов И.А. Қишлоқ хўжалиги тараққиёти – тўкин ҳаёт манбаи. Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг X сессиясидаги маъруза. Т.6. – Т.: Ўзбекистон, 1998, 404-б.

рағбат ва даромад манбаи пайдо бўлади. Охир-оқибатда кишиларнинг ерга, мулкка ва ўз меҳнати натижасига муносабати ўзгаради.

9.3. Қишлоқда замонавий уй-жойлар қуриш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини юксалтиришга, қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартиришга, жаҳон андозаларига мос, замонавий архитектура ва дизайн асосда барпо этиладиган, барча қулайликлар ва коммуникация тизимларига эга бўлган шинам уй-жойлар барпо этишга, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Маълумки, ҳозирги кунда юртимизда 51 фоиздан зиёд аҳоли қишлоқ жойларда яшайди. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда шаҳар ва қишлоқларимизнинг меъморий қиёфасини янада яхшилаш борасидаги ишларни изчил давом эттирамыз.

Шаҳар ва қишлоқларимизда жами 3,5 миллион квадрат метрдан зиёд намунавий уйлар ва кўп қаватли уй-жойлар барпо этилди. Бу рақамни аввалги йилларга таққослайдиган бўлсак, 2007 йилга нисбатан 20 баробар, намунавий уй-жойлар қуриш дастури бошланган 2010 йилга нисбатан 3,5 баробар, 2014 йилга нисбатан эса 2 баробар кўп уй-жой қурилганини кўрамыз⁵⁸.

Ушбу соҳада “...фермер хўжаликлар, энга аввало қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни ишлаб чиқараётган, қайта тайёрланаётган, тайёрлаш, сақлаш, сотиш, қурилиш ишлари ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланаётган кўп тармоқли фермер хўжаликларини рағбатлантириш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, ярим тайёр маҳсулотлар ва тайёр озиқ-овқат маҳсулотларини,

⁵⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://xs.uz/index.php/homepage/rasmij/item/12611>

шунингдек қадоклаш буюмларини ишлаб чиқариш бўйича энг замонавий юқори технологияли ускуналар билан жиҳозланган, қайта ишловчи янги корхоналарни қуриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш юзасидан инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни сақлаш, транспортировка қилиш ва сотиш, агрокимё, молиявий ва бошқа замонавий бозор хизматларни кўрсатиш инфратузилмасини янада кенгатириш” масалалари келгусида аграр соҳа инфратузилмасини ривожлантиришнинг энг устувор вазифаларидан ҳисобланади⁵⁹.

Меъморий режалаштириш талабларига кўра, қишлоқ аҳоли пунктлари уларда яшаётган аҳоли сонига қараб, 4 тоифага ажратилади ва шунга мос равишда қишлоқларнинг меъморий бош режаси ишлаб чиқилади. Биринчи тоифага аҳоли сони 100 дан 1000 кишигача бўлган кичик қишлоқлар, иккинчи тоифага аҳоли сони 1000 кишидан 3000 кишигача бўлган ўртача қишлоқлар, учинчи тоифага аҳоли сони 3000 кишидан 5000 кишигача бўлган катта қишлоқлар ва тўртинчи тоифага аҳоли сони 5000 кишидан ортиқ бўлган йирик қишлоқлар киритилади.

Мамлакатимизда жами 11820 та қишлоқ аҳоли пункти мавжуд бўлиб, уларнинг 5982 тасида (49,8 фоизи) аҳоли сони 100 нафардан 1000 кишигача, 4527 тасида (38,3 фоизи) 1000 нафардан 3000 кишигача, 1026 тасида (8,7 фоизи) 3000 нафардан 5000 кишигача миқдорни ташкил этади ва фақат 375 тасида (3,2 фоизи) 5000 кишидан ортиқ.

Шаҳарсозлик талабларига кўра, мамлакатимиздаги ҳар бир аҳоли пункти меъморий жиҳатдан бош режа асосида қурилиши мақсадга мувофиқдир. Бош режа аҳоли пунктларини режа асосида барпо этишнинг кенг қамровли режаси бўлиб, у ўз ичига қуйидагиларни олади:

- режалаштириш бўйича чекловлар ва атроф-муҳитнинг мавжуд ҳолатини баҳолаш схемаси;

⁵⁹ “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. http://strategy.gov.uz/uz/pages/action_strategy

- бош режа (асосий тарх);
- қурилишни биринчи навбатга жойлаштириш схемаси;
- шаҳар ва ташқи транспорт магистралларининг схемаси;
- муҳандислик коммуникациялари схемаси;
- ҳудудни муҳандислик ишлари бўйича тайёрлаш схемаси;
- атроф-муҳит муҳофазаси (атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш) лойиҳаси;
- фуқаролик ҳимояси бўйича техник-муҳандислик тадбирлар;
- бош режанинг асосий қоидалари ва техник-иқтисодий кўрсаткичлари.

Шаҳар ва туман ҳокимликлари бош режа асосида:

- туманнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиш дастурини ишлаб чиқиш;
- аҳоли пунктлари ва уларнинг қисмлари ўртасидаги чегараларни белгилаш;
- муҳандислик коммуникациялари ва транспорт хизматини ривожлантириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик объектларини жойлаштириш;
- табиатни муҳофаза қилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш;
- шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган объектларини белгилаш ва уларнинг ривожини мувофиқлаштириш;
- объектлар қурилишига рухсат бериш;
- ерга эгалик қилиш муносабатларини тартибга солиш ва бошқа масалалар бўйича қарорлар қабул қилади.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги барча қишлоқ аҳоли пунктларини юқорида келтирилган замонавий архитектура ва меъморий режалаштириш талабларига тўлиқ жавоб беради дея олмаймиз.

Республикаимизда мавжуд жами 11820 та қишлоқдан 7371 тасининг (62 фоизи) бош режаси умуман ишлаб чиқилмаган, 3982 тасининг (34 фоизи) бош режаси эскирган, 467 тасининг (4 фоизи) бош режаси яроқли ҳисобланади. Демак, мавжуд қишлоқларимизнинг 96 фоизини замонавий архитектура талаблари даражасидаги бош режа билан таъминлаш талаб этилади.

Қишлоқларда замонавий уй-жой ва инфратузилмалар барпо этиш узоқ муддатга мўлжалланган, босқичма-босқич амалга ошириладиган йирик дастур бўлиб, уни ҳаётга татбиқ этиш учун катта маблағ талаб этилади. Қишлоқ қурилишига сарфланадиган маблағларнинг манбалари қуйидагилардан иборат:

- қишлоқ аҳолисининг ўз маблағлари;
- “Қишлоқ қурилиш банк” очик турдаги акциядорлик тижорат банкининг кредит ресурслари;
- давлат бюджетидан шу мақсадлар учун ажратилаётган маблағлар;
- молиялаштиришнинг бошқа манбалари.

Сир эмаски, замонавий уй-жой барпо этиш катта маблағ талаб этадиган лойиҳадир. Шу туфайли қишлоқ аҳолисининг ҳаммаси ҳам бу уй-жойларни харид этишга қурби етмаслиги мумкин. Шунини эътиборга олган ҳолда, қуриладиган уй-жойларни имтиёзли фоиз ставкалари билан узоқ муддатли ипотека кредитлари орқали аҳолига топшириш тартиби ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди. Жумладан, яқка тартибда уй-жой қуришга узоқ муддатли ипотека кредити беришнинг асосий шартлари қуйидагича белгиланган:

- кредит 5 йиллик имтиёзли давр билан 15 йил муддатга берилади;
- кредит миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 1000 баробаригача берилади;
- имтиёзли давр давомида кредит учун фоиз ставкаси Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизи миқдорида белгиланган (ҳозирги кунда 7 фоиз);
- барпо этиладиган уй-жой смета қийматининг камида 25 фоизи миқдорида бошланғич бадал киритилади.

Уй-жой қурилиши учун кредит:

- қишлоқ жойларида домий яшайдиган, яъни қишлоқ жойида доимий рўйхатдан ўтган;

- ипотека кредити олиш учун мурожаат қилган кунда 18 ёшга тўлган, яъни 18 ёшдан ошган Ўзбекистон Республикаси фуқаросига;

- охириги 12 ой мобайнида доимий иш жойига, доимий даромадига, шунингдек, кредит бўйича тўловларни ҳар ойда тўлашга қодир бўлган;

- қуриладиган уй-жой қийматининг камида 25 фоизи миқдорида бошланғич бадал учун маблағга эга бўлган шахсларга берилади.

Бугунги кунда нафақат замонавий ва қулай уй-жойлар ва коттежлар қуриш, айтилиб ўтилган вақтда болалар боғчалари, умумтаълим мактаблари, мусиқа ва санъат мактаблари, спорт иншоотлари, тиббиёт муассасалари, хизмат кўрсатиш объектлари, кенг ва равион йўллар, бир сўз билан айтганда, қишлоқ аҳолисининг қулай ва муносиб ҳаёт кечириши учун зарур бўлган барча шароитларни ўз ичига олган замонавий ва обод қишлоқларни барпо этиш кўзда тутилмоқда. Қишлоқларимиз тараққиётини юксалтириш, уларни замонавий архитектура талаблари асосида қайта қуриш, ижтимоий инфратузилмаларни ва коммуникация тизимларини кенг кўламда барпо этиш қишлоқ аҳолисининг фаровонлигини юксалтириш, улар учун муносиб турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган.

Қисқача хулоса

1. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш кўп жиҳатдан ер билан боғлиқ, шунинг учун ҳам ерга эгалик қилиш, тасарруф этиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган муносабатлар аграр муносабатлар дейилади.

2. Агросаноат интеграцияси – қишлоқ хўжалиги билан унга хизмат қилувчи ва маҳсулотни истеъмолчига етказиб берувчи туташ тармоқлар ўртасида ишлаб чиқариш алоқаларининг ривожланиши ҳамда уларнинг узвий бирикиш жараёни.

3. Агросаноат мажмуаси (АСМ) – бу қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, уни сақлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш билан шуғулланувчи халқ хўжалиги тармоқлари. АСМ тўртта соҳани ўз ичига олади. Биринчи соҳа - қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш воситалари

етказиб берадиган саноат тармоқлари, шунингдек, қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш техника хизмати кўрсатиш билан банд бўлган тармоқлар; иккинчи соҳа – қишлоқ хўжалигининг ўзи; учинчи соҳа – қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини истеъмолчига етказиб беришни таъминлайдиган тармоқлар (тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш, ташиш, сотиш); тўртинчи соҳа - одамлар ҳаёти ва фаолиятининг умумий шароитларини таъминлайдиган инфратузилма (йўл-транспорт хўжалиги, алоқа, моддий-техника хизмати, маҳсулотни сақлаш тизими, омбор ва тара хўжалиги).

4. Тадбиркорлик фаолиятининг қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги шакли агробизнес кўринишида намоён бўлади. Агробизнес тушунчасига қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлган фаолият билан шуғулланувчи бизнес турлари ҳам киритилади. Бу қишлоқ хўжалигига техникавий, таъмирлаш хизмат кўрсатиш, унинг маҳсулотларини қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш билан боғлиқ бўлган тадбиркорлик фаолиятидир. Агробизнес фаолиятининг мақсади истеъмол бозорини етарли миқдорда сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, саноатни эса хомашё билан узлуксиз таъминлаш орқали фойда кўришдан иборат.

Асосий таянч тушунчалар

Аграр муносабатлар – ерга эгалик қилиш, тасарруф этиш, ундан фойдаланиш ва ишлаб чиқариш натижаларини ўзлаштириш жараёнида вужудга келадиган муносабатлар.

Агросаноат мажмуаси – қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, уни сақлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш билан боғлиқ хўжалик тармоқларининг бирлиги.

Агросаноат интеграцияси – қишлоқ хўжалиги билан унга хизмат қилувчи ва маҳсулотни истеъмолчига етказиб берувчи туташ тармоқлар ўртасида ишлаб чиқариш алоқаларининг ривожланиши ҳамда уларнинг узвий бирикиш жараёни.

Агробизнес – тадбиркорлик фаолиятининг қишлоқ хўжалиги ва у билан боғлиқ соҳалардаги намоён бўлиш шакли.

Давлат хўжалиги (совхоз – советское хозяйство) – давлат мулки асосида, қишлоқ хўжалиги давлат корхонаси шаклида ташкил этилувчи, асосан собиқ Иттифоқ даврида ҳамда республикамизда бозор муносабатларига ўтишнинг дастлабки вақтларигача амал қилиб келган асосий хўжалик юрителиш шаклларида бири.

Фермер хўжалиги – ерни узоқ муддатли ижарага олиш асосида ташкил этилган, қишлоқ хўжалигидаги тадбиркорлик шакли.

Қишлоқ хўжалиги артели – асосий ишлаб чиқариш воситалари умумлаштирилиб, артель аъзоларидан ҳар бири ижтимоий хўжаликда шахсий меҳнати билан қатнашиши керак. Бундан ташқари, артель аъзолари томорқа шаклидаги шахсий ёрдамчи хўжаликка эга бўлиб, маълум миқдорда чорва ва паррандаларни сақлаши мумкин.

Такрорлаш учун саволлар

1. Аграр секторнинг иқтисодиёт таркибидаги ўрни қандай?
2. Жамоа ва ширкат хўжаликларининг умумий томонлари ва фарқлари нималардан иборат?
3. Қишлоқда мулкчилик муаммосини ҳал этиш йўналишлари қандай?
4. «Пай» нима? Уни мулкчилик шаклининг бир кўриниши сифатида баҳоланишини асослаб беринг.
5. Оилавий пудратнинг қандай афзалликлари мавжуд?
6. «Фермер хўжалиги» ва «Дехқон хўжалиги» тушунчалари ўртасидаги фарқни изоҳлаб беринг.
7. Нима учун фермер хўжалиги аграр соҳадаги хўжалик юрителишнинг истиқболли шакли ҳисобланади?
8. Ўзбекистонда фермер хўжаликларининг ташкил топиш йўллари қандай?

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://xs.uz/index.php/homepage/rasmij/item/12611>
2. “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. http://strategy.gov.uz/uz/pages/action_strategy
3. Каримов И.А. Қишлоқ хўжалиги тараққиёти – тўқин ҳаёт манбаи. Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг X сессиясидаги маъруза. Т.6. – Т.: Ўзбекистон, 1998, 190-191, 389-406-б.
4. Теоретические проблемы переходной экономики: Учеб.-метод. пособие/ Под ред. В.В.Радаева. – М.: Экономический факультет МГУ, ТЕИС, 2003, с.224-243.
5. Shodmonov Sh.Sh., G'afurov U.V. Iqtisodiyot nazariyasi (darslik). - Т.: Fan va texnologiya, 2005, 382-410-б.

10-боб. ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИДА ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТИ ВА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Иқтисодий тизимлар трансформацияси даври узоқ давом этувчи, серқирра ва мураккаб жараён дур. Турли мамлакатлар учун трансформациялашув даврининг мазмун ва муддат жиҳатидан ягона қабул қилинган андозаси мавжуд эмас ҳамда бўлиши ҳам мумкин эмас. Иқтисодий тараққиёт жиҳатидан бир хилда бўлган икки мамлакат учун трансформациялашув даврининг давомийлиги бир хилда бўлмаслиги мумкин. Зеро, трансформациялашув даврининг давомийлигига кўплаб омиллар таъсир кўрсатади. Асосий омиллардан бири сифатида трансформациялашув даври иқтисодиётининг зиддиятлари ва камчиликларининг даражасини кўрсатиш мумкин. Шунингдек, трансформациялашув даврида мамлакатдаги нафақат иқтисодий ҳолат, балки ижтимоий ҳолат ҳам етакчи ўрин тутаети. Шунга кўра, давлатнинг ижтимоий сиёсати, унинг таркиб топиш хусусиятлари, ижтимоий адолат концепцияси ва унинг аралаш иқтисодиётга ўтиш шароитида ривожланиши масалалари муҳим ҳисобланади. Айниқса жамиятнинг иқтисодий, демократик ва ижтимоий ислохотларни амалга оширишда ижтимоий барқарорликнинг таъминланиши ҳал қилувчи роль ўйнайди. Мазкур боб мана шу масалаларнинг назарий асосларини кўриб чиқишга бағишланади.

10.1. Трансформациялашув даври иқтисодиётининг зиддиятлари ва камчиликлари

Миллий давлатчиликни шакллантириш даврида демократик ислохотларни ўтказиш, иқтисодиётни трансформация қилиш ва бозор муносабатларига ўтишда ижтимоий масалаларга алоҳида эътибор бериш лозим. Бу ҳақда кўп мамлакатларнинг ижтимоий тараққиёти, янги мустақил давлатларнинг ислохотлаштириш йилларидаги ижтимоий–сиёсий ва иқтисодий ҳолатининг таҳлили гувоҳлик беради.

Тарихдан маълумки, унинг кескин бурилишларида, яъни ижтимоий формациялар алмашган пайтда, ижтимоий муаммолар ва қарама-қаршилиқлар кучли тавсиф касб этади, миллий хавфсизликка таҳдид қилувчи омил бўлиб хизмат қилади. Унинг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, ижтимоий зиддиятлар ҳар доим сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришларнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб хизмат қилган. Тўпланиб қолган ижтимоий муаммоларнинг муҳимлик даражаси ва тузилмаларнинг бу муаммоларни ҳал қилиши хусусиятига боғлиқ. Яъни бу муаммолар эволюцион йўллар билан ҳал қилиниши ёки ижтимоий жараёнлар шаклидаги стихияли портлашлар, фуқаролик уруши ва революцияларни келтириб чиқариши мумкин.

Иккинчидан, инсонларнинг ижтимоий мотивацияси ўта муҳим аҳамият касб этади. Инсон моҳиятан ижтимоий мавжудот, унинг учун ислохотларнинг мазмуни ва мақсадлари, реал натижалари тўғрисидаги тасаввурлари қанчалик ҳақиқатга яқинлиги аҳамиятга эга. “Агар ўтиш даврида пировард мақсадга эришиш – жамиятни демократлаштириш ва бозор иқтисодиётини руёбга чиқариш учун айрим босқичларда одамларнинг моддий аҳволини ёмонлашувига олиб келадиган номақбул, баъзан кескин қарорлар қабул қилишга тўғри келиши ҳисобга олинса, аҳолининг ижтимоий ҳимояланмаган қатламларини қанчалик аҳамият касб этиши аён бўлиб қолади”¹.

Масалан, кўп мамлакатлар, яъни собиқ совет мамлакатлари, ислохотларнинг бошланғич босқичида ички қарз ва валюта ресурсларини истеъмол товарларининг импортини кенгайтиришга йўналтиради, ихтиёрий ва ихтиёрсиз равишда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини қабул қилмайдилар. “Оқибатда миллий саноат ва қишлоқ хўжалиги инқирозга юз тутди, баъзан эса барбод бўлгани ҳолда катта валюта маблағлари еб битирилди. Биз эса енгил йўлни қидирмадик. Ислох

¹ Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”. Т: Ўзбекистон, 1997, 213-б.

қилишнинг дастлабки босқичларида истеъмол бозорини бир қадар чеклашга мажбур бўлдиқ. Айни чоғда маблағ ва захираларни иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларга сарфлаб, хорижга маҳсулот тайёрлайдиган, илғор технология базаси билан жиҳозланган замонавий корхоналар барпо этиб, ички бозорни ўз молларимиз билан тўлдириш йўлидан бордиқ. Шу мақсадлардан келиб чиқиб, ўз маблағларимиз ва олган қарзимизнинг асосий қисми инвестицияларга, республикага янги технология ва техника келтиришга сарфланмоқда. Истеъмолни эмас, балки инвестицияларни кўпайтирдик. Бугунга келиб бу сиёсат ўз самарасини бермоқда. Бу – Асака шахридаги автомобиль заводидир. Бу – Бухоро нефтни қайта ишлаш заводини ишга туширишдан иборатдир. Бу – Кўкдумалоқ ва Мингбулоқ конларини ишга солиш, чет эллик шериклар иштирокида ўнлаб тўқимачилик ва ип-йигирув фабрикаларини, Хоразм вилоятида канд заводи, Қизилқум фосфорит комбинати, Қорақалпоғистондаги Қўнғирот сода заводини қуриш, шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш, шунингдек, озиқ-овқат ва маҳаллий саноатга қарашли ўнлаб янги ва замонавий корхоналар демақдир”².

Жиддий ижтимоий қарама-қаршилиқлар юзага келтирадиган сабаблар ислохотлар йўналишида бюрократик тўсиқлар, ижтимоий адолатнинг бузилиши, ҳоким тузилмаларда коррупциянинг келиб чиқишига сабаб бўлди.

Учинчидан, қийин ижтимоий ҳолатнинг сабабларидан бири, катта миқёсдаги ислохотларнинг узоқ давом этишидир. Чунки, трансформациялашув даврининг ўзи қисман ечилмаган ижтимоий муаммоларининг мажмуасини келтириб чиқаради. Ундан ташқари, бир сиёсий ва иқтисодий тизимдан бошқасига ўтиш янги муаммоларни туғдиради ва аниқ харажатлар билан боғлиқ бўлади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даври бир текис, асоратларсиз ва ижтимоий қийичилиқларсиз кечмайди. Бу объектив жараён: 1) истеъмолчилик нархлари ва тарифларини вужудга келтиради; 2) ишлаб чиқаришни пасайтиради; 3) тўловлардаги таназзулларга олиб келади; 4) пул муомаласининг бузилиши,

² Ўша ерда, 153-б.

истеъмол нархларининг кескин ошишишга сабаб бўлади, тўлиқ ва қисман ишсизликнинг сони ортади, аҳолининг аксарият қисмини қашшоқлашувига олиб келади.

Тўртинчидан, трансформациялашув даврининг кескин ижтимоий муаммоси ҳаёт тарзидан чарчаган инсонларнинг ўз ҳаётларини ўзгартира олмаётганидир.

Трансформациялашув даврида инсонлар онгида психологик ўзгаришлар юз беради ва бу албатта оғриқсиз бўлмайди. Бу даврдаги қийинчиликлардан ва инсонларнинг янги ҳаёт шароитларига мослашувидан қочиб қутилиб бўлмайди.

Трансформациялашув даврида эскича ва янгича қарашлар ҳамда ўтган ва ҳозирги замон тизимлари афзалликлари ўртасидаги қарама – қаршилиқлар кучаяди, пул ишлаб топишга бўлган умид йўқолади. Ижтимоий муаммоларнинг кучлилиги шундаки, бу ижтимоий қатламлар ўртасидаги кескин фарқни келтириб чиқаради, бу уларнинг қаршилиқларига қармасдан, ихтиёрсиз равишда юз беради. Шунинг учун демократик давлатнинг ўтиш давридаги муҳим вазифаси ижтимоий қарама-қаршилиқларни нейтраллаштириш, маълум чора-тадбирлар ёрдамида бу жараёнларни юмшатишдир.

10.2. Ижтимоий адолат концепцияси ва унинг аралаш иқтисодиётга ўтиш шароитида ривожланиши

Ижтимоий келишувга, шу жумладан, миллатлараро тотувликка эришиш, барқарор демократик ва иқтисодий ривожланишни, ижтимоий бирдамликни таъминлаш – ижтимоий зиддият ва тенгсизликларнинг ўзларини адолатсиз равишда ҳамма нарсадан бебаҳра бўлиб қолган ёки ҳақ-ҳуқуқлари камситилган деб ҳисобловчи бутун-бутун аҳоли гуруҳлари ва табақалари вужудга келадиган даражага бориб етмаслигига эришиш демакдир. Шу боисдан ҳам етакчи тамойиллардан бири кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишдан иборат.

“Тап ижтимоий ҳимоя тизимининг устуворлиги ҳақида борар экан, бунда энг аввало, бозор иқтисодиётини барпо этиш биз учун бирдан-бир мақсад эмаслиги назарда тутилади. Ислоҳотларнинг мазмуни ва мақсади Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси миллати, дини ва маслагидан қатъи назар, шахс сифатида намоён бўлиш, ўз қобилиятини, истеъдодини намоёйиш этиш, ўз ҳаётини яхшироқ, муносиброқ, маънавий бойроқ қилиш имконига эга бўладиган зарур шартларни яратишдан иборатдир”¹.

Бозор муносабатларига ўтишнинг илк даврида Ўзбекистон олдиндан бутун аҳолини ижтимоий ҳимоялаш йўлидан борди. Ҳукумат вазиятни назорат қилиш ва ижтимоий соҳани мустаҳкамлаш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўриб қўйди. Ислоҳотлар бошланғич босқичининг ҳар бир аниқ даврига мослаб ижтимоий ҳимоялашга оид чора-тадбирларнинг тегишли тизими ҳам яратилди. Бошқача айтганда, ижтимоий кўникиш чора-тадбирларини ўзгариб бораётган иқтисодий шароитларга мослаштиришнинг ўзига хос воситаси яратиб қўйилди. Бу мақсадга эришмоқ учун давлат йўли билан бошқаришнинг кўпдан-кўп усуллари ва услубларидан фойдаланилди. Жумладан:

- миқдори мунтазам ўзгартириб турилган иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар, турли нафақалар, компенсация тўловлари тарзидаги бевосита пул тўловлари ҳам, имтиёзлар ва турли дотациялар тарзидаги бавосита тўловлар ҳам кенг қўлланилди. Масалан, энг кам иш ҳақи ва пенсиялардан солиқ олинмайдиган бўлди;

- қўшимча ижтимоий имтиёзларнинг бутун бир мажмуи: бошланғич синфлар ўқувчилари ва ёлғиз пенсионерлар учун бепул нонушталар, 2 ёшгача бўлган болалар учун бепул овқат, барча мактаб ўқувчилари ва студентлар учун овқатнинг арзонлаштирилиши каби имтиёзлар амал қилиб турди;

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. 6. – Т.: Ўзбекистон, 1998, 169-б.

- кўпгина тоифадаги фуқароларга турар-жойи шахсий мулк қилиб бепул берилди, баъзи турдаги коммунал хизматлар ҳақини тўлашда енгилликлар жорий этилди ва ҳоказо.

Шундай қилиб, қайта тақсимлаш воситаси кенг кўламда ишга солинди.

Нархлар эркинлаштирилиши ва пулнинг қадрсизланиш даражаси ортиб бориши муносабати билан даромадларнинг энг кам ва ўртача даражасини мунтазам ошириш ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирлари тизимидаги энг устун йўналишлардан бири бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. 1992-1994 йиллар мобайнида иш ҳақи ва пенсияларнинг энг кам миқдори бир неча бор оширилди, уларнинг миқдорлари бу даврда тегишли равишда 428 баравар ва 1230 баравар кўпайтирилди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг иккинчи муҳим йўналиши сифатида истеъмол молларини сотиб олиш учун бир марта, сўнгра эса кўп марта ишлатиладиган купонларни муомалага киритиш, кундалик зарур товарларнинг чекланган турларини меъёрланган тарзда сотишни ташкил этиш кўзда тутилди. Бу тадбирлардан ташқари, 1992–1994 йилларда нон ва нон маҳсулотлари, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут, қанд-шакар, ўсимлик мойи, кир совун, болаларга керакли айрим моллар, коммунал ва транспорт хизматлари учун дотациялар қисман сақлаб қолинди. Айни вақтда республикадаги истеъмолчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилишнинг мутлақо янги тизимига ўтишга тайёргарлик ишлари олиб борилди.

Шундай қилиб, бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки даврида бутун аҳоли олдиндан ижтимоий ҳимоя қилинди. Бу мажбурий чора эди. Уни зарур қилиб қўйган ҳол шуки, давлат нархларни эркинлаштириш шароитида аҳолининг харид қобилиятини ҳимоя қилиши керак эди. Олдиндан кўрилган ижтимоий чора-тадбирлар ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш имконини берди, аҳолида амалга оширилаётган ислохотлар йўлига ишонч пайдо қилди. Айни вақтда ислохотларнинг бошланғич босқичида қўлланилаётган ижтимоий ҳимоя чораларини чуқур таҳлил қилиш уларнинг камчиликларини, энг аввало, исрофгарчиликни ва боқимандалик кайфияти

кучаяётганлигини кўрсатди. Дотация ва имтиёзлар муҳтожлик даражасини ҳисобга олмаган ҳолда барча аҳолига баравар тааллуқли қилиб қўйилди. Бу ҳол кўпинча ўзига тўқ оилаларни ҳам дотация ва имтиёзлардан фойдаланишига олиб келди.

Кейинги йилларда мамлакатда ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича аниқ мақсад ва вазифалар белгилаб олинди. Жумладан, 2017–2021 йилларда:

1. Аҳолининг бандлиги ва реал даромадларини босқичма-босқич ошириш:

- аҳолининг реал пул даромадларини ва харид қобилиятини ошириш, кам таъминланган оилаларни ва аҳолининг даромадлари бўйича фарқланиши даражасини янада қисқартириш;

- бюджет муассасалари ходимларининг иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақаларнинг ҳажмини инфляция суръатларига нисбатан жадал миқдорда босқичма-босқич ошириш;

- янги иш ўринлари яратиш ҳамда аҳолининг, энг аввало, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари битирувчиларининг оқилона бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори инфраструктурасининг мутаносиблиги ва ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини қисқартириш;

- меҳнатга қобилиятли аҳолининг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллигини тўлиқ амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш, ишчи кучи сифатини ошириш, ишга жойлаштиришга муҳтож шахсларни касбий тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини кенгайтириш;

2. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш:

- аҳолига мажбурий ижтимоий кафолатларни таъминлаш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш ҳамда кексалар ва имконияти чекланган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, ижтимоий хизмат кўрсатишни яхшилаш, аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатишда давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш;

- соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга қаратилган дастлабки бўғини, тез ва шошилишчи тиббий ёрдам тизимини янада ислох қилиш, аҳолининг соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

- оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматга эришишини кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада амалга ошириш;

- пенсионерлар, ногиронлар, ёлғиз кексалар ва аҳоли бошқа эҳтиёжманд тоифаларининг тўлақонли ҳаёт фаолиятини таъминлаш учун уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш;

- фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланишини яхшилаш, улар нархларининг асоссиз ўсишига йўл қўймаслик бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

- аҳоли касалланиш кўрсаткичлари пасайишини ва ҳаётининг давомийлиги узайишини таъминлаш.

3. Арзон уй-жойлар қуриш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, аҳолининг ҳаёт шароитлари яхшиланишини таъминловчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш:

- аҳолининг, энг аввало, ёш оилалар, эскирган уйларда яшовчилар ва фуқароларнинг уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бошқа тоифаларининг яшаш шарт-шароитларини имтиёзли шартларда ипотека кредитлари ажратиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқ жойларида арзон уйларни қуриш орқали янада яхшилаш;

- коммунал-маиший хизматлар билан таъминланганлик даражасини ошириш, энг аввало, янги сув ўтказиш тармоқларини куриш, замонавий тежамкор ва самарали технологияларни босқичма-босқич жорий этиш орқали қишлоқ жойларида аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминланишини тубдан яхшилаш;

- одамлар яшашининг экологик хавфсизлигини таъминлаш, маиший чиқиндиларни қайта ишлаш комплексларини куриш ва модернизация қилиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, аҳолини чиқинди йўқ қилишнинг замонавий объектлари билан таъминлаш;

- аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни тубдан яхшилаш, йўловчи ташиш хавфсизлигини ошириш ва атмосферага зарарли ифлослантирувчи моддаларни қисқартириш, янги ҳар томонлама қулай автобусларни сотиб олиш, автовокзал ва автостанцияларни куриш ҳамда реконструкция қилиш;

- йўл инфраструктураси курилиши ва реконструкция қилинишини жадал давом эттириш, энг аввало, минтақавий автомобиль йўлларини ривожлантириш, хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларини, аҳоли пункти кўчаларини капитал ва жорий таъмирлаш;

- янги электр ишлаб чиқариш қувватларини куриш ва мавжудларини модернизация қилиш асосида аҳолини электр энергияси билан таъминлашни яхшилаш, паст кучланишли электр тармоқлари ва трансформатор пунктларини янгилаш, шунингдек, аҳолини бошқа ёқилғи-энергия ресурслари билан таъминлашни яхшилаш ва қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

- театр-томоша, маданий-маърифий ташкилотлар ва музейлар фаолиятини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.

4. Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш:

- узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш йўлини давом эттириш, сифатли таълим хизматларига имкониятларни ошириш, меҳнат

бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрларни тайёрлаш;

- таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, уларни замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси ва ўқув-методик қўлланмалар билан жиҳозлаш бўйича ишларни амалга ошириш орқали уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш юзасидан аниқ мақсадга қаратилган чора-тадбирларни кўриш;

- болалар мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун мактабгача таълим муассасаларидаги шарт-шароитларни тубдан яхшилаш, болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олинишини жиддий ошириш ва унинг қулайлигини таъминлаш, педагог ва мутахассисларнинг малака даражасини юксалтириш;

- умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, чет тиллар, информатика, математика, физика, химия, биология каби бошқа муҳим ва талаб юқори бўлган предметларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш; болаларни спорт билан оммавий тарзда шуғулланишга жалб қилиш, уларни мусиқа ва санъат олами билан боғлаш мақсадида янги болалар спорти объектларини, болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш;

- касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини бозор иқтисодиёти ва иш берувчиларнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган мутахассисликлар бўйича тайёрлаш ҳамда ишга жойлаштириш борасидаги ишларни такомиллаштириш;

- таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, олий таълим муассасаларига қабул квоталарини босқичма-босқич кўпайтириш;

- илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали

механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш.

5. Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш:

- жисмонан соғлом, рухий ва интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий нуқтаи-назарига эга, Ватанга содиқ ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш;

- ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳасига жалб қилиш;

- ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда амалга ошириш, болалар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш;

- ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ёш оилалар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шарт-шароитлар яратиш;

- ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, таълим муассасалари, ёшлар ва бошқа ташкилотларнинг самарали фаолиятини ташкил этиш⁶⁰.

10.3. Жамиятнинг ижтимоий барқарорлиги-иқтисодий, демократик ва ижтимоий ислохотларни амалга ошириш шарти сифатида

Давлатнинг ижтимоий сиёсати тегишли марказлашган даромадларни табақалашган солиқ солиш йўли билан шакллантириш ва уни бюджет орқали аҳоли турли гуруҳлари ўртасида қайта тақсимлашдан иборат. Давлат даромадларини қайта тақсимлашда ижтимоий тўловлар билан бирга бозор

⁶⁰ “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. http://strategy.gov.uz/uz/pages/action_strategy

нархларини ўзгартириш (масалан, фермерларга нархларни кафолатлаш) ва иш ҳақининг энг кам даражасини белгилаш усулларидадан фойдаланади.

Ижтимоий тўловлар – кам таъминланганларга пул ёки натурал ёрдам кўрсатишга қаратилган тадбирлари тизими бўлиб, бу уларнинг иқтисодий фаолиятда қатнашиши билан боғлиқ бўлмайди. Ижтимоий тўловларнинг мақсади жамиятдаги муносабатларни инсонпарварлаштириш ҳамда ички талабни ушлаб туриш ҳисобланади.

Аҳоли реал даромадлари даражасига инфляция сезиларли таъсир кўрсатиши сабабли даромадларни давлат томонидан тартибга солишнинг муҳим вазифаси истеъмол товарларига нархнинг ўсишини ҳисобга олиш ва даромадларни индексациялаш, яъни номинал даромадларни нархлар ўсишига боғлиқликда ошириб бориш ҳисобланади.

Шахсий даромадни ҳимоя қилишда ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналиши аҳоли камбағал қатламини қўллаб-қувватлаш ҳисобланади. Амалий ҳаётда қашшоқликнинг ўзи ҳаёт кечириш минимуми ёрдамида аниқланади. Бу ижтимоий ва физиологик (жисмоний) минимумда ифодланади. Ижтимоий минимум жисмоний эҳтиёжларни қондиришнинг минимал меъёри билан бирга ижтимоий талабларнинг минимал харажатларини ҳам ўз ичига олади. Физиологик минимум эса фақат асосий жисмоний эҳтиёжларни қондиришни кўзда тутаяди.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда аҳолининг ижтимоий ёрдамига муҳтож қисмини аниқлашда турли хил мезонлар асос қилиб олинади. Улар жумласига даромад даражаси, шахсий мол-мулк миқдори, оилавий аҳволи ва шу кабилар киритилади.

Ижтимоий сиёсат – бу давлатнинг даромадлар тақсимоотидаги тенгсизликни юмшатишга ва бозор иқтисодиёти қатнашчилари ўртасидаги зиддиятларни бартараф қилишга йўналтирилган сиёсатдир.

Республикада бозор муносабатларига ўтиш даврида ижтимоий сиёсат аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилишга қаратилади ҳамда алоҳида йирик йўналишларда амалга оширилади.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирлари тизимидаги энг асосий йўналиш – бу нархлар эркинлаштирилиши ва пулнинг кадрсизланиш даражаси ортиб бориши муносабати билан даромадларнинг энг кам ва ўртача даражасини мунтазам ошириб бориш ҳисобланади. Бунда республиканинг ўзига хос ёндашуви ишлаб чиқилиб, даромадлар нисбатини ўзгартириш, иш ҳақи, пенсиялар, стипендияларнинг, жамғарма банклардаги аҳоли омонатлари ставкаларининг энг оз миқдорини бир вақтнинг ўзида қайта кўриб чиқиш йўли билан амалга оширилади. Даромадлар нисбатини ўзгартиришда 1993 йил жорий этилган янги ягона тариф сеткаси катта аҳамиятга эга бўлди. Бу барча тоифадаги ходимларнинг меҳнат ҳақи миқдорларини тариф коэффицентлари орқали, энг кам иш ҳақи воситаси билан бевосита ўзаро боғлаш имконини берди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг иккинчи йўналиши - ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш, ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат моллари асосий турлари истеъмолини муайян даражада сақлаб туриш бўлди. Бунга эришишда муҳими маҳсулотлар экспортини божхона тизими орқали назорат қилиш ва уларга юқори бож тўловлари жорий этиш, кундалик зарур товарларни меъёрланган тарзда сотишни ташкил қилиш каби тадбирлар катта аҳамиятга эга бўлди. Миллий валюта жорий этилиши билан озиқ-овқат маҳсулотларини меъёрланган тарзда сотишдан воз кечиш эркин нархларга ўтиш имкониятини яратади.

Иқтисодий ислохотларнинг илк босқичида ижтимоий сиёсатни амалга оширишнинг учинчи йўналиши – аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб – қувватлаш борасида кучли чора-тадбирлар ўтказилганлиги бўлди. Бу йўналишда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ночор қатламлари - пенсионерлар, ногиронлар, кўп болали ва кам даромадли оилалар, ишсизлар, ўқувчи ёшлар ҳамда қайд этилган миқдорда даромад олувчи кишилар турли хил йўллар билан ҳимоя қилиб борилди.

Ялпи ижтимоий ҳимоялаш тизимидан ишончли ижтимоий кафолатлар ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимига изчиллик билан ўтиш –

ижтимоий сиёсатни амалга оширишга, ижтимоий ҳимоя воситасини кучайтиришда сифат жиҳатдан янги босқич бошлашини билдиради.

Янгиланган ижтимоий сиёсат адолат тамойилларига изчиллик билан риоя қилишга асосланиб, ижтимоий кўмаклашишнинг мавжуд усуллари ва пул билан таъминлаш манбаларини тубдан ўзгартиришни тақозо қилади. Бу сиёсат ижтимоий ҳимоя аниқ мақсади ва аҳолининг аниқ табақаларини қамраб олишни кўзда тутди. Ёрдам тизими фақат кам таъминланган ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нисбатан қўлланилиб, шу мақсад учун давлат манбалари билан бир қаторда меҳнат жамоалари, турли ташкилот ҳамда жамғармаларнинг маблағларидан ҳам фойдаланилади.

Ижтимоий кўмаклашишнинг янги тизимида болалар ва кам даромадли оилалар ёрдамдан баҳраманд бўлувчи асосий кишилар ҳисобланиб, улар учун нафақа ва моддий ёрдамлар фақат маҳалла орқали етказиб берилади. Бу тизимда кам даромадли оилаларга бериладиган моддий ёрдам маҳалла орқали етказилади. Шу мақсадда маҳаллаларда бюджет маблағлари, корхона ва ташкилотлар, тадбиркорлик тузилмалари ва айрим фуқароларнинг ихтиёрий ўтказган маблағлари ҳисобидан махсус жамғармалар ҳосил қилинди.

Ижтимоий кўмаклашишнинг янги тизими меҳнатга рағбатлантирадиган омиллар ва воситалар янги тузилмаси пайдо бўлишини ҳам тақозо қилади.

Шундай қилиб, ислоҳотлар даврида давлат аҳолининг муҳтож табақаларини қўллаб-қувватлаш билан бирга, ўз меҳнат фаолияти орқали оиласининг фаровонлигини таъминлашга интилувчи кишилар учун тенг шароит ва қулай имконият яратишга ҳаракат қилади.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни яхшилаш қуйидаги масалаларни ҳал қилиш билан боғлиқ.

Биринчидан, ишлаб чиқариш барқарорлашувининг мукамал ривожланиши. Самарали инфляцияга қарши чора-тадбирларнинг ўтказилиши, истеъмол товарларни ишлаб чиқаришни ривожлантиришни тезлаштириш, миллий валюта ва ички истеъмолчилар бозорини

мустаҳкамлаш натижасида ислоҳотларни бошланғич босқичдаёқ ҳаёт даражасида ушлаб туриш ва кескин тушиб кетмаслигига имкон яратиш.

Иккинчидан, ижтимоий ва хайрия ташкилотлари ва фондларини кенг камраб олиш, ижтимоий сиёсат, уни амалга ошириш механизми инсонларнинг меҳнат фаолиятини ва тадбиркорлигини оширишга қаратилган.

Учинчидан, ижтимоий ҳимояни яхшилаш – бу инсонларнинг қобилиятларини фаоллаштиришга қодир бўлган кучли мотивацион механизмни шакллантиришдир.

Муносабатларни шакллантириш, қачонки шахсий қобилиятлар ва меҳнат фаровонлигининг барқарор асоси бўлганда амалга ошади. Бунинг учун хусусий мулк институтларининг ривожини тезлаштириш зарур. Бозор шароитига мослашиши тадбиркорлик ва хусусий мулкчилик ҳисобига аҳолининг янги даромадларининг аксарият қисмини шакллантиришни таъминлаб бермоқда.

Тўртинчидан, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни яхшилаш аҳолининг даромадларини ва ҳаёт даражасини кескин фарқлашувига йўл қўймасликдир. Бугун аҳолининг яхши таъминланган қисми ва аксинча, камроқ даромадга эга бўлган қисмининг даромадлари ўртасидаги фарқ 8 мартадан 7,5 мартагача қисқарди.

Бешинчидан, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни яхшилаш – бу камчиликларга қарши курашиш, аҳолининг ночор қатламларини ҳимоя қилишни кучайтириш.

Замонавий жамиятнинг асосий муаммоларидан бири – бу қашшоқлик. Ҳаттоки энг бой мамлакатлар ҳам бу муаммодан қутила олмаганлар. БМТ Бош Ассамблеяси 1996 йилни халқаро қашшоқликка қарши кураш йили деб эълон қилди.

Иқтисодий тизимлар трансформацияси шароитида қашшоқлик муаммоси кескин характерга эга. Қашшоқлик категориясига ижтимоий ночор гуруҳлар (беморлар, кексалар, кўп болали оилалар) билан бирга ўртача ва

ўртачадан юқори даромадга эга бўлган, даромадлари давлат бюджетидан қопланадиган гуруҳлар (ўқитувчилар, врачлар, олимлар, артистлар) ҳам киритилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўзининг ижтимоий сиёсатини оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни ҳимоялаш бўйича кафолатлар яратиш тизими ва ёш авлодни профессионал тайёргарлиги бўйича ислохотлар ўтказиш механизмини, оилаларни мустаҳкамлаш ва уларни моддий қўллаб-қувватлашга йўналтирилган турли ижтимоий жамғармаларни яратишга қаратган.

Қисқача хулоса

1. Аҳоли турмуш даражаси тушунчасини уларнинг ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматлар билан таъминланиши ҳамда кишилар эҳтиёжининг бу неъматлар билан қондирилиши даражаси сифатида аниқлаш мумкин.

2. Фаровонликнинг энг қуйи чегарасини оила даромадининг шундай чегараси билан белгилаш мумкинки, даромаднинг бундан паст даражасида ишчи кучини такрор ҳосил қилишни таъминлаб бўлмайди. Бу даража моддий таъминланганлик минимуми ёки кун кечириш даражаси (қашшоқликнинг бошланиши) сифатида чиқади.

3. Дунёдаги барча мамлакатлар аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача даромадлар даражаси билан бир-биридан кескин фарқланади. Бу турли мамлакатлар аҳолисининг даромадлари даражаси ўртасида тенгсизлик мавжудлигини билдиради.

4. Давлатнинг ижтимоий сиёсати тегишли марказлашган даромадларни табақалашган солиқ солиш йўли билан шакллантириш ва уни бюджет орқали аҳоли турли гуруҳлари ўртасида қайта тақсимлашдан иборат.

5. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирлари тизимидаги энг асосий йўналиш – бу нархлар эркинлаштирилиши ва пулнинг қадрсизланиш даражаси ортиб бориши муносабати билан даромадларнинг энг кам ва ўртача даражасини мунтазам ошириб бориш ҳисобланади.

Асосий таянч тушунчалар

Аҳоли даромадлари – аҳолининг маълум вақт давомида пул ва натурал шаклда олган даромадлари миқдори.

Ижтимоий тўловлар – кам таъминланганларга пул ёки натурал шаклда ёрдам кўрсатишга қаратилган турли хил тўловлар.

Ижтимоий сиёсат – бу давлатнинг даромадлар тақсимотидаги тенгсизликни иқтисодий қатнашчилари ўртасидаги зиддиятларни бартараф қилишга йўналтирилган сиёсат.

Иш ҳақи – ишчи ва хизматчилар меҳнатининг миқдори, сифати ва унумдорлигига қараб миллий маҳсулотдан оладиган улушининг пулдаги ифодаси.

Такрорлаш учун саволлар

1. Ижтимоий сиёсат нима ва унинг қандай асосий йўналишлари мавжуд?

2. Давлатнинг аҳоли даромадларини шакллантириш сиёсати деганда нимани тушунаси?

3. Ижтимоий адолатни таъминлашда бу сиёсатнинг роли қандай?

4. Аҳоли даромадлари тушунчасини ва унинг даражасига таъсир кўрсатувчи омилларни санаб кўрсатинг.

5. Турмуш даражаси ва унинг тушунчасига изоҳ беринг.

6. Турмуш даражасини қандай кўрсаткичлар характерлаб беради?

7. Ўзбекистонда давлат ёрдам дастурлари тизимини ислоҳ қилиш ва уни ҳозирги даврдаги асосий йўналишларига ўз фикрингизни билдиринг.

8. Ижтимоий барқарорликнинг мамлакатдаги иқтисодий, сиёсий, демократик ислохотларга таъсири қандай?

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. http://strategy.gov.uz/uz/pages/action_strategy
2. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. - Т.: Ўзбекистон, 1995, 119-138-б.
3. Переходный период: уроки первого десятилетия. – Исследование Всемирного банка. – М., 2002.
4. Сафарова З.Г. и др. Теория переходной экономики (тексты лекций). – Т.: ТГЭУ, 2004, с.91-97.
5. Теоретические проблемы переходной экономики: Учеб.-метод. пособие/ Под ред. В.В.Радаева. – М.: Экономический факультет МГУ, ТЕИС, 2003, с.297-342.
6. Shodmonov Sh.Sh., G'afurov U.V. Iqtisodiyot nazariyasi (darslik). - Т.: Fan va texnologiya, 2005, 674-680-б.

11-боб. ОЧИҚ ТАШҚИ СИЁСАТНИНГ ШАКЛЛАНИШИ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЖАҲОН

ҲАМЖАМИЯТИДАГИ ЎРНИ

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қўлга киритиши билан очиқ ташқи сиёсатни шакллантириш, жумладан, жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш йўлини танлади. Қисқа давр ичида ташқи иқтисодий алоқаларнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари таъминланди, мамлакатимиз кўплаб халқаро иқтисодий ташкилотларга аъзо бўлиб кирди. Бу эса бугунги кунда интеграциялашув жараёни жаҳоннинг алоҳида минтақалари барқарорлашувининг омилига айланганлиги, иқтисодий ривожланиш имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш фақат жаҳон ҳамжамияти билан самарали алоқалар асосида таъминланиши мумкинлигини англатади. Шунга кўра, ушбу бобда трансформациялашув даврида интеграциялашувнинг турли шакл ва кўринишлари, ҳозирги шароитда Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон иқтисодий тизимида интеграциялашуви масалаларини кўриб чиқиш муҳим ҳисобланади.

11.1. Интеграциялашув жараёни жаҳоннинг алоҳида минтақалари

барқарорлашувининг омили сифатида

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, мамлакатни суверен давлат сифатида қарор топтириш имкониятлари қўлга киритилди. Шундан кейингина ташқи сиёсий ва иқтисодий алоқаларни шакллантиришнинг қуйидаги асосий тамойиллари белгилаб олинди:

- биринчидан, ўзаро манфаатларни ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда давлат миллий манфаатларининг устунлиги;

- иккинчидан, тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик;

- учинчидан, мафкуравий қарашлардан қатъи назар ҳамкорлик учун очиқлик, умуминсоний қадриятларга, тинчлик ва хавфсизликни сақлашга содиқлик;

- тўртинчидан, халқаро ҳуқуқ нормаларининг давлат ички нормаларидан устуворлиги;

- бешинчидан, ташқи алоқаларни ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама келишувлар асосида ривожлантириш⁶¹.

Санаб ўтилган тамойиллар шуни кўрсатадики, мамлакатимиз учун ташқи алоқаларнинг ривожлантирилиши хавфсизлик ва барқарорликнинг кафолати сифатида қаралади.

Шу ўринда, жаҳон ҳамжамиятининг ўзи мураккаблашиб, серқирра бўлиб бораётганлиги аҳамиятли ҳолат ҳисобланади. Эндиликда ҳеч бир мамлакат ўзини жаҳон ҳамжамиятидан алоҳида ёки унинг манфаатларига зид равишда қўя олмайди. Чунки бутун дунё тобора яхлит ва бир-бирига боғлиқ тизимга айланиб бормоқда. Бу эса ташқи алоқаларнинг барча жабҳалари – сиёсий, иқтисодий, мафкуравий ва бошқа йўналишлардаги бирон-бир мамлакатнинг хатти-ҳаракати муқаррар равишда бошқа кўплаб мамлакатларнинг ҳаракатларига мувофиқ тушиши, уларни камситмаслиги ёки манфаатларига путур етказмаслиги лозим.

Халқаро иқтисодий интеграция жараёнини объектив тавсифдаги бир қатор омиллар тақозо қиладики, уларнинг ичидан қуйидагилар асосий ўринни эгаллайди:

- хўжалик алоқаларининг байналминаллашуви ва глобаллашуви;
- халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви;
- умумжаҳон фан-техника революцияси;
- миллий иқтисодиёт очиқлигининг кучайиши.

Интеграция жараёнларини рағбатлантирувчи асосий омиллардан бири миллий иқтисодиёт очиқлик даражасининг ошишидир. Очиқ иқтисодиётнинг ўзига хос белгиси бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- мамлакат иқтисодиётининг жаҳон хўжалиги муносабатлари тизимига чуқур киришганлиги;

⁶¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997, 296-297-б.

- товарлар, капитал, ишчи кучининг мамлакатлараро ҳаракати йўлидаги тўсиқларнинг камайтирилиши ёки тўлиқ бартараф этилиши;
- миллий валюта конвертациясининг таъминланганлиги.

Шундай қилиб, интеграция миллий даражадаги иқтисодий ўсиш жараёнларининг ўзаро бирикиш орқали тавсифланиб, бунинг натижасида ягона хўжалик организми шаклланади. Реал ҳаётда бир вақтнинг ўзида интеграциялашув ва интеграциялашдан қайтишдан иборат икки тенденция амал қилади. Бундан ташқари, баъзи бир сабабларга кўра турли мамлакатлардаги интеграциянинг турли элементлари бир хилда ривожланмайди. Шунга кўра, интеграциянинг қуйидаги турларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- қатъий (бир томонлама нафли) интеграция. Бу турдаги интеграция ташқи тавсиф ҳолатлари билан шартланган бўлиб, мазкур жараёнлардан баъзи мамлакатлар наф кўрувчи ҳисобланса, бошқа бирлари донор ҳисобланади;

- мослашувчан (икки томонлама нафли) интеграция. Бу турдаги интеграцияда ҳар бир мамлакат бир вақтнинг ўзида ҳам донор, ҳам наф кўрувчи ҳисобланади.

Давлатлараро иқтисодий интеграциянинг ривожланишида қуйидаги бир қатор шарт-шароитларнинг мавжудлиги таъсир кўрсатади:

- интеграцион алоқага киришаётган мамлакатларнинг иқтисодий тараққиёт жиҳатидан бир хил даражада бўлиши ҳамда бир турдаги хўжалик тизимларига эга бўлиши;

- уларнинг ҳудудий жиҳатдан яқинлиги, ягона минтақада жойлашганлиги ва умумий чегарага эгалиги;

- уларнинг тарихан таркиб топган ва етарли даражада мустаҳкам иқтисодий алоқаларга эгалиги;

- иқтисодий манфаатлар ва муаммоларнинг умумийлиги ҳамда уларни ҳал этишда биргаликдаги ҳаракатнинг самарадорлиги ва ҳ.к.

XX асрнинг иккинчи ярмида хўжалик ҳаётининг байналминаллашуви замонавий жаҳон хўжалиги ривожланишининг етакчи анъанасига айланди. Жаҳон хўжалигини глобал байналминаллашувининг асосий тенденцияларидан бири шундаки, маълум бир давлат ёки бир неча давлатлар гуруҳининг таъсир зонаси вужудга келишидир. Бу давлатлар ёки давлатлар гуруҳи жаҳон хўжалиги алоқалари таъсирида ўзига хос минтақалар ҳосил қилиб бошқа давлатларни ўз атрофида бирлаштирувчи интеграцион марказга айланиб боради.

Жаҳон иқтисодиётида иқтисодий интеграция ўз навбатида, бу жараён иштирокчилари бўлмиш давлатлар ўртасида ишлаб чиқариш ва капиталнинг байналминаллашувига имкон яратади. Иқтисодий интеграцияга бошловчи жараёнларни схемали тарзда қуйидаги ўзаро боғлиқ занжир шаклида тасвирлаш мумкин: ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши - халқаро меҳнат тақсимооти - ишлаб чиқариш ва капиталнинг байналминаллашуви - иқтисодий интеграция. Жаҳон иқтисодиётида иқтисодий интеграцияга иккита омил катта таъсир кўрсатади: илмий-техник инқилоб ва трансмиллий корпорацияларни фаолияти.

Жаҳон хўжалиги ва ХИМда интеграцион жараёнларни ривожланиши бўйича тўпланган тажрибалар иқтисодий интеграция ҳосил бўлиши ва ривожланишининг қуйидаги тўрт босқичи мавжудлигини кўрсатади:

1. Тариф ва бошқа чеклашларни бекор қилиш билан эркин савдо зонасини ташкил қилиш.
2. Савдо, меҳнат ва капитал ҳаракатида бир хил тарифлар тизимини ўрнатиш билан божхона иттифоқ ташкил қилиш;
3. Иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш билан дискриминациясиз иштирокчи давлатлар иқтисодий иттифоқини тузиш.
4. Ягона иқтисодий сиёсат, умумий валюта ва давлатдан юқори турувчи тартибга солувчи органларга эга бўлган тўлиқ интеграция.

Охирги икки босқич ўз ичида у ёки бу интеграцион гуруҳга хос бўлган томонлар билан боғлиқ бўлган маълум бир кичик босқичларни жамлаши ҳам мумкин.

Жаҳон иқтисодиётида минтакавий интеграция алоҳида компаниялар ва давлатлараро даражаларда ҳам рўй бериши мумкин.

Ғарбий Европада иқтисодий интеграция энг юқори даражада ривожланган. Ғарбий Европанинг иқтисодий интеграцияси объектив иқтисодий жараёнлар билан бир қаторда В.Гюго, И.Кант каби европанинг сиёсий, жамоат арбоблари ва файласуфлари томонидан олға сурилган ягона қарашлар концепцияси билан ҳам кенг суғорилгандир.

Жаҳон иқтисодиётида Европа Иттифоқини (ЕИ) ташкил топиши ва ривожланишининг янги тарихи 1951 йилдан бошланди. Шу йилнинг апрель ойида 6 давлат - Франция, ГФР, Италия, Белгия, Нидерландия ва Люксембург аъзо бўлиб кирган Европа кўмир ва пўлат бирлашмаси (ЕКПБ) ҳақидаги битим имзоланди. Бу ғарбий Европа интеграциясининг ўзига хос кириш қисми бўлди. Унинг ташкил топиши ва ривожланишининг бошланиш вақти юқорида санаб ўтилган давлатлар томонидан 1957 йилда Европа Иқтисодий Ҳамжамияти (ЕИХ) ва атом энергияси бўйича Европа Ҳамжамияти (Евроатом) ҳақидаги битимларни имзоланган пайтидир. Ҳамжамият таркибига ривожланиш даражаси юқори бўлган давлатлар кирди. Бу эса кейинги 15 – 20 йиллар мобайнида иқтисодий ўсиш суръатларининг юқори даражада бўлишига сабаб бўлди.

Жаҳон иқтисодиётида Ғарбий Европа интеграциясининг ҳозирги кунгача бўлган ривожланиши ниҳоятда қарама-қаршиликлардан иборатдир. Шу билан бирга Европа Иқтисодий Ҳамжамиятини ташкил топишида унинг олдига қўйилган мақсад ва вазифалар ҳозирги кунга қадар муваффақиятли амалга оширилиб келинмоқда.

Ғарбий Европа интеграцияси ривожланишини тўрт босқичга бўлиб ўрганиш мумкин.

Биринчи босқич (50-йилларнинг охири - 70-йилларнинг ўрталари). Бу давр ЭИХ давлатлари ҳаётида “олтин аср” ҳисобланади. Унда божхона иттифоқи белгиланган муддатидан олдин ташкил этилди, ягона аграр бозори яратилди. ЭИХга учта янги давлат - Буюк Британия, Дания ва Ирландия аъзо бўлиб кирди. ЭИХ ёки “Умумий бозор”ни ташкил қилишнинг мақсадлари қуйидагилардан иборат эди:

- иштирокчи давлатлар ўртасидаги ўзаро савдода аста-секин барча тўсиқларни олиб ташлаш;
- учинчи давлатлар билан савдода бир хил бож тарифларини ўрнатиш;
- “инсонлар, ишчи кучи, капитал ва хизматлар” нинг эркин ҳаракатланишига қўйилган тўсиқларни олиб ташлаш;
- транспорт ва қишлоқ хўжалиги соҳасида умумий сиёсат ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- валюта иттифоқи тузиш;
- солиқ тизимини унификация қилиш;
- қонунчиликни яқинлаштириш;
- иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш тамойилларини ишлаб чиқиш.

Буларни амалга ошириш мақсадида бошқарув структураси мажмуи - ЭИХ Вазирлар Кенгаши, Европа Ҳамжамияти комиссияси, Европа Кенгаши, Европа Суди, Европа парламенти ташкил қилинди.

ЕИХнинг биринчи галдаги вазифаси сифатида аъзо давлатлар ўртасида товарлар, капитал, хизматлар ва ишчи кучининг умумий бозорини ташкил қилиш вазифаси қўйилди. Бунинг учун Божхона Иттифоқи тузилди. Айнан Божхона иттифоқи ЭИХнинг асоси ҳисобланади. Божхона Иттифоқи доирасида қуйидагилар амалга оширилди:

- иштирокчи давлатлар ўртасидаги ўзаро савдода тўсиқлар олиб ташланди;
- учинчи давлатларга нисбатан бир хил божхона тарифлари ўрнатилди;
- капитал, кредитлар, пул кўчирмаларининг эркин ҳаракатланишига шароит яратилди;

- ишчи кучи миграцияси эркинлиги ва турар жой танлаш эркинлиги таъминланди.

Бу чоралар ЭИХга аъзо давлатлари ўртасида саноат интеграциясининг тезлашишига имкон берди. Айни бир пайтда аъзо давлатларда компенсацион йиғимлар ва қишлоқ хўжалиги фонди орқали молиялаштириш ёрдамида, умумий протекционизм сиёсатини қўллаш йўли билан аграр соҳанинг интеграциялашувини амалга оширишга ҳаракат қилинди. ЕИ доирасидаги аграр сиёсат ЕИга аъзо давлатларнинг асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун бир хил минимал нарх ўрнатишни кафолатлайдиган ягона нархлар тизимига асосланади. Умумий бозорнинг шаклланиши ЭИХ давлатларининг миллий монополияларини трансмиллий корпорацияларга айланиш жараёнини тезлаштирди, ҳамкор давлатлар иқтисодиётига киришга имкон яратди. ЭИХни ривожланиши Ҳамжамиятга аъзо-давлатларнинг ёпиқ миллий хўжаликдан ташқи бозорга юзланган очиқ типдаги иқтисодиётга интенсив равишда ўтишини англатади.

Иккинчи босқич (70 ва 80-йилларнинг ўрталари). Бу давр ЕИ тарихига асосан турғунлик даври сифатда кирди. Бу даврда ЕИга аъзо-давлатлар Европа валюта ҳамкорлиги дастури, ташқи сиёсий маслаҳатлар механизмини қабул қилишга муваффақ бўлсаларда, вужудга келган салбий жиҳатлар ғарбий Европа иқтисодий интеграциясининг жиддий инкирозига олиб келди. Бу инкироз “евросклероз” номини олди. 70 ва 80 - йилларнинг бошида ЕИ давлатлари ўртасида ривожланиш даражаси бўйича фарқ ўсиб борди. 1981 йилда ЕИга Грециянинг кириши билан бу фарқ янада кучайди, Чунки ушбу давлат иқтисодиёти ҳамжамиятнинг бошқа иштирокчи давлатлари иқтисодиётига нисбатан жуда паст даражада ривожланган эди.

Учинчи босқич (80-йилларнинг охири ва 90-йилларнинг боши). Бу давр Ҳамжамият таркибининг янада кенгайиши билан характерланади. 1986 йилда Испания ва Португалиянинг ЭИХга қўшилиши аъзо-давлатлар ўртасидаги фарқнинг янада кенгайишига олиб келди. ЭИХга аъзо бўлган вақтида Португалияда аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад ЭИХ даги ўртача

даромаднинг тахминан 45-50 фоизга, Испанияда эса 3/4 қисмига тўғри келган эди. Янги иштирокчи давлатларда аҳолининг тахминан 1/5 қисми қишлоқ хўжалигида банд бўлган бўлса, ЭИХ да эса ўртача 1/13 қисми тўғри келган. Шу билан бир қаторда, айнан шу даврда Ғарбий Европа интеграцияси янада ривожланди. Бунга биринчи навбатда Ягона Европа Акти (ЯЕА)нинг қабул қилиниши ҳам сабаб бўлди. Ушбу актда ЭИХга иштирокчи-давлатларининг умумий мақсади – европа Иттифоқининг ташкил қилиниши яна бир бор тасдиқланди. Европа Иттифоқи Ҳамжамияти ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий иттифоқ бўлиб, аъзо-давлатлар ўртасида иқтисодий, валюта-молия, гуманитар соҳалардаги ҳамкорликлар билан бир қаторда ташқи сиёсат хавфсизликни таъминлаш соҳаларида ҳам чуқур ҳамкорликни амалга ошириш ишлари назарда тутилган. ЯЕАнинг асосий мақсади шундаки, ЭИХга аъзо-давлатлар ўртасида ягона хўжаликни ташкил қиладиган ягона иқтисодий ҳудудни яратилишидир. ЯЕАнинг қабул қилиниши билан Ҳамжамиятга аъзо-давлатлар ўртасида микро ва макроиқтисодиёт, сиёсат ва ҳуқуқ, фан ва экология, минтакавий ривожланиш, ижтимоий муносабатлар соҳасидаги интеграцион жараёнлар кучайди. 90-йиллар бошида ЕИга аъзо давлатлар ягона бозор асосларини яратишни амалда тугатишиб, валюта, иқтисодий ва сиёсий иттифоқларни шакллантиришга бевосита яқинлашдилар.

Тўртинчи босқич (90-йилларнинг ўртаси ва XXI аср боши). Бу ягона Европа актига мувофиқ 1993 йилнинг 1 январидан бошлаб Ҳамжамият чегаралари доирасида ишлаб чиқариш воситаларининг эркин ҳаракати йўлга қўйилди. Ҳамжамият доирасида ягона иқтисодий ҳудуд вужудга келди. Бу ЕИ доирасидаги иқтисодий интеграциянинг сифат жиҳатдан янги босқичга кирганини англатади.

Маастрихт Битими (1992 йил февраль) мувофиқ 1994 йилнинг 1 январдан ЭИХ европа Иттифоқига айланди ва унинг аъзолари 15 тага этди. ЕИ доирасида ягона ички бозорнинг тузилиши амалга оширилди. Маастрихт битимида интеграцион ҳамкорликнинг кейинги босқичларини мақсади

(Ягона валюта - ЕВРОни эмиссия қилиш ҳуқуқига эга ягона европа банкни тузиш, ички чегараларсиз ягона Ғарбий Европа ҳудудини ташкил қилиш ва бошқалар) эълон қилинган эди.

ЕИ интеграциясида ҳозирги кунда ижтимоий – иқтисодий ва сиёсий муваффақиятлар билан бир қаторда қийинчиликлар ҳам рўй бермоқда. Юқорида ЕИ га янги аъзо-давлатларнинг кириши муносабати билан юзага келган давлатлараро иқтисодий ривожланишдаги фарқлар кўриб чиқилган эди. ЕИга янги давлатларнинг аъзо бўлиб кириши ҳам сезиларли муаммолари келтириб чиқариши мумкин. Энг катта муаммолардан бири европа валюта тизими (ЕВТ)ни шакллантириш давомида намоён бўлмоқда. 1992 йилдаги 7 фоизга Британия фунт стерлинги ва Италия лираси девальвацияси оқибатида рўй берган ЕВТ инқирози Буюк Британия ва Италияни автоматик тарзда ЕВТ дан чиқариб ташлади. Валюта Иттифоқини шакллантиришда унга кириш учун қўйилган бир қатор талаблар ҳам давлатларга қийинчиликлар туғдирган эди. Ўша даврда алмашув курси инфляциясининг даражасига, фоиз ставкалари даражасига, бюджет дефицити ва давлат қарзи бўйича қўйилган талабларга фақат Люксембург жавоб берган эди. ЕИга аъзо давлатлар орасида Иттифоқни кенгайтириш, интеграцияни чуқурлаштириш йўллари ҳақида келишмовчиликлар мавжуд эди.

Жаҳон иқтисодиётида Ғарбий Европа иқтисодий интеграцияси фақат ЕИ чегаралари билан чекланмайди. 1962 йилда европа эркин савдо ассоциацияси (ЕЭСА) ташкил топди. ЕЭСА ЕИ дан фарқли равишда давлатдан юқори турувчи функцияларга ва давлатлараро мувофиқлаштирувчи институтларга эга эмас. 80-йилларда ЕЭСТ аъзо давлатлар сони 7 та бўлиб, 90 йиллар ўртасида яна 4 та давлат – Буюк Британия, Исландия, Лихтенштейн, Швейцария аъзо бўлиб кирган эди. Ушбу аъзо давлатлар учинчи давлатлар билан у ёки бу савдо иқтисодий келишувларга эркин қўшилишлари ва бу давлатларга нисбатан хоҳлаган божхона тарифларини ўрнатишлари мумкин эди. ЕЭСАга аъзо давлатлар ўртасидаги савдода эркин, божсиз савдо режими фақат саноат товарларига нисбатан қўлланилади. Чунки ЕЭСА

конвенциясининг фаолияти қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига таъсир ўтказмайди.

1972 йилда ЕЭСА га аъзо бўлган ҳар бир давлат ЭИХ-ЕИ билан ўзаро келишувларни имзолади. Унга мувофиқ саноат товарларига бож ва сон жиҳатдан чеклашлар аста-секин камайтирилди. Бу давлатлар ўртасидаги божсиз савдо мураккаб қоидалар тизимига асосланади. Ягона божхона тарифи йўқлиги сабабли ЕЭСА ичида божсиз савдо эркинлиги фақат аъзо давлатларда ишлаб чиқарилган товарларга нисбатан қўлланилади.

ЕЭСА га кирувчи давлатларнинг ва улар ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг юқори даражада ривожланганлигига қарамасдан, ЕЭСА тўлақонли интеграцион гуруҳга айланмади. Амалда у ЭИХ – ЕИ учун “фармклуб”, яъни, янги аъзолар етказиб берувчи ташкилот бўлиб қолди. Ҳозирги кунда ЕЭСAnинг кўпгина аъзолари уни Шарқий ва Ғарбий европа давлатлари ўртасидаги истиқболли эркин савдо зонаси сифатида қарамоқдалар.

Маълумки, 2004 йилнинг майида Европа Иттифоқига Чехия, Словения, Словакия, Венгрия, Полша, Литва, Латвия, эстония, Кипр, Малта аъзо бўлиб кирди. Бундан ташқари Болгария, Туркия, Руминия, Хорватия давлатлари ҳозирда ЕИга кириш учун музокара олиб бормоқдалар. Бу ЕИнинг янада ривожланишига гувоҳлик беради.

XX–XXI асрлар бўсағасида Ғарбий Европа иқтисодий интеграциясининг муваффақиятли ривожланиши жаҳоннинг бошқа ривожланаётган минтақаларини ҳам эътиборини ўзига жалб қилди. Осиё, Африка ва Лотин Америкасида ўттиздан ортиқ эркин савдо зоналари, божхона ёки иқтисодий Иттифоқлар юзага келди. Аммо жаҳон иқтисодиётида энг сезиларли, ривожланаётган интеграцион жараён Шимолий Америка эркин савдо зонаси – НАФТAnи ташкил топиши ва фаолият кўрсатиши муҳим аҳамият касб этмоқда. АҚШ билан Канада ўртасидаги мавжуд бўлган иқтисодий интеграция ва уларнинг Ғарбий Европадаги давлатлар билан олиб бораётган ҳамкорлиги АҚШни қониқтирмай қўйди.

Натижада 1994 йилнинг 1 январидан кучга кирган Шимолий Америка эркин савдо зонаси (НАФТА) ҳақидаги шартнома имзоланди. НАФТАга АҚШ ва Канададан ташқари Мексика ҳам қўшилди. Шундай қилиб ушбу блок ҳудуди 370 млн.дан ортиқ аҳолига, кучли иқтисодий салоҳиятга эга бўлган ҳудудни қамраб олди. НАФТА давлатлари томонидан ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар тахминан 7 трлн. АҚШ долларини ташкил қилиб, ушбу давлатлар улушига жаҳон савдо умумий ҳажмининг 18–20 фоизга яқини тўғри келмоқда.

НАФТА давлатлари томонидан имзоланган шартноманинг асосий ҳолатлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- АҚШ, Канада ва Мексика давлатлари ўзаро савдо қиладиган товарларга нисбатан божларни бекор қилиш;

- Шимолий Америка бозорларни Мексика орқали АҚШга кириб келаётган товарлар учун божларни тўламасликка ҳаракат қилувчи Осие ва европа компаниялари экспансиясидан ҳимоя қилиш;

- Мексикада банк ва суғурта компанияларнинг ишида Америка ва Канада компаниялари капитал қўйилмалари ва рақобатларига бўлган таъқиқлар олиб ташланди;

- Атроф-муҳитни ҳимоялаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш учун уч томонлама гуруҳлар ташкил қилиш ва бошқалар.

Шартномага кўра 2000 йилгача АҚШ Мексикадан импорт қилинадиган маҳсулотлар турининг 2/3 қисми учун импорт тарифларини бекор қилган эди. Имзоланган келишувлардан энг кўп фойдани савдо блоки истеъмолчилари олган, Чунки рақобатнинг кучайиши ва тарифларнинг пасайиши натижасида кенг товарлар доирасига нисбатан нархлар ҳам пасая боради. Америка саноатчилари фойда олишади, Чунки арзон ишчи кучи оқими кучаяди. Кафолатланган даромаднинг ўсиши Америка иқтисодиётининг электроника ва компьютер таъминотида, қурилиш материалларида, автомобиль эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларида кузатилмоқда. Айни бир пайтда, шакар, цитрус мевалари, қишки

сабзаётлар етиштирувчи Америка фермерлари катта зарар кўради. Мексика эса НАФТА давлатлари ёрдамида ўз иқтисодий ўсиши суръатларини ошириб (тахминан ЯИМнинг йилик ўсиш даражаси 1,6 фоиз – 2,6фоиз атрофида), иқтисодиётни ислох қилиш ва саноати ривожланган давлатлар қаторига кўшилиш муддатини ярим асрдан 10–15 йилга қисқартириши мумкин.

НАФТАдан энг кам фойдани Канада олади. Унинг иқтисодиёти АҚШники билан чамбарчас боғлиқ бўлсада, Мексика иқтисодиёти билан алоқалари унчалик ривожланмаган. Аммо, НАФТА ривожланиб бориши билан Канада ҳам интеграцион жараёнга янада кўпроқ тортилади ва кенгаяётган бозордан дивидендлар олади.

Жаҳон иқтисодиётида НАФТА фаолиятининг дастлабки икки йилида экспорт ҳажмини ошириш ҳисобига кўшимча иш ўринлари ҳосил бўлишига бўлган умид оқланмади. Бундан ташқари, АҚШнинг Мексика билан савдодаги ижобий салдоси йўқолиб, 1995 йилда дефицит пайдо бўлди. Хуллас НАФТАни ташкил қилувчиларнинг режасига кўра, тўлақонли Шимолий Америка бозори 2010 йилларда ташкил қилиниши мумкин экан. Бундан ташқари ҳозирги кунда Америка иқтисодчилари Аляскадан Оловли ергача чўзилган ўзига хос панамерика савдо блокини тузишни режалаштирмоқда.

Жаҳон иқтисодиётида интеграцион жараёнлар Жанубий Америка ҳам фаоллашиб бормоқда. 60 йилларнинг бошида Жанубий Америка “эркин савдо зонаси”ни яратиш, сўнгра Марказий Америка умумий бозорини – (МАУБ) ташкил қилиш ишлари режалаштирилди. Бирок, ушбу минтақада сиёсий ва иқтисодий инқироз бу режаларни амалга оширишга имкон бермаган эди.

90 йилларнинг ўрталарида интеграцион жараёнлар 1991 йилда Аргентина, Бразилия, Уругвай ва Парагвай ўртасида тузилган ва 1995 йилнинг 1 январиди кучга кирган “МЕРКОСУР” савдо пактини тузилиши орқали янада фаоллашди. Бу пактга аъзо бўлган давлатларнинг умумий

аҳолиси 200 млн. кишидан кўпроқ бўлиб, йиллик умумий ЯИМи 550 млрд. АҚШ долл.дан ортиқроқдир.

МЕРКОСУР савдо гуруҳининг тузилиши натижасида унга аъзо бўлган тўрт давлат ўзаро савдосидаги (90фоиз атрофида) тарифли тўсиқлардан озод қилинди, учинчи давлатлардан импортга эса бир хил тариф структураси ва божхона қоидалари киритилди.

Ўз минтақаларида интеграцион жараёнларни ривожлантиришга Африка давлатлари ҳам интилоқдалар. 1989 йилда Африка қитъасининг шимолий қисмида Жазоир, Ливия, Мавритания, Марокаш ва Тунис иштирокида Араб Мағриби Иттифоқи давлатлари ташкил топди. Ушбу иттифоққа аъзо бўлган давлатларнинг шартномасида минтақавий интеграция даражасида иқтисодий ҳамкорликни амалга оширилиш ишлари назарда тутилади.

XX – ХХИ асрлар бўсағасида Шарқий Осиёда ҳам интеграцион жараёнлар кучайиб борди. Осиё "аждарҳолари"дан бири – Сингапур, Шунингдек "ЯИД" лар деб ном олган Малайзия, Индонезия, Таиланд, Бруней ва Филиппин каби Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари Ассоциацияси (АСЕАН) қарийб 30 йиллар мобайнида муваффақиятли фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу гуруҳ доирасида ўзаро ҳамкорликнинг муваффақияти ушбу давлатларни кўпчилигининг иқтисодиёти гуркираб ўсиши, ривожланишининг бир-бирига мослиги, яхши йўлга қўйилган ва узок тарих анъаналарига эга бўлган ўзаро савдо алоқалари, Шунингдек, тартибга солиб бўлинган ҳамкорлик шакли билан чамбарчас боғлиқдир.

Шундай қилиб, АСЕАН режаларида иштирокчи давлатлар божларини 2000 йилгача 38 минг турдаги товарлар бўйича ўртача 5 фоиз гача қисқариш кўзда тутилган бўлса, 2003 йилга келиб эркин савдо зонасини ташкил қилиш ҳақида қарор қабул қилинган эди.

Жаҳон иқтисодиётида Шарқий Осиёда иқтисодий интеграцион жараёнларнинг ривожланиши истиқболларини кўп жиҳатдан Осиё – Тинч океани иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ОТИХ)нинг тузилиши билан

боғлашади. Ушбу ташкилотга Осиё, шунингдек Шимолий ва Жанубий Американинг 18 давлати аъзо бўлиб кирган эди.

Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг режаларига мувофиқ ушбу минтақада 2020 йилларга бориб жаҳонда энг йирик божхона ва ички тўсиқларсиз эркин савдо зонасини ташкил қилиш назарда тутилган. Осиё-Тинч океани минтақасидаги иқтисодий интеграция жараёнларини баҳолаган кўплаб мутахассислар унинг ривожланиши стихияли эканлиги ва ўзига хослигини таъкидлайдилар. Бунинг устига интеграцион муносабатлар ҳозирча ушбу минтақаларда унчалик ривожланган эмас. Масалан, АСЕАН тизимидаги савдо зонасини иқтисодий интеграциянинг биринчи босқичи, яъни, тариф ва тарифли тўсиқларсиз эркин савдо зоналарига киритиш мумкин. ОТИХга нисбатан эса ҳозирча эркин савдо зонаси деб эмас, "эркин иқтисодий асоциация" деб айтиш мумкин. Айни бир пайтда, иқтисодий сиёсатни ўзаро мувофиқлаштириш натижасида минтақанинг ички савдоси ва капитал бозорларининг тез ривожланиши Осиё-Тинч океани минтақасининг интеграцияси эркин савдо зонасига ўтишига имкон беради.

Жаҳон иқтисодиётида интеграцияга, яъни, ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштиришга бўлган интилиш Форс кўрфазидаги Араб давлатлари орасида ҳам кузатилмоқда. 1981 йилдан буён Саудия Арабистони, Қувайт, Қатар, Бахрайн, Бирлашган Араб Амирликлари ва Уммон каби давлатлар ўз ичига олган "нефть олтилиги" ҳамкорлик Кенгаши давлатлари фаолият кўрсатиб келмоқда. 1992 йилда Марказий Осиё давлатлари иқтисодий ҳамкорлик ташкилотини (ИХТ-ЕКО) ташкил қилиниши ҳақида фикрлар билдирилди. Уни ташкил қилиш таклифи билан Эрон, Покистон ва Туркия давлатлари чиқишган эди. Таъсисчиларнинг фикрича, ИХТ-ЕКО ўзида МДХ мамлакатлари ҳам бирлаштирган бўлажак Марказий Осиё умумий бозорининг тимсоли бўлмоғи лозим эди. Шундай қилиб, ривожланаётган давлатлар ҳамкорлиги, уларнинг интеграцияга бўлган интилишлари ҳақида фикр билдирганда Шуни назарда тутиш керакки, реал интеграцион жараёнлар ушбу давлатларда ҳали жуда кучсиз бўлиб, характери ва

ҳаракатлантирувчи омиллари билан, ривожланиш суръатлари билан бири-бирдан кескин фарқ қилиб туради. Ривожланаётган давлатларнинг иқтисодий ҳамкорлиги, улар эълон қилган интеграцион жараёнларга кўрилаётган тайёргарлик босқичидир, холос. Жаҳон иқтисодиётида эълон қилинган интеграцион гуруҳларнинг кўпчилиги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг етук эмаслигини, миллий хўжаликларнинг оддий ва структуравий дифференциясизлигини, бозор ва молиявий инфраструктураларининг ривожланмаганлиги бу тузилмаларни ё ҳаракатсиз қолдирмоқда ёки бутунлай муваффақиятсизликка учратмоқда.

11.2. Интергациялашувнинг турли шакл ва кўринишлари

Халқаро иқтисодий интеграция жараёнларини тадқиқ этиш, унда вужудга келиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал этиш ва мазкур жараённинг энг самарали шакллари кўрсатиб беришга интилиш бу борадаги турли назарияларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига олиб келди (11.1.1-жадвал).

11.1.1-жадвалда келтирилган турли-туман назарияларнинг умумий тавсифи шуни кўрсатадики, уларнинг ҳар бири халқаро иқтисодий муносабатларнинг маълум жиҳатларини очиб беришга, бу борадаги муаммоларни ҳал этиш ва янги ғояларни ривожлантиришга қаратилган. Ўтиш даври иқтисодиётида мазкур назарияларнинг тўғри ва илмий асосланган томонларидан фойдаланган ҳолда халқаро иқтисодий муносабатларни янада такомиллаштиришга интилиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Халқаро иқтисодий интеграция турли мамлакатлар иқтисодий алоқаларининг барқарорлашиб, чуқурлашиб ривожланиши, улар хўжаликларининг чамбарчас бирлашиш жараёнларидир. Микродаражада бу жараён ҳудуд жиҳатдан яқин жойлашган мамлакатлар алоҳида фирмаларининг ўзаро таъсири орқали, улар ўртасидаги турли-туман иқтисодий муносабатларнинг шаклланиши, шу жумладан чет эллардаги филиалларини ташкил этиш асосида боради. Давлатлараро даражада

интеграция давлатлар иқтисодий бирлашмаларининг шаклланиши ҳамда иқтисодий сиёсатларнинг келишуви асосида амалга ошади.

11.1.1-жадвал

Интеграциялашув жараёни тўғрисидаги турли назариялар ва уларнинг асосий ғоялари

Йўналишлари	Асосий намоёндалари	Ғоянинг қисқача мазмуни
Эрта неолиберализм	В.Репке, М.Аллэ	Тўлиқ интеграция - бир неча мамлакатлар миқёсида ягона бозор маконининг ташкил этилиши. Бу маконда эркин рақобат ва бозорнинг стихияли кучлари амал қилиб, давлат сиёсати унга ўз таъсирини ўткази олмайди. Халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасига давлатнинг аралашуви инфляция, халқаро савдо ва тўлов нисбатларининг бузилиши каби салбий ҳолатларни келтириб чиқаради
Кейинги неолиберализм	Б.Баласс	Иқтисодий интеграция давлатнинг иқтисодий ҳаётдаги иштирокининг фаоллашувига олиб келади
Корпорационализм	С.Рольф, Ю.Ростоу	Бозор механизми ва трансмиллий корпорацияларнинг фаолият кўрсатиши халқаро иқтисодиётнинг интеграциялашувини, унинг рационал ва мувозанатли ривожланишини таъминлаш имконини беради
Структурализм	Г.Мюрдаль	Бозор механизмнинг эркин амал қилиши ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва жойлашувида маълум номутаносибликларни, даромадлардаги тенгсизликнинг чуқурлашувини келтириб чиқаради. Иқтисодий интеграция – интеграциялашаётган мамлакатлар иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришларнинг чуқур жараёни бўлиб, бунинг натижасида сифат жиҳатидан янги интеграциялашган макон, нисбатан такомиллашган хўжалик организми пайдо бўлади
Неокейнсчилик	Р.Купер	Мамлакатларнинг эркинлигини максимал даражада сақлаб қолган ҳолда интеграция жараёнларидан олинадиган нафликни кўпайтириш лозим. Халқаро интеграцияни ривожлантиришнинг икки варианты мавжуд: 1) иқтисодий мақсад ва сиёсатни мувофиқлаштирган ҳолда миллий эркинликни йўқотиш асосидаги интеграция; 2) миллий мусатқилликни имкон қадар сақлаб қолиш шартига асосланган интеграция. Бу вариантларнинг ҳеч бири соф ҳолда мавжуд бўлмай, интеграциялашувчи томонларнинг ички ва ташқи сиёсатларини мувофиқлаштириш йўли билан бу вариантларни уйғунлаштирган ҳолда қўллаш зарур
Дирижизм	Я.Тинберген	Интеграция жараёнларида бозор механизми ҳал қилувчи ролга эга эмас. Халқаро иқтисодий тузилмаларнинг ташкил этилиши ва амал қилиши интеграциялашаётган мамлакатлар томонидан

		умумий иқтисодий сиёсатнинг ишлаб чиқиши, социал қонунчилик бўйича келишув, кредит сиёсатининг мувофиқлаштирилиши асосида амалга оширилиши мумкин
--	--	---

Халқаро иқтисодий интеграциянинг асосий шакллари қуйидагилар:

- эркин савдо ҳудудлари. Бу иқтисодий интеграциянинг энг оддий шакли бўлиб, унинг доирасида қатнашувчи мамлакатлар ўртасидаги савдо чеклашлари бекор қилинади. Эркин савдо ҳудудларининг ташкил этилиши ички бозорда миллий ва хорижий товар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобатни кучайтириб, бу бир томондан, миллий ишлаб чиқарувчиларнинг банкрот бўлиши хавфини кучайтирса, бошқа томондан ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва янгиликларни жорий этиш учун рағбат яратади. Бунга Европа эркин савдо уюшмаси ва МДХ мамлакатлари ўртасидаги ўзаро битим мисол бўла олади;

- божхона Иттифоқи. Иқтисодий интеграциянинг бу шакли эркин савдо ҳудудларининг фаолият қилиши билан бирга ягона ташқи савдо тарифлари ўрнатишни ва учинчи мамлакатга нисбатан ягона ташқи савдо сиёсати юритишни тақозо қилади. Европа Иттифоқи (ЕИ) божхона иттифоқиға ёрқин мисолдир;

- тўлов Иттифоқи. Бу миллий валюталарнинг ўзаро эркин алмашувини ва ҳисоб-китобда ягона пул бирлигининг амал қилишини таъминлайди. Европа ҳамжамияти, Жануби-шарқий Осиё ва МДХ мамлакатлари учун тўлов иттифоқи пировард мақсаддир;

- умумий бозор. Бу иқтисодий интеграциянинг анча мураккаб шакли бўлиб, унинг қатнашчиларига эркин ўзаро савдо ва ягона ташқи савдо тарифи билан бирга капитал ва ишчи кучининг эркин ҳаракати ҳамда ўзаро келишилган иқтисодий сиёсат таъминланади. Бунга Европа иқтисодий Иттифоқи ёки Европа умумий бозорини мисол қилиб келтириш мумкин. Унинг доирасида барча бож тўловлари ва импорт меъёр (квота)лари бекор қилинади, бошқа мамлакатлардан Европа бозорига товарлар кириши бир хил тартибга солинади, пул маблағлари ва ишчи кучининг чегарадан эркин ўтиши

таъминланади ҳамда умумий муаммоларни ҳал этишда ягона сиёсат ўтказилади;

- иқтисодий ва валюта иттифоқи. Бу давлатлараро иқтисодий интеграциянинг энг олий шакли ҳисобланади. Бунда иқтисодий интеграциянинг барча қараб чиқилган шакллари умумий иқтисодий ва валюта-молиявий сиёсат ўтказиш билан бирга уйғунлашади⁶².

11.3. Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашуви

Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига қўшилишининг шарт-шароитлари ва ташқи иқтисодий фаолиятини амалга ошириш имкониятлари Республика давлат мустақиллигини қўлга киритиши билан вужудга кела бошлади. Бундай вазиятда ташқи иқтисодий мажмуани бошқаришнинг ўзига хос тизимини шакллантириш, ташқи алоқаларни йўлга қўйиш борасида қоида ва тамойилларни ишлаб чиқиш, республиканинг жаҳон иқтисодий тизимига қўшилиш йўллари белгилаш тақозо этилади.

Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги каби халқаро тузилмалар билан алоқаларни янги босқичда давом эттирмоқда. Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорлигимиз тикланди, Европа инвестиция банки билан шериклик алоқалари ўрнатилди. Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Осиё инфратузилма инвестициялар банки билан ўзаро ҳамкорлик самарали тус олмоқда.

Мамлакатимиздаги ижобий ўзгаришлар дунё ҳамжамиятида Ўзбекистонга бўлган қизиқишни ошириб, унинг халқаро майдондаги нуфузини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда⁶³.

⁶² Shodmonov Sh.Sh., G'afurov U.V. Iqtisodiyot nazariyasi (darslik). - T.: Fan va texnologiya, 2005, 709-710-b.

⁶³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://xs.uz/index.php/homepage/rasmij/item/12611>

Ўзбекистоннинг халқаро меҳнат тақсимоти ва жаҳон хўжалиги алоқаларида иштирок этишнинг асоси очиқ турдаги иқтисодий вужудга келтиришдир. Шу сабабли республикамиз мустақилликка эришгандан кейин қисқа давр ичида 80 дан ортиқ давлат билан дипломатик муносабатларини ўрнатди, дунёнинг 20 дан ортиқ давлатида дипломатик элчихоналарини очди, кўпгина халқаро ташкилотлар – БМТ иқтисодий муассасалари, Жаҳон банки, Халқаро банк, Халқаро валюта фонди, Халқаро молия корпорацияси, Иқтисодий тараққиётга кўмаклашувчи ташкилот каби бошқа халқаро молиявий-иқтисодий ташкилотларга аъзо бўлиб кирди.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалигига интеграциялашуви кўп даражали тизим сифатида амал қилиб, уни қуйидаги бешта даражага ажратиш мумкин: глобал; трансконтинентал; минтақалараро; минтақавий; маҳаллий⁶⁴. Ҳар бир даражадаги интеграцион алоқаларнинг ўзига хос вазифалари мавжуд.

Ўзбекистоннинг глобал даражада амалга оширилувчи стратегик интеграцион вазифаси – бу мамлакатдаги барча хўжалик субъектларининг ташқи бозор билан ўзаро алоқасини таъминлаш учун тенг ҳуқуқли ва миллий манфаатларга мос келувчи шарт-шароитларни яратиш асосида унинг халқаро валюта-молия ва савдо механизмларига бевосита қўшилиши. Ўзбекистоннинг БМТ, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ОБСЕ), Европа ҳамжамияти, НАТО, Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ЭКО) каби ташкилотлар фаолиятидаги фаол иштироки унинг жаҳон хўжалигига янада кенгроқ интеграциялашувини таъминлайди.

Ўзбекистоннинг трансконтинентал даражада амалга оширилувчи интеграцион вазифаси – бу халқаро трансосиё Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ЭКО) доирасидаги ўзаро алоқаларни янада кучайтиришдан иборат. Бу ташкилот 1992 йилда ташкил этилган бўлиб, ўз ичига Осиё

⁶⁴ Қаралсин: Узбекистан: десять лет по пути формирования рыночной экономики / Под ред. А.Х.Хикматова. – Т.: Ўзбекистон, 2001, 292-б.

қитъасининг 10 та давлати (Туркия, Эрон, Покистон, Афғонистон, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Озарбайжон)ни олади. Унинг асосий мақсади – хўжаликнинг транспорт, коммуникациялар, саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо, туризм, ишчи кучи ресурсларини ривожлантириш каби соҳаларида минтақавий ва халқаро иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйишдан иборат.

Ўзбекистон минтақалараро даражада янги мустақил давлатлар – МДХ мамлакатлари билан интеграцияга киришади. Ўзбекистон биринчилар қаторида МДХни ташкил этиш ғоясини қўллаб-қувватлади, унинг ташкилотчилари таркибига кирди, интеграцион ва кооперацион алоқаларини мустаҳкамлаш ҳамда унинг Халқаро иқтисодий қўмита (МЭК), Давлатлараро банк (МГБ), МДХ Статистика қўмитаси каби институционал тузилмаларини шакллантиришда фаол иштирок этмоқда.

Ўз ўрнида таъкидлаш лозимки, кейинги пайтларда МДХ ўзининг ташкил топиши чоғидаги дастлабки мақсади – яъни, мавжуд хўжалик алоқалари ва имкониятлардан фойдаланишда ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйиш ва шу асосда иқтисодий ривожланишни таъминлаш мақсади ҳамда ундан келиб чиқувчи вазифаларга мос келмай қолди. Бу ташкилот фаолият йўналишида кўпроқ сиёсий масалалар, “интеграцион алоқаларни кучайтириш” шиори остида кучли мамлакатларнинг нисбатан кучсиз мамлакатлар ички ишларига аралашуви, улар манфаатларининг сиқиб қўйилиши, иқтисодий ва сиёсий тазйик ўтказиш ҳолатлари устунлик қила бошлади.

Ўзбекистоннинг минтақавий даражадаги интеграцияси – бу умумий тарихга, ягона маданий анъаналарга, ўхшаш турмуш тарзи ва менталитетга эга бўлган қардош халқларни бирлаштирувчи Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдан иборат. Бундай интеграцион алоқанинг аниқ шакли сифатида 1992 йилнинг январь ойида ташкил этилган Марказий Осиё минтақавий ҳамкорлиги (ЦАРС) ташкил этилди.

Яна бир истиқболли, кучли салоҳиятга эга бўлган минтақавий бирлашмалардан бири – Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШОС)дир. Бу ташкилот 2001 йилнинг 15 июнида олтига – Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Россия ва Хитой мамлакатлари ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти мамлакатлари билан иқтисодий интеграциясининг кучайиши кўп жиҳатдан мазкур мамлакатларнинг миллий манфаатдорлиги билан белгиланади. Энг аввало, Ўзбекистон рақобат жиҳатидан нисбатан устунликка эга бўлган ишлаб чиқариш соҳалари товарлари – пахта хомашёси, машинасозлик, кимё саноати, қурилиш материаллари саноати, электр энергетикаси товарларининг савдосини кенгайтириши мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, телекоммуникациялар, сув ва энергия ресурсларидан фойдаланиш, халқаро туризм, ҳамкорликдаги экологик лойиҳаларни амалга ошириш борасида интеграция алоқаларини кучайтириш лозим.

Маҳаллий даражадаги интеграцион вазифаси – микродаражадаги иқтисодий алоқаларни кучайтириш, яъни бозор субъектлари (мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар, фирмалар, банклар ва ҳ.к.) ўртасидаги горизонтал алоқаларни ривожлантиришдан иборат.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш талабларидан келиб чиқиб, ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиши зарур бўлган барча муассасалар (ташқи иқтисодий алоқа вазирлиги, ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, божхоналар хизмати ва бошқалар) амалда янгидан ташкил этилди. Вазирлар Маҳкамасидан тортиб, бошқарувнинг маҳаллий даражаси ва корхоналаргача бўлган хўжалик субъектларида тегишли ташқи иқтисодий бўлимлар тузилди. Дунёнинг бир қанча мамлакатларида савдо уйлари очилди ва савдо-саноат палаталари барпо этилди.

Халқаро иқтисодий интеграция жаҳон хўжалиги ривожининг тарихий жиҳатдан узоқ давр давом этган натижаси ҳисобланса-да, ҳозирги кунда ҳам мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув жараёнида ҳал

этилмаган кўпдан-кўп муаммолар мавжудки, республикамиз учун бу ташқи иқтисодий ва валюта сиёсатини янада эркинлаштиришдан иборат.

Дастлабки даврларда республикамизда ташқи савдо икки йўналиш бўйича: МДХ мамлакатлари билан ҳукуматлараро битимлар ва хорижий мамлакатлар билан эркин муомаладаги валютада ҳисоб-китоб қилиш асосида амалга оширилди.

Ташқи иқтисодий фаолиятда Марказий Осиё давлатларининг кўп томонлама алоқалари ва ҳамкорлигини ривожлантиришга биринчи даражали аҳамият берилмоқда. Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасидаги ягона иқтисодий макон тўғрисида тузилган шартнома самара бера бошлади. Уларнинг саноатини интеграциялаштиришга қаратилган дастур ишлаб чиқилди.

МДХ мамлакатлари билан бевосита ва кўп томонлама муносабатларни ривожлантириш ташқи сиёсатнинг асосий йўналишларидан биридир. Ўзбекистон Ҳамдўстлик давлатлари муассасалари – Давлатлараро иқтисодий қўмита, Давлатлараро банк ва бошқа муассасаларни ташкил этишда фаол қатнашмоқда. МДХ мамлакатлари (Россия, Украина, Белорусь, Молдова ва бошқалар) билан икки томонлама ташқи сиёсий, савдо-иқтисодий ва бошқа шартнома ҳамда битимлар имзоланиб, улар кучга кирди.

Республика ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантиришда иқтисодиётга хорижий сармояларни жалб этиш учун қулай шароит яратишга, ҳамда зарур бўлган ташкилот ва муассасалар тузишга катта аҳамият берилмоқда. Булар жумласига таваккалчилик хатарларидан келадиган зарарни қоплайдиган «Ўзбекинвест» миллий суғурта компаниясини, турли қўшма суғурта компанияларини, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида БМТ билан биргаликда ташкил қилинган инвестицияларга кўмаклашувчи хизматни, Давлат мулк қўмитаси ҳузуридаги кўчмас мулк ва хорижий инвестициялар агентлиги кабиларни киритиш мумкин. Бу муассаса ва ташкилотлар ҳамда республикада вужудга келтирилган ҳуқуқий меъёрлар хорижий инвестиция

фаолияти учун қулай шароитларни яратиб, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади ва сарфланган сармоясини кафолатлайди.

Европа Иттифоқига аъзо бўлган мамлакатлар билан иқтисодий ва савдо соҳасидаги ҳамкорлик, НАТОнинг «Тинчлик йўлидаги шериклик» дастурида мамлакатимиз иштироки унинг жаҳон хўжалигига қўшилишнинг навбатдаги йўналишидир. Жумладан, Европа Иттифоқи билан Республикамиз ўртасида имзоланган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим (1996 йил июнь) ташқи иқтисодий фаолиятининг устувор йўналишидир.

Ўзбекистоннинг Халқаро валюта фонди ва жаҳон банки билан ҳамкорлиги ташқи иқтисодий фаолиятини амалга оширишдаги навбатдаги йўналишидир. Бу йўналишда ХВФ билан тизимли қайта қурилишларни маблағ билан таъминлаш, тизимли ва макроиқтисодий сиёсат соҳасидаги тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш дастурлари маъқулланди.

Жаҳон банк ташкилотлари – Халқаро таъмирлаш ва ривожланиш банки (ХТРБ), Халқаро ривожланиш уюшмаси (ХРУ), Халқаро молия корпорацияси (ХМК) ва Инвестицияларни кафолатлаш халқаро агентлиги (ИКХА) билан ҳамкорлик Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий стратегиясини амалга оширишда муҳим роль ўйнайди. Хусусан, ХРРБ йўли билан Ўзбекистонга пахта етиштириш усулларини замонавийлаштириб, унинг жаҳон бозорига чиқишига қўмаклашиш ва унумдорлигини ошириш учун асос яратиш, институционал ислохотларни давом эттириш учун жуда катта миқдорда маблағ ажратилди. Халқаро молия корпорацияси (ХМК) ҳам Ўзбекистонда бир қатор лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этмоқда.

Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолиятини амалга оширишда Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) алоҳида роль ўйнайди. Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий ва савдо фаолиятида Осиё ривожланиши Банки (ОРБ) ҳамда жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) билан ҳамкорлиги истиқболли йўналишлардан ҳисобланади.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашувидаги муҳим йўналишлардан бири – Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти доирасидаги фаолияти ҳисобланади.

Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти 2000 йилнинг октябрь ойида Россия, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлатлари томонидан ташкил этилган эди. «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотининг 2005 йилнинг 6-7 октябрида Санкт-Петербургда ўтказилган Саммитида бу иккала ташкилотни бирлаштириш тўғрисида шартнома имзоланди. 2006 йил 24 январда Ўзбекистон ҳам Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти ташкилотининг тенг ҳуқуқли қатнашчиси сифатида аъзо бўлди.

Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятининг стратегик мақсадлари бу ташкилотга аъзо мамлакатлар ўртасида интеграцион алоқаларни ривожлантиришга йўналтирилган. Бу мураккаб вазифа дастлаб Эркин савдо ҳудудларини, кейинчалик эса Божхона иттифоқини ташкил этиш орқали амалга оширилади. Пировардида бу мамлакатлар ўртасида ягона умумий бозорни шакллантириш кўзда тутилмоқда. Бу борада ҳозирда учинчи мамлакатлардан импорт қилинувчи маҳсулотларга божхона тарифларини бирхиллаштириш жараёни фаол олиб борилмоқда. Хусусан, ўтган йил якунлари тарифларнинг 60 фоизнинг бирхиллаштириб бўлинганлигини, яқин орада бу кўрсаткични 75 фоизга етказиш (бу товарларнинг 12минг турини ташкил этади) мўлжалланаётганлигини аниқлатади.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилишида дунё мамлакатлари, халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорлик ҳал қилувчи ўринга эга бўлиб, бу миллий иқтисодиётнинг байналминаллашувини кучайтиради ҳамда иқтисодий тараққиётини юқори босқичга кўтаришнинг асосий ташқи омиллари ҳисобланади.

Қисқача хулоса

1. Халқаро иқтисодий интеграция мамлакатларнинг чуқур, барқарор ўзаро иқтисодий алоқаларининг ривожланиши, миллий хўжаликлар ўртасидаги меҳнат тақсимоти асосида улар хўжалик ва сиёсий алоқаларининг

бирлашиш жараёнларидир. Халқаро иқтисодий интеграциянинг асосий шакллари сифатида эркин савдо ҳудудлари, божхона Иттифоқи, тўлов Иттифоқи, умумий бозор, иқтисодий ва валюта Иттифоқини кўрсатиш мумкин.

2. Халқаро иқтисодий интеграция жараёнини объектив тавсифдаги бир қатор омиллар тақозо қиладики, уларнинг ичида хўжалик алоқаларининг байналминаллашуви ва глобаллашуви; халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви; умумжаҳон фан-техника революцияси; миллий иқтисодиёт очиклигининг кучайиши каби асосий ўринни эгаллайди.

3. Турли мамлакатлардаги интеграциянинг турли элементлари бир хилда ривожланмайди. Шунга кўра, интеграциянинг қатъий (бир томонлама нафли) интеграция, тасодифий интеграция, мослашувчан (икки томонлама нафли) интеграция каби турлари фарқланади.

4. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатини амалга оширишнинг асосий тамойиллари тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорлик негизида қурилиб, унинг қоидалари икки томонлама ва кўп томонлама шартнома муносабатларида ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатиш, халқаро иқтисодий Иттифоқлар доирасидаги ҳамкорликни чуқурлаштиришга асосланди.

Асосий таянч тушунчалар

Халқаро иқтисодий интеграция - жаҳон мамлакатлари ўзаро иқтисодий алоқаларининг чуқурлаштириш ва барқарор ривожланиши ҳамда миллий хўжаликлар ўртасидаги меҳнат тақсимоти асосида улар хўжалик алоқаларининг бирлашиш жараёни.

Эркин савдо ҳудудлари - иқтисодий интеграциянинг энг оддий шакли бўлиб, унинг доирасида савдо чеклашлари бекор қилинади.

Божхона Иттифоқи – мазкур Иттифоққа кирувчи мамлакатлар божхона фаолиятини ташкил этишда ягона ташқи савдо тарифлари ўрнатиш ва учинчи мамлакатга нисбатан ягона ташқи савдо сиёсати юритишга асосланган уюшма.

Тўлов Иттифоқи - миллий валюталарнинг ўзаро алмашинуви ва ҳисоб-китобда ягона пул бирлигининг амал қилиши.

Умумий бозор - бунда унинг қатнашчилари ўзаро эркин савдони амалга ошириш ва ягона ташқи савдо сиёсати ўтказиш билан бирга капитал ва ишчи кучининг эркин ҳаракати таъминланади.

Қатъий (бир томонлама нафли) интеграция – интеграция жараёнларидан баъзилари наф кўрувчи, бошқа бирлари донор мамлакатлар ҳисобланадиган интеграциянинг ташқи тавсиф ҳолатлари билан шартланган тури.

Мослашувчан (икки томонлама нафли) интеграция - ҳар бир мамлакат бир вақтнинг ўзида ҳам донор, ҳам наф кўрувчи ҳисобланадиган интеграция тури.

Такрорлаш учун саволлар

1. Халқаро иқтисодий интеграция нима ва унинг қандай шакллари мавжуд?

2. Нима учун интеграциялашув жараёни жаҳоннинг алоҳида минтақалари барқарорлашувининг омили ҳисобланади?

3. Интеграциянинг қандай турларини биласиз? Ҳар бирига мисоллар келтиринг.

4. Интеграцион жараёнларнинг миллий иқтисодиёт учун салбий таъсир кўрсатувчи жиҳатлари ҳам бўлиши мумкинми? Фикрингизни кенгрок ифодалаб беринг.

5. Халқаро иқтисодий муносабатларни ифодаловчи яна қандай назарияларни биласиз? Бу назарияларнинг афзал ва камчилик томонларини таққосланг.

6. Ўзбекистонда ташқи иқтисодий алоқаларнинг устувор йўналишларини кўрсатинг.

7. Мамлакатимизнинг кейинги йиллардаги ташқи иқтисодий фаолиятига баҳо беринг.

8. Ўтиш даври иқтисодиётида хорижий инвестициялардан самарали фойдаланиш йўналишлари қандай?

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://xs.uz/index.php/homepage/rasmij/item/12611>

2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. // Халқ сўзи. 16.01.2017 й.

3. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. http://strategy.gov.uz/uz/pages/action_strategy

4. Сафарова З.Г. и др. Теория переходной экономики (тексты лекций). – Т.: ТГЭУ, 2004.

5. Теоретические проблемы переходной экономики: Учеб.-метод. пособие / Под ред. В.В.Радаева. – М.: Экономический факультет МГУ, ТЕИС, 2003, с.343-366.

6. Shodmonov Sh.Sh., G'afurov U.V. Iqtisodiyot nazariyasi (darslik). - Т.: Fan va texnologiya, 2005, 706-729-b.

12-боб. ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМЛАР ТРАНСФОРМАЦИЯСИНING ЯКУНЛАНИШИ МЕЗОНЛАРИ

Трансформация даври бир барқарор ижтимоий-иқтисодий тизимдан бошқа бирига ўтиш ҳолатини камраб олувчи, бу ҳолатларнинг ўзгариши ва янги сифат ҳолатига айланиши учун зарур бўлган маълум тарихий муддатни ифодаловчи оралиқ даврдир. Трансформациялашув даврининг бошланиши бўлганидек, унинг яқунланиши ҳам муқаррардир. Бирок, бу яқунланиш ҳам ўзига хослик, алоҳидалик тавсифларига эга бўлиб, уни белгилаш учун махсус мезонлардан фойдаланиш мумкин. Бу борада энг умумий ва асосий мезон – сифат жиҳатдан янги ижтимоий-иқтисодий тизимнинг яратилиши ҳисобланади. Мазкур жараённинг мазмун-моҳиятини тушуниш эса ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг моҳияти ва жиҳатлари, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг шаклланиши асосларини, шунингдек, ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига ўтиш ва унинг яқунланиши хусусиятларини кўриб чиқишни тақозо этади.

12.1. Ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг моҳияти ва жиҳатлари

Олдинги боблардан маълум бўлдики, бозор иқтисодиёти умумбашарий ҳодиса бўлиб, объектив ривожланиш хусусиятига эга. Бундай шароитда ўз йўлини ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш моделини танлаш жуда муҳим аҳамиятга эга.

Бозор иқтисодиёти фақат мулкчиликнинг хилма-хиллиги шароитида вужудга келиши ва ривожланиши мумкинлиги сабабли, мамлакатимизнинг собиқ Иттифоқ таркибида бўлган даврида нафақат унинг вужудга келиши, балки умуман белгиларининг намоён бўлиши тўғрисида сўз юритиш мумкин эмас эди.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгандан кейин республика ва унинг халқи манфаатларига мувофиқ келадиган мустақил ижтимоий-

иқтисодий сиёсатни ўтказиш имконияти туғилди. Ўз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий тараққиёт йўлини танлаб олиш республиканинг қатъий позициясидир. “Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, сохта инқилобий сакрашларсиз, фожиаи оқибатларсиз ва кучли ижтимоий ларзаларсиз, эволюцион йўл билан нормал, маданиятли тараққиётга ўтиш – танлаб олинган йўлнинг асосий мазмуни ва моҳиятидир”¹.

Стратегияни танлаш бутун ислоҳ қилиш жараёнининг бошланғич нуқтасидир. Умумий стратегия бўлмаса, пировард мақсадни кўра билмай туриб, иқтисодий ислоҳотнинг таъсирчан чораларини белгилаб бўлмайди. Ижтимоий-иқтисодий ўзгартиришларнинг пировард мақсадини аниқ белгилаб олиш ислоҳ қилишнинг замонавий стратегиясининг бошланғич нуқтасидир. Бу марказлаштирилган тартибда режалаштириш ва бошқарувнинг маъмурий-бўйруқбозлик услубидан бозор иқтисодиётига ўтиш, боз устига, мавжуд хўжалик юритиш усулини янгилаш ёки такомиллаштириш эмас, балки тамоман янгича хўжалик юритиш тизимини жорий этиш, бир сифат ҳолатидан иккинчисига ўтишдир.

Шу ўтиш босқичига ўтиш даври иқтисодиёти ҳам мос келади. Бу ерда такрор ишлаб чиқариш жараёни ўтиш даври иқтисодиёти амал қилишининг ўзига хос қонуниятлари: 1) такрор ишлаб чиқаришнинг инерционлиги ва 2) янги муносабатлар шаклларининг устувор тарзда интенсификацияси ривожланишига мувофиқ рўй беради. Такрор ишлаб чиқаришнинг инерционлиги такрор ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлиги билан боғлиқ. Маълумки, ушбу жараён эскини батамом қўпориб ташлаш ва унинг ўрнида янгини барпо этиш принципига кўра ривожланишни истисно этади. Бу узлуксизлик мавжуд шаклларни бошқа шаклларга тез ўзгартириб бўлмаслигини ҳам белгилайди (фалаж қилиб даволаш). Бундай ҳаракатлар муқаррар тарзда ишлаб чиқариш жараёнида тартибсизликни келтириб чиқаради, уни деформация қилади, ишлаб чиқаришнинг пасайишига олиб келади. Шу маънода такрор ишлаб

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т.1. – Т.: Ўзбекистон, 1996, 300-б.

чиқаришнинг инерционлиги ўтиш даври иқтисодиётида эски иқтисодий шакллар анча узоқ муддатга сақланиб қолишини назарда тутади. Бу аввало ўзгартириш анча узоқ вақт талаб қиладиган ишлаб чиқариш тузилмасининг муайян вақт мобайнида сақланиб қолишида намоён бўлади. Жамиятнинг шаклланган ижтимоий-иқтисодий тузилмаси, мавжуд институтлар, тармоқлараро, тармоқлар доирасидаги алоқалар, хўжалик механизмлари ва ҳ.к.нинг фаолияти тез ўзгариши мумкин эмас.

Такрор ишлаб чиқариш жараёнининг инерционлиги бир қанча оқибатларга олиб келади. Биринчидан, у ўтиш даври иқтисодиётининг олдинги ҳолат билан изчил боғлиқлигини белгилайди. Иккинчидан, инерционлик илгари шаклланган менталитетнинг сақланиб қолишини кучайтиради. Такрор ишлаб чиқариш жараёнининг инерционлигини эътиборга олмаслик волюнтаризмнинг ёрқин ифодасидир. Учинчидан, янги шакллар пировард натижада умри тугаган эски шаклларни сиқиб чиқариши ва ўз ҳукмронлигини ўрнатиши лозим.

12.2. Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг шаклланиши

Янги ижтимоий-иқтисодий тизим модели стратегиясининг биринчи тамойили – кучли демократик ҳуқуқий давлатдир. У ҳозирги сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий муносабатларни акс эттирувчи, ёш давлатга демократик хусусият бахш этувчи янги қонунлар қабул қилишни назарда тутади. Шунинг учун ислохотларнинг биринчи босқичида ўз ҳуқуқий базасини яратишга алоҳида эътибор берилади.

Демократик давлатнинг умумэътироф этилган тамойилларига қуйидагилар киради:

- сўз эркинлиги;
- озчиликнинг кўпчиликка бўйсунishi;
- барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги;

- барча жамият аъзоларининг давлатни бошқаришда иштирок этишдаги тенг ҳуқуқлилиги;

- мамлакат президенти, давлатнинг асосий органлари халқ томонидан сайланиши, уларнинг сайловчилар олдида ҳисобот бериши;

- тайинлаш йўли билан шакллантириладиган давлат органларининг сайлаб қўйиладиган органлар олдида ҳисобот бериши.

Шарқда демократик жараёнларнинг қадимдан шаклланган ўзига хос хусусиятлари бор. Буни асло назардан кочириб бўлмайди. Яъни Шарқда демократик жараёнлар узвий равишда ва аста-секин тараққий топади. Бу соҳада инқилобий ўзгаришлар яшашга уринишлар ғоят нохуш, ҳатто фожиали натижаларга олиб келади. Инқилобни ғарб олимлари ҳам “ижтимоий тараққиётнинг ибтидоий ва ёввойи шакли” деб атаганлар. Табиийки, бундай йўл бизга асло тўғри келмайди. Албатта, ислоҳотлар – янгича тафаккур, янгича изланишлар меваси. Бироқ ҳар қандай ислоҳот ҳам аввало инсон манфаатига, унинг ҳаёт синовидан ўтган тажрибаларига ва янги жамиятнинг эҳтиёжларига асосланиши лозим. Жамиятни демократлаштиришнинг иккинчи муҳим шarti одамларнинг тафаккури ва ижтимоий савияси билан демократик ўзгаришлар даражаси ва суръатлари бир-бирига қанчалик мутаносиб бўлишига боғлиқдир. Демократик ўзгаришларнинг зарурлигини авваламбор жамиятнинг ўзи англамоғи даркор. Учинчидан, демократик жараёнлар халқимиз миллий маданиятининг ўзига хос жиҳатларини, унинг табиатини ўзида мужассам этмоғи керак. Маълумки, Ғарб намунаси кўп ҳолларда индивидуализм фалсафасига таянади ва оммани ҳаддан ташқари сиёсийлаштиришга олиб келади. Шарқда демократия тушунчаси ҳамжиҳатлик ғояси, жамоатчилик фикрининг устуворлиги заминада шаклланади.

Асосий вазифа одамлар ўз қобилият ва эҳтиёжларини тўла намоён қилишлари ва амалга оширишлари учун зарур бўлган дастлабки тенг имкониятларни, шу жараёни вужудга келтирадиган ҳуқуқий механизмини яратиб беришдан иборат. Шундан кейин инсоннинг жамиятдаги ўрни унинг

салоҳиятига, меҳнат қилиш истагига, оқилу уддабуронлигига боғлиқ бўлади. Халқ ҳокимиятга ҳам бевосита, ҳам ўз вакиллари орқали эга бўлиши лозим.

Ҳуқуқий давлат фуқароларнинг қонун олдида юридик тенглигини кафолатлайди. Ҳуқуқий давлатда қонунийлик, ҳуқуқий тартибот, шахс ҳуқуқ ва эркинликлари, каттиқ интизом, ички ўз-ўзини идора этиш ва масъулият, қонунлар ва анъаналарнинг устунлиги тантана қилади.

Жамиятнинг демократиялашганлик даражаси қуйидаги уч мезон билан белгиланади:

- аҳолининг қарорлар қабул қилиш жараёнлари тўғрисида хабардорлиги даражаси;

- ҳукумат қарорларининг назорат қилиниши ва қонунларга мувофиқ келиши даражаси;

- оддий фуқароларнинг давлатни бошқаришда иштирок этиши даражаси.

Фуқаролик жамияти барпо этиш янги ижтимоий йўналтирилган иқтисодий тизимни вужудга келтириш стратегияси пировард мақсадининг таркибий қисмидир. Фақат фуқаролик жамияти шароитида миллат чинакам равақ топишига эришиш мумкин. Маориф ва маънавият соҳасида муттасил иш олиб бориш, шахснинг камол топишига ғамхўрлик қилиш фуқаролик жамияти асосларини яратишнинг муҳим таркибий қисмидир.

Миллий давлатчиликни барпо этиш ҳокимиятнинг қуйидаги тўрт тармоққа бўлиниши асосида амалга оширилади:

1. Қонунчилик.
2. Ижро.
3. Суд.
4. Матбуот (оммавий ахборот воситалари).

Ўзбекистон Республикасида ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи органи Олий Мажлис ҳисобланади. Биринчи чақириқ (бир палатали) Олий Мажлиснинг биринчи сессияси 1995 йил 23 февралда бўлиб ўтган бўлса, иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг саккизинчи сессиясида у, умумхалқ

референдуми натижаларига кўра, икки палатали, яъни Қонунчилик палатаси ва Сенатдан иборат, деб эълон қилинди.

Ижро этувчи ҳокимиятнинг аҳамияти шунда намоён бўладики, кучли ижро этувчи ҳокимиятсиз ҳатто энг демократик йўл билан қабул қилинган қарорлар ҳам бажарилмай қолиши мумкин. Шу боисдан қонун ҳужжатлари амалга оширилиши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилиниши, сиёсий ва иқтисодий ислохотлар амалга оширилишини таъминловчи Президент ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш зарур.

Вилоятлар, туман ва шаҳарларда ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари ҳисобланади.

Вакиллик ва ижроия ҳокимиятини тегишлилигига қараб вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари бошқаради. Вилоят ҳокимлари ва Тошкент шаҳри ҳокими Президент томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади. Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари ўз ваколатларини яқкабошчилик асосларида амалга оширадилар ва ўзлари раҳбарлик қиладиган органларнинг қарорлари ва фаолияти учун шахсан жавобгардирлар.

Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўз-ўзини бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди. Жамият ҳаётида нодавлат ва жамоатчилик институтлари ўрни ва аҳамиятининг ошиши фуқаролик жамияти шаклланишининг муҳим шартидир. Бу “кучли давлатдан – кучли жамият сари” тамойилининг амалдаги ифодасидир. Унинг моҳияти давлат тузилмалари ролининг аста-секин ва босқичма-босқич камайиб бориши ҳамда уларнинг функцияларини жамоат ташкилотларига беришдан иборат.

Янги ижтимоий-иқтисодий тизимга ўтиш яқунланиши билан давлат ҳокимияти органлари фақат энг муҳим ижтимоий функциялар: мудофаа, давлат хавфсизлиги, ташқи сиёсат, валюта, молия ва солиқ тизимини шакллантириш, қонунлар қабул қилиш вазифаларини амалга оширади.

Демократик, одил фуқаролик жамияти қуриш – бизнинг стратегиямиз, миллий ривожланиш умумий концепциямиз.

Суд тизими – ҳокимиятнинг учинчи тармоғи ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади. Ўзбекистон Республикасида суд тизими Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси ҳўжалик судидан, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари, ҳарбий ва ҳўжалик судларидан иборат.

Конституциявий суднинг раиси ва аъзолари депутат бўла олмайдилар. Улар сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзоси бўлишлари ва бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллашлари мумкин эмас. Конституциявий суд судьялари дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ҳужжатларининг конституциявийлиги тўғрисидаги ишларни кўрадилар. Конституциявий суднинг қарори қатъий ва улар устидан шикоят қилиш мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик, жиноий ва маъмурий суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади.

Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсундилар. Бу соҳадаги энг муҳим вазифа суд-ҳуқуқ идораларининг мустақиллиги ва таъсирчан фаолиятини сўзда эмас, амалда таъминлаши зарур. Судлар том маънода мустақил бўлган ҳолдагина қонунларнинг қатъий ижроси, уларнинг ҳақиқий устуворлиги сўзсиз таъминланади. Қаерда суд мустақил бўлмас экан, шу ерда қонун талаблари ва адолат бузилиши муқаррар. Қонун устуворлигини, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминламасдан туриб

фуқаролик жамиятини қуриш ҳақида сўз юритишга ҳеч қандай асос қолмайди.

Ўзбекистонда давлат қурилиши ва иқтисодий ислоҳ қилиш дастурининг беш асосий тамойилидан бири бу қонуннинг устунлигидир. Бунинг маъноси шуки, демократик йўл билан қабул этилган янги конституция ва қонунларни истисносиз ҳамма фуқаролар ҳурмат қилишга ва уларга риоя этишга мажбурдирлар. Фақат шу йўл билан маърифатли жамиятга келиш ва унинг учун зарур шарт-шароитлар яратиш мумкин.

Айни вақтда, қабул қилинган қонунларнинг кўпчилиги шаклан жаҳон андозаларига мос бўлса-да, ханузгача тегишли қонуности ҳужжатлари билан мустаҳкамланмаган. Қабул қилинган меъёрлар ва қафолатларни амалга оширишнинг аниқ механизми ишлаб чиқилмаган. Жаҳонда инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳукуматнинг ўз фуқаролари олдида жавобгарлигини белгилловчи етмишта стандарт қабул қилинган. Ўзбекистон ҳозирча уларнинг ўн бештасига қўшилди.

Инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши устидан назорат олиб борилишини таъминловчи институционал тузилмаларни ташкил этиш ҳам муҳим вазифадир. Жамоатчилик фикри институти, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ташкил этиш зарур, яъни инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини назорат ва идора қилишнинг самарали механизмларини яратиш лозим.

Одамларнинг олдинги психологиясини ўзгартириш ва ҳар бир одам эркинлик ҳам мажбурият, ҳам жавобгарлик эканлигини англайдиган янги ҳуқуқий онгни шакллантириш зарур.

Фуқаролик жамияти ҳокимиятининг тўртинчи тармоғи – матбуот, оммавий ахборот воситалари.

Ахборот соҳасининг жадал суръатларда ривожланиши, оммавий ахборот воситалари (матбуот, телевидение, радио)ни эркинлаштириш фуқаролик жамияти асосларининг шаклланиши жараёнларининг муҳим таркибий қисмини ташкил этиши лозим. Оммавий ахборот воситалари

тўртинчи ҳокимиятга айланиши лозим. Ҳақиқий демократик матбуот кўрсатма асосида яшай олмайди ва яшаши ҳам мумкин эмас.

Шуни айтиш зарурки, бугунги кунда мамлакатимизда ўз касбининг ҳақиқий устаси бўлган, юртимиздаги ва чет эллардаги ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг мураккаб масалалари ва ҳақиқий ҳолатини чуқур тушуниш, таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлган малакали журналистларга катта эҳтиёж сезилмоқда.

Жамиятда ошкоралик ва очиқликни таъминлаш масаласи жамоатчилик фикрини ўрганиш усул-услубларининг қай даражада ривожлангани билан ҳам бевосита боғлиқдир. Таъбир жоиз бўлса, жамоатчилик фикри - фуқаролик жамиятининг ҳолатини ўзида аниқ акс эттирадиган бамисоли бир кўзгу. Бу масалаларни ечишда мавжуд сиёсий партия ва ҳаракатлар ўз фаолиятини жонлантириши, тараққий топган демократик давлатлар тажрибаси асосида юртимизда ҳақиқий кўппартиявийлик, демократик парламентаризм тизими, ижобий сиёсий рақобат муҳитини қарор топтиришга ва жамиятимиз сиёсий майдонида тан олинган оппозиция пайдо бўлишига ҳисса қўшиши лозим.

12.3. Ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига ўтиш ва унинг яқунланиши

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига ўтиши концепциясининг асосий тамойиллари ва ўтиш даврини яқунлаш мезонлари яхлит моделда баён этилган бўлиб, унда стратегия, стратегиянинг пировард мақсади ва асосий тамойиллари белгилаб қўйилган. Ўзбекистонда давлат қурилиши ва иқтисодиётни ислоҳ қилиш дастури модель кўринишида ифодаланган. Бу модель уч таркибий қисмдан иборат: биринчиси, бу – ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти миллий моделининг моҳияти ва тавсифи; иккинчиси, бу – марказлаштирилган маъмурий-буйруқбозлик тизимидан хўжалик юритишнинг бозор механизмига ўтишнинг асосий тамойиллари; учинчиси,

бу – иқтисодий ислохотларни ўтказиш, инқирозга барҳам бериш, барқарорликни ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашнинг аниқ йўналишлари.

Тартибга солинадиган маданий бозор иқтисодиётига ўтиш аралаш кўп укладли иқтисодиётнинг барча мулк шакллари плюрализмига асосланади.

Аралаш иқтисодиётнинг моҳияти жамият иқтисодий ҳаётини қуриш ва тартибга солишнинг хусусий ва умумдавлат манфаатларидан иборат иккита ҳар хил принципларининг - эркин бозор ва рақобат билан давлатнинг ижтимоий-иқтисодий фаолиятининг айна бир вақтда мавжуд бўлишидан ва уларнинг ўзаро таъсиридан иборатдир.

Бозор муносабатлари кўп укладли иқтисодиётга, мулкчилик шакллариининг хилма-хиллигига асосланиши лозим. Шунда бозор қонунларга қатъий риоя қилган ҳолда фаолият кўрсатади. Мулкчилик шакллари хилма-хиллигининг шаклланиши фуқаролик жамиятининг етакчи синфи ва таянчи ҳисобланган ўрта мулкдорлар синфининг шаклланиши билан уйғунликда рўй беради. Институционал ўзгаришлар натижасида давлатчиликнинг шаклланиши яқунланади, унинг бир қанча функциялари, юқорида қайд этиб ўтилганидек, жамоат ташкилотларига берилади. Иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришлар рўй беради, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилади, жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашув амалга ошади. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг яқунланиши сифат жиҳатидан янги иқтисодий тизим барпо этилганини англатади. У қуйидаги тузилишга эга бўлади:

1. Кучли демократик ҳуқуқий давлат.
2. Фуқаролик жамияти.
3. Ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиёти.
4. Очиқ ташқи сиёсат.

Ўрта мулкдорлар синфи фуқаролик жамиятининг таянчидир. Бинобарин, у жамиятдаги етакчи синф ҳисобланади. Қонун чиқарувчи

ҳокимиятга сайловда, ижро этувчи ҳокимият таркибини белгилашда айнан шу синф ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А. Каримов иқтисодий тафаккурда янги назарий қонидани таърифлаб берди: “Аҳоли орасида ҳақиқий мулкдорлар ўрта қатламининг кўпчиликини ташкил этиши мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни орқага қайтариш имкониятларини бартараф этишнинг кафолати ҳисобланади”¹. Ўрта мулкдорлар синфи ўз моддий фаровонлигини ўз меҳнати, мулки ва ақл-заковати билан, мулкдорлар ўртасида мурасага асосланган муносабатлар ҳукм сурган, “синфий кураш”га ўрин бўлмаган шароитларда таъминлайди.

Инсон омилининг устуворлиги охир-оқибатда ўтказилаётган барча ислохотларнинг бош йўналиши ва самарадорлигини белгиловчи мезондир.

Қисқача хулоса

1. Трансформациялашув даври иқтисодиётида такрор ишлаб чиқариш жараёни ўтиш иқтисодиёти амал қилиши махсус қонунларининг таъсири асосида юз беради: 1) такрор ишлаб чиқаришнинг инерциялилиги; 2) муносабатлар янги шаклларининг интенсив устун равишда ривожланиши. Ишлаб чиқаришнинг инерциялилиги такрор ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлиги билан боғлиқ, бу эса “асосгача йўқ қилиш”, яъни эскиларнинг ҳаммасини йўқ қилиш ва шу асосда янгисини куриш тамойилига зиддир.

2. Сифатли янги ижтимоий-иқтисодий тизим моделининг мақсадли стратегиясининг биринчи тамойили – кучли демократик ҳуқуқий давлат куришдир. У ёш давлатга демократик тавсиф бахш этадиган, иқтисодий сиёсий соҳаларда янги қонун ва ҳуқуқий асосларнинг ишлаб чиқишини тақозо этади.

3. Жаҳонда қабул қилинган демократик жамият тамойилларига қуйидагилар киради: фикр эркинлиги (ўз фикрига эга бўлиш ва уни эркин

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. 6. – Т.: Ўзбекистон, 1998, 155-б.

баён қила олиш); озчиликнинг кўпчиликка бўйсунishi; фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва давлат бошқарувида тенг ҳуқуққа эга бўлиши; мамлакат Президентининг халқ томонидан сайланиши; давлат органи ходимларининг халқ олдида масъулиятли бўлиши.

4. Жамиятнинг демократлашганлик даражасини қуйидаги 3 та мезон аниқлайди: қарор қабул қилиш жараёнлари ҳақида халқнинг ҳабардорлик даражаси; ҳукумат қарорларининг қонунларга мос келиши ва назорат қилиниши даражаси; оддий фуқароларнинг давлат бошқарувида қатнашиш даражаси.

5. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига ўтиш тамойили ва ўтиш даврининг якуний мезонлар битта моделда бирлашган бўлиб, бу моделда Ўзбекистон Республикасининг давлат қурилиши ва иқтисодиётни ислоҳ қилиш дастурларининг якуний мақсадлари аниқланиб, модель ҳолига келтирилган. Бу модель 3 таркибдан иборат: ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти миллий моделининг моҳияти; маъмурий буйруқбозлик тизимидан хўжаликнинг бозор механизмига ўтиш тамойиллари; ислоҳотларни амалга ошириш, инқирозларнинг олдини олиш, барқарорликни таъминлаш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг аниқ йўналишлари.

Асосий таянч тушунчалар

Демократик ҳуқуқий давлат – жаҳон ҳамжамияти томонидан ишлаб чиқилган ва тан олинган халқчил мезонлар асосида шаклланган давлат; у демократик тамойиллар асосида фаолият юритади.

Ижтимоий йўналтирилган иқтисодиёт – аралаш иқтисодиёт; бозор механизми ва давлатнинг тартиблаш механизмининг самарали бирикмаси тарзида ташкил топади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Ўтиш даврининг якунланиши мезонлари нималарда намоён бўлади?
2. Ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг моҳиятини тушунтиринг.
3. Ўтиш даврининг қандай қонуниятлари мавжуд?

4. Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг барпо этилишининг хусусиятлари қандай?

5. Давлат ҳокимиятининг қандай кўринишлари мавжуд? Уларнинг мазмуни нималардан иборат?

6. «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» деган тамойилнинг мазмунини изоҳлаб беринг.

7. Ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётининг қарор топиши жараёни ва унинг яқунланишини тушунтириб беринг.

8. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг яқунланиши натижасида пайдо бўлган сифат жиҳатидан янги иқтисодий тизимнинг таркибий тузилиши нималардан иборат?

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017 й. -488 б.

2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. // Халқ сўзи. 16.01.2017 й.

3. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // Халқ сўзи. 23.12.2017 й.

4. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. http://strategy.gov.uz/uz/pages/action_strategy

5. Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. - Т.: Ўзбекистон, 1993, 3-5, 10-12, 16-21, 23-39-б.

6. Теоретические проблемы переходной экономики: Учеб.-метод. пособие / Под ред. В.В.Радаева. – М.: Экономический факультет МГУ, ТЕИС, 2003, с.139-156.

7. Shodmonov Sh.Sh., G'afurov U.V. Iqtisodiyot nazariyasi (darslik). - Т.: Fan va texnologiya, 2005, 192-218-б.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва ҳуқуқий-меърий ҳужжатлари

1.1. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари:

1.1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2015 йил. – 40 б.

1.1.2. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат Статистикаси тўғрисида» ги қонуни. 2002 йил 12 декабрь №441-11 // Ўзбекистон Республикаси қонунлар тўплами. – Т.: 2002 йил. №24. 26-31 б.

1.1.3. Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида» ги қонуни. –Т.: 1993 йил. – 56 б.

1.1.4. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» ги қонуни. –Т.: 1996 йил. – 68 б.

1.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари

1.2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4-47-сонли фармони. // “Халқ сўзи”. 2017 йил. 8 февраль

1.2.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПК-3165-сонли қарори. // “Халқ сўзи” 2017 йил, 31 июль

1.2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлигини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони. “Халқ сўзи”. 2002 йил 26 декабрь.

1.2.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори «Халқ сўзи». 2006 йил 17 апрель.

1.2.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш чоралари тўғрисида”ги 2011 йил 7 январдаги №ПП-1464 сонли қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва маърузалари

2.1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т.: Ўзбекистон НМИУ 2017 й. -488 б.

2.2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. // Халқ сўзи. 16.01.2017 й.

2.3. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // Халқ сўзи. 23.12.2017 й.

2.4. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. – Т.: Ўзбекистон, 1995. – 124 б.

2.5. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1995. – 269 б.

2.6. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 212 б.

2.7. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т.: Ўзбекистон, 2000, 1- том. – 222 б.

2.8. Каримов И.А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

2.9. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. 61 б.

2.10. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 56 б.

2.11. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанамиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 59 б.

2.12. Каримов И.А. 2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 36 б.

3. Дарслик ва ўқув кўлланмалар

3.1. Раззоқов А., Тошматов Ш., Ўрмонов Н. Иқтисодий таълимотлар тарихи. - Т.: Молия, 2002.

3.2. Экономическая теория: Учебник. – Изд. испр. и доп. /Под общ. ред. акад. В.И.Видяпина, А.И.Добрынина, Г.П.Журавлевой, Л.С.Тарасевича. – М.: ИНФРА-М, 2005.

3.3. Беккулбеков Ф. Ўтиш даври иқтисодиёти назарияси (ўқув кўлланма). – Т.: Фан ва технология, 2007.

3.4. Сафарова З.Г. и др. Теория переходной экономики (тексты лекций), ТГЭУ, 2004.

3.5. Богач О.Н. Переходный период: анализ и уроки первого десятилетия. – М.: Весь Мир, 2002.

3.6. Проблемы трансформации и перехода к регулируемой рыночной экономике. - М.: ТЕИС, 1999.

3.7. Красникова Е.В. Теория переходной экономики. Учебное пособие. – М., 1998.

3.8. Аганбегян А. Социально-экономическое развитие России. – 3-е изд. – М.: Дело, 2005. -272 с;

3.9. Громов Е. Экономическая роль сферы услуг. - М.: Мировая экономика и международные отношения, 1968. 362 с.

3.10. Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. Пер.с англ. – М.: Гелиос АРВ, 1999. –352с.;

3.11. Лавров Е., Капогузов Е. Экономический рост: теории и проблемы. – Омск: Изд-во ОмГУ, 2006;

3.12. Леонтьев В. Экономические эссе. - М.: Политиздат, 1990. 415 с.

3.13. Студенский В. Доход нации. - М.: Статистика, 1968. 712 с.

3.14. Хансен Э. Экономические циклы и национальный доход. - М.: Иностранная литература, 1959. 256 с.

- 3.15. Хикс ДЖ. Стоимость и капитал. - М.: Прогресс, 1993. 240 с.
- 3.16. Фридман М. Если бы деньги заговорили. Пер. с англ. – М.: Дело, 1999. – 160 с.:
- 3.17. Абулқосимов Х., Беркинов Б. Давлатнинг макроиқтисодий сиёсати. – Т.: Akademiya, 2007. -198 б;
- 3.18. Видяпина В.И., Журавлева Г.П. Общая экономическая теория (политэкономия). Учебник. Под.ред. - М.: Промо-медиа, 1995. 390 с.
- 3.19. Дорбнуш Р., Фишер С. Макроэкономика. Пер. с англ. - М.: МГУ: Инфра, 1997. 450 с.
- 3.20. Макконелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс 14-е издание, учебник. - М.: Инфра, 2002. 540 с.
- 3.21. Ишмухамедов А.Э. ва бошқ. Бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётнинг ривожланиши. – Т.: Ўқитувчи, 1996. -191 б.;

4. Диссертация ва диссертация авторефератлари

- 4.1. Мамбетжанов Қ.Қ. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида миллий ҳисоблар тизимини такомиллаштиришнинг назарий асослари. Иқт. фан. номзод. илм. дар. у-н дисс. Автореферати. Тошкент молия институти. - Т., 2012. 32 б.
- 4.2. Мамбетжанов Қ.Қ. Иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш жараёнида ялпи ички маҳсулотни ҳисоблашнинг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (Doctor of Science) илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси. - Т., 2017 й. 234 б.

5. Статистик маълумотлар

- 5.1. Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2004 год. Статистический сборник. - Т.: Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике, 2005. с.204
- 5.2. Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2008 год. Статистический сборник. - Т.: Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике. 2009. с.196.

5.3. Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2009 год. Статистический сборник. - Т.: Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике, 2010. с. 203.

5.4. Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2015 год. Статистический сборник. - Т.: Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике, 2016. с. 206.

5.5. Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2016 год. Статистический сборник. - Т.: Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике, 2017. с. 198.

5.6. Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011- 2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. - Т.: Ўзбекистон, 2011. 140 б.

6. Internet манбалари

6.1. www.stat.uz

6.2. www.nbu.uz

6.3. www.isbuk.ru

6.4. www.businessvoc.ru

6.5. www.gov.uz

6.6. <http://www.worldbank.org/>

6.7. <http://en.wikipedia.org/>

**АҲМЕДОВ ДУРБЕК ҚУДРАТИЛЛАЕВИЧ,
ЗАҲИДОВ ГАФУРЖАН ЭРКИНОВИЧ,
ХАЖИЕВ БАХТИЁР ДУШАБОЕВИЧ
МАМБЕТЖАНОВ ҚАҲРАМОН ҚУРБАНДУРДИЕВИЧ**

ИҚТИСОДИЙ ТРАНСФОРМАЦИЯ НАЗАРИЯЛАРИ

Олий ўқув юрти талабалари учун ўқув қўлланма